

## МУНДАРИЖА

**A. ТОИРОВ.** Илм-фан ютуқлари — қишлоқ хўжалиги  
хизматида ..... 3

### ПАХТАЧИЛИК

**А.АМАНТУРДИЕВ, К.МИРЗОЁҚУБОВ, Б.НОРОВ,  
К.ХАМДАМОВ** Ғўзанинг элита уруғчилиги лабораторияла-  
рида тола сифатини аниқлашда замонавий инновацион  
технологиядан фойдаланиш ..... 5

**О.ЭРГАШЕВ.** Бир кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичлари  
бўйича ЎзФА-710 навидаги тўрут йиллик таҳлилий  
натижалар ..... 6

**Р.ДЖАМОЛОВ, К.ДЖАМОЛОВ, А.АБИДОВА.** Лаборатория  
шароитида кам тукли уруғлик чигитларнинг униб чиқиш  
кўрсаткичларини аниқлаш ..... 7

**Т.СЕЙТНАЗАРОВА.** Ғўзанинг географик узоқ дурагайлари-  
да маҳсулдорлик компонентларининг ирсийланиши ..... 9

**П.ИБРАГИМОВ, Б.ЭРГАШЕВ, С.ЭРГАШЕВА.** Юқори  
комплекс белгиларга эга бўлган ғўзанинг селекцион  
ашёлари таснифи ..... 10

### ҒАЛЛАЧИЛИК

**Р.СИДДИКОВ, Н.УМИРОВ, У.КАРШИЕВА, Ж.МАВЛОНОВ,  
С.ШЕРБОЕВА.** Кузги буғдой нав ва линияларинирақобат  
нав синовида ўрганиш натижалари ..... 12

**Н.ХУЖАКОВА, К.МАЖИДОВ Р.МАХМУДОВ.** Исследование особенностей качества и физико-химической  
характеристики местных сортов зерна пшеницы ..... 13

**М.ЭРГАШЕВ, Ч.ҚАШҚАБОЕВА.** Турли экиш муддатлари  
ва меъёрларининг шоли навлари дон ҳосилдорлигига  
таъсири ..... 15

**К.ТАДЖИЕВ.** Влияние стимулятора роста гумимакса на  
интенсивность прорастания семян подсолнечника ..... 16

**И.АБИТОВ.** Содержание питательных веществ в почве и  
вынос НРКурожаем сорта "Орзу" в зависимости от норм  
калийных удобрений ..... 17

**О.АМАНОВ, Ш.ДИЛМУРОДОВ, Н.ҚАЮМОВ, Т.МЕЙЛИЕВ.** Суғориладиган майдонлар учун қаттиқ буғдойнинг дон  
сифатида юқори тизимларини танлаш ..... 19

**К.ИСАКОВ, А.УМУРЗАКОВ, Б.ҚЎШМАТОВ.** Лалмикорлиқда  
тритикаленинг истиқболли нав ва тизмалари ..... 21

### МЕВА – САБЗАВОТЧИЛИК

**С. АБДУРАМАНОВА.** Истиқболли гилос пайвандтаглари-  
ни in-vitro ва in-vivo усуулларида кўпайтириш ҳамда озуқа  
муҳитини такомиллаштириш ..... 22

**Ж.ФАЙЗИЕВ, Б.МИРЗАХИДОВ.** Узумнинг ургисиз янги нав  
ва истиқболли дурагайларининг фенологик фазаларининг  
йтиши ..... 24

**С.ШАРИПОВ, И.НАМОЗОВ.** Олманинг интродукция қилинган  
"Фуджи" нави қўчатларининг ўсишига органик ва минерал  
ўғитларнинг таъсири ..... 25

**К.КАТТАЕВ, С.САНАЕВ, Б.ХОЛМИРЗАЕВ, М.ЖУМАЕВ,  
Б.МАМАТОВ.** Кеч гулладиган ўрик навлари мевасининг

сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги ..... 26

**М.ЯКУБОВ, М.ИСРОИЛОВ, Б.ХАЙТОВ.** Иссикхоналарда  
мевали экинларни етиштиришда гилос навларига қараб

чангловчи навларни танлаш ..... 27

**Д.НАЗАРОВА.** Пекан ёнғофининг аҳамияти, биологияси  
ва етиштириш технологияси ..... 29

**Л.ХАЛМИРЗАЕВА.** Влияние органо-минеральных  
удобрений на качество саженцев унаби ..... 30

**Н.МИРОВ.** Қишлоқ хўжалигида нонжийданинг аҳамияти ..... 31

**Д.ЖАНАКОВА.** Турли қорағат навларида ўсув даври  
фазаларининг ўтиши ..... 33

**Д.НОРМУРОДОВ, И.ЭРГАШЕВ, Б.ЭШОНКУЛОВ.** Кartoшканинг кўпайиш коэффициенти ва ҳосилдорлигига  
туганакларни экишлоди кесишнинг таъсири ..... 34

**А.ИБРАГИМОВ, А.АБДУРАХМАНОВ.** Состояние и  
проблемы сева семян лука в Узбекистане ..... 35

**Т.ОСТОНОҚУЛОВ.** Кartoшка ҳосилдорлигига кулнинг  
таъсири ..... 36

### ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

**С.АЛИҚУЛОВ, З.ЗИЯЕВ, А.АМАНОВ.** Занг касалларини  
қўзғатувчи патогенларнинг тарқалишини кузатиш ва  
уларнинг вирулентлик таркибини аниқлаш ..... 38

**Х.ЭГАМОВ, С.РАСУЛОВ, Г.МИРХАМИДОВА,  
Н.МИРХАМИДОВА, У.АБДУМАЛИКОВ.** Ғўза янги тизмал-  
рининг хўжаликка фойдали белгилари, вертициллиёз вилти  
билан касалланиши, сўрувчи ва кемирувчи заараркунанда-  
ларга бардошли эканлигини ўрганиш ..... 40

### ЧОРВАЧИЛИК

**Ш.АКМАЛХАНОВ, Б.ЖУМАДУЛЛАЕВ, А.КОМИЛОВ,  
К.ИМАНКУЛОВА, Н.ГУЛМАТОВА.** Четдан келтирилган  
қорамолларни озиқлантиришнинг маҳсулдорлик ва

пуштдорлик хусусиятларига таъсири ..... 41

**Ш.ҚУРБОНОВА, А.КАХАРОВ.** Турли зот ва зотдорликдаги  
буқачалар гўштининг кимёвий таркиби ..... 42

**А.ЮЛДАШЕВ.** Голштин зотли сигирларнинг этологик  
кўрсаткичлари ..... 44

**Э.ШАПТАКОВ, С.БОЗОРОВ, М.ТУРАНОВ.** Откормочные  
качества и мясо-сальная продуктивность каракульских овец .. 45

**Д.ХОЛМИРЗАЕВ, О.БАЙМАТОВ.** Отларни парваришлаш ..... 47

**У.АҚИЛОВ.** Тут ипак куртининг клон-зотли саноатбоп  
дурагайлари ..... 48

**Ш.УМАРОВ, М.ЖУМАНИЁЗОВ, К.ГИЯСОВА,  
С.ХУДЖАМАТОВ.** Тут ипак қурти зот ва тизимлари пуштдор-  
лик белгиларининг нокулай шароитларга мослашуви ..... 49

**О.ДЖУРАБАЕВ.** Методологические подходы и система пока-  
зателей оценки эффективности в отрасли пчеловодства .. 51

**О.ЭШДАВЛАТОВ.** Ўзбекистонда асалари қишлови ва  
маҳсулдорлик кўрсаткичлари ..... 52

**Б.МИРЗАХОДЖАЕВ, А.МИРЗАХОДЖАЕВ, Д.СОДИКОВ,**  
Конструкция складного коконника и результаты  
экспериментальных исследований ..... 54

**С.НАВРУЗОВ, Ф.ЖУМАЕВА.** Етиштириладиган пиллалар-  
нинг ипакчанлиги ..... 55

**Б.НАСИРИЛЛАЕВ, Ш.АЧИЛОВ, М.ЖУМАНИЁЗОВ,  
М.АБДИҚОДИРОВ.** Тут ипак куртининг янги жинси нишонлан-  
ган зотлари иштирокидаги дурагайларнинг ҳаётчанлиги ..... 57

|  |    |
|--|----|
| <b>Н.АБДИКАЮМОВА, Е.ЛАРЬКИНА.</b> О возможности использования резервной грены пород мировой коллекции тутового шелкопряда на повторных выкормках ..... | 58 |
| <b>У.СУЛТАНОВ, Х.АЛПАНОВ, Ч.ТОШПҮЛАТОВ.</b> Құмли чүл тупроқларыда беда етиштириш технологияси.....  | 60 |
| <b>К.ИСАКОВ, А.УМУРЗАКОВ, Ж.НАҲАЛБОЕВ.</b> Лалмикор майдонларда беданинг касалликларга чидамли, ҳосилдор навлари.....                                  | 62 |

## ИРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

|  |    |
|--|----|
| <b>Ж.АЛИЕВ, М.ШОДМАНОВ.</b> Фосфогипс ва органик ўғитларни құллашнинг тупрөк унумдорлыги ва ғұза ҳосилдорлигига таъсири .....                                  | 63 |
| <b>Б.ХАЛИКОВ, Н.ЁДГОРОВ, Ү.МАҲМУДОВ.</b> Такрорий ерёңғоқ, соя ва мөш экинларини етиштиришнинг тупрөк ҳажм массасига таъсири .....                             | 64 |
| <b>Т.ОРТИКОВ, Ш.НОРМАМАТОВ,</b> Зарафшон воҳаси тупроқларининг гумус ҳолатига табиий омилларнинг таъсири .....   | 66 |
| <b>Ж.ИШЧАНОВ.</b> Анализ и прогноз влияния климатических факторов на мелиоративное состояние земель Хорезмской области .....                                   | 67 |
| <b>С.ХОДЖИБЕКОВ, К.КОМИЛОВ.</b> Режим полива при использовании нестехиометрических интерполимерных комплексов..  | 68 |
| <b>Н.ХАЛМАНОВ.</b> Тупроқнинг экологик мұхити ва микрофлорасына күкат ўғитларнинг таъсири .....  | 70 |
| <b>С.БУРИЕВ.</b> Ангизга экилган маккажүхорининг фотосинтетик потенциал күрсаткичлари.....   | 71 |
| <b>З.ИСМАТУЛЛАЕВ, Ж.ДУСТОВ.</b> Шамол эрозиясига учраган худудларда чигит экиш муддатлари.....   | 73 |
| <b>Р.ҚҰЗИЕВ, Ш.БОБОМУРОДОВ.</b> Сирдарё вилояти тупроқларини ўрганишда геоахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлыги .....                         | 74 |
| <b>Т.УСМОНОВ, С.ҲОШИМОВ,</b><br><b>Ш.АБДУРАХМОНОВА, Ҳ.УСМОНОВ.</b>   |    |
| Сувнинг шимилишини камайтириш учун экран ҳосил қилиш курилмаси ва унинг параметрлари .....   | 75 |
| <b>А.БАБАЖАНОВ, С.РЎЗИБОЕВ, М.АБДУРАҲИМОВА.</b> Ер майдонларидан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш .....  | 77 |
| <b>А.АЗИЗОВ, С.ИСЛАМОВ, Л.ШАРИПОВ.</b> Қанджүхори (сорго)ни қайта ишлаб биоэтанол олишда хомашёни кесиш жараёнининг ўрни .....                                 | 79 |
| <b>А. САНБЕТОВА, О. КИЛИЧОВ,</b> Обеззараживание воды для сельских населенных пунктов с автономным энергоснабжением от возобновляемых источников энергии ..... | 80 |
| <b>А.РУСТАМОВ, Ф.ХАЛИЛОВА, А.САНАКУЛОВ.</b>  |    |
| Фитометрические показатели пожнивного маша в условиях Самаркандской области.....   | 81 |
| <b>Ш.БЕРДИЕВ, С.САЛИМОВ, Р.ҲАЙДАРОВ.</b> Билиб суғорган яхши .....   | 83 |

|  |    |
|--|----|
| <b>У.САДИЕВ, И.БЕГМАТОВ, А.ЭРНАЗАРОВ,</b>  |    |
| <b>Д.МАХМУДОВА.</b> Гидравлическая зависимость для горизонтального и вертикального перемещения фронта зоны опреснения вдоль ирригационного канала..... | 84 |
| <b>Б.КОДИРОВ, С.ХУДАЙКУЛОВ, Б.АБДУЛЛАЕВ.</b>   |    |
| Определение интенсивности питания грунтовых вод, заключенных в слоистой толще пород при неизвестном положении водоупора .....                          | 86 |

## МЕХАНИЗАЦИЯ

|  |    |
|--|----|
| <b>Д.ДЖУРАЕВ, Ф.МАМАТОВ, М.ХАЛИЛОВ, И.ТОИРОВ.</b>  |    |
| Мевали боғлар ва узумзорларда заараркунанда ва касалликларига қарши курашишда PJG'-10 универсал осма пуркағи .....                                       | 88 |
| <b>Б.ТИЛАБОВ.</b> Қышлоқ ҳўжалик машиналари деталларини ейилишга бардошли қатламлар билан ишлаб чиқаришнинг янги инновацион технологияси .....           | 89 |
| <b>Н.ХАЛИҚОВА, А.ШАРИПОВ.</b> Арадаширувчи қурилманинг параметрларини асослаш .....  | 91 |
| <b>Ш.РАЗЗАКОВ.</b> Инновационное прогнозирование эксплуатационной технологичности конструкций отечественных тракторов при техническом обслуживании ..... | 93 |
| <b>Ў.ЖОВЛИЕВ.</b> Юқори босимли гидротехник иншоотларда сув ҳаракатидаги вибрация жараёнлари .....   | 94 |
| <b>Б.ТЎХТАШЕВ, Ч.ТОШПҮЛАТОВ.</b> Ўзбекистонда органик қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш – давр талаби .....  | 96 |

## ИҚТИСОДИЁТ

|   |     |
|---|-----|
| <b>А.МАКСУМХАНОВА.</b> Қишлоқ меҳнат бозорини ривожлантириш масалалари .....  | 98  |
| <b>Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ, Б.ТУРСУНОВ, Д.ХУДОЙНАЗАРОВ,</b>  |     |
| Қишлоқ ҳўжалик агрегатлари учун нефть маҳсулотларини ташиб келиш ва захираларини бошқариш моделлари.....                                  | 99  |
| <b>Х.АБДИВАИТОВ, Ф.ҚЎЧКИНОВ.</b> Ер ижараси муносабатларининг мазмун-моҳияти.....   | 101 |
| <b>Ш.РАХМОНОВ, А.НИГМАТОВ.</b> Методы оценки и проблемы управления конкурентоспособности промышленных предприятий .....                   | 102 |
| <b>М.КАЛОНОВ.</b> Автомобиль транспорти корхоналарида харажатлар таркиби .....  | 103 |
| <b>Р.МУХАММАДИЕВ.</b> Тиббиёт муассасаларида маблагларидан самарали фойдаланиш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари ..... | 107 |
| <b>М.СУЛЕЙМАНОВА.</b> Қишлоқ ҳўжалиги ерларининг кадастри қийматини аниқлаш услубларини такомиллаштириш .....                             | 109 |
| <b>Ш.ТУХТАМИШЕВ.</b> Аграр соҳада сугурта тизимини ривожлантириш йўллари .....  | 110 |
| <b>Б.ИБРАГИМОВ,</b> Слик мажбурияти ва уни таснифлаш масалалари .....   | 112 |
| <b>М.ТЕМИРХАНОВА.</b> Туристик корхонада молиявий натижалар ҳисоботини халқаро стандартларга яқинлаштириш муаммолари.....                 | 115 |
| <b>Қ.ШАВАЗОВ, Ш.ЭРНАЗАРОВ.</b> Сув келтирган элда азиз .....  | 117 |
| <b>Н.ОБЛОМУРОДОВ.</b> Тарихчилар устози .....   | 119 |
| Илм излаб, зиё улашиб .....   | 120 |

## ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ – ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ХИЗМАТИДА

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан “Қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари соҳасида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари (2013-2018)” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Олий аттестация комиссияси аъзолари, аграр фани йирик олим ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Олий аттестация комиссияси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Ахмадбек Юсупов ОАК томонидан замон талабларидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталиб, жумладан шундай деди:

– Ўтган давр мобайнида олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси соҳасида амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари соҳасида 2013-2018 йилларда 193 нафар талабгор, жумладан, 85 нафар талабгор фан доктори (DSc) ва 108 нафар талабгор фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида тасдиқланди. Олий ўқув юритидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими шароитида мазкур кўрсаткичлар фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича 45 ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси бўйича 108 нафарни ташкил этди.

“Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлар рўйхати” замон талаблари асосида оптималлаштирилди, рўйхатга “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш”, “Ипакчилик”, “Ихтиология”, “Гидробиология” ва “Балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш” каби янги ихтисосликлар киритилди ва тегишли илмий кенгашларга ушбу соҳаларда диссертациялар ҳимоясини ўтказиш учун рухсат берилди.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар таълим, илм-фан ва иқтисодиёт соҳаларидағи сифат ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юритидан кейинги таъ-

лимга қўйиладиган давлат талаблари”нинг 22-бандида белгиланган (илмий натижаларни амалиётга жорий этиш) талабнинг тўлиқ ижроси таъминланди. Илмий даражаларда тасдиқланган барча диссертацияларнинг илмий натижалари амалиётга жорий қилинди.

Шуниси эътиборлики, сўнгги йилларда самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш ҳамда фан ва технологияларни ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларни модернизация қилишга улкан ҳисса қўшган жами 21 нафар, жумладан 7 нафар фан доктори (DSc) ва 14 нафар талабгор фалсафа докторига (PhD) илмий даражалари диссертация ҳимоясиз тасдиқланган.

Жамиятимизда хотин-қизлар учун яратилаётган шароитлар натижасида фан доктори (DSc) илмий даражасида тасдиқланганлар таркибида аёллар 16,4 фоизни, фалсафа доктори бўйича эса (PhD) 16,6 фоизни ташкил этмоқда.

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги ва ветеринария фанлари бўйича 37 нафар профессор, 42 нафар доцент ва 42 нафар катта илмий ходим илмий увонлар олди.

Тадбирда маърузалар билан иштирок этган Тошкент давлат аграр университети ректори, б.ф.д., академик Б. Сулаймонов, Қишлоқ хўжалиги экинларини синаш давлат комиссияси раиси, қ.х.ф.д., профессор Ш. Нурматов, Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий ва инновациялар бўйича проректори, в.ф.д., профессор А. Даминов, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти директори, б.ф.д., профессор Р. Қўзиевлар ўз йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бердилар.

Матбуот анжуумани кун тартиби муҳокамасига олиб чиқилган барча масалалар тадбирга таклиф этилган оммавий ахборот воситалари вакилларининг қизғин баҳс-мунозараси ва савол-жавобларига бой бўлди.

Мазкур тадбир муносабати билан Ўзбекистон Миллий матбуот маркази фойесида ташкил этилган кўргазма ҳам анжууман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**А. ТОИРОВ,**  
Ўз мухбиримиз.

# ИЛМ – АМАЛИЁТГА

Селекция ва уруғчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги амалиёти учун 55 та ғўза навлари яратилиб, ушбу навлар биргина 2018 йилда 440 минг гектар майдонга жорий этилди. Жумладан, "Султон", "Бешқаҳрамон", "Андижон-35", "Хоразм-150", С-8286, С-8290 ва бошқа навларни келтириш мумкин.

Буғдойнинг 26 та ("Ҳазрати Башир", "Яксарт", "Элмон" ва б.) 200 мингга. дан ортиқ, помидорнинг "Сурхон-142", "Заковат", бақлажоннинг "Сурхон гўзали", картошканинг "Фаровон", "Феруз", "Улуғбек", "Гўзал" каби навлари давлат реестрига киритилиб, 1200 гектардан ортиқ майдонда жорий қилинди.

\* \* \*

Салатбоп шолғомнинг "Гулшод" ва баргшолғомнинг "Дармон" навлари, помидорнинг Mountain Fresh F<sub>1</sub> дурагайи Давлат реестрига киритилди. Помидорнинг бу дурагайи ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида 14-19% қўшимча ҳосил етиширилди.

"Сабзавот, полиз ва картошка экинларини етишириш агротехнологияси", "Такорий муддатда сабзавот, полиз, картошка экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етишириш агротехнологияси" ишлаб чиқилиб, уларни қўллаш орқали қўшимча ҳосилдорлик 2,2-4,0 т/га. ни ташкил этган.

\* \* \*

Гилоснинг кучсиз ўсувчи "САВ-6Р", "Maxma Delbard-14", "Colt", "Кримский-5" ва "ВСЛ-2" пайвандтагларнинг она кўчатзори барпо этилиб, яшил қаламча усулида кўпайтириш имконияти яратилиб, жорий этилиши натижасида пайвандтаг етишириш ҳажми анъанавий усулларга нисбатан 3-5 мартағача оширишга эришилган.

\* \* \*

Биологик кураш усулини такомиллаштириш мақсадида трихограмманинг янги тури интродукция қилинди ва энтомофларни кўпайтиришнинг *in-vitro* усули яратилиб, 60 минг га. дан ортиқ майдонига жорий этилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалири ва касалликларига қарши такомиллаштирилган кураш усуллари ва воситалари яратилиб, Республикамизнинг 500 минг гектаридан ортиқ майдонларига кенг жорий этилиши натижасида ҳосилдорлик 25-30 фоизга сақлаб қолинди.

\* \* \*

Мелиорация ва суформа деҳқончилик соҳасида 13 та ишланма илмий асосланиб, жами 410000 гектарга жорий этилган, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ва ресурстежамкор технологиялари, суғориладиган ерларни гидромодул районлаштиришни ва янги ғўза навларини суғориш тизимларини тақомиллаштириш, гидроморф тупроклари шароитида кучсиз минераллашган, шўрланмаган ёки кучсиз шўрланган ерларда ғўза ва кузги буғдойни субирригация суғориш технологияси, томчилатиб суғориш, плёнка тушаб суғориш, суғоришни бошқариш усусларини илмий асослаш, ирригация эрозиясига қарши курашда эгатларда сув сарфи миқдорини ўлчаш мосламаси самарадорлиги, кузги буғдой ва такорий экинларни суғориш тизимини ишлаб чиқиш кенг жорий этиш ҳисобига сувни 25-30% тежаш имкони яратилган.

\* \* \*

Қорамолларнинг сермаҳсул зотларини Ўзбекистон шароитида урчиши ва улардан юқори самара олиш, қоракўл кўйларининг Қизилқум чўли шароитида сур рангли қоракўл кўйлар ирсиятининг қонуниятлари, белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги, кўйлар конституциясининг шаклланиши ва ўсиши, ривожланиш билан боғлиқлиги, турли жуфтлаш усусларида ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлиги аниқланган.

\* \* \*

Балиқларни маҳаллий шароитда сунъий урчиши, тўла қийматли озиқлантариш, парваришлиш ва ўстириш технологиялари Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигига, Қорақалпогистон Республикасининг Нукус туманидаги "Нукусбалиқ" кўшма корхонасида ҳамда Тўрткўл туманидаги "Антика" фермер хўжалигига жорий этилган. Бунинг натижасида Африка лаққасини жадал ўстириш 100 кв.м сув ҳавзаси ҳисобига бу усулда ўстирилган балиқларнинг анъанавий технологияда ўстириша нисбатан самарадорлиги 13 фоизга ошганлиги аниқланган.

\* \* \*

Ветеринария амалиёти колибактериоз, сальмонеллэз ҳамда пастереллэз касалликларига қарши гипериммун қон зардобини ва вакциналар ишлаб чиқилиб амалиёта жорий этилиши натижасида бузоқ ва кўзиларнинг мазкур касалликлар билан заарланиш даражаси 1,5-2,0 мартаға камайишига эришилган.

\* \* \*

Республикада қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг кутириш касаллигига қарши "ДОРВАК" вакцина тайёрланган ва унга қарши кураш ҳисобига ҳайвонлар орасида ушбу касалликнинг 107 баробар камайишига эришилган.

\* \* \*

Микроэлементлар билан бойитилган антигельминт-туз арапашмалар, антгельминтли-туз яламалар ишлаб чиқилган ва уларнинг кўй-эчки ва қорамолларнинг асосий гельминтозларига қарши курашнинг самарадорлиги аниқланган. Натижада республиканинг барча қоракўлчилик хўжаликларида гельминтоз билан заарланиш 60-70 фоизга камайишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 200-300 млн. сўмни ташкил этган.

\* \* \*

Қорамоллар туберкулёзининг диагностикаси учун ППД туберкулин препарати, касалликни олдини олиш учун ЭТИС-1 ва ЭТИС-2 препаратлари яратилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган. Натижада республиканинг турли вилоятларидаги 14599 бosh қорамол касаллиқдан асраб қолинган ва битта согломлаштирилган хўжалиқдаги иқтисодий самарадорлик ўртача 157,3 минг сўмни ташкил этган.

\* \* \*

"Ултракетост" оқсилли-витаминли-минералли озиқа арапашмаси, "Гепастимулин" тўқима препарати ва "Фехоселен" муртак экстрактини кўллашга асосланган "Сигирларда оқсил-углевод-липид" ишлаб чиқилиб, амалиёта жорий этилган. Иқтисодий самарадорлик ҳар бosh сигир ҳисобига йиллик ўртача 410,8 минг сўмни ташкил этган.

\* \* \*

Республикамиз ҳудудларидан қорасон касаллиги кўзғатувчиси Cl.chauvoeи нинг маҳаллий T-04 штаммидан қорамолларнинг қорасон касаллигига қарши концентранг ГОА формолвакцина тайёрланниб, Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг чорвачилик хўжаликларида 21 минг бosh қорамол ва кўйларда кўллаш эвазига ўртача 720,0 млн. сўм иқтисодий заарнинг олди олинган.

\* \* \*

Ҳайвонларнинг бруцеллэз касаллигини аниқлашда пластиинкали агглютинация реакцияси (ПАР) учун рангли бруцеллэз антигени ташкилот стандарти яратилган, Ts 05951711-04:2015. Ушбу рангли антиген ҳозирда ВИТИ шароитида ишлаб чиқилиб, республика диагностика тизими талабларини тўлиқ ҳажмда таъминлайди ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот бўлиб, у орқали ҳар йили республиканинг 1,8-2,4 млн. АҚШ долларига тенг валюта харажатлари тежалади.

\* \* \*

Қорамолларда фасциолэз ва парамфистаматоз касалликларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган. Бунда, чорва молларининг нобуд бўлиши 10-20 фоизга камайган, маҳсулдорлик кўрсаткичи 20-30 фоизга ошган.

## ҒЎЗАНИНГ ЭЛITA УРУҒЧИЛИГИ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИДА ТОЛА СИФАТИНИ АНИҚЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

*In this article arguments are given about indispensable transition to modern innovative technology of quality assessment of cotton fiber USTER HVI SPECTRUM, moreover, general results of analysis of fiber quality of C-8290 sort of cotton what recommendation for breeding seeds to 2019 year namely Sizing Consistency Index(SCI) represented.*

Элита уруғчилик кўчатзорларидан тайёрланадиган тола намуналари сифатини аниқлашда иш унумдорлиги ва таҳлилларининг аниқлилиқ даражаси юқори бўлган Uster HVI Spectrum инновацион технологияси хизматидан фойдаланиш нафакат иш самарадорлигини оширади, балки энг асосий элита уруғчилик лабораторияларида тайёрланган оиласий терим намуналарининг тола сифати кўрсаткичларини таҳлил килиш орқали фўза навларининг генетик соғлигини таъминлашга эришилади. Юқори самарадорлик ва ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган замонавий инновацион технологияни жорий этиш натижасида пахта ҳосилдорлигини 15-20 фоиз гача ошириш имконияти яратилиади.

Юқори технологик имкониятларга эга бўлган Uster HVI ускунасида бир иш кунида 700 тадан 1000 тагача намунани 14 та, яъни:

- микронейр (Mic);
- солишигрира узилиш кучи, г/текс (Str);
- юқори ўртача узунлик, мм ёки дюйм (Len);
- узунлик бўйича бир хиллилик индекси, % (Unf);
- калта толалар индекси, % (Sfi);
- узилишдаги узайиш, % (Elg);
- ифлосланиш коэффициенти, (T);
- ифлос аралашмалар сони, (Cnt);
- ифлос аралашмалар майдони, % (Area);
- нав ранги бўйича (R ва +ѓа қараб аниқланади) (Cscr);
- нур қайтариш коэффициенти, % (Rd);
- сарғишлик даражаси (+b)
- пишиб етилганлик коэффициенти, %; (Mat)
- толанинг йигириувчанлик қобилияти (SCI) бўйича синовдан ўтказиш имкониятига эга[4].

Юқорида келтирилган кўлланмага мувофиқ 1 ва 2-йил уруғлик кўчатзорларда икки марта дала кузатувлари: биринчи дала кўриги

гуллаш бошланганда; иккинчи дала кўриги эса кўчатзорларда ўсимликлар оммавий ҳосилга кирган даврда ўтказилади. Уруғ кўпайтириш кўчатзорида дала кўриги бир марта ва бегона ўсимликлардан тозалаш ишлари бир неча марта апробациядан олдин ўтказилади.

Биринчи дала кўригига навга ҳосил бўлган оила ва оиласидаги ўсимликларнинг асосий морфологик белгилари: баргнинг шакли, катта-кичиклиги, ранги, бош поя ва баргнинг тукланганли даражаси, ҳосил шохининг шохланиши типи ва тупининг шаклига қараб аниқланади. Иккинчи дала кўригига кўсакнинг катта-кичиклиги ва шакли кўшимча баҳоланади.

Ўсимликлар ва оиласарнинг навга ҳослигини аниқлашда ғўзани парваришилаш шароитининг морфологик белгиларига таъсири албатта инобатга олинади.

Иккинчи дала кўригига оиласарни баҳолашда навга ҳослиги, ҳосил элементларининг тўпланиши, ҳосилдорлиги, кўсакларни очилиш суръати ва кўсакларнинг катта кичиклиги, касаллик ва заараркунандаларга чидамлилиги ва бошқа кимматли хўжалик кўрсаткичлари синчиклаб кўриб чиқилади.

Демак, уруғлик кўчатзорларида морфологик ва хўжалик белгилари бўйича икки марта дала кўриклири ўтказилади ва улар натижасида оиласар чиқитта чиқарилади. Чиқитта чиқарилмаган оиласардан кейинги йил ҳосили учун уруғлик тайёрлашдаги яна бир муҳим босқич уруғлик кўчатзорлари оиласаридан тереб олинган намуналарда толанинг технологик хусусиятлари бўйича таҳлил ўтказишидир.

Илмий изланишлар Олтиарик туманидаги “Абдукаримҳожи ўғли Абдувалиҳожи” элита уруғчилик фермер хўжалигига эрта-пишар серҳосил тола сифати V саноат типига мансуб ғўзанинг C-8290 навида олиб борилди.

Жадвал

**Йигириувчанлик қобилияти маълумотларини гурухлаштириш**

| Гурух          | Маълумотлар жойлашуви |   |   |   |    |   |   |  | Қайталаниш даражаси f | Гурухлар варианлариX |
|----------------|-----------------------|---|---|---|----|---|---|--|-----------------------|----------------------|
| <b>138-140</b> | :                     | : |   |   |    |   |   |  | <b>4</b>              | <b>139</b>           |
| <b>141-143</b> | :                     | . |   |   |    |   |   |  | <b>3</b>              | <b>142</b>           |
| <b>144-146</b> | x                     | : | : |   |    |   |   |  | <b>14</b>             | <b>145</b>           |
| <b>147-149</b> | x                     | x | x | . |    |   |   |  | <b>31</b>             | <b>148</b>           |
| <b>150-152</b> | x                     | x | x | x | /  |   |   |  | <b>49</b>             | <b>151</b>           |
| <b>153-155</b> | x                     | x | x | x | x  | x | x |  | <b>70</b>             | <b>154</b>           |
| <b>156-158</b> | x                     | x | x | x | x  | l | . |  | <b>56</b>             | <b>157</b>           |
| <b>159-161</b> | x                     | x | x | x | .. |   |   |  | <b>42</b>             | <b>160</b>           |
| <b>162-164</b> | x                     | x | l |   |    |   |   |  | <b>26</b>             | <b>163</b>           |
| <b>165-167</b> | x                     | / |   |   |    |   |   |  | <b>19</b>             | <b>166</b>           |
| <b>жами</b>    |                       |   |   |   |    |   |   |  | <b>314</b>            | -                    |

\*314 та оиласдан 248 таси кейинги ўилга экши учун тавсия этилади.

Бунда, 2-йил уруғлик кўчатзорида барча дала кўриклари ўтказилгандан сўнг, оиласлардан териб олинган 100 кўсакли 314 та синов намуналарида бир дона кўсақдаги пахта вазни ва ДЛ-10 русумли жин ускунасида тола чигитдан ажратилиб, унинг чиқими ҳам аниқлагандан сўнг ҳар бир оила намуналари толасидан 100 граммдан тола синов учун ўлчаб олинди. Тайёрланган тола намуналари дафтарга қайд килиниб, тахлил учун “Агросаноат мажмууда хизмат кўрсатиш маркази”нинг синов лабораториясига топширилди. Пахта толаси намуналари 14 та кўрсаткич бўйича киска муддатда (2-3 кун) синовдан ўтказилди.

Uster HVISpectrum тола класификацияси тизимда толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициенти (SCI) бу — тола микронеири (Mic), юкори ўртача узунлиги (Len), солиширима узилиш кучи, (Str), узунлик бўйича бир хиллилк индекси(Unf), нур қайтариш коэффициенти(Rd) ва сарғишилик дараражаси (+b) тъсирида шаклланади. Умуман олганда, толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициенти ҳанча юкори бўлса, қалава пишиклиги ва толанинг умумий йигириувчанлиги шунча яхши бўлади. Шу боис, тола сифатини баҳолашда асосий эътиборни толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициентига қаратдик. Uster HVI тола класификацияси тизимида мувофиқ толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициенти 5 та: С (120 дан паст), В (120-129), А (130-140), А+ (140-149) ва А++ (150 дан юкори) синғга бўлинади. Демак, толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициенти 150 ва ундан юкори бўлганда, тола сифати ҳам юкори баҳоланади.

2-йил уруғлик кўчатзоридан териб олинган 315 та оиласий терим толасининг йигириувчанлик қобилияти коэффициентлари бўйича гурухластириш натижасида ўрганилаётган белгининг ўзгарувчанлик характеристерини баҳолайдиган киска ва аниқ кўринишдаги вариацион қаторлар намоён бўлди [3].

Шундай қилиб, нав популяциясида тола йигириувчанлиги кўрсаткичи бўйича 153-155 коэффициентни ташкил қилган

оиласлар сон жиҳатдан энг катта гурухни ташкил этди. Энг кўп учрайдиган оиласлар гурухи модал қийматли деб ҳисобланади. Юкорида амалга оширилган тахлиллардан келиб чиқиб, кейинги йилда экиш учун айнан модал қийматга яқин бўлган оиласларни танлаш ва вариацион қатордан ўрин олган четки оиласларда толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициенти 147 дан паст ва 161 дан юкори бўлганларини чиқитга чиқариш тавсия этилади (жадвал).

Бундан ташкири, 2-йил уруғлик кўчатзорларидан териб олинган ва чиқитга чиқариш натижасида экиш учун тавсия этилган, яъни толанинг йигириувчанлик қобилияти коэффициенти 147-161 оралиғида бўлган гурухлардаги оиласлардан тайёрланган якка танлов уруғларини ҳеч қандай лаборатория тахлиларисиз 1-йил уруғлик кўчатзори учун экишга тавсия этамиз.

Хулоса қилиб айтганда, биз таклиф килаётган услубда ғўза ургучилиги лабораториялари уруғлик материалларнинг тола сифатини баҳолашда замонавий инновацион технологиядан фойдаланиш ва шу орқали меҳнат ресурслари ва вактни тежаш бўлса, энг асосийси тахлилларнинг аниқлилик дарајасининг ортишинитаъминлайди. Буларнинг барчаси навнинг генетик тозалигини таъминлашга, пировардида пахта ҳосилдорлигининг кескин ортишига олиб келади.

**А.АМАНТУРДИЕВ,**  
к.х.ф.д., кат.и.х.,  
**К.МИРЗОЁҚУБОВ,**  
мустақил тадқиқотчи,  
**Б.НОРОВ,**  
таянч докторант,  
**Пахта селекцияси ургучилиги ва**  
**етишишириш агротехнологиялари ИТИ,**  
**К.ХАМДАМОВ,**  
**Агросаноат мажмууда хизмат**  
**кўрсатиши маркази ДУК**  
**лаборатория мудири.**

## АДАБИЁТЛАР

1. О.В.Кратиров. Инструкция по производству семян элиты и первой репродукции районированных сортов хлопчатника. Москва «Колос» 1981.
2. Б.А. Доспехов Методика полевого опыта. Москва: Агропромиздат, 1985.
3. USTER HVI SPECTRUMThe fiber classification system. Common test results in Upland cotton. February 2004.

**УЎТ: 633.511:631.526.32:631.527**

## БИР КЎСАҚДАГИ ПАХТА ВАЗНИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗФА-710 НАВИДАГИ ТЎРТ ЙИЛЛИК ТАҲЛИЛИЙ НАТИЖАЛАР

*In this article is the of fu years indexes of the weight of cotton in a population of new cotton varieties of UzFA-710.*

Нав – инсон фаолиятининг маҳсул бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг унумдорлигини оширадиган ишлаб чиқариш воситаларидан биридир. Экинларнинг энг яхши навлари экилганда ҳосилдорлик анча ортади, маҳсулотнинг сифати яхшиланади [1].

Ҳар қандай генотипларнинг потенциал имкониятларини кўрсатиш фақат селекция ютуқларигагина эмас, юкори сифатли, эртаги ҳосил олиш аниқ агротехника тадбирларини ишлаб чиқиша боғлиқидир [2]. Ғўза этишиширишда ҳар йили бир хил агротехник тадбирлар кўлланилса ва хўжалик белгилари кўрсаткичлари йиллар бўйича бир-бирига яқин кўринишида акс этса, ушбу ҳолат шу навга хос ниҳоллар генотипида белгилар кўрсаткичлари ва ўзига хослик хусусиятларининг турғунлиги тўлиқ ирсийланганидан далолат беради. Мақоламиизда талқин этилаётган навнинг бир кўсакдаги пахта вазни белгиси

кўрсаткичлари ҳам тўрт йил давомида бир-бирига яқин ҳолатда намоён бўлганини қўйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Бир дона кўсақдаги пахтанинг вазни ва бир ўсимлиқдаги кўсаклар сони – пахта ҳосилдорлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Саноат навлари асосан битта кўсақдаги пахтанинг вазнига қараб фарқ қиласди. G. hirsutum L. турига мансуб навларда битта кўсақдаги пахтанинг вазнига асосан 3 гр дан 8-10 г. гача бўлади [3]. Яратилаётган ва ишлаб чиқаришга жорий этилаётган ғўза навларининг нафақат саноатбоп, балки дәхқонбоп, яъни тарози босадиган бўлишида бир дона кўсақдаги пахта вазни муҳим аҳамиятга эга [4].

Кузатувларимиз натижаларига кўра, “ЎзФА-710” нави популяцияси бир кўсакдаги пахта вазнининг ўртача кўрсаткичлари 2010 йилда 5,54 г, 2011 йилда 4,98 г, 2012 йил-

да 5,33 г. ва 2013 йилда 5,94 г. да акс этди.

**Ғўзанинг янги ЎзФА-710 навининг тўрт йил (2010-2013) давомида бир кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича ўртача тўрт йиллик кўрсаткичлари**

| № | Йиллар бўйича ўртача кўрсаткичлар | Бир кўсақдаги пахта вазни г. |      |       |
|---|-----------------------------------|------------------------------|------|-------|
|   |                                   | X ± m                        | σ    | v     |
| 1 | 2                                 | 3                            | 4    | 5     |
| 2 | 2010                              | 5,54±0,10                    | 0,68 | 12,19 |
| 3 | 2011                              | 4,98±0,09                    | 0,63 | 12,59 |
| 4 | 2012                              | 5,33±0,10                    | 0,65 | 12,13 |
| 5 | 2013                              | 5,94±0,12                    | 0,79 | 13,22 |
|   | Ўртача тўрт йиллик                | 5,44±0,10                    | 0,68 | 12,53 |

Жадвал маълумотларига кўра, 2010 йилдан 2013 йилга чада бўлган даврда кўриб чиқилаётган белги кўрсаткичлари орасидаги фарқ 1 г. дан кам миқдорида бўлиб, мазкур белгининг тўрт йил давомидаги ўртача кўрсаткичлари 5,44 г. да намоён бўлди. Ушбу белги кўрсаткичларининг кўриб чиқилаётган йилларда ўртача кўрсаткичга нисбатан тебраниши пастга 0,47 ва юқорига 0,96 г. да акс этгани таърифланаётган навнинг таҳтил қилинаётган белгиси кўрсаткичларининг ташқи муҳит ва генотип ўртасидаги боғлиқлик ижобий эканлигини билдиради.

Кузатувдаги тўрт йил давомида ўрганилган белги

кўрсаткичларини синфларга бўлиб ўрганганимизда ҳам йиллар бўйича маълумотлар қўйидагича акс этди:

2-жадвал маълумотларига кўра, 2010 йилда энг паст кўрсаткич 4,1 г. бўлиб, энг юқориси эса 8,1 г. да, 2011 йилда бу кўрсаткичлар 3,6 г. ва 7,1 г., 2012 йилда 4,0 г. ва 7,1 г., 2013 йилда эса энг паст кўрсаткич 4,1 гр бўлиб, энг юқориси эса 8,1 гр да акс этди.

Жадвал маълумотларига кўра, мазкур навнинг бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари ўрганилган тўрт йил давомида кескин ўзгармагани кузатилди. Тадқиқотнинг факат 2-йилида бироз фарқланиш (0,56 г. 1-йилга нисбатан) кузатилган бўлса, учинчи ва тўртинчи йилдаги кўрсаткичлар яна ўртачага нисбатан яқин кўринишда акс этди.

Юқоридаги маълумотларга асосланаб шундай хулосага келишимиз мумкинки, ғўзанинг янги “ЎзФА-710” навида бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичларининг ўрганилган дастлабки тўрт йили давомида мазкур нав генотипида бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари бўйича турғунликнинг сақлангани маълум бўлди.

**О.ЭРГАШЕВ,  
ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ  
институти ходими**

#### АДАБИЁТЛАР

М. Йигиталиев, С. Муҳаммадхонов. “Дала экинлари селекцияси ва уручилиги”. – Тошкент, 1981. 5-6-Б.

Б.К. Суннатов “G. hirsutum L. турига мансуб ғўза навлари биологик хусусиятларига ташқи муҳит таъсири” – Ғўза генетики, селекцияси, уручилиги ва бедачилик масалалари тўплами. – Тошкент, 1993. – 38 б.

Сайдалиев Х., Халикова М.Б., Исмоилов Н.Х., Машрапов Х.Т. “Ғўза селекциясида G. HIRSUTUM L. SSP. PUNKTATUM коллекцион наъмуналаридан фойдаланиш истиқболлари”. Тошкент, 2016. – 68 б.

Халикова М.Б., Сайдалиев Х. “G. TOMENTOSUM турининг ғўза селекциясидаги аҳамияти”. – Тошкент, 2016. – 123б.

## УЎТ: 631.53.02

### ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА КАМ ТУКЛИ УРУҒЛИК ЧИГИТЛАРНИНГ УНИБ ЧИҚИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

*In article results of laboratory crops for efficiency of seeding of the low-trimmed seeds in the exact and nested way which prepared in technology of a semyaogoleniye opysivatsya.*

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси бешта устувор йўналишларининг бажарилишида хўжаликларда чигит экишини янада ривожлантириш етакчи вазифалардан бири ҳисобланади [1]. Ўзбекистонда ғўза асосан тукли ва туксизлантирилган чигитлардан экилади. Чигитнинг униб чиқиши учун оптимал шароитлар бўлиши керак. Булар – етарли намлиқ, тупроқ ва ҳаво ҳарорати. Чигитнинг униб чиқиши тупроқ температураси 14-16°C га, ҳавонинг иссиқлиги эса 15-20°C га етганида кузатилади.

Тукли уруғлик чигит ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлироқ ҳисобланади. Лекин, бу чигитлар қийин сараланди, калибрланмайди, уруғлик ва техник фракцияларга қийин ажралади. Тукли уруғлик чигит катта нормаларда экилиб, яганалаш ишларини талаб қиласди.

Олимлар томонидан экишда уруғлик чигит сарфини камайтириш учун уларни туксизлантириб, аниқ экиш усулидан фойдаланиш юқори самара бериши аниқланган. Туксизлантирилган

урұғлик чигитларнинг ўлчамлари бўйича сараланиши ва тозаланиши осонлашади, лекин тукли уруғлик чигитларга нисбатан касалликка чидамлилиги паст бўлиб, бу чигитларни кун қизиганидан сўнг (тупроқ ҳарорати 16-18°C) экипиши тавсия этилади. Туксизлантирилган уруғлик чигит аниқ экиш аппратлари ёрдамида белгиланган миқдорда экилади.

«Пахтасаноат иммий марказ» АЖ томонидан тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигитларнинг яхши томонларини ўзида мужассамлантирган кам тукли уруғлик чигит тайёрлаш усули ишлаб чиқилган. Унинг туклилиги 1,5-2,5 фоизни ташкил этган бўлиб, у туксизлантирилган чигит сингари аниқ экиш усулида экилади. Уруғлик чигит тайёрланиши эса туксизлантириш машиналарида иш режимларини ўзгартирилган ҳолда олиб борилади. Тайёрлашда иш унумдорлигининг юқорилиги ва механик шикастланишларнинг камлиги унинг унувчанлиги ошишига сабаб бўлади.

Кам тукли уруғлик чигитлар О'з DSt 663:2017 уруғлик чигит техникавий шартлари стандартига кам тукли (туклилик дара-

жаси 2,5%) чигит сифатида киритилган. Ерни экишга тайёрлаш хўжаликларда қабул қилинган оддий технология бўйича бажарилади. Чигит униб чиқиши асосан тупроқнинг қизишига ва намлигига боғлиқ, бунда тупроқ қатлам чукурликларининг намлиги кўйидагича бўлади: 0-5 см – 13-15%, 5-10 см – 14-19%, экиш чукурлиги эса 3-5 см орасида бўлади.

Тупроқнинг 0-5 см чукурлигидаги ҳарорати ҳаво ҳарорати билан бир хилда бўлади, ҳаво ҳарорати 10°C га етганда эса уруғ уна бошлайди, лекин ўсиб чиқиши учун ҳарорат 16°C дан кам бўлмаслиги керак. Ҳарорат 21-25°C да эса беш-олти кун ичидаги ниҳол кўринади, бу эса экишнинг мақбул муддатини танлашга асос бўла олмайди. Бу ҳароратда тупроқ қизиши натижасида намлиги камайиб, тупроқ қуриб қолиши чигитнинг ўсиб чиқмаслигига олиб келади. Шунинг учун экиш вақтини ҳар бир минтақанинг об-ҳаво шароитига қараб танлаш керак.

Кун давомида ҳавонинг ҳарорати ҳар хил бўлганлиги сабабли кечқуруни паст ҳаво ҳароратида чигитнинг униши тўхтайди ва кун исиси билан яна ўса бошлайди. Кам тукли чигитларининг униб чиқувчи микропил томони тук билан қопланганлиги, ҳавонинг шундай ўзгаришларига чидамлилигини ва касаллика бардошлигини оширади. Бундан ташқари, унинг туксизлантирилган қисми тупроқ билан яхши ёпишганлиги сабабли намни ўзига тез олади ва униши тезлашади.

Чигитлардан бир хилда, етарли кўчкат сонини олишда асосий факторлардан бири экишнинг мақбул схемасини танлаш. Бунга экиш миқдори ва уялар орасидаги масофа киради. Тажрибалардан маълумки, кўччатлар етарли бўлиши учун улар гектарига 110-140 минг донани ташкил қилиши керак [2]. Экиш ихтиёрий схемада тор, кенг ёки аралаш қатор ораларида бажарилиши мумкин.

ЎЗМЭИТИда (ҳозирги ҚҲМЭИТИ) экишнинг мақбул схемаси бўйича илмий изланишлар олиб борилган бунда, уяларга 1, 2 ва 3 донадан чигит экилганда ҳам, гектарига 222 минг донани ташкил қиласди. Мунтазам ўтказилган тажрибалар натижасидан экиш схемаси ўзгарганда ҳам, экиладиган чигитлар сони гектарига ўзгармайдиган ҳолда танланган [2, 3].

Қаторлар ораси 90 см бўлганда, уялаб экиш усулида 90x15-3 схемаси (uyaлар ораси 15 см, чигитлар сони 3 дона), 90x10-2 схемаси ва 90x5-1 дона уяга экиш схемасида кўриб чиқилганда, уяга 1 дона чигит экишда униб чиқиши паст бўлган, чунки бир дона чигитнинг тупроқни ёриб чиқиши қийинлашади, шунинг учун экишда тупроқ шароитига қараб уяга 2, 3 донадан ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Кам тукли чигитларни эса аниқ уялаб экиш усулида ҳар уяга 2-3 тадан чигит ташлаб, уя оралиги 15 см. ли кенг, қатор оралигида (қатор ораси 90 см), уя оралигини 20-22 см қилиб тор қатор оралигида (қатор ораси 60 см) экиш мақсадга мувофиқдир, аммо пункттир-уяли усулда ҳар уяга 1-2 донадан чигит ташлаб ҳам экиш мумкин.

Кенг қатор оралигида экишда, чигит сарфи 25-27 кг/га, тор

қатор оралигида эса 35-37 кг/га. ни ташкил этади. Экиш меъёрини ҳисоблаш қўйидаги усулда олиб борилади.

Қатор оралиги 60 см. бўлганда бир гектардаги қатор узунлиги  $100 \times 100 / 0,6 = 16666,7$  м, қатор оралиги 90 см бўлганда  $100 \times 100 / 0,9 = 11111,1$  м.

Уя оралигини 15 см. га тенг деб қабул қиласак, бир қаторнинг бир метр майдонига  $100 / 15 = 6,7$  уя экилади, сарфланган чигит  $6,7 \times 3 = 20,1$  дона унда қатор оралиги 60 см бўлганда гектарига экилган чигитлар сони  $N = 16666,7 \times 20,1 = 335$  минг дона, 35-37 кг. ни ташкил қиласди, қатор оралиги 90 см бўлганда эса  $N = 11111,1 \times 20,1 = 222$  минг донани ташкил этади, бу эса 25-27 кг атрофида бўлади.

Кам тукли уруғлик чигитларни лаборатория шароитида экиб, синов ишлари ўтказиш мақсадида Тошкент вилояти “Алимкент” пахта тозалаш корхонасининг туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехида қўйидаги уруғлик чигитлар тайёрланди: Селекцион нави С-6524, 2-авлод.

- тукли уруғлик чигит, туклилиги - 7,5% ;
- кам тукли уруғлик чигит - 2,3%;
- туксизлантирилган - 0,4%.

Тайёрланган уруғлик чигитларни лаборатория шароитида экиб таҳлил қилиш натижалари жадвалда келтирилган.

Лаборатория таҳлили натижалари

| Вариантлар              | Униб чиқиши қуввати, % | Унувчанлиги, % | 1000 дона чигит масаси, г | Техник шикастланганлиги, % | Туклилиги, % |
|-------------------------|------------------------|----------------|---------------------------|----------------------------|--------------|
| Тукли чигит             | 89                     | 91             | 110                       | 4,8                        | 7,5          |
| Кам тукли чигит         | 91                     | 93             | 104                       | 5,3                        | 2,2          |
| Туксизлантирилган чигит | 89                     | 90             | 101                       | 7,7                        | 0,4          |

Лаборатория шароитида ўтказилган синов таҳлиларидан, унувчанлиги бўйича кам тукли уруғлик чигитлар тукли ва туксизлантирилганга нисбатан 2-3 фоизга юқори, ишлов беришда эса механик шикастланиши туксизлантирилганга нисбатан 2,4 фоизга камайишини кўришимиз мумкин.

Бундан хулоса қилишимиз мумкини, чигитни туксизлантириш даврида туклилик даражасининг кам 2,0-2,5% оралигида тайёрланиши унинг механик шикастланишининг камайишига, бу ҳолат чигит униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги, унинг аниқ уялаб экиш имконияти ошишига олиб келади.

**Р.ДЖАМОЛОВ,**  
т.ф.н., катта илмий ходим, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ,  
**К.ДЖАМОЛОВ,**  
ф.м.ф.н., доцент,  
**А.АБИДОВА,**  
талаба, (ТИҚХММИ).

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги фармойиши.

2. Джамолов Р.К. «Обоснование параметров и режимов работы высевающего аппарата для точного высева малоопущенных семян хлопчатника». Дисс. к.т.н. – Янгиюль, 2002. - 128 с.

3. Пахта тозалаш заводларида кам тукли уруғлик чигит тайёрлаш ва бу чигитларни хўжаликларнинг ишлаб чиқарши шароитида экилиши технологиясини тадқиқ этиши ва жорий этиши. Илмий-тадқиқот иши бўйича якунни ҳисобот, «Пахтасаноатим» ИИЧМ, 2003.

4. Ўзбекистон давлат стандарти O'zDSt 663:2006, УРУҒЛИК ЧИГИТ Техникий шартлари, Тошкент, 2006.-10 б.

# ГЎЗАНИНГ ГЕОГРАФИК УЗОҚ ДУРАГАЙЛАРИДА МАҲСУЛДОРЛИК КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

*The hybridization introgression forms and line 578 obtained with participation on this base with geographically distant origin varieties has shown prospect in the selection for the vilt resistance.*

Ғўзада ҳосилдорлик асосий хўжалик белгиларидан бири ҳисобланиб, ўсимлиқдаги кўсаклар сони ва кўсакдаги пахта вазни билан белгиланади. Ўз навбатида кўсақдаги пахта хомашёсининг вазни чигит ва тола вазнidan иборатdir. Маҳсулдорлик белгисининг ирсийланиси бошқа қимматли хўжалик белгилари каби полиген табиатга эга бўлиб, яъни бир хилдаги белгингин намоён бўлиши бир нечта генлар билан бошқарилади [2].

Тола ғўзанинг асосий маҳсулоти бўлганлиги учун, унинг миқдорини ошириш катта амалий аҳамиятга эга эканлиги барчамизга маълум. Айниқса, бу белгининг ишлаб-чиқаришдаги салоҳияти катта аҳамиятга эга. Ғўзада ҳосил элементлари (тупдаги кўсаклар сони, маҳсулдорлик, бир дона кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни белгилари)нинг кўрсаткичларини кўтариш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкин эканлиги сабабли бу белгилар кўпчилик олимларнинг қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда ва кенг изланишлар олиб боришга ундумоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ҳам тадқиқотларимизда эколого-географик жиҳатдан узоқ дурагайларда маҳсулдорлик компонентларининг ирсийланисини ўргандик ва генетик келиб чиқиши ҳар хил бўлган шаклларни дурагайлаш натижасида кўсак йириклигини, толанинг чиқими ва узунлигини битта генотипда ийифишига ҳаракат қилдик. Тадқиқотнинг манбаи бўлиб онапик сифатида мамлакатимиз икlim шароитига мослашган, *G. trilobum Skov.*, *G. hirsutum ssp. yucatanense* иштирокида олинган интрогрессив шакллар ва улар асосида олинган тизмалар ҳамда оталик сифатида ғўза коллекциясидан олинган юқори тола чиқимига эга хорижий навлар Paymaster Dwarf (каталог рақами-010930), Sls 21726 (011604), PD 6520 (011590) келиб чиқиши АҚШ, Qalla Lot 361 (04841) Ruwden Lot 70 (04840) келиб чиқиши Австралия бўлган навлар хизмат қилади. Тадқиқотлар 2018 йили ПСУЕАТИ марказий тажриба даласида олиб борилди.

Ота она шакллари ва  $F_1$  дурагайларида маҳсулдорлик компонентларининг ирсийланиси

| №  | Ота-она шакллари ва дурагайлар | Кўсаклар сони, дона | hp   | Битта кўсакдаги пахта вазни, г | hp   | Тола чиқими, % | hp   | 1000 дона чигит вазни, г | Доми-нантлик коэффи-циенти, hp |
|----|--------------------------------|---------------------|------|--------------------------------|------|----------------|------|--------------------------|--------------------------------|
| 1  | Наманган-77 – St.              | 14.2                |      | 5.6                            |      | 36,4           |      | 130                      | -                              |
| 2  | C-6524 – St.                   | 15,7                |      | 6,1                            |      | 38,1           |      | 138                      | -                              |
| 3  | Л-578                          | 13.7                |      | 6.5                            |      | 39,2           |      | 130                      | -                              |
| 4  | Л-Т                            | 12,3                |      | 6.5                            |      | 38,2           |      | 120                      | -                              |
| 5  | Л-Ю                            | 13.2                |      | 6.2                            |      | 38,7           |      | 110                      | -                              |
| 6  | S-2515                         | 14.5                |      | 6.2                            |      | 40,1           |      | 110                      | -                              |
| 7  | S-6082                         | 13.9                |      | 6.08                           |      | 42,1           |      | 110                      | -                              |
| 8  | S-489                          | 15.6                |      | 6.4                            |      | 40,3           |      | 120                      | -                              |
| 9  | S-6003                         | 33.1                |      | 7.1                            |      | 45,0           |      | 124                      | -                              |
| 10 | S-6593                         | 18.2                |      | 6.7                            |      | 42,0           |      | 130                      | -                              |
| 11 | S-6596                         | 21.4                |      | 6.8                            |      | 41,0           |      | 130                      | -                              |
| 12 | $F_1$ Л-578 x S-6003           | 13.7                | -1   | 5.8                            | -3.3 | 37,6           | -1.5 | 110                      | -1                             |
| 13 | $F_1$ Л-578 x S-2515           | 22.5                | 2.1  | 6.3                            | 0.25 | 38,5           | -2.2 | 120                      | 0                              |
| 14 | $F_1$ Л-Т x S-2515             | 20.6                | 6.5  | 6.2                            | -0.5 | 41,6           | 2.5  | 120                      | 1                              |
| 15 | $F_1$ Л-Ю x S-2515             | 15.4                | 2.3  | 6.0                            | -2.0 | 40,6           | 1.7  | 120                      | 0                              |
| 16 | $F_1$ Л-578 x S-6082           | 14.4                | 6.0  | 6.8                            | 2.5  | 42,4           | 1.2  | 120                      | 0                              |
| 17 | $F_1$ Л-Т x S-6082             | 14.7                | 2.0  | 6.3                            | 0.25 | 42,0           | 0.9  | 120                      | 1                              |
| 18 | $F_1$ Л-Ю x S-6082             | 16.7                | 9.0  | 5.8                            | -6.0 | 43,4           | 1.7  | 110                      | 0                              |
| 19 | $F_1$ Л-578 x S-489            | 21.3                | 6.7  | 6.2                            | -5.0 | 39,7           | 0.08 | 130                      | 1                              |
| 20 | $F_1$ Л-Т x S-489              | 13.2                | -0.4 | 5.7                            | -7.0 | 39,8           | 0.5  | 120                      | 0                              |
| 21 | $F_1$ Л-Ю x S-489              | 13.3                | -0.9 | 6.0                            | 3.0  | 42,0           | 3.1  | 120                      | 1                              |
| 22 | $F_1$ Л-578 x S-6593           | 16.4                | 0.2  | 6.4                            | -2.0 | 40,3           | -0.2 | 120                      | 0                              |
| 23 | $F_1$ Л-Т x S-6593             | 20.5                | 1.7  | 6.1                            | -5.0 | 41,9           | 0.9  | 150                      | 5                              |
| 24 | $F_1$ Л-Ю x S-6593             | 19.2                | 1.4  | 5.7                            | -2.3 | 41,6           | 0.7  | 120                      | 0                              |
| 25 | $F_1$ Л-578 x S-6596           | 14.9                | -0.6 | 5.8                            | -4.0 | 40,4           | 0.3  | 110                      | 0                              |
Увеличение норм калия до 200 кг/га вызвало уменьшение числа зерен на 2,2 штуки. Масса зерна колебалась от 7,4 до 12,6 граммов.

Масса 1000 зерен на контрольном варианте составила 128 грамм, при внесении 150 кг калия по фону 50 кг азота +100 кг фосфора 133 грамм, увеличение норм калия до 200 кг/га вызвало уменьшение массы 1000 зерна на 2 г.

При пожнивных посевах урожайность сои снижается. В среднем за 3 года на контроле составило 17,4 ц/га, по фону -19,7 ц/га, при внесении по фону калия от 50 до 150 кг/га урожайность растений увеличилось до 26,6 ц/га, внесение нормы калия 200 кг вызвало снижение урожая на 1,7 ц/га. Наибольший урожай зерна получили при внесении 150 кг калия – 26,6 ц/га по фону азота и фосфора.

Таблица 2

**Содержание NPK у сорта «Орзу» в зависимости от норм калийных и фосфорных удобрений, % (образцы растений взяты перед уборкой урожая)**

| № | Варианты                              | Листья |      |       | Стебель |      |       | Бобы |      |       |
|---|---------------------------------------|--------|------|-------|---------|------|-------|------|------|-------|
|   |                                       | N      | P    | K     | N       | P    | K     | N    | P    | K     |
| 1 | NoPoKo                                | 2,03   | 0,67 | 1,350 | 0,33    | 0,28 | 0,950 | 0,37 | 0,41 | 1,350 |
| 2 | N <sub>50</sub> P <sub>100</sub> -фон | 3,11   | 0,73 | 1,800 | 0,33    | 0,32 | 1,050 | 0,37 | 0,41 | 1,500 |
| 3 | Фон + K <sub>50</sub>                 | 3,11   | 0,85 | 1,800 | 0,42    | 0,35 | 1,050 | 0,37 | 0,42 | 1,650 |
| 4 | Фон + K <sub>100</sub>                | 3,11   | 1,08 | 1,950 | 0,42    | 0,41 | 1,050 | 0,38 | 0,43 | 1,750 |
| 5 | Фон + K <sub>150</sub>                | 3,11   | 1,40 | 2,250 | 0,48    | 0,44 | 1,200 | 0,46 | 0,54 | 1,800 |
| 6 | Фон + K <sub>200</sub>                | 2,66   | 1,12 | 2,100 | 0,48    | 0,45 | 1,350 | 0,39 | 0,50 | 1,800 |

**Биометрические показатели сорта «Орзу» в зависимости от норм калийных удобрений (Среднее за 2011-2013 гг.)**

| №           | Варианты                               | Высота стебля, см | Ветви, штук | Бобы        |          | Зерно       |           | Масса 1000 зёрен, г |
|-------------|--|-------------------|-------------|-------------|----------|-------------|-----------|---------------------|
|             |  |                   |             | число, штук | масса, г | число, штук | масса, г  |                     |
| Нормы калия |  |                   |             |             |          |             |           |                     |
| 1           | NoPoKo                                 | 64,0              | 3,2         | 24,1        | 13,1     | 54,0        | 7,4       | 128                 |
| 2           | N <sub>50</sub> P <sub>100</sub> - фон | 72,0              | 3,6         | 27,7        | 14,5     | 58,9        | 9,1       | 129                 |
| 3           | Фон + K <sub>50</sub>                  | 72,5              | 3,8         | 30,8        | 15,8     | 62,3        | 10,3      | 131                 |
| 4           | Фон + K <sub>100</sub>                 | 77,4              | 4,0         | 32,8        | 18,1     | 70,5        | 11,1      | 132                 |
| 5           | Фон + K <sub>150</sub>                 | 81,1              | 4,3         | 35,1        | 19,7     | 74,7        | 12,6      | 133                 |
| 6           | Фон + K <sub>200</sub>                 | 74,1              | 3,5         | 32,6        | 17,9     | 72,5        | 9,6       | 131                 |
|             | HCP <sub>05</sub>                      |                   |             | 0,80-1,11   |          |             | 2,76-3,72 |                     |
|             | S, %                                   |                   |             | 2,7-3,0     |          |             | 2,1-2,3   |                     |

Таблица 3

Выводы:

1. Внесение оптимальной нормы калийных удобрений оказало положительное влияние на плодородие почвы.

2. Наибольший расход азота на 1 ц. продукции наблюдался, где по фону вносили 100-200 кг калия.

3. При пожнивных посевах получен наибольший урожай зерна при внесении нормы калия 150 кг – 26,6 ц/га.

**И.АБИТОВ,**  
старший преподаватель, д.ф.с.х.н.,  
Ташкентский государственный  
аграрный университет

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Михайлова О.Л. Обеспеченность чернозема, выщелоченного подвижными формами азота, фосфора и калия в зависимости от норм минеральных удобрений, вносимых под сою // Научный журнал Куб ГАУ; 2007, № 32 (8). – С . 1-13.
2. Хасбууллина Р.Г., Кушаева Е.Ж. Продуктивность сои в зависимости от уровня питания в Приморье. // «Масличные культуры», Бюлл. ВНИИ, 2008, вып. 2 (139). — С. 62-65.
3. Bray R. H. Bettercrops Withplant Food. Phisici. 1961, p 18, P. 25-27.

**УЎТ: 633.112.1 - 631.527**

## СУГОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАР УЧУН ҚАТТИҚ БУҒДОЙНИНГ ДОН СИФАТИ ЮҚОРИ ТИЗМАЛАРИНИ ТАНЛАШ

In the breeding process in selection, a very important factor is the quality of grain and yield. The article analyzes the hybrid lines of durum wheat.

Хозирги кунда республикамизнинг суғориладиган майдонларида қаттиқ буғдой етиштириш учун навлар ҳосилдорлиги билан бир қаторда дон сифатига кўйилган талаб ҳам юқори ҳисобланади. Янги яратиладиган навлар макарон ва кондитер маҳсулотлари талабларига тўла жавоб бериши лозим. Бунинг учун қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратишда селекция ишларида ўрганилаётган намуна ва тизмаларнинг дон сифатига ҳам алоҳида ёътибор беришни талаб қиласди.

Тадқиқот обьекти сифатида 20 та қаттиқ буғдой нав ва тизмалари танлаб олинди. Андоза нав сифатида суғориладиган майдонлар учун экиладиган “Крупинка” нави олинди. Тажриба 3 қайтариқда, экин майдони 10 м<sup>2</sup> да, 5 млн унувчан уруғ ҳисобида экилди.

Дала тажрибаси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг Қарши тажриба даласида олиб борилди. Статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов (1985) услуби асосида амалга оширилди. Тажриба даласида етиштирилган қаттиқ буғдойнинг донининг технологик сифат кўрсаткичлари «Методические рекомендации по оценке качества зерна», «Методы биохимического исследования растений» услубий кўлланмалари, клейковина миқдори ГОСТ 13586-1-68, дон шишасимонлиги ГОСТ 10987-76, дон намлиги ГОСТ 13586-5-93, дон натураси ГОСТ 3040-55, 1000 дона дон вазни ГОСТ 10842-89 бўйича таққосланиб ўрганилди.

Тадқиқот доирасида қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг 1000 дона дон вазни, унинг ҳосилдорлик кўрсаткичларига боғлиқлиги ўрганилди.

Навлар 1000 дона дон вазнига кўра 4 гурӯхга бўлинади: 1) жуда йирик донли – 50 г. дан ортиқ, 2) йирик – 41-50 г, 3) ўртacha йирик – 31-40 г, 4) майдо – 30 г. дан кам.

Андоза “Крупинка” навининг 1000 дона дон вазни 38,7 г. ни ташкил қиласган бўлса, 18 та тизмалар ундан юқори кўрсаткич

эга эканлиги аниқланди.

Олиб борилган тадқиқот давомида қаттиқ буғдой нав ва тизмаларнинг 1000 дона дон вазни 1 гурӯхга тўғри келадиган 6 та тизмалар борлиги аниқланди. Иккичи гурӯхга мансуб бўлган, дон оғирлиги 41,0-50,0 г. бўлган тизмалар сони 12 тани ташкил этган бўлса, учинчи гурӯхга мансуб 2 та нав ва тизма борлиги аниқланди. Тажрибада майдо донли 30 г. дан кам бўлган навлар аниқланмади. 1000 та дон вазнининг ҳосилдорлик билан боғлиқлиги ўрганилганда r=0,22 ижобий коррелятив боғлиқлик борлиги аниқланди.

Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг дон натура кўрсаткичи 784,7-824,3 г/л.ни, андоза Крупинка навининг дон натураси 793,7 г/л.ни ташкил қиласди. Ўрганилаётган 15 та тизмалар дон натураси 800 г/л.дан ҳамда андоза навдан юқори эканлиги аниқланди.

Қаттиқ буғдой нав ва тизмаларининг дон таркибида оқсил миқдори ўрганилганда, 15,1-19,2 фоиз эканлиги аниқланди. Доn таркибидаги оқсил миқдори 14 фоиздан юқори бўлса 1-синфа, 11-13,9% бўлганда 2-синф, 10,9 фоиздан кам бўлганда 3 ва 4 синфларга киритилади. Ўрганилган барча нав ва тизмаларнинг дон таркибидаги оқсил миқдори 1-синфа кириши аниқланди. Андоза “Крупинка” навининг дондаги оқсил миқдори 16,6 фоизни ташкил қиласган бўлсада, 14 та тизмаларда бу кўрсаткич андоза навга нисбатан устун эканлиги аниқланди.

Буғдой унининг нонбоплик хусусияти асосан клейковина миқдори ва сифати билан баҳоланади. Клейковина миқдори ва сифати деганда буғдой хамирининг сувга ювилган, асосан сувда эримайдиган оқсилдан ташкил топган, гидратланган гель – резинасимон масса тушунилади.

Буғдой дони клейковинаси миқдорига қараб куйидаги синфларга бўлинади:

1-синф - клейковина миқдори 28 фоиздан кам бўлмаган ва сифати II гурӯхдан паст бўлмаган буғдой дони;

**Қаттиқ бүгдой нав ва тизмаларининг маҳсулдорлик ҳамда дон сифат кўрсаткичлари (Қарши, 2018 й).**

| №  | Нав номи                | Хосилдорлик, ц/га | 1000 та дон вазни, гр | Дон натураси, г/л | Окжит микдори, % | Клейковина микдори, % | ИДК   | Дон шинаси-мийлиги, % |
|----|-------------------------|-------------------|-----------------------|-------------------|------------------|-----------------------|-------|-----------------------|
| 1  | Krupinka                | 73,4              | 38,7                  | 793,7             | 16,6             | 22,3                  | 100,7 | 74                    |
| 2  | KR17_DurumAgro_Entry-3  | 75,4              | 40,5                  | 817,3             | 17,7             | 28,3                  | 104,9 | 78,5                  |
| 3  | KR17_DurumAgro_Entry-7  | 85,8              | 47,9                  | 820,0             | 18,3             | 19,2                  | 108,6 | 86,5                  |
| 4  | KR17_DurumAgro_Entry-16 | 83,2              | 44,5                  | 814,3             | 15,7             | 21,7                  | 93,0  | 84                    |
| 5  | KR17_DurumAgro_Entry-18 | 75,0              | 43,7                  | 790,0             | 16,8             | 25,7                  | 104,7 | 80                    |
| 6  | KR17_DurumAgro_Entry-19 | 82,0              | 48,7                  | 819,3             | 18,1             | 31,2                  | 102,1 | 84                    |
| 7  | KR17_DurumAgro_Entry-20 | 77,2              | 42,8                  | 810,0             | 16,9             | 29,8                  | 99,5  | 82                    |
| 8  | KR17_DurumYT_Entry-2    | 87,3              | 47,4                  | 784,7             | 15,6             | 23,7                  | 89,6  | 73                    |
| 9  | KR17_DurumYT_Entry-3    | 85,1              | 53,3                  | 804,7             | 16,6             | 21,9                  | 92,2  | 71                    |
| 10 | KR17_DurumYT_Entry-7    | 73,9              | 46,7                  | 792,3             | 19,2             | 29,7                  | 98,0  | 80                    |
| 11 | KR17_DurumYT_Entry-14   | 82,7              | 52,2                  | 804,3             | 17,2             | 23,6                  | 93,7  | 73,5                  |
| 12 | KR17_DurumYT_Entry-15   | 62,3              | 51,3                  | 824,3             | 16,3             | 29,3                  | 92,1  | 79                    |
| 13 | KR17_DurumYT_Entry-16   | 62,5              | 46,9                  | 813,7             | 15,1             | 29,9                  | 95,1  | 78                    |
| 14 | KR17_DurumYT_Entry-18   | 74,8              | 53,6                  | 790,7             | 17,8             | 25,1                  | 109,8 | 83                    |
| 15 | KR17_DurumYT_Entry-19   | 81,8              | 51,3                  | 809,3             | 17,6             | 30,1                  | 98,8  | 80                    |
| 16 | KRDW17-1                | 81,5              | 50,7                  | 814,3             | 17,4             | 27,6                  | 91,8  | 80                    |
| 17 | KRDW17-2                | 71,7              | 41,3                  | 801,3             | 16,9             | 29,7                  | 98,3  | 85                    |
| 18 | KRDW17-3                | 69,0              | 46,6                  | 804,0             | 17,8             | 30,6                  | 92,9  | 82                    |
| 19 | KRDW17-4                | 74,8              | 35,7                  | 801,7             | 19,0             | 24,1                  | 84,4  | 84                    |
| 20 | KRDW17-5                | 78,0              | 43,8                  | 816,0             | 17,7             | 28,1                  | 108,5 | 80,5                  |
|    | Үртача кўрсаткич        | 76,9              | 46,4                  | 806,3             | 17,2             | 26,6                  | 97,9  | 79,8                  |
|    | Энг юқори кўрсаткич     | 87,3              | 53,6                  | 824,3             | 19,2             | 31,2                  | 109,8 | 86,5                  |
|    | Энг паст кўрсаткич      | 62,3              | 35,7                  | 784,7             | 15,1             | 19,2                  | 84,4  | 70,7                  |
|    | ЭКФ <sub>0,5</sub>      | 1,02              | 2,69                  | 2,98              | 1,71             | 3,21                  | 2,54  | 2,34                  |
|    | CV%                     | 0,8               | 3,4                   | 2                 | 6                | 7,4                   | 1,5   | 1,8                   |

2-синф-клейковина микдори 25 фоиздан кам бўлмаган;

3-синф - клейковина микдори 22 фоиздан кам бўлмаган.

Агар клейковина микдори 22 фоиздан кам, сифати II гурӯҳдан паст бўлса, бундай бўғдо «синфсиз» дейилади.

Тажриба натижаларига кўра, нав ва тизмаларнинг дон таркибидаги клейковина микдори 28 фоиздан юқори бўлган тизмалар сони 11 тани ташкил этганлиги аниқланди. Андоза “Крупинка” навининг дон таркибидаги клейковина микдори 22,3 фоиз ни ташкил қилган бўлса, KR17\_DurumAgro\_Entry-19 тизмасида 31,2 фоиз, KRDW17-3 тизмасида 30,6 фоиз, KR17\_DurumYT\_Entry-19 тизмасида 30,1 фоиз бўлганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳосилдорлик ва дон сифат

кўрсаткичлари юқори бўлган KRDW17-5, KR17\_DurumAgro\_Entry-19, KR17\_DurumYT\_Entry-19, KRDW17-1, KR17\_DurumAgro\_Entry-20, KR17\_DurumYT\_Entry-7, KR17\_DurumAgro\_Entry-3 тизмалари танлаб олинди ва келгуси йил рақобатли нав синаш кўчатзорида синашга тавсия этилди.

**О.АМАНОВ,**  
қ.х.ф.д.,

**ДДЭИТИ Қашқадарё филиали директори,**

**Ш.ДИЛМУРОДОВ,**

**Н.ҚАЮМОВ,**

**Т.МЕЙЛИЕВ,**

**тадқиқотчилар,**

**Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти  
Қашқадарё филиали.**

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ф.Жабаров, Д.Жўраев, Ш.Дилмуродов, А.Мейлиев. Қаттиқ бўгдой селекцияси. //“Ўзбекистон қишилоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2015 №12. – 29 б.

2. Амонов О.А., Ф.О.Жабаров., Д.Т.Жўраев., Ш.Д.Дилмуродов. Қаттиқ бўгдой коллекция нав ва намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш. //“Селекция ва уруғчилик соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2014 йил 18 декабрь. – 31-33 б.

3. О.Амонов., Ш.Дилмуродов., Д.Жўраев., Х.Нурбеков. “Қаттиқ бўгдойнинг янги навларини яратишда олиб борилаётган тадқиқотлар”. “Қишилоқ хўжалиги ва транспортда ресурсстежкамкор техника, технологияларни яратиш, самарали фойдаланиш ва сервиси муаммолари” Республика илмий-амалий анжумани. –Қарши 13-14 марта 2015 йил. – Б. 156-158.

4. О.Амонов, Д.Жўраев., Ф. Жабаров., Ш.Дилмуродов, С.Т.Жўраев. “Қаттиқ бўгдой навларини яратиш ва унинг истиқболлари”. “Қишилоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий материаллари тўплами. Тошкент, 2015 й. 15-16 декабр. – Б. 219-222.

УЎТ: 633.3;.631.52

## ЛАЛМИКОРЛИҚДА ТРИТИКАЛЕНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИ

Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлашни янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариши кенгайтиришда лалмикор ерларда ем-хашак экинларини етиштириш қўшимча резерв сифатида самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республиканинг барча худудларида иқлимининг глобал исиши қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, ем-хашак экинлари ўсиб-ривожланишининг энг масъул босқичларида ҳаво ҳароратининг (20-40°C) қескин кўтарилиши, тупроқ курғоқчилигининг тез-тез юзага келиши оқибатида тупроқда намлини ва озиқа моддалар танқислиги шароитида ўтиши бу экинлардан барқарор юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга тўсқинлик қўлмоқда, шу сабабли ташки мухитнинг нокулай шароитларига (юқори ҳарорат, курғоқчиликка), касалликларга чидамли бўлган ем-хашак экинларининг янги навларини яратиш тадқиқотларимизнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Чорвачилик ва паррандачиликни арzon, сифатли омухта ем ва тўйимли хашак билан таъминлашда тритикаленинг ўрни бекиёс. Тритикаленни лалмикор майдонларда экиб, бошқа бошоқли дон экинларига нисбатан 1,5-2 баробар юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин [1].

Тритикале ётиб қолишга, курғоқчиликка, нокулай об-ҳаво шароитларига, занг касалликларига ва заараркунандаларга чидамлилиги билан бирга юқори ҳосилдорлиги ҳамда ишлаб чиқарилган дон маҳсулотнинг тўйимлилиги ва бошқа сифатлари билан буғдой

1-жадвал  
Лалмикорлиқда тритикале нав ва тизмаларининг иссиқлик ва курғоқчиликка чидамлилигини белгиловчи физиологик кўрсаткичлари (Галлаорол, 2015-2017 йиллар)

| Навлар ва тизмалар номи | Байроқча баргининг эгилиш бурчаги, даражা | Ўсимлик бўйи, см | Юқори бўғин оралиғи узунлиги, см | Баргдаги умумий сув тутиши, % |
|-------------------------|---|------------------|----------------------------------|-------------------------------|
| Фарҳод – андоза         | 12,0                                      | 80,1             | 20,3                             | 74,3                          |
| Plot 14 VAR 34          | 9,6                                       | 81,0             | 20,6                             | 76,6                          |
| Сардор                  | 13,2                                      | 77,6             | 23,7                             | 73,4                          |
| Plot 4 VAR 20           | 12,8                                      | 78,4             | 23,7                             | 75,2                          |
| Plot 22 VAR 35          | 10,7                                      | 80,0             | 20,7                             | 74,0                          |
| Plot 91 VAR 15          | 14,2                                      | 79,9             | 21,6                             | 76,3                          |
| Plot 31 VAR 49          | 10,7                                      | 81,5             | 28,0                             | 75,0                          |
| Plot 61 VAR 49          | 9,6                                       | 80,5             | 23,3                             | 71,5                          |
| Plot 14 VAR 34          | 10,8                                      | 80,4             | 22,5                             | 74,8                          |
| Plot 1 VAR 15           | 11,2                                      | 81,8             | 20,4                             | 74,5                          |

2-жадвал

Тритикале нав тизмаларининг қўмматли хўжалик белгилари ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари (Галлаорол 2015-2017 йиллар)

| № | Нав ва тизмалар номи | Бошоқлаш даври, кун | 1000 дона дон вазни, г | Ҳажм оғирлиги, г/л | Ўсимлик бўйи, см | Ҳосилдорлик, ц/га | Андозага нисбатан, ц/га ± |
|---|----------------------|---------------------|------------------------|--------------------|------------------|-------------------|---------------------------|
| 1 | Фарҳод – андоза      | 25.04               | 39.5                   | 766.3              | 108.6            | 22.6              | 0                         |
| 2 | Сардор               | 24.04               | 42.9                   | 782.7              | 106.0            | 25.2              | + 2.6                     |
| 3 | Дўстлик-4            | 24.04               | 42.7                   | 784.7              | 103.6            | 25.4              | + 2.8                     |
| 4 | Plot 22 VAR-35       | 24.04               | 38.2                   | 768.0              | 102.0            | 24.0              | + 1.4                     |
| 5 | Plot 31 VAR-49       | 24.04               | 40.2                   | 763.0              | 107.3            | 23.0              | + 0.4                     |
| 6 | Plot 61 VAR-49       | 25.04               | 37.9                   | 767.6              | 101.3            | 23.6              | + 1.0                     |
| 7 | Plot 28 VAR-12       | 25.04               | 40.1                   | 759.0              | 99.3             | 22.7              | + 0.1                     |
| 8 | Plot 14 VAR-34       | 25.04               | 38.2                   | 764.6              | 102.7            | 23.4              | + 0.8                     |

ва жавдардан устунлиги жиҳатидан ажралиб туради [2,3].

Тадқиқотлар 2015-2017 йиллар давомида ДДЭИТИ Галлаорол илмий-тажриба станциясининг ёғингарчилар билан кам таъминланган текислик қир-адирлик минтақасида ўртacha кумоқли типик бўз тупроқли лалмикор ерлариди олиб борилди. Илмий изланишлар давомида рақобат нав синони майдонида ўрганилган тритикале нав ва тизмаларининг иссиқлик ва курғоқчиликка чидамлилигини белгилашда физиологик кўрсаткичлари дала ва лаборатория шароитларидан таҳлилдан ўтказилди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, байроқча баргнинг эгилиш бурчаги ўрганилган нав ва тизмаларда ўртacha 9,6° дан (Plot 61 VAR49) 14,2° гача, андоза “Фарҳод” навида 12,0° ни ташкил этди. Ўсимликларда юқори бўғин оралиғи узунлиги 20,4 см. дан (Plot 1 VAR15) 28,0 см. гача (Plot 31 VAR49), андоза навида эса 20,3 см. дан иборат бўлди. Бу маълумотлар иссиқлик ва курғоқчиликка чидамли навларни танлаш имконини беради.

Дала тажрибаларидан олинган натижаларга кўра, муҳим кўрсаткич бўлган дон ҳосилдорлиги андозадаги “Фарҳод” (22,6 ц/га) навига нисбатан Plot 22 VAR-35 тизмаси – 1,4 ц, “Сардор” нави – 2,6 ц, “Дўстлик-4” – 2,8, Plot 61 VAR-49 – 1,0 ц/га. га юқори бўлганлиги маълум бўлди.

2-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, Plot 22 VAR-35, “Дўстлик-4”, “Сардор”, Plot 31 VAR-49 нав ва тизмалари андоза навга нисбатан эрта пишар, 1000 дона дон вазни бўйича “Сардор”, “Дўстлик-4”, Plot 14 VAR 5, Plot 31 VAR 49, Plot 28 VAR 12 тизмалари 0,7-3,4 г ортиқ эканлиги аниқланди. Доңнинг ҳажм оғирлиги бўйича “Сардор”, Plot 4 VAR-20, Plot 19 VAR-34, Plot 22 VAR-35, Plot 14 VAR-5, Plot 61 VAR-49 тизмалари андоза навга нисбатан 1,3-18,4 г/л юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги маълум бўлди.

Лалмикор ерларда тритикале етиштиришда қуйидаги агротехник тадбирларни бажариш тавсия этилади:

**Экиш муддати.** Кузда октябрнинг иккинчи ва учинчи ўн кун-

ликлари, баҳорда февраль ойи 2-3-йн кунлуклари ва март ойининг биринчи ўн кунлиги мақбул муддат ҳисобланади.

**Экиш меъёри.** Гектарига текислик қир-адирлик минтақаси учун 2,5 млн., тоғ олди ва тоғли минтақалар учун 3 млн. дона унвучан уруғ ҳисобланади.

**Озиқлантириш.** Экиш олдидан гектарига соф ҳолда текислик қир-адирлик минтақада 40 кг, тоғ олди ва тоғли минтақалarda гектарига 60 кг фосфорли ўғитлар берилади, азотли ўғит билан баҳорги озиқлантириш текислик, қир-адирлик минтақада мақбул муддати февралт ойининг охри – март ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади, ўғит меъёри гектарига соф ҳолда 40 кг, тоғ олди ва тоғли минтақалarda озиқлантиришнинг мақбул муддати апрел–май ойлари, ўғит меъёри гектарига соф

ҳолда 60 кг. ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, “Сардор”, “Дўстлик-4”, Plot 14 VAR-5, Plot 22 VAR-35 тизмалар селекция учун қимматли хўжалик белгиларга эга бўлганини учун келгусида селекция жараёнида дастлабки манба сифатида фойдаланишга тавсия этилади ҳамда ҳозирги кунда тритикаленинг “Сардор” навини лалмикор худудларда фаолият кўрсатадиган фермер хўжаликларида этиштириш ҳисобига гектаридан олинадиган соф даромадларнинг ошишига имкон яратади.

**К.ИСАКОВ,**

*қ.х.ф.н., камта илмий ходим,*

**А.УМУРЗАКОВ, Б.ҚЎШМАТОВ,**

*ДДЭИТИ Галлаорол илмий-тажриба*

*станцияси илмий ходимлари/*

#### АДАБИЁТЛАР

1. Адилов Ҳ.Т. Биокимёвий генетика ютуқларидан селекцияда фойдаланиши // “Сугориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси, уруғчилиги ва этиштириши технологиясининг муаммолари” мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Самарқанд, 19-20 июль 2006. – Б. 26-30.

2. Жон Хауторн. Тритикале. – Москвә, 1978. - С. 16-18.

3. Dencic S. and S.Borojevic, 1991. «Organization and utilization of wheat gene bank in Novi Sad, Yugoslavia. J.Genetic and Breeding 45:251-256.

**УЎТ: 634.23.631.541.11**

**МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК**

## ИСТИҚБОЛЛИ ГИЛОС ПАЙВАНДАГЛАРИНИ IN-VITRO ВА IN-VIVO УСУЛЛАРИДА КЎПАЙТИРИШ ҲАМДА ОЗУҚА МУХИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

The techniques of in vitro and in vivo propagation of cherry rootstocks, and the effect of growth regulators, nutrient media on growth rate were studied in the article. The successful micropropagation and acclimatization protocols are going to be established by results of studies on in vivo physiological and morphological traits, and processes of hardening of in vitro propagated rootstocks.

Бугунги кунда дунёда гилос (*Prunus avium*) этиштириш бўйича Туркия – 627 минг т (85,4 минг/га), АҚШ – 398 минг т (36,5 минг/га), Эрон – 140 минг т (5 минг/га) етакчилик қилиб келмоқда. Ушбу давлатларнинг барчасида гилос этиштириш кучсиз ўсуви пайвандтаглардаги интенсив асосга тўлиқ ўтказилган.

Ўзбекистон 2015 йилда 90 минг тонна гилос этиштирган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 137 минг тоннани ташкил этган. Гилосзорлар майдони 2018 йилга келиб 9830 гектарни ташкил этган [1].

Пайвандтагларни кўпайтиришда микроклонал кўпайтириш усули энг яхши самараорликка эга. In-vitro шароитида ҳар бир ўсимликларни микроклонал кўпайтириш учун универсал озуқа муҳити мавжуд эмас, улар турли ҳилдаги органик ва анероганик кўшимчалар билан фарқланади [2, 3].

In-vitro шароитида пайвандтагларни амалиётга киритиш босқичида микроклонал кўпайтирилган ўсимликлардан олинган экспланатлардан фойдаланилганда энг юқори натижаларга эришилди. Янги культураларнинг кўпайиш даражасига она ўсимликтининг қай тарзда кўпайтирилган кучли таъсир этди. Шунинг учун, микроклонал усулда кўпайтирилган ўсимликтан келиб чиқсан культураларда микроклонал новдаларнинг умумий сони кескин ошган бўлса, ўсимликтан кесиб олинган экспланатлардан ҳосил бўлган культураларда ўртача ошди. Озуқа муҳити таркиби кўпайтириш даражасига таъсир этди.

Тадқиқотлар Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг In-vitro ва биотехнология лабораториясида ўтказилди. Лабораторияяда гилоснинг «Кримский-5», «Colt», «Gizela-6» ва «Gizela-5» пака-

на ҳамда яримпакана пайвандтагларida ўтказилди.

Интродукция қилиб олиб келинган гилос ўсимликтининг юмшоқ пояларидан тахминан 2 см узунликдаги новда бўйими сегментлари кесиб олинди. Сегментлар аввал оқиб турган водопровод сувиди кирлардан тозалаш максадида юваб ташланди. Аввал 70 фоизли этанол билан 30 сония, кейин 200 мл 0,1 фоизлини натрий гипохлорид ва сув эритмасида 20 дақиқа стерилланди. Экспланатлар кимёвий моддаларни кетказиш учун дезинфекцияланди ва дистилланган сувда уч марта ювилди. Стерилизация босқичидан сўнг экспланатлар 6,5 г/л агар, 18 г/л сахароза, 12 г/л глюкоза 1 мл BAP, 0,5  $\mu$ M GA<sub>3</sub> ва 0,5  $\mu$ M 1-IBA тутган 10 мл Driver ва Kuniyuki (DKW) озуқа муҳити солинган пробиркаларга ўтказилди. Автоклавга жойлаштиришдан олдин озуқа муҳитининг pH кўрсаткичи 5,8 га келтирилди. 4 ҳафтадан сўнг микроклонал новдалар кесиб олинди ва экспланатлар сонини ошириш учун худди шу таркибли янги озуқа муҳитларига кўчирилди (4 ҳафтага). Барча экспланатлар 23±1°C ҳароратда, 16 соатлик фотопериод шароитларда, 6500 люкс ёруғлиқда ўстирилди.

Соғлом ривожланган культура новдалари озуқа муҳитига ўсиш регуляторларининг (BAP, Kin, GA3 ва IBA) турли хил концентрацияларда солинди. Сўнгра 4 ҳафта мобайнида яхши ўсган ҳамда узун микропоялар ўсиши ва кўпайиш натижаларини қайд этган муҳит кейинги кўпайтириш учун танлаб олинди.

Гилоснинг «Кримский-5», «Colt», «Gizela-6» ва «Gizela-5» пайвандтагларida илдиз ривожланиши тажрибаларида тахминан 1,5 см узунликдаги in-vitro кўпайтирилган экспланатлар 20 г/л сахароза ва 6,5 г/л агар тутган илдиз ривожлантирувчи MS, ½MS, DKW ва WPM озуқа муҳитларига кўчирилди. Энг кўп қўлланиладиган

ауксин IBA 0, 1, 3, мг/л концентрацияларда алоҳида ва биргаликдаги комбинацияларда текширилди. Ҳаммаси бўлиб 3 хил комбинациядаги илдиз ривожланиши тажрибалари олиб борилди.

In-vitro шароитида ўстирилган ва илдиз оттирилган ўсимликлар in-vivo шароитида иклимлаштириш ишлари олиб борилишидан аввал илдизлар яхшилаб ювиб, озуқа моддалар қолдиқларидан тозаланади ва пластик контейнерлар яшикларга солиниб, устидан шиша қоплама қопланди ва иклимлаштириш хонасида сақланди. Иклимлаштириш хонасининг ҳаво ҳарорати 22-25°C ни ва нисбий намлик 55-60 фоизни ташкил қиласди. Иклимлаштириш хонасида ўсимликлар 2-3 ҳафта сақланади.

Олиб борилган тажрибалар 4 хил вариантда ва 3 та тақорорийкада кўриб чиқилди. Ҳар бирида тақорорийликларнинг жойлашуви Б.Н.Доспехов усуби орқали амалга оширилди [4]. Тажриба вариантлари Дисперсион таҳлил қилинди. Барча тажрибаларнинг аниқлигига назорат варинтларини кескин солиштирилувчи орқали эришилди.

Дастлабки текширувларда «Кримский» пайвандтагида 1,0 мг/л BAP ва 0,5 мг/л Kin тутган DKW озуқа муҳитида in-vitro усулида илк куртакларнинг бўртиб чиқиши учун икки ҳафта вақт оралиғида кузатилди. Куртакланиши 92,1 фоизни ташкил қиласди. Энг паст кўрсаткич «Гизела-5» пайвандтагида 0,5 мг/л BAP ва 0,5 мг/л GA<sub>3</sub> тутган DKW озуқа муҳитида 41,1 фоизни ташкил қиласди (1-жадвал).

1-жадвал

Гилос пайвандтагларининг куртакланишига турли таркибли ва концентрацияли ўстириши бошқарувчи моддаларнинг таъсирини

|          |     |     |     |       |      |
|----------|-----|-----|-----|-------|------|
|          | -   | 0,5 | -   | 16-21 | 11,0 |
|          | -   | -   | 0,5 | 14-19 | 36,0 |
| Colt     | 0,5 | 1,0 | -   | 16-17 | 27,1 |
|          | -   | 0,5 | 1,0 | 15-19 | 44,1 |
|          | 1,0 | 0,5 | -   | 16-19 | 42,4 |
|          | 1,0 | -   | 0,5 | 11-16 | 50,8 |
|          | 0,5 | -   | 0,5 | 16-20 | 21,1 |
|          | -   | 1,0 | 0,5 | 14-19 | 15,0 |
|          | 1,0 | -   | -   | 16-19 | 42,1 |
|          | 0,5 | -   | -   | 13-19 | 16,1 |
|          | -   | 0,5 | -   | 17-22 | 29,1 |
|          | -   | 1,0 | -   | 15-21 | 20,0 |
|          | -   | 0,5 | -   | 12-22 | 13,1 |
|          | -   | -   | 0,5 | 13-19 | 16,0 |
| Гизела-6 | 0,5 | 1,0 | -   | 14-19 | 17,1 |
|          | -   | 0,5 | 1,0 | 14-18 | 24,1 |
|          | 1,0 | 0,5 | -   | 17-21 | 51,1 |
|          | 1,0 | -   | 0,5 | 13-17 | 30,8 |
|          | 0,5 | -   | 0,5 | 15-18 | 21,9 |
|          | -   | 1,0 | 0,5 | 16-21 | 59,9 |
|          | 1,0 | -   | -   | 13-19 | 22,7 |
|          | 0,5 | -   | -   | 11-15 | 13,7 |
|          | -   | 0,5 | -   | 14-20 | 19,9 |
|          | -   | 1,0 | -   | 18-22 | 20,6 |

Тадқиқотда илдизлатиш учун энг муқобил озуқавий муҳит ½MS озуқа муҳитида «Кримский-5» пайвандтагида 3 мг/л IBA ўсув гормонлари комбинацияси эканлиги аниқланди ва илдиз отиш фоизи 96 фоизни ташкил этди. Ўртача илдизланиши дараҷаси 8 ни ташкил этиб, ўртача илдиз узунлиги 3,1 см. га етди. «Гизела-5» пайвандтагида MS (st) 3 мг/л IBA ўсув гормонлари комбинациясида илдиз отиш фоизи 86%, ўртача илдизлар сони 2, илдизла узунлиги 2,5 см. га етди. Colt пайвандтагида ½MS озуқа муҳитида 3 мг/л IBA ўсув гормонлари комбинациясида илдиз отиш фоизи 76%, ўртача илдизла сони 3, илдиз узунлиги 4,2 см. га етди. «Гизела-6» пайвандтагида ½MS озуқа муҳитида 3 мг/л IBA ўсув гормонлари комбинациясида илдиз отиш фоизи 46%, ўртача илдизланиши фоизи 2, илдизлар узунлиги 2,3 см. ни ташкил қиласди. Энг паст кўрсаткичлар WPM муҳитда ўстириувчи гормонлар кўшилмаган ҳолда қайд этилди.

In-vivo усулда ўсимликлар нозик бўлиб, ўстириш идишларида юқори намарчиллик, назоратдаги ҳарорат, кучсиз ёруғлик, гетеротроф озиқланиш муҳитларида ўсганни учун таъсирчандир. In-vitro ўстирилган кўпчилик ўсимлик турлари in-vivo усулда тупроқка кўчирилганда ниҳолларнинг яхши тутиб кетиши ва бақувват ўсиши учун иклимлаштириш босқичидан ўтказилади. Муваффақиятли иклимлаштириш жараёнида микреклонал кўпайтирилган ўсимликларнинг ташки муҳитда нобуд бўлмаслигини таъминлайдиган қуляй шароитлари ҳосил қилинади. In-vivo усулда турлар озуқа муҳитларида ўсан гилос пайвандтагларининг ўсиш динамикаси кузатилди. Бунда: «Кримский-5» пайвадтаги DKW озуқа муҳитида 4,18 см, «Гизела-5» пайвандтаги MS (st) озуқа муҳитида 4,03 см ва «Гизела-6» пайвандтаги MS<sub>tak</sub> озуқа муҳитида 3,91 см. га етди. Энг паст кўрсаткичлар WPM озуқа муҳитида кузатилди (2-жадвал).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, гилос пайвандтагларини in-vitro шароитида кўпайтиришда озуқа муҳитининг аҳамияти катта. Озуқа муҳитларига (MS (st), DKW, MS<sub>tak</sub> ва WPM) ўстирувчи гормонлар (BAP, Kin, GA<sub>3</sub> ва IBA) турли концентрацияда кўшилганда

| Гилос пайвандтаги номи | Озуқа муҳити DKW муҳит + ўстириувчи гормон (мг/л) қўшимchasи билан |     |                 | Куртак бўртиши, кун | Куртакланиш, % |
|------------------------|--|-----|-----------------|---------------------|----------------|
|                        | BAP  | Kin | GA <sub>3</sub> |                     |                |
| Кримский-5             | -  | 0,5 | -               | 16-19               | 5,1            |
|                        | -  | -   | 0,5             | 18-22               | 0,0            |
|                        | 0,5  | 1,0 | -               | 14-17               | 67,1           |
|                        | -  | 0,5 | 1,0             | 13-16               | 54,1           |
|                        | 1,0  | 0,5 | -               | 12-14               | 92,1           |
|                        | 1,0  | -   | 0,5             | 13-16               | 80,2           |
|                        | 0,5  | -   | 0,5             | 15-19               | 51,1           |
|                        | -  | 1,0 | 0,5             | 18-22               | 25,6           |
|                        | 1,0  | -   | -               | 14-17               | 72,5           |
|                        | 0,5  | -   | -               | 14-18               | 33,4           |
|                        | -  | 0,5 | -               | 19-22               | 16,3           |
|                        | -  | 1,0 | -               | 17-20               | 40,1           |
| Гизела-5               | -  | 0,5 | -               | 12-16               | 11,1           |
|                        | -  | -   | 0,5             | 13-18               | 23,0           |
|                        | 0,5  | 1,0 | -               | 14-19               | 37,3           |
|                        | -  | 0,5 | 1,0             | 13-16               | 24,0           |
|                        | 1,0  | 0,5 | -               | 12-15               | 40,1           |
|                        | 1,0  | -   | 0,5             | 16-21               | 32,3           |
|                        | 0,5  | -   | 0,5             | 14-19               | 41,1           |
|                        | -  | 1,0 | 0,5             | 13-18               | 32,2           |
|                        | 1,0  | -   | -               | 14-18               | 22,7           |
|                        | 0,5  | -   | -               | 13-17               | 34,7           |
|                        | -  | 0,5 | -               | 10-18               | 25,1           |
|                        | -  | 1,0 | -               | 17-20               | 40,1           |

**In-vitro шароитида ўстирилган гилос пайвандтагларининг in vivo шароитида ўсиш динамикаси**

| Гилос пайвандтаги номи | Озуқа тури        | 1-кун     | 5-кун     | 10-кун    | 15-кун    | 20-кун    | 25-кун    | 30-кун    |
|------------------------|-------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Кримский 5             | MS(st)            | 3,08±0,13 | 3,31±0,13 | 3,56±0,14 | 3,74±0,14 | 3,78±0,14 | 3,92±0,14 | 3,95±0,14 |
|                        | DKW               | 2,96±0,14 | 3,19±0,14 | 3,48±0,15 | 3,65±0,15 | 4,10±0,20 | 4,46±0,22 | 4,55±0,22 |
|                        | MS <sub>так</sub> | 3,03±0,15 | 3,15±0,13 | 3,53±0,15 | 3,62±0,18 | 3,81±0,14 | 3,98±0,19 | 4,05±0,18 |
|                        | WPM               | 2,98±0,13 | 3,10±0,18 | 3,38±0,18 | 3,61±0,17 | 4,05±0,21 | 4,13±0,21 | 4,21±0,15 |
| Гизела 5               | MS(st)            | 3,12±0,11 | 3,21±0,11 | 3,33±0,12 | 3,48±0,11 | 3,68±0,15 | 4,12±0,16 | 4,18±0,15 |
|                        | DKW               | 3,03±0,15 | 3,15±0,15 | 3,24±0,15 | 3,42±0,13 | 3,56±0,21 | 3,86±0,18 | 4,12±0,13 |
|                        | MS <sub>так</sub> | 2,84±0,19 | 3,00±0,15 | 3,15±0,17 | 3,35±0,15 | 3,51±0,18 | 3,72±0,15 | 4,00±0,17 |
|                        | WPM               | 3,09±0,12 | 3,14±0,17 | 3,24±0,14 | 3,43±0,12 | 3,63±0,20 | 3,83±0,19 | 4,01±0,19 |
| Colt                   | MS(st)            | 2,42±0,11 | 2,64±0,19 | 2,97±0,11 | 3,18±0,17 | 3,38±0,20 | 3,52±0,18 | 3,92±0,19 |
|                        | DKW               | 2,88±0,15 | 3,03±0,12 | 3,14±0,13 | 3,37±0,11 | 3,54±0,19 | 3,79±0,19 | 4,03±0,12 |
|                        | MS <sub>так</sub> | 2,35±0,19 | 2,50±0,17 | 2,75±0,15 | 2,95±0,15 | 3,31±0,12 | 3,51±0,12 | 3,90±0,18 |
|                        | WPM               | 2,56±0,12 | 2,75±0,10 | 2,87±0,14 | 3,03±0,15 | 3,33±0,22 | 3,43±0,15 | 3,89±0,20 |
| Гизела 6               | MS(st)            | 2,64±0,15 | 2,77±0,13 | 2,95±0,18 | 3,09±0,11 | 3,32±0,23 | 3,55±0,17 | 3,82±0,13 |
|                        | DKW               | 2,28±0,13 | 2,49±0,15 | 2,64±0,16 | 2,87±0,14 | 3,04±0,14 | 3,45±0,15 | 3,73±0,19 |
|                        | MS <sub>так</sub> | 2,48±0,10 | 2,60±0,12 | 2,83±0,12 | 2,98±0,13 | 3,14±0,18 | 3,59±0,17 | 3,91±0,15 |
|                        | WPM               | 2,32±0,09 | 2,54±0,14 | 2,61±0,13 | 2,76±0,18 | 3,01±0,20 | 3,38±0,18 | 3,79±0,19 |

гилос пайвандтагларининг куртак бўртиши, куртакланиш фоизи, илдизлар сони, илдизлар узунлиги, илдизланиш фоизи ва in vivo шароитида гилоснинг «Кримский-5», «Гизела-5», «Colt» ва «Гизела-6» пайвандтагларининг ўсиш динамикаси аниқланди. Микроклонал кўпайтирилган ўсимликларни in-vivo шароитларига иклимлаштириш жуда аҳамиятлиdir, чунки микроклонал кўпайтирилган инкубатор шароити ва иссиқхона ёки дала шароитидан кескин фарқ қиласди. In-vitro ўстирилган ниҳоллар ёки

новдалар стресслардан ҳоли ва ўсимлик кўпайиши учун оптималь шароитларга эга ягона микроклимда сақланди. Бунга кўра гилос пайвандтагларининг яхши ўсиб-ривожланиши учун DKW озуқа муҳити деб топилди.

**С. АБДУРАМАНОВА,**  
таянч докторант,  
(Ак. М.Мирзаев номидаги  
Буевати.)

**АДАБИЁТЛАР**

1. FAO STAT 2018
2. G.M.Bonga, P.V.Adkares; *In vitro culture of trees, 1st edition.*, trans. by E.Bagheri, et al., Ferdowsi University Press, Mashhad, 2004, pp. 96-104.
3. 18. A.D.Webster, N.E.Looney. 2001. *Cherries: Crop Physiology production and uses, 3rd edition* trans. by H. Neamati ,A. Abdollah Zadeh, Jihad Daneshgahi Press, Mashhad, 2001, p.51
4. Б.Н. Доспехов Методика полевого опыта. - М.: Колос, 1985.

## **УЗУМНИНГ УРУФСИЗ ЯНГИ НАВ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ФЕНОЛОГИК ФАЗАЛАРИНИНГ ЎТИШИ**

**This article presents the results of experiments on the passage of 18 new varieties and hybrids of grapes phenological phases of vegetation in order to highlight the varieties of different groups of early ripening.**

**As a result of the research from the collection of table varieties of bile, three groups of early, middle and late maturing were identified. Of these groups of varieties and hybrids, the most promising for industrial cultivation are from the early maturing – Surkhak Kitab, late maturing hybrid 4-23-8. From seedless varieties such are the variety Kishmish Sogdiana and hybrid 3-23-6.**

Узумнинг янги нав ва дурагайларни фенологик ривожланиш фазаларини кузатиш шуни кўрсатадики, куртакларнинг ёзила бошлиши бўйича янги чиқарилган навлар ва дурагайлар ҳамда назорат нави ўртасида фарқ у кадар катта бўлмади. Вегетациянинг энг эрта бошланиши назорат “Оқ кишиши”

навида, тажриба навларидан “Кишишиб Самарқанд” ва “Кишишиб Согдиана”да (10-12 апрель), энг кечкиси 4-23-56 дурагайда (19 апрель) қайд этилди.

Гуллашнинг бошланиши 19 майдан 26 майгача бўлган даврга, ушбу фазанинг тугаши 27 май - 5 июня тўғри келди. Энг эрта гуллаш этalon нав – “Сурхак

китоби”да ва 4-27-20 дурагайда, энг кечкиси 4-23-56 ва 4-23-8 дурагайларида кузатилди. Умуман олганда вегетациянинг бошланиши ва гуллаш ўртасида маълум қонуният нав гурӯхларида кузатилмади.

Ҳосилининг пишиб етилиши бўйича нав ва дурагайлар орасида фарқланиш кузатилди. Хўраки навлар орасида пишиб

етилишнинг энг эрта бошланиши назорат – “Сурхак китоби” навида, энг кечкиси - 4-23-8 дурагайда қайд этилди. Узумнинг 4-14-1 дурагайи куртаклари ёзила бошлагандан пишиб етилгунгача бўлган вегетация даври бўйича эртаги навларга киритилди, унинг пишиб етилиши назоратга нисбатан икки ҳафта кеч бўлади ва 350°C фаол ҳарорат йигиндисини талаб этади (жадвал).

Ўртапишар навлар гуруҳида ғужумларининг тўлиқ пишиб етилиши янги “Хусайн мускат” нави ва 4-23-56 дурагайда стандарт “Хусайн” навига нисбатан 5 кун кечроқ бошланади. Бу вақтда 4-23-2 ва 4-20-49 дурагайларида пишиб етилиши янада кечроқ (9 кун) қайд этилди.

Пишиб етилиши бўйича 4-4-48 ва 4-23-8 дурагайлари ўртача кечпишар-

лар гуруҳига киритилди, бироқ улар стандарт “Қора жанжал” навига нисбатан эртароқ пишиб етилади. Айниқса, ушбу кўрсаткич билан 4-4-48 дурагайи ажралиб турди, унинг назоратга нисбатан эрта пишиши 10 кунни ташкил этди.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуну кўрсатадики, эртаги ва ўртаги стандарт “Сурхак китоби” ва “Хусайн” навларининг пишиши ўртасидаги фарқ

| Нав, дурагай            | Куртак ёзила бошлаши кун, ой | Гуллаш             |                | Ғужумининг пишиши  |                | Вегетация даври, кун, ой | Фаол ҳарорат йигиндиси, °C |
|-------------------------|------------------------------|--------------------|----------------|--------------------|----------------|--------------------------|----------------------------|
|                         |                              | бошланиши, кун, ой | тугаш, кун, ой | бошланиши, кун, ой | тугаш, кун, ой |                          |                            |
| <b>Эртагихўраки</b>     |                              |                    |                |                    |                |                          |                            |
| Сурхак китоби (назорат) | 14.04                        | 19.05              | 27.05          | 2.07               | 28.07          | 106                      | 2030                       |
| 4-14-1                  | 14.04                        | 25.05              | 3.06           | 27.07              | 14.08          | 123                      | 2350                       |
| <b>Ўртаги</b>           |                              |                    |                |                    |                |                          |                            |
| Хусайн(назорат)         | 15.04                        | 24.05              | 2.06           | 18.08              | 5.09           | 144                      | 2750                       |
| Хусайн мускат           | 4.04                         | 25.05              | 3.06           | 21.08              | 10.09          | 150                      | 2865                       |
| 4-23-2                  | 16.04                        | 26.05              | 4.06           | 1.08               | 27.08          | 135                      | 2570                       |
| 4-20-49                 | 17.04                        | 26.05              | 4.06           | 6.08               | 28.08          | 135                      | 2580                       |
| 4-23-56                 | 19.04                        | 27.05              | 5.06           | 13.08              | 10.09          | 145                      | 2770                       |
| <b>Ўртачақечки</b>      |                              |                    |                |                    |                |                          |                            |
| Қора жанжал(назорат)    | 14.04                        | 27.05              | 6.06           | 6.09               | 30.09          | 170                      | 3250                       |
| 4-4-48                  | 13.04                        | 25.05              | 4.06           | 1.09               | 20.09          | 160                      | 3050                       |
| 4-23-8                  | 16.04                        | 28.05              | 5.06           | 6.09               | 27.09          | 165                      | 3150                       |
| <b>Кишишибон</b>        |                              |                    |                |                    |                |                          |                            |
| Қора кишишиб(назорат)   | 13.04                        | 21.05              | 30.05          | 26.07              | 20.08          | 130                      | 2540                       |
| Оқ кишишиб (назорат)    | 12.04                        | 22.05              | 31.05          | 20.08              | 15.09          | 157                      | 3000                       |
| Кишишиб Самарканд       | 10.04                        | 22.05              | 30.05          | 5.08               | 28.08          | 142                      | 2710                       |
| Кишишиб Согдиана        | 12.04                        | 23.05              | 1.06           | 11.08              | 1.09           | 143                      | 2730                       |
| 4-23-6                  | 16.04                        | 22.05-             | 31.05          | 8.07               | 5.08           | 112                      | 2100                       |
| 4-27-20                 | 15.04                        | 19.05              | 28.05          | 10.07              | 5.08           | 113                      | 2160                       |
| 4-38-37                 | 16.04                        | 25.05              | 4.06           | 4.08               | 30.08          | 137                      | 2620                       |
| 4-35-1                  | 15.04                        | 24.05              | 1.06           | 7.08               | 2.09           | 141                      | 2690                       |

40 кунни ташкил этади. Агар стандарт навлар сортиментига янги чиқарилган “Хусайн мускат” ва истиқболли дурагайлар киритилса, янги узум истеъмолининг бундай узилиш оралиғи 9-18 кунга қисқартирилди.

“Сурхак китоби” навидан сўнг 18 кун ўтгач 4-14-1 дурагайи, яна 14 кундан

сўнг эса 4-23-2 ва 4-20-49 дурагайлари, шундан 9 кун ўтиб эса - стандарт “Хусайн” нави пиша бошлайди.

Хусайн навидан сўнг 25 кун ўтгач ўртача кечки стандарт нав Қора жанжал пиша бошлайди. Мавжуд нав сортиментига 4-23-56, 4-4-48 ва 4-23-8, шунингдек, “Хусайн мускат” нави кири-

тилса, аҳолини сентябрь ойида хилмажил узум навлари билан узлуксиз таъминлаш (4-5 кун оралиқ билан) имконияти юзага келади.

Узумнинг ургусиз навлари ва дурагайлари айниқса аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунга қадар аксарият ҳудудларда кишишибон нав сифатида “Қора кишишиб”

нави етиштириб келинмоқда, негаки унинг ҳосили ўртаги муддатларда пишиб етилади ва ортиқча кийинчиликларсиз уни ёғингарчилексиз мавсумда белгиланган кондицион намлиkkacha куритиб олиш мумкин. “Оқ кишмиш” нави эса бироз кечроқ пишиди ва уни куритиши ёғингарчилек бошланган мавсумга тўғри келиб қолади. Шу боис унинг яхши қуримаган ҳосили кўпинча шароб заводларига топширилади ёки маҳсус куритичларда куритилади.

Бунга боғлик равишида “Кишиш Самарқанд” ва “Кишиш Согдиана” навлари, шунингдек, тўртта уруғсиз янги узум дурагайлари стандарт “Оқ кишмиш” нави эрга пишиши билан ажралиб туради. Бунда 4-23-6 ва 4-27-20 дурагайларини ҳам ультра тезпишарлар гурухига киритиш, шунингдек, 4-38-37 дурагайи ва “Кишиш Самарқанд”, “Кишиш Согдиана” навларини ўртаги навлар гурухига киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг жанубий ва жануби-гарбий худудларида уруғсиз узум навлари янгилигига истеъмол қилиш учун ҳам катта микдорда талаб этилади. Бунда ушбу уруғсиз навлар қандилиги ҳали кам бўлган муддатлардан бошлаб истеъмол қилинади. Бунга боғлик равишида 4-23-6 ва 4-27-20 дурагайларини ҳам ультра тезпишарлар гурухига киритиш, шунингдек, 4-38-37 дурагайи ва “Кишиш Самарқанд”, “Кишиш Согдиана” навларини ўртаги навлар гурухига киритиш мумкин.

Шундай килиб, янги “Кишиш Самарқанд” ва “Кишиш Согдиана” навлари ҳамда бир қанча истиқболли уруғсиз дурагайлари билан янгилигига истеъ-

мол қилинадиган навлар сортиментини муваффақият билан тўлдириш мумкин.

Юқоридаги жадвалда келтирилган фаол ҳарорат йиғиндиси маълумотлари шуни кўрсатади, янги хўраки нав ва дурагайларни Ўзбекистоннинг деярли барча худудларида етиштириш мумкин. Янгилигига истеъмол қилиш нутқи на заридан бундай хулосани янги кишмиш бол нав ва дурагайларга нисбатан ҳам кўллаш мумкин, куритиш учун уларни республиканинг жанубий ва жануби-гарбий қисмida етиштириш тавсия этилади.

**Ж.ФАЙЗИЕВ,**

доцент,

**Б.МИРЗАХИДОВ,**

катта илмий ходим,

Академик Маҳмуд Мирзаев

номидаги

боғдорчилек, узумчилик ва

виночилик

илмий-тадқиқот институту.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Лазаровский М.А. Сорта винограда. Москва, 1959. 427 с.
2. Темуров Ш. Узумчилик. Тошкент, 2002. 158-59-б.
3. Рыбаков А.А., Острохова С.А. Виноградарство. Тошкент, 1988. С. 56-57.
4. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. II қисм Тошкент, 2011. 90-92-б.

УЎТ:634:1

## ОЛМАНИНГ ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН “ФУДЖИ” НАВИ КЎЧАТЛАРИНИНГ ЎСИШИГА ОРГАНИК ВА МИНЕРАЛ ҮҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

At apple-trees plantings growing in the conditions of nursery with application of organic and mineral fertilizers in different doses and terms, the variants with application of  $N_{120}P_{90}K_{60}+10$  t/ha of manure and  $N_{150}P_{120}K_{60}+10$  t/ha of manure, in which the output of standard plantings from a hectare has increased by 1,5-2 times, have been allocated.

Республикамизда мевали дарахт турларидан бири олмага бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Улар турли худудларда суғориладиган шароитда етиштирилади. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун мақбул шароитларни яратиш, айниқса, озуқа моддаларни меъёрида бериб туриш керак.

Тадқиқотларда аникланишича, Қозогистоннинг жанубий ва жануби-шарқий иқлим шароитларида мазкур усул мутлақо мақбулdir. У кўчатзордан кўчатларнинг чиқишини бир йилга тезлаштириш, экиш материалини етиштириш бўйича харажатларни қисқартириш, клон пайвандтагларида кўчат кўпайтириш коэффициентини оширишга имкон беради. Бунда олманинг 62-396 ва Арм 18 пайвандтагларидан фойдаланиш, экиш олдидан органик үғитлар бериш (120 т/га), экиш олдидан қаламчаларга ўсишни бошқарувчи актинол моддаси билан ишлов бериш, бир кеча-кундузлик сув талабига

тeng бўлган меъёрда ҳар куни ёмғирлатиб суғориш ва илдиз тарқалган қатламда намлики 75-80% дан кам бўлмаган даражада ушлаш тавсия этилади.

Кўчатзор шароитида алмашлаб экишни қўллаш мақсадида кўчатзорларни кўпайтириш керакли майдонларнинг етишмаслиги сабабли катта қийинчиликларни тутдирди. Шунинг учун кўчатларни ўстириш ва ривожлантириш кўпинча бир майдоннинг ўзида бажарилиб келинмоқда, бу эса тупроқдаги озуқа моддаларнинг камайишига олиб келади. Шу сабабли минерал үғитларнинг олма кўчатларининг вегетатив пайвандтагларда ўсиши ва сифатига таъсирини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Тажрибалар ТошДАУ илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба хўжалигининг типик бўз тупроқ шароитида Мевачилик ва узумчилик кафедрасини илмий-тадқиқот режаси асосида ўтказилди. «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар

| Вариантлар                          | 2017 йил          |       |                       |       |
|-------------------------------------|-------------------|-------|-----------------------|-------|
|                                     | Кўчатларнинг бўйи |       | Кўчатларнинг диаметри |       |
|                                     | СМ, м±т           | %     | ММ, м±т               | %     |
| Назорат (ўғитсиз)                   | 83±3,4            | 100   | 6,6±1,4               | 100   |
| $N_{60}P_{30}$                      | 93,9±4            | 113,1 | 7,6±1,4               | 115,1 |
| Гўнг 20 т/га                        | 93±4              | 112   | 8,2±1,7               | 124,7 |
| $N_{60}P_{30}+20$ т/га гўнг         | 98,4±4,4          | 118,5 | 9,2±1,8               | 139,4 |
| $N_{90}P_{60}K_{30}+10$ т/га гўнг   | 104,2±5           | 125,5 | 9,8±1,8               | 148,4 |
| $N_{120}P_{90}K_{60}+10$ т/га гўнг  | 126,4±6,2         | 152,2 | 10,8±2,1              | 163,6 |
| $N_{150}P_{120}K_{60}+10$ т/га гўнг | 113,3±5,8         | 136,5 | 10,2±2                | 154,5 |

билин тажрибалар ўтказишида ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» Х.Ч.Буриев ва бошқалар (2014); Биокимёвий ва физиологик тадқиқотлар И.В.Мичурин номидаги Россия боғдорчилик илмий-тадқиқот институтининг “Мевали экинлар навларини синаш услуби ва дастури”га (1973) мувофиқ ўтказилди.

Фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги А.С.Овсянников [7] услуби бўйича, транспирация жадаллиги эса Л.А.Ивановнинг [4] оғирликка асосланган усулида аниқланди.

Илдиз тизимининг фаол қисмини ўрганишда “моно-литлар” усули В.А. Колесников [5] кўлланилди. П.В. Кондратенко, Н.А.Бублик [6] мева экинларни дала шароитида ўрганиш услубияти бўйича олиб борилди.

Тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш Б.Н.Доспехов [3] бўйича дисперсион таххил усулида ўтказилди.

Тажриба майдонидаги тупроқни тайёрлаш қуидагича бажарилди: эрта баҳорда тупроқ 30-35 см чуқурликкача ҳайдалди ва юза қисми бороналанди. Ерни ҳайдашдан олдин чириган гўнг ва фосфор-калийли ўғитлар солинди. Азотли ўғит карбамид (азотнинг миқдори 46%) билан озиқлантириш экишдан кейин ва ўсишнинг фаол даврида (июлнинг охири) амалга оширилди. Тажриба вариантлари 4 та қайтариқда жойлаштирилди. Ҳар бир қайтариқ майдони 175 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

Вегетация даврида бегона ўтлар 3 марта тозаланди. Берилган ўғитларнинг аралашмаси ва меъёри жадвалда кўрсатилган вариантларда қабул қилинган, бир йиллик тадқиқотлар натижасида минерал ва органик ўғитларни олманинг “Фуджи” нави кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланди.

2017 йилда тажрибадан қуидагича натижаларни олдик. Олманинг “Фуджи” нави кўчатининг тез ўсиши минерал ўғитларни юқори миқдорда кўллаган вариантларда ( $N_{120}P_{90}K_{60}+10$  т/га гўнг ва  $N_{150}P_{120}K_{60}+10$  т/га гўнг)

кузатилди, яъни назоратга нисбатан бўйига 136,5 ва 152,2 см ни, илдиз бўғимининг диаметри 154,5-163,6 % ни ташкил этди.

Бирмунча яхши натижа гўнг қўлланган вариантда (гўнг 20 т/га) ва минерал ўғитлар билан бирга гўнг қўлланган вариантда ( $N_{60}P_{30}+20$  т/га гўнг) ҳам кузатилди. Бу вариантларда назоратга нисбатан бўйига ўсиши 112 ва 118,5% ни диаметрига ўсиши 124,2 ва 139,4% ни ташкил қилди.

Олманинг “Фуджи” нави кўчатини етиширишда унинг ниҳоллари сақланиб қолиш кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эгадир. Бир йил давомида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 92,5% ни ташкил этди, ҳар хил вариантларда бу кўрсаткич 87,2 дан 92,5% гача бўлди.

Кўчатлар боғ майдонларига кўчириб экилганда уларнинг тутиб қолиш даражаси ўрганилди. Бунда шу нарсалар маълум бўлдики, гектарига 120 кг азот, 90 кг фосфор ва 60 кг калий берилган вариантда кўчатларни тутиб қолиши 95% ни, назорат вариантда бу кўрсаткич эса 82% ташкил этди.

Ўғитланган кўчатларни ўсиши ҳам назоратга нисбатан анча тезлашди ва йил охирида бўйи 127,5% ва илдиз бўғими диаметри 18,2% ни ташкил этди.

**Хуласа.** Шундай қилиб, олманинг “Фуджи” нави кўчатларини самарали равишда етишириш учун азотли (карбамид 46%) ва фосфорли (аммофос 48%) ўғитларни биргаликда 3 йилда бир марта қўллаш яхши натижа бериши кузатилди ( $N_{120}P_{90}K_{60}$ , меъёрида). Йиллик меъёрнинг 2/3 қисмини баҳорда ерни ҳайдагандан олдин солиши мақсадга мувофиқ (35 см чуқурликка). Қолган қисмини эса кўчатлар жадал ўшиш даврида (июлнинг охири), қаторлар оралиғига 10-12 см чуқурликда солиб, кўчатзорнинг озиқлантирилиши мақсадга мувофиқиди.

**С.ШАРИПОВ,**  
доцент,  
**И.НАМОЗОВ,**  
ассистент,  
Тошкент давлат аграр университети.

## АДАБИЁТЛАР

- Глушченко К.С. Влияние различных подвоев на рост и плодоношение яблони. // Труды «Плодо-ягодного института им. акад. Р.Р.Шредера». – Москва, 1980. –18 с.
- Гурьянова Ю.В., М.П. Щетинина азотных удобрений на рост и утолщение штамбиков саженцев яблони на слаборослых подвоях // Вестник Мичуринского государственного аграрного университета. Серия «Плодоводство, цветоводство, овощеводство». – Мичуринск, 2004. – №1. – Т. 2. – с. 114-116.
- Доспехов Б.Н. Методика полевого опыта. - М., 1985. - 416 с.

УЎТ: 634.634.8.

## КЕЧ ГУЛЛАЙДИГАН ЎРИК НАВЛАРИ МЕВАСИННИГ СИФАТ ҚЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ

*The article presents data from research results on the quality indicators of fruits and yields late-flowering varieties and apricot hybrids. According to the average weight of one fruit, tasting evaluation and yield, the Variety mullah Sodik and No 4332 were divided.*

Ҳозирги саноатлаштирилган мевачиликда ўрик етишириш долзарб вазифа ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан янги боғлар барпо қилиш, қимматли мевали экинларнинг майдонини кенгайтириш ва юртимиизда мавжуд бўлган боғларда етишириш технологиясини янада таомиллаштириш, илфор технологияларни жорий этиш ва улар асосида янги, истиқболли, кеч гуллайдиган ўрик навларини экиш ва маҳсулотларни қайта ишлаш каби бир қанча масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ўрик дараҳтлари қаттиқ совуққа чидамлилиги билан фарқ қиласди. Лекин энг муҳим камчиликлардан бири мева куртаклари жуда эрта ўйғониб, гуллай бошлади. Ана шу даврда ҳаво ҳарорати пасайиб кетса, уларни совуқ уриб кетади. Шунинг учун қишки совуқларга чидамли, кеч гуллайдиган, ҳар йили юқори ҳосил берадиган ва мевасидан универсал мақсадларда фойдаланиладиган нав ва дурагайлар яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Тажрибалар Академик М.Мирзаев номли боғдорчиллик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг

Самарқанд илмий-тажриба станцияси сугориладиган бўз тупроқлари шароритида олиб борилди. Самарқанд вилоятида мавжуд бўлган ва илмий-тажриба станциясида яратилган ўрик нав ва дурагайларининг хўжалик ва биологик хусусиятлари, мевасининг сифат қўрсаткичлари ҳамда ҳосилдорлиги ўрганилди. Тажрибалар И.В. Мичурин номидаги Россия боғдорчиллик илмий-тадқиқот институтининг “Мевали экинлар навларини синаш услуби ва дастури” (1973) ҳамда ТошДАУ Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси томонидан ишлаб чиқилган услуб асосида бажарилди.

Ўрик дараҳти кучли ва тез ўсиши, барвақт (3-4 йилда) ҳосилга кириши, узоқ яшashi, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамлилиги билан Европа гурухига кирадиган навлардан ажralib туради. Дараҳтларнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда эртаги ўрик мевалари пишиши учун ҳаммаси бўлиб, 2500°C ли фойдали ҳарорат йигиндиси талаб қилинади.

Тажрибада олиб борилган фенологик кузатишларга кўра, навлар бўйича гуллаш бошланиши 26 март-9 апрел-

га тўғри келди. “Мулла Содик” нави ва №4332 дурагайи стандарт навга нисбатан 8-11 кун кеч гуллагани аниқланди. Ялпи гуллаш “Мароқанд” навида 2 апрелда, “Наврўз” навида 7 апрелда, “Мулла Содик” навида 9 апрелда ва №4332 дурагайида 12 апрелда кузатилди. Меваларнинг пишиши навлар бўйича 25 июнь-10 июля кузатилди. Барг тўкилишининг бошланиши ноябрнинг бошларига, тугаши эса ой охирларига тўғри келди.

Ўрик ҳосили янгилигича истеъмол қилинади, мевалари куритилади, қайта ишлаш саноатида ҳар хил маҳсулотлар тайёрланади. Ўрик мева экинлари ичida энг қимматли ва самарадорлиги юқори экинлардан ҳисобланади. Тажрибада ўрик навлари мевасининг сифат қўрсаткичлари, дегустация баҳоси ва ҳосилдорлиги ўрганилди (2-жадвал). Ўрик боғларида мева ҳосилини олдиндан билиш катта аҳамиятга эга.

Олинган маълумотларга кўра, энг юқори ҳосилдорлик №4332 дурагайида кузатилиб, гектаридан 156,7 ц ҳосил олинди. Бу қўрсаткич стандарт

1-жадвал

Ўрик навларининг хўжалик ва биологик тавсифи  
(Ак. М.Мирзаев номли Бува ВИТИнинг Самарқанд илмий-тажриба станцияси)

| Навлар                    | Гуллаш    |              | Меваларнинг пишиши | Клястоспориозга чидамлилиги | Барг тўкилиши |        | Ўсув даврнинг давомийлиги, кун |
|---------------------------|-----------|--------------|--------------------|-----------------------------|---------------|--------|--------------------------------|
|                           | бошланиши | ялпи гуллаши |                    |                             | бошланиши     | тугаши |                                |
| Юбилейный Навои – назорат | 26.03     | 31.03        | 1-10 июль          | ўрта чидамли                | 01.11         | 25.11  | 243                            |
| Мароқанд                  | 27.03     | 02.04        | 1-10 июль          | чидамли                     | 02.11         | 27.11  | 244                            |
| Мулла Содик               | 03.04     | 09.04        | 1-10 июль          | чидамли                     | 04.11         | 30.11  | 241                            |
| Наврўз                    | 31.03     | 07.04        | 1-10 июль          | ўрта чидамли                | 03.11         | 30.11  | 244                            |
| №4332                     | 06.04     | 12.04        | 1-10 июль          | чидамли                     | 04.11         | 30.11  | 242                            |
| Қўрсодик                  | 26.03     | 31.03        | 25 июнь-5 июль     | ўрта чидамли                | 01.11         | 26.11  | 244                            |

"Юбилейный Навои" навига нисбатан 30,6% кўпроқдир. "Мулла Содик" на вида бу кўрсаткичлар 149,4 ц/га ва 24,5 фоизга тенг бўлди. Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган янги ўрик нави (Мулла Содик) ва дурагайи (№4332) республикамизда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида янги боғлар барпо қилишда тавсия этилади ва улар давлат нав синаш комиссиясига топширилган.

"Мулла Содик" нави – кеч гуллайди, экилгандан кейин 4-5-йили ҳосилга киради, қайта ишлашда мурраббо-компот ҳамда сифатли туршак олинади. Мевалари йирик, овал ша-



Расм. "Мулла Содик" нави барги пишган мевасининг кўриниши

клида, эти сариқ, тўлиқ пишган мевалари тўқ сариқ ранга, етилиб пишган мевалари силлиқ кўринишига эга, мева таркибида қанд миқдори 20,0%, қишки ва баҳорги совукларга, клястоспориозга чидамли (0-1 балл).

№4332 дурагайи – стандарт навларига нисбатан 9-11 кун кеч гуллайди, ҳар йили ҳосил беради, клястоспориозга чидамли (0-1,5 балл), қишки ва баҳорги совукларга

чидамли, мевалари йирик, сариқ, қуёшга қараган томони қизил ҳошия билан қопланади, мева таркибида қанд миқдори 17,6 фоизни ташкил қиласди, мева сифати яхши.

Тажриба натижаларидан олинган маълумотлар ва ҳисоблар асосида биз "Мулла Содик" навини ва №4332 дурагайнини етиштиришни тавсия эта-

2-жадвал  
Ўрик навлари мевасининг сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги (Ак. М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИнинг Самарқанд илмий-тажриба станцияси)

| Навлар                    | Бир дона мевасининг ўртача вазни, г | Дегустация бахоси, балл | Ҳосилдорлик |       |
|---------------------------|-------------------------------------|-------------------------|-------------|-------|
|                           |                                     |                         | ц/га        | %     |
| Юбилейный Навои - назорат | 45,9                                | 4,5                     | 120,0       | 100,0 |
| Мароқанд                  | 35,7                                | 4,6                     | 144,3       | 120,3 |
| Мулла Содик               | 55,8                                | 4,6                     | 149,4       | 124,5 |
| Навруз                    | 45,6                                | 4,4                     | 141,6       | 118,0 |
| №4332                     | 51,3                                | 4,7                     | 156,7       | 130,6 |
| Кўрсадик                  | 38,2                                | 4,5                     | 135,8       | 113,1 |

$$\text{ЭКФ}_{\text{05}} (\text{энг кичик фарқ}) = 6,43 \text{ ц/га}$$

$$Sx \% = 3,82\%$$

миз. Ушбу ўрик нав ва дурагайлари етиштирилганда бир гектардан олинган ҳосилдорлик 149,4-156,7 ц/га. ни ташкил қиласди.

**К.КАТТАЕВ,**  
Академик М.Мирзаев номли Буев ВИТИ  
Самарқанд илмий-тажриба станцияси  
директори,  
**С.САНАЕВ, Б.ХОЛМИРЗАЕВ,**  
**М.ЖУМАЕВ, Б.МАМАТОВ**  
(СамВМИ).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Дускабилов Т и др. Абрикос на юге средней Сибири. – Новосибирск, 2004.
2. Мирзаев М., Кузнецов В. Абрикос в Узбекистане. – Ташкент: "Фан", 1984.
3. Программа и методика сортопизучения плодовых, ягодных культур и винограда. НИИ садоводства имени И.В.Мичурина. – Москва, 1973.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри. – Тошкент, 2018.

## ИССИҚХОНАЛАРДА МЕВАЛИ ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА ГИЛОС НАВЛАРИГА ҚАРАБ ЧАНГЛОВЧИ НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ

Республикамизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, шу жумладан мевачилик ва узумчиликни жадал ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини кўтариш, мева ва узум ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда уларни мавсумдан ташқари даврда сервитамин мева-узум маҳсулотлари билан халқимизни таъминлаш ва мева-узумларга бўлган талабини тўла қондиришига қаратилиши зарурдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси" нинг "Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш" бандида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усусларни, энг аввало сув ва ресурстежамкор замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш сингари буғунги кунда соҳа олдида турган муҳим асосий вазифалар белгилаб берилган.

Шу билан бир қаторда, республикада данакли меваларга бўлган талаб йил сайнин ошиб бормоқда, чунки данакли мевалар билан таъминланиш даражаси уруғли меваларга нисбатан деярли икки уч марта кам. Данакли меваларни совуққа чидамлилиги пастлиги, эрта гуллаши, меваларнинг узоқ муддат сақланмаслиги ушбу мевали ўсимликларни кенг тарқалишига тўқсинглик қилмоқда.

Мавжуд муаммоларнинг ечимидан бири, бу – данакли меваларни баҳорги совуқлар таъсири этмайдиган, бошқариладиган шароитларда етиштиришдир. Бунда ишончли ҳосил етиштириш билан биргаликда, мевали дараҳтларни совуқлар таъсиридан ҳимоя қилиш имконияти пайдо бўлади.

Республикамизда мева, сабзавот ва полиз экинлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг асосий мақсадлари ҳар гектар сугориладиган ердан олинадиган маҳсулотлар микдорини юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига кескин оширишдан иборат.

Юқори сифатли ҳосил етиштириш ҳисобига энг аввало ҳар бир экиннинг биологияси, унинг ўсув даврида озуқага бўлган талаби, экиш муддатларини аниқ билиш ва етиштириш жараёни

## Гилоснинг чангловчи ва чангланувчи навлари

| Т/р | Чангланадиган навлар     | Чанглантирувчи навлар           |
|-----|--------------------------|---------------------------------|
| 1   | Баҳор                    | Қора гилос, Франсис             |
| 2   | Валовье сердце           | Наполеон, Дрогана жётая         |
| 3   | Дрогана жётая            | Сарви сурхони, Наполеон         |
| 4   | Қора гилос               | Баҳор                           |
| 5   | Саври сурхони "Апрелька" | Дрогана жётая, Наполеон розовая |

даги ҳар бир тадбир ўз вақтида, сифатли ўтказилишини тъминлаши зарур.

Республиканизнинг об-ҳаво, тупроқ шароитига қараб ҳар бир вилоят учун янги районлаштирилган, мўл ҳосилли, сифат кўрсатичлари юқори бўлган, заракунанда ва касалликларга чидамли, механизмлар ёрдамида ишлов беришга мослашган, ҳар бир экиш муддати учун мос навларни тўғри танлаш лозим.

Жаҳон боғдорчиллик соҳасида данакли меваларнинг ҳимояланган иншоотларда етиширилиши катта иктисодий фойда келтиради. Хитойнинг марказий ва шимолий минтақаларида мевалар деярли иситилмайдиган хандакли иншоотларда етишириб келинмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, қишики ёки кеч баҳорги аёзларнинг ўсимликларга таъсири минимал даражада бўлади, ундан ташқари, дарахтларнинг гуллаш фазасида чангловчи ҳашаротларнинг эркин учиши ва чанглаши учун имконият юқори бўлади. Дарахтларнинг ўсиб-ривожланишида ёргуликнинг таъсири ҳам бекёёсdir, хандакли иншоотларда маҳсус ёргуликни ўтказувчи плёнкалар билан беркитиш эвазига хандакнинг барча қисмига очиқ далага нисбатан 1,2-1,5 марта кўп ёргулик тушади. Бу эса меваларнинг бир текис ранг олиши ва сифатли маҳсулот етиширилиши гаровидир.

Данакли мевалардан гилос етишириши ресурстежкамкор технологиялар асосида, иситилмайдиган хандакли иншоотларда етиширишнинг айрим элементларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди.

Гилоснинг хандакли иншоотларда ўсиш кучи, ривожланиши, фенофазаларни ўтиши кузатилди;

Гуллаш даврида плёнка остида дарахтларнинг ҳашаротлар орқали чангланнишига имконият бериш мақсадида, ҳар бир хандакли иншоотга асалари уялари киритилди;

Баҳорги, кузги ва қишики об-ҳавонинг ҳолати назорат қилиб борилди, бунда хандакли иншоотлардаги микроклиматнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди;

Гилоснинг янги навлари ва пайвандтагларининг энг мақбул бўлгандари танлаб олинди;

Ўзбекистон шароитида 2010-2011 йилларда биринчи марта Хитой технологияси асосида Академик М.Мирзаев номли Боғдорчиллик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида сунъий иситилмайдиган хандакли иншоотлар барпо этилди. Ушбу иншоотларда 2011-2012 йиллардан бошлаб данакли мевалардан гилос экиб етиширила бошланди. Ҳозирги кунда ушбу хандакли иншоотларда гилоснинг 4 та нави етиширилмоқда.

Институт ҳудудида ташкил этилган хандакли иншоотларда ийл бўйи боғдорчиллика ўтказилиши режалаштирилган барча агротехник тадбирлар тўлиқлигича бажарилади. Ҳусусан, новда ва шоҳларни буташ, шакл бериш жараёнига алоҳида ургу

берилиб, дарахтларнинг ихчам шоҳ-шаббали бўлишига эришилади. Кеч баҳорги совуклардан данакли мева дарахтларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар йили баҳорда хандақли иншоотлар устига икки қаватли плёнка ёпилади, бунинг натижасида термос эфекти асосида хандақ ичидаги ҳарорат атроф-муҳит ҳароратидан 5-6 даражада юқори бўлишига эришилади. Бу эса, дарахтларни шикастланишдан сақлаб қолади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, данакли меваларни иситилмайдиган хандакли иншоотларда илмий-тадқиқот ўтказиб ўрганиб, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб, мавзу ушбу ишга йўналтирилган.

Аксарият гилоснинг дарахтлари гулчанг билан чангланмайдиган, яъни ўзини-ўзи чанглата олмай, балки ташқаридан чанглантирувчи нав талаб этади. Бунинг учун албатта четдан чанглатилиши лозим. Гилос дарахтлари чанглатилмаса, дарахтларда жуда кўп гул бўлиши мумкин, лекин мева бўлмайди. Бундан ташқари, ўзидан чангланиб мева тугадиган гилос дарахтлари ҳам четдан чангланганда ҳосили анча ошади ва мева сифати жуда яхшиланади.

Чангловчи навларни танлашда қўйидаги қоидалар эътиборга олиниши керак:

-чангловчи гилос дарахтлари мазкур худуд гурухига тавсия этилган навлардан бўлиши зарур;

-чангловчи гилос дарахтларининг кўплаб гуллаш даври асосий мева дарахтларининг гуллаш пайтига тўғри келиши лозим;

-чангловчи гилос дарахтларининг ҳосилга кириш пайти асосий мева дарахтларининг ҳосил қила бошлаш даврига тўғри келиши керак;

-чангловчи гилос дарахтларининг умри асосий нав дарахт умри билан бир хил бўлиши лозим.

-четдан чангланадиган гилос дарахтларининг яхшироқ чангланиши учун икки хил навли дарахтларни бир-биридан 10-15 метр узоқлиқда экишни тавсия этилади.

-чанглантирувчи навни асосий нав дарахтлари шоҳларига ҳам улаш мумкин.

Гилос дарахтларининг гуллари ҳашарот (асалари) лар воситаси билан чангланади. Шу сабабли, гилос дарахтлари гуллаётган даврида боғга асалари уялари жойлаштирилса, ижобий натижаларга эришилади. Чанглантирувчи дарахт гулчангни, одатда, асаларилар иккинчи навдаги дарахт гулига олиб ўтади.

Чангловчи навларни тўғри танлаш боғдорчиллика катта аҳамиятга эга. Шу сабабли гилос боғларини барпо қилишда бу масалага жиддий эътибор бериш керак.

Гилос дарахтларида гулларнинг чангланиб уруғланишига тупроқ, об-ҳаво, намлиқ, агротехник тадбирлар ва бошқа омиллардан иборат кўпгина шароит таъсир этади.

**М.ЯКУБОВ,**

қ.ф.н.,

**М.ИСРОИЛОВ,**

катта илмий ходим,

**Б.ХАЙИТБАЕВ,**

таянч докторант,

Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчиллик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институту.

## АДАБИЁТЛАР

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланишишининг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари ўили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг ўзгариши. – Тошкент; Ўзбекистон. 2017.-243 б.
2. А.А.Рыбаков, С.А. Строухова. Закладка плодовых культур. Плодово-водство Узбекистана. –Ташкент: «Укитувчи», 1972 С.179-202.
3. А.А.Рыбаков Дарахтларнинг навларига қараб жой танлаш ва чангловчи навларни танлаш. (Мевачиллик). –Ташкент, 1963. – Б.197-209 бет.
4. Ғуломов Б., Аброров Ш., Нормуратов И. Чангаланиш. Мевали дарахтларга шакл бериш, кесиши ва пайвандлаш. Тошкент: "ФАН" -2011. –Б. 37-38 бет.

## ПЕКАН ЁНГОГИНИНГ АҲАМИЯТИ, БИОЛОГИЯСИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Pecan is a very valuable tree from the nut family. Nuts are very useful. Propagated by seeds and grafting, the grafted trees will produce fruit for 4-6 year, seeds for 10-12 year.

Пекан ёнгоқсизонлар оиласига киради. Пеканнинг ватани Шимолий Американинг жануби хисобланади. Пекан турли хил номлар билан аталади: пекан, кария ва гикор.

Кария дастлаб К.Линней томонидан ёнгоқнинг туркуми сифатида таснифланган. Кейинчалик, 1818 йилларда пеканлар алоҳида Кария тури сифатида ажратилган.

1880 йилларда пекан саноат мақсадида ишлатила бошланди. XXI аср бошланиши ҳолатига кўра дунё бўйича терилган пекан ҳосилининг 80 фоизи Америка Кўшма Штатларига тўғри келган.

Пекан ёнгоқлари макро ва микроэлементларига бой. У антихолестерин пархезлари учун, иштаха очишига, чарвоқни чиқаришига, авитаминозга, камқонлиқда тавсия қилинади.

Пекан дараҳтининг ёнгоғи хомлигича ёки қовуриб ейилади. Кондитер саноатида пекан мағзидан ёнгоқ цукати, пирог, музкаймоқ, қиём, конфет ва шу каби ширинликлар тайёрланади. Пекан мағзидан мазаси зайдун мойига уҳшаган мой олинади. Бу мой озиқ-овқат ва консерва саноатида ишлатилади.

Пекан дараҳтининг ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади.

Марказий Осиёда пекан дараҳти 1926 йилдан бошлаб экилади. Пекан – йирик дараҳт. Барги навбатма-навбат жойлашган патсимон, мураккаб барглардан иборат бўлиб, узунлиги 25 см. дан 60 см. гача келади. Ҳар қайси баргда 9–11 та (5 дан 15 тагача) ханжарсизон, ўроқ каби эгилиб турадиган, арра тишли барг шапалоги бўлади. Оталик гули осилиб турган баргакка жойлашган. Ҳар қайси баргакканинг бўйи 10–15 см келади. Бу гуллар кўпинча ёш новдаларнинг пояга туташиб турадиган жойидан ўсиб чиқсан битта гул бандига учтадан жойлашган бўлади. Оналик гуллари янги ўсиб чиқсан новдаларнинг учида ривожланади ва бир нечта сүж жойланади.

Пекан дараҳтларининг ёнгоғи чўзинчоқ, баъзан эса думалоқ, Қобиги юпқа ва мурт бўлиб, аксарият навларининг ёнгоғи пишиб этилган пайтда қобиги деярли тагигача чатнаб ёрилади. Мағиз оғирлиги ёнгоқ оғирлигининг тахминан 45–50 фоизини ташкил этади. Марказий Осиёда ўсан 10 яшар дараҳтларнинг бўйи ўрта хисобда 5–6 метр, танасининг эни (диаметри) 10–12 см келади, қулай шароитда ўсан айрим дараҳтларнинг бўйи 9–10 м. га, йўғонлиги 20–24 см. га етади.

### Пекан ёнгоғи магзининг таркиби

(АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақидаги 2009 йил 22-сонли миллий база маълумотлари)

| 100 грамм магзининг таркибий қисми |      |       | Витаминалари                          |           |
|------------------------------------|------|-------|---------------------------------------|-----------|
| Озуқавий қиймати                   | ккал | 691   | Витамин А, ретинол                    | IU 56     |
| Куввати                            | г    | 9,17  | Витамин В <sub>1</sub> , тиамин       | Мг 0,66   |
| Оксиллар                           | г    | 71,97 | Витамин В <sub>2</sub> , рибофлавин   | Мг 0,13   |
| Еғлар                              | г    | 6,18  | Витамин В <sub>3</sub> (РР), ниацин   | Мг 1,17   |
| Тўйинган ёғ кислотаси              | г    | 13,86 | Витамины В <sub>6</sub> , холин       | Мг 40,50  |
| Углеводлар                         | г    | 9,60  | Витамин В <sub>12</sub> , пантотен к. | Мг 0,86   |
| Озуқавий тола (Целлюлоза)          | г    | 3,97  | Витамин В <sub>5</sub> , пиродоксин   | Мг 0,21   |
| Моно- ва дисахаридлар              | г    | 0,46  | Витамин В <sub>8</sub> , фолацин      | мкг 22,00 |
| Краҳмал                            | г    | 3,52  | Витамин С, ёскорбин к.                | Мг 1,10   |
| Сув                                | г    | 1,49  | Витамин Е, токоферол                  | Мг 1,40   |
| Кул моддаси                        | г    |       | Макроэлементлар                       |           |
| Макроэлементлар                    |      |       | Темир, Fe                             | мг 2,53   |
| Кальций, Ca                        | мг   | 70    | Рух, Zn                               | мг 4,53   |
| Магний, Mg                         | мг   | 121   | Мис, Cu                               | мкг 1,20  |
| Фосфор, P                          | мг   | 277   | Марганец, Mn                          | мг 4,50   |
| Калий, K                           | мг   | 410   | Селен, Se                             | мкг 3,80  |
| Натрий, Na                         | мг   | 0     |                                       |           |



сиятларига қараб, пекан ёнгоғи октябрь-ноябрь ойларида пишади. Марказий Осиёда пекан дараҳтининг ўсув даври 215–220 кунга чўзилади.

Пекан узоқ (тахминан 500 йил) ўсадиган кўркам дараҳт бўлганидан, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаширишда мухим ўрин тутади.

Баҳорда экиладиган пекан уруғи 2–2,5 ой давомида стратификация қилиниши керак. Ниш отиб ўса бошлаган уруғини экиш, айниқса, яхши натижга беради. Стратификация қилинмаган

ёнгоқлар (улар гарчи ивитилган бўлса ҳам) баҳорда экиш учун тавсия қилинмайди. Чунки ёнгоқ баҳорда стратификация қилинмай экилгандан майсалар кеч ва сийрак бўлиб чиқади, экилган ёнгоқларнинг бир қисми бутунлай кўкармайди. Етарпи даражада сугорилмайдиган майдонларда пекан яна ҳам сийрак кўкаради. Кеч кўкарган майсаларни офтоб уради, яхши ўスマйди, баъзи кўчкатларнинг новдалари кузгача пишиб улгурмайди ва қишида уларни совуқ уради. Стратификация қилинган ёнгоқ кузда экилгандан, майсалар бир текис униб чиқади.

Пекан якка қаторлаб экилганида қаторларнинг ҳар бир 1 м га 20–25 дона (ўрта ҳисобда 80–100 г) уруғ экилади. Қўшқаторлаб экилганида эса ҳар бир метрига 16–18 дона (65–70 г) уруғ экилади. Шундай қилиб, якка қаторлаб экилгандан эса 2 тонна пекан кетади. Пекан баҳорда экилганида тупроқа 6 сантиметр чукурликда, кузда экилганида эса 7–8 сантиметр чукурликда кўмилади. Экиш тамом бўлгандан кейин, айниқса, куз фаслида қаторларнинг устини хазон, майдалланган чириган гўнг ёки арра қипиғи билан бекитиш керак.

Пекан сернам, яхши шамоллайдиган тупроқларга экилиши лозим. Майдон ўз вақтида ўсув даврида 12–14 марта сугориб

турилса ва тупроқ ҳамма вақт юмшоқ ҳолатда тутилса, экилган уруғлардан яхши сифатли кўчкатлар униб чиқади.

Уруғдан чиқсан кўчкатларнинг ўқ илдизи биринчи йилда яхши ривожланиб ўсади. Ўқилдиз бўйига ўсиб, кам шохлайди ва ер устидағи қисмига қараганда 2 – 2,5 марта узун бўлади. Пекан илдизининг ихчам бўлиб ривожланиши ва патак илдизлар чиқаришини таъминлаш учун ёнгоқ илдизини шундай ҳолатга келтириш тўғрисида юкорида курсатиб ўтилган тадбирларни амалга оширмоқ керак.

Пекан кўчкатларига куртакни ҳалқа ёки яримҳалқа шаклида кесиб, улаш усули кўчкатларнинг сифатини яхшилашда энг яхши натижа беради. Пекан кўчтини пайвандлашда пайвандтаг сифатида ўша навнинг икки-уч яшар экма кўчкатларидан фойдаланилади.

**Д.НАЗАРОВА,**

*Академик М.Мирзаев номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ходими.*

**АДАБИЁТЛАР**

1. Ровский М. "Грек ёнгоги ва пекан". – Т. 1954
2. Веб сайтилар: [www.oreh-tula.ru/](http://www.oreh-tula.ru/), [www.myjane.ru/](http://www.myjane.ru/), commons.wikimedia.org, ru.wikipedia.org Майор

**УДК: 631.51+631.8 +634.66**

## **ВЛИЯНИЕ ОРГАНОМИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА КАЧЕСТВО САЖЕНЦЕВ УНАБИ**

*The article presents the results of research on the effect of organic fertilizers on the quality of unabi seedlings. When used in a fruit nursery of humus 20 t / ha + N120 P60 K30 + and foliar top dressing CO (NH<sub>2</sub>) 2 -7% 2 times it was ensured that during two years unabi seedlings were obtained (seedling height 96.4 cm, stem diameter 12.9 mm, the length of the main roots of 43.2 cm) meet the requirements of the standard.*

В Стратегии развития нашей Республики на 2017-2021 годы особое внимание уделено “дальнейшему развитию сельского хозяйства, укреплению продовольственной безопасности, расширению производства экологически чистой продукции, значительному повышению экспортного потенциала”. К 2020 году предусмотрено увеличить объём производства плодов и винограда на 21,5 %.

В нашей Республике недостаточно изучена технология по выращиванию саженцев унаби, включая систему удобрений для отделений размножения сеянцев и формирования саженцев, что является причиной снижения показателей выхода готового посадочного материала саженцев унаби в питомниководческих хозяйствах, поэтому научные исследования по применению органоминеральных удобрений при выращивании саженцев унаби имеют важное значение.

Исследования были проведены на научной станции НИИ садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаева в 2015-2017 годах. Цель исследований изучить влияние норм органоминеральных удобрений на рост, развитие, качество саженцев унаби и внедрение результатов исследований в производство. В опытах использовали районированные сорта унаби Та-ян-цзао и У-син-хун, повторность четырехкратная, площадь делянки в питомнике – 81,0 м<sup>2</sup>, количество растений на делянке 450 штук, из них 150 учетные.

Агротехнические и биохимические анализы выполнялись по общепринятым методикам. Фенологические и биометрические наблюдения проводились на основании «Программа и методика сортозучения плодовых, ягодных культур и винограда» Российского НИИ садоводства имени И.В. Мичурина, результаты исследований были подвергнуты статистической обработке по Б.А.Доспехову (1985 ).

В плодовом питомнике, где проводились опыты содержание

гумуса по горизонтам почвы составляло 1.24% (0-30 см) 1.10% (40-64 см), общего азота, соответственно, 0.127-0.115%, фосфора 0.185-0.155%, калия 2.7-2.0%, их подвижных форм N-NO<sub>3</sub>- 23,2-18,8; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>- 25,8-16,3; K<sub>2</sub>O- 230- 180 мг/кг. Реакция почвенной вытяжки была слабощелочной, РН=7,6-7,8.

При внесении органоминеральных удобрений в плодовый питомник усиливается процесс фотосинтеза, создаются хорошие условия для интенсивного роста корней, формируется большой листовой аппарат. Анализ полученных данных показывает, что в зависимости от вариантов в среднем на одном саженце по сорту Та-ян-цзао было сформировано 349,9-379,7 штук листьев, площадь ассимиляционной поверхности одного растения составил 3464,6-3675,0 см<sup>2</sup>, число побегов 13,7-16,4 штук. По сорту У-син-хун эти показатели, соответственно, составили 347,1-376,6 штук листьев, 3356,4-3643,6 см<sup>2</sup> площади ассимиляционной поверхности листьев и 13,2-16,1штук побегов. В вариантах, где вносили перегной 20 т/га осенью +N<sub>120</sub> P<sub>60</sub> K<sub>30</sub> и осуществляли внекорневые подкормки CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> -7% 1 и 2 раза -10 июня и 10 июля показатели роста были выше, чем у контрольного варианта на 6,1-16,5%. Если количество сформировавшихся побегов в контролльном варианте составил 13,7 штук, то в варианте перегной 20 т/га +N<sub>120</sub> P<sub>60</sub> K<sub>30</sub> + внекорневая подкормка CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> -7% 2 раза этот показатель был равен 16,4 см (+16,56%). По другим вариантам перегной 20 т/га +N<sub>120</sub> P<sub>60</sub> K<sub>30</sub> + внекорневая подкормка CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> -7% 1 раз и перегной 20 т/га + N<sub>120</sub> P<sub>60</sub> K<sub>30</sub>, этот показатель соответственно, составил 16,1 и 15,8 штук.

Удобрение деревьевоказало влияние и на качество саженцев, увеличились показатели их высоты, диаметра штамба и длины основных корней. Самые высокие показатели по качеству саженцев унаби были получены в вариантах перегной 20 т/га +N<sub>120</sub> P<sub>60</sub> K<sub>30</sub> + внекорневая подкормка CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> -7% 2 раза и перегной

**Влияние органоминеральных удобрений на качество саженцев унаби (2015-2017 гг.)**

| №  | Варианты опыта   | Количество листьев на одном саженце, штук | Число побегов, штук | Высота саженцев, см | Диаметр штамба, мм | Длина основных корней, см |
|--|--|---|---------------------|---------------------|--------------------|---------------------------|
| <b>Сорт Та-ян-цзao</b>                   |  |   |                     |                     |                    |                           |
| 1.                                       | Без удобрений-контроль   | 349.9                                     | 13.7                | 82.7                | 10.4               | 37.2                      |
| 2.                                       | $N_{120} P_{60} K_{30}$ -фон   | 365.6                                     | 15.2                | 90.2                | 11.9               | 41.4                      |
| 3.                                       | Перегной 20 т/га   | 360.0                                     | 14.6                | 87.2                | 11.1               | 40.1                      |
| 4.                                       | Перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$   | 369.9                                     | 15.8                | 92.3                | 12.1               | 41.9                      |
| 5.                                       | Перегной 20 т/га +внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 1 раз                             | 360.2                                     | 14.7                | 88.2                | 11.4               | 40.3                      |
| 6.                                       | Перегной 20 т/га + внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 2 раза                           | 361.2                                     | 14.9                | 89.2                | 11.7               | 40.9                      |
| 7.                                       | Перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$ + внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 1 раз  | 375.3                                     | 16.1                | 95.4                | 12.6               | 42.5                      |
| 8.                                       | Перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$ + внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 2 раза | 379.7                                     | 16.4                | 96.4                | 12.9               | 43.2                      |
| HCP <sub>05</sub> =0,30 мм<br>Sx % =2,9% |  |   |                     |                     |                    |                           |
| <b>Сорт У-син-хун</b>                    |  |   |                     |                     |                    |                           |
| 1.                                       | Без удобрений-контроль   | 347.1                                     | 13.2                | 82.2                | 10.2               | 36.9                      |
| 2.                                       | $N_{120} P_{60} K_{30}$ -фон   | 363.1                                     | 14.8                | 88.1                | 11.6               | 39.9                      |
| 3.                                       | Перегной 20 т/га   | 356.2                                     | 14.1                | 85.0                | 10.9               | 38.6                      |
| 4.                                       | Перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$   | 366.5                                     | 15.4                | 90.0                | 11.9               | 40.5                      |
| 5.                                       | Перегной 20 т/га +внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 1 раз                             | 357.5                                     | 14.2                | 86.1                | 11.1               | 38.8                      |
| 6.                                       | Перегной 20 т/га + внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 2 раза                           | 357.2                                     | 14.4                | 87.0                | 11.4               | 39.5                      |
| 7.                                       | Перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$ + внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 1 раз  | 372.7                                     | 15.7                | 93.1                | 12.3               | 41.0                      |
| 8.                                       | Перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$ + внекорневая подкормка $CO(NH_2)_2$ -7% 2 раза | 376.8                                     | 16.1                | 94.2                | 12.7               | 41.8                      |
| HCP <sub>05</sub> =0,39 мм<br>Sx % =3,5% |  |   |                     |                     |                    |                           |

## ЛИТЕРАТУРА

- Мусаев Б.С. Система применения удобрений. — Ташкент, 1998 .  
 Остонакулов Т.Э., Нарзиева С.Х., Гуломов Б.Х. Мевачилик асослари.—Тошкент, 2010.-210 бет.  
 Программа и методика сортизучения плодовых, ягодных культур и винограда. НИИ садоводства имени И.В.Мичурина.—Москва, 1973.  
 4. Пономаренко Л.В. Китайский финик на Кубани. Научное. обеспечение агропромышленного комплекса: Сб. материалов VII региональной научно-практической конференции. Кубанский ГАУ. —Краснодар, 2005.

## УУТ 664.8

### ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА НОН ЖИЙДАНИНГ (*ELAEAGNUS ORIENTALIS L.*) АҲАМИЯТИ

*The ongoing reforms in the country on the formation of a stable and effective economy reflect today's results. In the conditions of the market economy such important and urgent reforms as today are the most effective, profitable, source of income for the population. It is desirable to use a flower-growing plant, which is decorative, medicinal, servitamin, food, and also of national importance, adapted to various soil and climatic conditions.*

Кейинги йилларда Ўзбекистонда боғдорчиликни ривожлинтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига, шу жумладан меваларга талаб кескин ошмоқда. Юртошибимиз таъкидлаганларидек “Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини яратиш зарур, чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан бўён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ”. Албатта минг йиллар давомида нон жийда (*Elaeagnus orientalis L.*)нинг йирик мевали шакллари яратилганки, улар нафақат йирик мевалари билан, балки серҳосиллиги, курғоқиликка, тузга чидамлилиги ҳамда тез ҳосилга кириши билан ажralиб туради.

Жийда дарахтидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин,

мевалари эса озиқ-овқат ва дориворлик хусусияларига эга бўлиб, қадимдан Марказий Осиё ва Кавказ ҳалқларининг асосий озиқ-овқат ресурсларидан бири ҳисобланган ва манзарали ўсимлик сифатида ҳам кўплаб экилган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳам нон жийданинг йирик мевали шакллари ҳовли чеккаларида экиб ўстирилиб, меваларидан озиқ овқат сифатида ҳамда ҳалқ табобатида ҳам кўплаб фойдаланилмоқда. Шунингдек жийда мевалари организмда туз-сув мутаносибликини сақлаш ҳамда одамнинг фикрлаш қобилиятини ошириш учун ҳам истеъмол қилиниши лозим.

20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$  + внекорневая подкормка  $CO(NH_2)_2$  -7% 1 раз. У этих вариантов показатели высоты саженцев, диаметра штамба и длины основных корней, соответственно, составили 96,4 см, 12,9 мм, 43,2 см (перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$  + внекорневая подкормка  $CO(NH_2)_2$  -7% 2) и 95,4 см, 12,6 мм, 42,5 см (перегной 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$  + внекорневая подкормка  $CO(NH_2)_2$  -7% 1 раз). У сорта У-син-хун по этим вариантам толщина штамба, соответственно, составила 12,7-12,2 мм.

Таким образом, при применении в плодовом питомнике перегноя 20 т/га + $N_{120} P_{60} K_{30}$  + и внекорневой подкормки  $CO(NH_2)_2$  -7% 2 раза было обеспечено получение в течение двух лет саженцев унаби (высота саженца 96,4 см, диаметр штамба 12,9 мм, длина основных корней 43,2 см) отвечающих требованиям стандарта. Применение органоминеральных удобрений повышает и улучшает качественные показатели саженцев унаби, лучшие варианты рекомендуются для внедрения в специализируемых фермерских хозяйствах.

**Л. ХАЛМИРЗАЕВА,**  
 соискатель,  
**НИИСВиВ имени акад.**  
**М.Мирзаева.**

Жийда озиқ-овқат саноатида ҳам кенг ишлатилади. Ундан кисел ва татимли шарбатлар (компот) тайёрлаш мумкин. Шарқ жиydасининг куруқ мевалари туюлиб ун олинади, уни нон ва бошка озиқ-овқат маҳсулотларига кўшиб истеъмол қилиш мумкин.

Хоразм воҳасида Ургенч шаҳри бозорида Самарқанд вилоятининг Сиёб бозорида 15 га яқин савдо расталарида, Қашқадарё вилояти ва Тошкент воҳасининг турли бозорларида йирик мевали нон жийда меваларининг сотилиши фикримиз далилидир. Фарғона вилояти Ёзёвон чўлида ўтган асрнинг 70-80 йилларида экилган жийда ихотазорлари хозирда ҳам далаларни химояловчи функцияларини яхши бажармоқда, баъзи дараҳтлар 10 метргача баландликка ва 45-50 см диаметрга эга.

Сирдарё вилоятида зовур ва коллекторлар бўйлаб экилган жийда турлари тупроқ шўрига қарамасдан яхши ўсиб ривожланган, қирғоқларни ювилишидан ва ўпирлиб тушишдан химоялайди. Ушбу жойларда жийданинг қониқарли табиий кўплайishi кузатилди. Тошкент-Гулистон автотрассаси ва темир йўли оралиғида барпо этилган жийдазорлардаги баъзи дараҳтлар серҳосиллiği билан ажралиб туради. Жийда дараҳтининг елими камёб ҳисобланувчи араб елимининг (гуммиарабик) ўрнини боса олади. У тўқимачилик саноатида ишлатилади. Дараҳт пўстлоғи ва баргларидан тери ошлашда фойдаланилади. Фармацевтикамда эса жийда елими асосида маҳсус эмулцияли дорилар тайёрлаш мумкин.

Жийда мевалари озуқавийлиги ва серҳосиллiği билан машҳурdir, меваси таркибида 40-65 фоиз қанд, 11 фоиз оқсил, клетчатка, ёғ, ошловчи моддалар, органик кислоталар мавжуд. Бундан ташқари жийданинг “гўшти” қисмida калий ва фосфорли тузлар, витаминлардан B1 B2, PP, Э бор. (11,17-26,21 мг% гача С витамины, 10,55 % гача оқсил), 11% гача клетчатка бўлиб, новда пўстлоғидан элеагнин, тетрогоидрогормон каби қўмматли алкалоидлар ажратиб олинган [1].

Илмий тиббиёт инсон истеъмоли учун нормал йиллик мевалар миқдорини 113 кг деб ҳисоблайди. Меваларнинг йиллик миқдори инсон рационида уччалик кўп бўлмасада, унинг инсон организмига кўрсатадиган физиологик таъсири бекиёсdir. Мевалардаги органик кислоталар, витаминлар, минерал тузлар ва бошка биологик фаол моддалар инсон организмидаги содир бўлувчи моддалар алмашинувига ижобий таъсири этади, инсоннинг меҳнатга бўлган қобилиятини оширади.

Шарқ жийдаси мевасидан виночилиқда бижкитувчи манба сифатида фойдаланилади, улардан саноат миқёсida спирт олиш имкониятлари мавжуд. Спирт саноати илмий-тадқиқот институтида 100 кг нон жийда мевасидан (23% намлиқда) 27-28 литр 40° ли спирт олиш мумкинлиги тажрибада исботланган [1]. Яхши ривожланган маданий навлар 35-40 кг гача сифатли мева (хосил) бериши мумкин.

Жийда дараҳти асалга бой ўсимлик ҳисобланади. У апрель охири-май бошларида қийғос гуллайди, гуллари ўта хушбўйлиги билан ажралиб, ўзига асалариларни тез жалб қиласди, ундан олин-

ган асал хушбўй, тўқ-қаҳрабосимон ранга бўлиб, шифобахш ҳисобланади. Жийдазорлар 10-12 кг/га миқдорида асал бериш имкониятига эгадир [5,2].

Жийда гулларидан мураккаб эфирлар, кислоталардан иборат ўтири ҳидли эфир мойи олинади ва у парфюмерия саноатида ҳам қадрланади. Ушбу эфир беқарор кислоталардан тозалангач қандолатчилиқда кенг фойдаланиш мумкин [3].

Жийда барглари ва новда пўстлоқларида танин миқдори юкори, шу сабабли улар тери ошлаш саноатида кенг қўлланилади. Меваси калийли ва фосфорли тузларга бой бўлиб, данагида 0.08% гача ёғ мавжуд, мевалари сервิตаминлиги туфайли тиббиётда камқонлиқда, тери қазғоқланишида, бўй ўсмаслигига истемол қилиш тавсия этилади. Жумладан, ибн Сино жийда бора-сида шундай деган: “...Ҳар қандай оқаётган нарсани тўхтатади. Кишининг ички аъзоларига қуилаётган сафрони йўқотади... Иссиқдан бўлган йўталга фойдалидир. Кусиши тўхтатади. Жийда кўп пешоб чиқаришга қарши фойдалидир...” Бундан ташқари, жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдиган ич кетишига қарши даво ҳисобланган.

Шунингдек, унинг дамлама нафас йўллари шамоллаганда ҳам тавсия қилинган. Қайнатмаси меъда-ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатса, қизитилиб туйилган жийда барги ҳамда зигир ёғи аралашмасидан тайёрланган малҳам билан яралар даволанган. Ушбу меванинг гулидан олинган эфир мойи ҳам шифобахш бўлиб, юрак фаолиятини яхшилаш учун беморларга ҳидлатилганда ижобий таъсир қилган.

Жийда дараҳти пластик ўсимлик сифатида турли тупрок-иклим шароитларида: шўрҳоқларда, ботқоғланган ерларда, меҳаник таркиби оғирлашган, ер остики сувлари яқин ерларда ҳам яхши ўсиб муҳим мелиоратив функцияларни бажаради. Айниқса, ингичка баргли жийда (*E. angustifolia* L.) асосий тўқай ўсимлиги сифатида дарё қирғоқларини ювилиб кетишдан саклайди. Ушбу тур тоғларнинг 1300 м баландликларигача бўлган тоғ ёнбағирларида кўплаб табиий ҳолда ўсади ва тупроқ емирилиши ва эрозион жараёнларига тўқсинглик қиласди [4].

Жийданинг юкори мослашувчанлиги ва беорлиги уни кенг аралли турга айлантирган [3].

Жийда илдизида биринчи йилларда ёқ микоризали тугунаклар ҳосил бўла бошлайди, катта дараҳтларда улар тўплам ва шингилсимон кўринишга эга бўлиб, катталашиб кетади. Жийдазорлар тупроқни азотга бойитади, тупроқ унумдорлигини ошириб 1 га майдонда 60-70 кг азот тўпланишини таъминлайди. Азотни ўзлаштирувчи жийда илдизидаги тугунакли бактериялар тупроқдаги бошка бактериялар билан симбиоз ҳолатида яшайди ва дараҳтнинг ўсишига ёрдам беради [6].

Демак, жийда дараҳти халқ ҳўжалиги учун муҳим қўмматли дараҳт ҳисобланиб уни ўстириш, ҳар томонлама ўрганиш, ўрмончилик фани ва халқ ҳўжалиги учун муҳим аҳамиятига эгадир. Юқорида таҳлил этилган маълумотларни эътиборга олиб, келажакда нон жийданинг йирик мевали серҳосил шаклларини саклаб қолиш мақсадида уларнинг клонларидан вегетатив кўплайтириш ва нон жийда коллекциясини яратиш буғунги куннинг долзарб масалаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Н.МИРОВ.  
Тошкент давлат аграр университети.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Азимов И. Крупноплодные формы лоха (джида) Узбекистана и способы их вегетативного размножения. Автореферат дисс на соис.уч. ст. к. с. х наук. – Ташкент, 1967. – 17 с.
2. Булганова Л. Крахотин Н. Азбука пчеловода. – Ташкент: Мехнат 1993 С. 209-210.
3. Запрягаева В.И. Дикорастущие плодовые Таджикистана. – М. Л. –Наука, 1964. – С 567-586.
4. Запрягаева В.И. Лесные ресурсы Памиро-Алая. –Ленинград: – «Наука», 1976. –С 435-439.
5. Facciola. S. *Cornucopia - A Source Book of Edible Plants*. Kampong Publications 1990
6. Huxley. A. *The New RHS Dictionary of Gardening*. 1992. MacMillan Press. 1992

## ТУРЛИ ҚОРАҒАТ НАВЛАРИДА ЎСУВ ДАВРИ АФАЗАЛАРИНИНГ ЎТИШИ

*For the difference in the blossoming period the ending of blossoming of blackcurrant varieties is varied relatively.*

Қоғағат – қадимий ва шифобаҳш мева турларидан бири ҳисобланади. Ўсимлик бута шаклида ўсиб, бўйи 1,5-2 метр баландликка етади. Қоғағат кўчати экилган кейин 2-3 йили ҳосилга киради. Қоғағат ўсимлиги 8 турга бўлинади. Боғдорчилика қоғағат ўсимлигининг уч туридан кўплаб фойдаланилади. Улар: қора қоғағат, қизил қоғағат ва олтинсимон қоғағат турларидир. Қоғағат таркибида 7-12% қанд, 1,5-3% органик кислоталар, 100-150 мг/% аскорбин кислотаси ва бошқа физиологик актив модалар мавжуд [2, 3].

Тадқиқотлар 2018 йилда ТошДАУ илмий тажриба станциясинг майдончасида олиб борилди. Тадқиқот обьекти сифатида олтинсимон қоғағат турининг 6 хил навлари хизмат қилди. Улар: "Узбекистанская крупноплодная" (назорат), "Сиома", "Рухшона", "Эликсир", "Ирода", "Узбекская сладкая". Экиш схемаси 3x1-1,5 метр, ҳар бир ўлчанадиган ер бўлмасида 15 тадан ўсимлик жойлашган. Тажриба тўртта такрорланишида ўтказилди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эрта баҳорги муд-

яни куртакларнинг бўртишидан 7-10 кун кейин. Қоғағат навларидан "Ирода" навининг куртак бўртиши ва эрта куртак ёзиши ҳамда новдаларнинг эрта ўсиши билан бошқа кузатувлардаги навлардан ажралиб турди (1-жадвал).

Фенологик кузатишлар кўрсатишича, қоғағат нав намуналарининг гуллаш фазасига кириши деярли барча навларда бир хил муддатда бошланди. Тажрибадаги 6 хил навларнинг ичida "Ирода" нави энг эрта (23 март куни) назоратга нисбатан 1 кун аввал гуллаланлиги ҳамда "Сиома" нави эса назоратга нисбатан 4 кун кечроқ (28 март куни) гуллаши билан ажралиб турди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, қоғағат нав намуналарининг гуллаш давомийлиги ҳамма навларда ҳар хил бўлди. Жумладан, "Ирода" ва "Эликсир" навларида гуллаш давомийлиги назоратга нисбатан 3 кунга қисқа, "Сиома" навида 5-кун қисқа, "Рухшона" навида 1 кунга қисқа бўлганлиги ҳамда "Узбекская сладкая" навида эса назоратга нисбатан 5 кунга узоқ, яни 35 кун гуллаш давомийлиги бўлганлиги кузатилди. Бу эса "Узбекская сладкая" навининг

### 1-жадвал

барча қоғағат навларини чангланишида катта ҳисса қўшганлиги билан ажралиб турди.

Қоғағат навларининг гуллаш давомийлиги барча навларда ҳар хил бўлганлиги навларда гуллашнинг тугаши муддатлари

бир биридан фарқ қилишини кўрсатди. Жумладан, "Ирода" навида гуллашнинг тугаши назоратга нисбатан 5-кун эрта ҳамда "Узбекская сладкая" навида эса назоратга нисбатан гуллашнинг тугаши 5-кун кеч бўлганлиги кузатилди (2-жадвал).

Юқоридагиларга асосан кўйидаги хуносаларга келиш мумкин: Олтинсимон қоғағат навларидан куртагининг эрта бўртиши "Ирода" ва "Эликсир" навларида кузатилди, яни назоратга нисбатан 2-3 кун илгари.

Куртакларнинг ёзиши қоғағат навларининг орасида куртакларнинг бўртиши билан боғлиқ ҳолда 3-4 кунга фарқ қилди.

Эрта баҳорги мавсумда вегетатив куртаклардаги новдаларнинг ўса бошлаши барча навларда 24-27 марта кузатилди.

Қоғағат навларида гуллаш фазаси 24-25 марта бошланиб, 24-25 апрел куни гуллаш фазаси тугади, гуллаш 25 кундан 35 кунгача давом этди. Эрта гуллаб

ва гуллаш фазаси қисқа бўлган қоғағат навларидан Сиома, "Ирода" ва "Эликсир" навлари бошқа кузатувдаги навлардан ажралиб чиқди.

**Д.ЖАНАКОВА,**  
(ТошДАУ)

### АДАБИЁТЛАР

1. Кўминов Е.П., Жидехина Т.В. Смородина. – Харьков: "Фолио", 2003. – 255 с.
2. Абдуллаев Р., Ягудина С. «Приусадебные ягодники» (Учебное пособие). – Ташкент, 1988. – С. 60–68.
3. Программа и методика сортопозиционирования плодовых, ягодных и орехоплодных культур. – Орел, 1999. – С. 351–373.
4. <http://www.plodopitomnik>.

## КАРТОШКАНИНГ КҮПАЙИШ КОЭФФИЦИЕНТИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТУГАНАКЛАРНИ ЭКИШОЛДИ КЕСИШНИНГ ТАЪСИРИ

*It was established that pre-cutting of seed tubers in the first year of use contributes to an increase in the coefficient of reproduction of healthy tubers by 11–48%, depending on the variety. However, with the repeated use of this technique, starting from the second generation of cut tubers, the infection of seed potatoes with viruses increases, which leads to a decrease in the productivity of the material improved by the method of apical meristem.*

Картошка қишлоқ ҳўжалик экинлари орасида кўпайиш коэффициенти паст ўсимликлар жумласига киради. Республикашимиз шароитида уруғлик пайкалларида бу кўрсаткич ўртacha 4–9 донани ташкил этади. Шунинг учун ҳам, дастлабки материал сифатида учки меристема усулида соғломлаштирилган туганаклардан фойдаланилганда ҳар бир уруғчилик питомнигидаги туганакларнинг кўпайиш коэффициентини оширишга қаратилган тадбирларнинг кўлланилиши соғлом материалнинг юқори потенциал имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Уруғлик туганакларни экиш олди кесишининг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, соғлом туганакларнинг кўпайиш коэффициенти ва ўсимликларнинг вирус касалларлари билан заарланишига шунинг учун картошканинг уруғлик сифатларига таъсирини ўрганиши мақсадида Давлат реестрига кирилган картошканинг “Қувонч-1656 М”, “Баҳро-30”, “Ҳамкор-1150” ва “Сантэ” навларининг уруғлик туганакларини тажриба объекти сифатида олиб ўргандик.

Баҳорда учки меристема усулида соғломлаштирилган, масаси 80 граммдан ортиқ бўлган уруғлик туганаклар икки қисмга кесилиб, “Фундазол” эритмасида ишланди. Назорат сифатида эса массаси 40–50 грамм бўлган, яъни вазни кесилган туганаклар бўлакларининг массасига эквивалент бўлган бутун туганаклар хизмат қилди.

Ёзда, баҳорги муддатда етиширилган ўсимликларнинг ҳосили ковлаб олинниб, худди шундай усолда кесиш ўтказилди, ҳар икки вариант туганаклари ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланиб қайта экилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, уруғлик туганакларни баҳорги муддатда экиш олдидан кесиш ўсимликларнинг униб чиқишини тезлаштиради. Бундай натижা кесишининг уруғлик туганакларга стимулятив таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Уруғлик туганакларни экиш олдидан кесиш ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, нав хусусиятларига боғлиқ равиша таъсири кўрсатиши аниқланди. Масалан, “Қувонч-1656 М” ва “Баҳро-30” навларida баҳорги муддатда экилганда экиш олдидан кесилган туганаклардан олинган ўсимликлар нисбатан баланд бўйли бўлиши кузатилди. “Ҳамкор-1150” навида эса бундай таъсири кузатилмади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кесилган туганаклардан ўсимликларнинг тез униб чиқишига қарамасдан, ўсимликлар ўсуви даврининг охирига бориб уларнинг бутун туганакларидан ҳосил бўлган ўсимликларда пояларнинг сони юқори бўлди. Бу кўрсаткич варианtlар ўртасидаги фарқ навлар бўйича ўртacha ҳар бир ўсимлика 0,4 донани ташкил этди.

Ёзда янги ковлаб олинган туганаклари билан қайta экилганда ўсимликларнинг бўйи ўртасидаги фарқ “Ҳамкор-1150” навида жуда кам (0,2 см) даражадан сезиларни “Қувонч-1656 М” навида (8,1 см) даражагача бўлганлиги кузатилди.

Янги ковлаб олинган туганаклари билан қайta экилганда уруғлик туганаклари кесилган ўсимликларнинг кўп пояли бўлиши аниқланди. Бу кесилган туганакларнинг ўстирувчи стимуляторлар эритмасида ишланганда бундай моддалар таъсири этиш юзасининг ошиши туфайли юз беради. Чунки, бутун туганаклар экилганда туганак пўсти стимуляторларнинг самарали таъсири учун тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

С.М.Букасовнинг таъкидлашича, туганакларни кесаётганди, бу усул билан авлодларга бериладиган касаллар умуман бўлмаслиги керак. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кесилган туганак ўсимликларининг авлодида вируслар билан заарлangan ўсимликлар микдорининг ҳам ошиши кузатилади. Баҳорги муддатда ҳам, янги ковлаб олинган туганакларни ёзда такрор кесиб экилганда вирусларнинг тарқалиш даражасини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, биринчи марта уруғлик туганаклар кесилганда вируслар билан заарлangan ўсимликлар микдори юқори бўлиб, варианtlар ўртасидаги фарқ 11,5 фоиздан (“Баҳро-30” навида) 15 фоизгача (“Қувонч-1656 М” навида) бўлиши кузатилди.

Янги ковлаб олинган туганаклар билан ёзда экилганда ўсимликларнинг яққол шаклдаги вируслар билан заарланиш даражаси микдори нисбатан паст бўлиши, лекин яширин шаклдаги вируслар билан заарланиш даражасининг ошиши кузатилди. Шу билан бирга, уруғлик туганаклари кесиб экилган варианtda такрор заарланиш даражасининг анча ошиши аниқланди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, туганакларни экиш олди кесиши кўллаш уруғлик материалининг кўпайиш коэффициентини оширади. Тадбирнинг биринчи йил кўлланилиши бу кўрсаткични навлар бўйича 11-48 фоизгача ошириш имконини берди. Шуни таъкидлаш керакки, “Ҳамкор-1150” нави йирик туганакли нав ҳисобланади. Шунинг учун уруғлик туганакларни экишолди кесиш бу навнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб соғлом туганакларни кўпайиш коэффициентининг ошишида катта самара (148%) бериши аниқланди. Ёзда, янги ковлаб олинган туганаклар билан қайta экиш уруғлик туганакларнинг кўпайиш коэффициентини бир йилда навлар бўйича 55,2 донадан (“Баҳро-30” навида) то 77,9 донагача (“Қувонч-1656 М” навида) ошириш имконини берди. Бутун туганаклар билан экилган варианtda эса бу кўрсаткич навлар бўйича 18,3-43,6 донани ташкил этди. “Сантэ” навида уруғлик туганакларни экишолди кесиб баҳорда экиш ва ёзда янги ковлаб олинган туганаклари билан қайta экиш дастлабки туганакдан назоратдаги 43,2 дона ўрнига 67,1 дона уруғлик туганаклар олиш имконини берди. “Қувонч-1656 М” навида бу усул кўлланганда дастлабки туганакдан 77,9 дона туганак олинди.

Уруғлик туганакларни экиш олдидан кесиш ва бир йилда икки ҳосил олиш ҳисобига навлар бўйича кўпайиш коэффициенти навлар бўйича 5,8-10,0 дона ўрнига 55,2-77,9 донага ошириш имконини берди. Шуни таъкидлаш керакки, уруғлик туганаклари экиш олдидан биринчи марта кесилган варианtda ўсимликларнинг маҳсулдорлиги массаси эквивалент, лекин бутун туганаклар билан экилган варианtda нисбатан юқори бўлди. Масалан, бу варианtda ўсимликларнинг маҳсулдорлиги навлар бўйича 520-690 граммни ташкил қилган бўлса, назорат варианtda бу кўрсаткич навлар бўйича 480-575 граммни ташкил қилди. Бундай натижана уруғлик туганакларни экишолди кесишининг ўсимликларнинг ўсиб ва ривожланиши учун стимулятив таъсири билан боклиқ.

Тадқиқотларда уруғлик туганакларни экиш олдидан кесишининг кейинги таъсири ўрганилганда бу, тадбир икки марта ўтказиш натижасида ўсимликларнинг маҳсулдорлиги кескин пасайиши кузатилди. Масалан, бундай туганаклар қайta кесиб экилган варианtda назорат бўйича ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ўртacha 405-495 грамм/тупни ташкил этган бўлса, назорат вари-

антда ўсимликларнинг маҳсулдорлиги 475-635 граммни ташкил қилди. Уруғлик туганакларни экиш олдидан кесиш ва бу тадбирнинг тақорланиши натижасида маҳсулдорликнинг пасайиши на-вларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиши аниқланди.

Масалан, “Сантэ”, “Бахро-30” ва “Ҳамкор-1150” навларида бу кўрсаткичнинг камайиши туганаклар сонининг камайиши хисобига юз берса, “Қувонч-1656 М” навида эса маҳсулдорликнинг пасайиши асосан туганаклар массасининг камайиши хисобига кузатилди. Уруғлик туганаклари кесилган ўсимликларнинг биринчи авлодида уруғлик туганакларини кесишнинг таъсири натижасида, вируслар билан кам зарарланганлиги туфайли ўсимлик маҳсулдорлигига катта таъсир кўрсатмайди ва шунинг учун ҳам ҳосилдорлик ююри бўлади. Лекин кесилган туганакларнинг иккичи авлодидан бошлаб уруғлик тақор кесилганда, зарарлан-

ган ўсимликлар миқдори ошади. Бу эса учки меристема усулида соғломлаширилган материалнинг маҳсулдорлик сифатларининг пасайишига олиб келади. Буни ҳисобга олиб, биз туганакларнинг кўпайиш коэффициентини ошириш имконияти мавжудлигига қарамасдан картошка бирламчи уруғчилик питомникларида кесувчи асбобларни дезинфекция қиласдан уруғлик туганакларни экиш олди кесиш мумкин эмас, деб хисоблаймиз.

**Д.НОРМУРОДОВ,**  
к.х.ф.д.,  
**И.ЭРГАШЕВ,**  
профессор,  
**Б.ЭШОНКУЛОВ,**  
PhD.,  
(СамВМИ).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Букасов С.М., Лехнович В.С., Камераз А.Я. и др. Картофель. – Л.: “Колос”, 1971.
2. Остонакулов Т.Э. Технология возделывания и семеноводство картофеля в Зарафшанской долине. – Т.: «Мехнат», 1991.
3. Эргашев И.Т., и др. Значение экологических и агробиологических факторов в безвирусном семеноводстве картофеля–2001.

УДК 631.331

## СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ СЕВА СЕМЯН ЛУКА В УЗБЕКИСТАНЕ

*The article presents information about the state and problems of sowing onion seeds in the conditions of Uzbekistan.*

Среди плодово-овощных культур культур лук занимает особое положение, являясь важным и ценным продовольственным продуктом. Луковица и листья лука содержат много различных полезных веществ и витаминов, стимулирует выделение пищеварительных соков, оказывает мочегонное и некоторое успокаивающее действие. Фитонциды лука определяют его бактерицидное и антигельминтное свойства.

В настоящее время в нашей республике отсутствует специальная сеялка, предназначенная для сева семян мелкосеменных овощных культур, в то время как за рубежом выпускается множество различных пневматических сеялок, предназначенных для этой цели. Они обеспечивают точный сев семян на заданную глубину рядовым способом. Однако зарубежные сеялки не приспособлены к нашим почвенно-климатическим условиям, не могут обеспечить равномерную заделку семян на гребнях. Стоимость самих сеялок и сервисного обслуживания очень высока, сеялки имеют сложную конструкцию. Поэтому фермерские и дехканские хозяйства до сих пор вынуждены пользоваться малоэффективными и научно необоснованными самодельными техническими средствами.

Кроме того, операции по подготовке почвы к севу и непосредственно севу семян выполняются отдельно, что каждый раз сопровождается заездом агрегатов на поле, излишним расходом горюче-смазочных материалов, временными и трудовыми затратами. Все это, в конечном счете, приводит к повышению себестоимости производимой продукции.

Ранее акционерным обществом “БМКБ-Агромаш” были разработаны посевное приспособление НР-30-02 и сеялка UE-2/4 для сева крупных и мелких семян овощных культур. Однако эти работы не доведены до логического завершения, поскольку они не были подкреплены научно-обоснованными исследованиями.

В настоящее время при возделывании овощных культур принято различать следующие способы сева: обычный рядовой, пунктирный, т.е. односемянный (точный), гнездовой (групповой), широкополосный разбросной, ленточный, квадратно-гнездовой.

Рядовой сев является наиболее распространенным способом сева зерновых, технических, овощных и других культур. Главным

преимуществом данного способа сева является простота конструкции высевающего аппарата. Зарубежная практика больше основывается на способе пунктирного или односемянного точного сева семян. Способ обеспечивает экономию семян, но требует применение высококачественного семенного материала. Гнездовой (групповой) способ сева семян необходимо применять в почвенно-климатических условиях, когда весной в посевной период часто образовывается почвенная корка. Ленточный способ сева является разновидностью рядового или пунктирного способов с той разницей, что несколько рядков семян, близко расположенных друг к другу, образуют одну ленту определенной ширины, а между лентами располагаются поливные борозды, по которым проходят колеса трактора. Такой способ сева рекомендуют для таких культур, как лук, редис, редька и т.п.

Соответственно способам сева наибольшее распространение получили сеялки с высевающими аппаратами, осуществляющими рядовой сев. Овощные сеялки, например, СКОН-4,2, СОН-2,8 и СО-4,2 предназначены для рядового сева семян овощных культур с одновременным внесением удобрений. На них использованы дисковые двухстрочные и однострочные сошники с ребордами для ограничения глубины хода. Подвеска радиальная. Привод высевающих аппаратов осуществляется от опорных колес сеялки. Они могут работать как на ровной, так и на гребневой поверхности.

В овощной сеялке СУПО-6 (Кировоградский проектно-конструкторский институт, Россия) используются пневматические высевающие аппараты с комбинированным диском с тонкостенной накладкой, что уменьшает опасность забивания присасывающих отверстий. В ней использована двухпорная посевная секция с параллелограммной подвеской и сошники полозовидного типа. Заделка семян производится естественной осью почвы со стенок борозд и уплотняется прикатывающим катком, а сверху образуется рыхлая почва с помощью шлейфов. Глубина хода регулируется изменением положения опорных катков относительно сошника.

В Румынии для точного сева семян овощных культур используется овощная модификация кукурузной сеялки СПЧ-6(0). Для

очистки отверстий в аппарате установлен звездчатый выталкиватель. Посевная секция одноопорная с задним расположением опоры-катка. Подвеска секции радиальная. Привод высевающего аппарата осуществляется от опорного катка секции.

Посевная секция универсальной овощной сеялки Нибекс шведской фирмы «Нибе-Веркен» выполнена одноопорной с центральной опорой в виде полоза. Подвеска сеялки радиальная, сошник килевидный с тупым углом вхождения в почву. При работе боковые стенки сошника удерживают верхний слой почвы от осыпания и поэтому семена присыпаются сначала влажной почвой, затем почва прикатывается катком. Достоинством сошника с ограничительным положением является простота конструкции и удобство в эксплуатации. Кроме ограничения глубины хода сошника, полоз выполняет в технологическом процессе и другую задачу – образование спланированной площадки для посевного рядка.

В последнее время в таких странах, как ФРГ, Америка и Россия выпускаются универсальные пневматические сеялки. Это сеялка «Monoseed» фирмы «Rabe», американский «Case-1200», «MaxEmergePlus» и российская сеялка «TCM-4150» Воронежского завода. Сеялки могут высевать семена различных овощных культур, в том числе и мелкосеменные. Для этого с сеялками представляются высевающие диски соответственно размерам семян.

В нашей Республике выпускалась сеялка СМХ-4-04 с пневматическими высевающими аппаратами, была разработана и выпущена небольшой партией пневмомеханическая сеялка РМС-4. Они были предназначены для точного сева семян технических культур (хлопчатник, кукуруза, сорго, свекла, арахис и др.), однако по ряду недостатков не нашли широкого применения.

Одним из самых простых в эксплуатации опорным элементом сошника является полоз, применяемый на хлопковых сеялках отечественного производства и некоторых зарубежных овощных сеялках точного высева. Сошник с полозом состоит из сошника в виде ножа с двумя щеками и полоза с вырезом, охватывающего сошник спереди и по бокам. Установка сошника на заданную глубину заделки семян осуществляется перемещением полоза вверх-вниз относительно сошника.

Ранее проведенными исследованиями установлено, что в наших почвенно-климатических условиях семена должны быть заделаны почвой таким образом, чтобы над семенами образовался бугорок в форме «W». Тогда выпадающие осадки будут скапливаться по двум сторонам средней возвышенной части бугорка. Тем самым уменьшается опасность появления почвенной корки на вершине бугорка, т.е. над прорастающими семенами. Сошники сами по себе после укладки семян в бороздку не могут

в полной мере заделать их почвой. Поэтому что при движении сошника часть почвы отбрасывается в сторону, часть её уплотняется. И получается, что вынутый из бороздки объем почвы уже не возвращается в неё при заделке семян. Поэтому нужны специальные загортчи и прикатки, которые бы вернули отброшенную часть почвы над бороздку и образовали нужную форму бугорка над семенами.

Исследования показали, что образование нужной формы бугорка над высеванными семенами обеспечивают лопаточные загортчи совместно с прикатками, имеющими соответствующую форму, или загортчи в виде прикаток конической формы. Лопаточные загортчи при движении захватывают определенный слой почвы и перемешают его в бороздку, засыпая семена. За ним следует прикатка в виде двух усеченных конусов, приставленных друг к другу меньшими основаниями. Толщина насыпаемого слоя почвы регулируется изменением глубины хода загортчей и расстояния между ними.

Из множества загортчей в виде прикаток можно выбрать прикатки с двойными коническими ободьями, которые применяются на овощных и хлопковых сеялках. Они перемещают почву с краев посевной бороздки и формируют над семенами почвенный валик треугольной формы, как было сказано выше. Такие загортчи просты по устройству и имеют малую ширину, что обеспечивает возможность размещения их достаточно близко друг к другу при ленточном способе сева мелкосеменных культур.

Таким образом, из вышеприведенного обзора можно сделать следующие выводы: 1) в нашей Республике отсутствует специальная сеялка точного высева для сева мелкосеменных овощных культур, удовлетворяющая требованиям наших почвенно-климатических условий; 2) зарубежные овощные сеялки точного сева не приспособлены к нашим условиям, стоимость этих сеялок и их сервисного обслуживания очень высока; 3) наиболее приемлемым способом сева семян лука является рядовой сев ленточным способом (с тремя или четырьмя рядами семян в ленте и поливными бороздками между ними), при котором сочетается простота конструкции высевающего аппарата с возможностью максимального использования земельного фонда; 4) для осуществления ленточного сева семян лука наиболее подходящими являются сошники с полозовидным опором и загортчи в виде конических прикаток.

**А.ИБРАГИМОВ,**

к.т.н., с.н.с.,

**А.АБДУРАХМАНОВ,**

к.т.н., с.н.с.

(ИМЭСХ).

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Исломова Д.М. «Равнак» скороспелая сорт лука // Овощеводство, бахчеводство и картофелеводство: состояние, проблемы и перспективы развития: Международная научно-практическая конференция. – Ташкент, 2018. – С.31-33.
2. Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Наука, 1974. – 244 с.

**УЙТ: 635.21: 631.83: 631.54.**

## КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИГА КУЛНИНГ ТАЪСИРИ

*The article presents the results of studying the influence of ash norms on the growth, development, yield and quality of potato tubers. The optimum application rates for ash for preplanting of a seed tuber and introduction in the soil are determined.*

Кул — ўсимлик қолдиқлари ёнишидан ҳосил бўлиб, таркибида макро, микроэлементлар (магний, темир, бор, марганец), айниқса, калий, фосфор ва кальций кўп сақланиши билан характерланади. Кул чиқими турли экинларда ёнган массанинг 1-7 физиони ташкил этади.

Кул картошка экини учун асосий органик ўғитлардан бири

ҳисобланади (1-жадвал).

Кулни ўғит сифатида барча тупроқларда ва экинларда қўллаш мумкин. Унинг нормаси таркибидаги калий миқдорига қараб белгиланади. Картошка экинида кулни шудгорлаш даври ёки экишолди тупроққа солиш, ўсув даврида эса озиқлантириш учун тавсия қилинган. Лекин, органик ва азотли ўғитлар билан аралаш-

**1-жадвал**  
**Турли экинларнинг ўғит сифатида қўлланиладиган кулидаги калий, фосфор ва кальций миқдори**

| Кул номи    | Фоиз ҳисобида    |                               |      |
|-------------|------------------|-------------------------------|------|
|             | K <sub>2</sub> O | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> | CaO  |
| Сомонлар:   |                  |                               |      |
| Жавдар      | 16,2             | 4,7                           | 8,5  |
| Буғдой      | 13,6             | 6,4                           | 5,9  |
| Маржумак    | 35,3             | 2,5                           | 18,5 |
| Кунгабоқар  | 36,3             | 2,5                           | 18,5 |
| Оқ қайин    | 13,8             | 7,1                           | 36,3 |
| Қорақарағай | 3,2              | 2,4                           | 25,3 |
| Қарағай     | 6,9              | 2,0                           | 31,8 |
| Торф        | 1,0              | 1,2                           | 20,0 |
| Тошкўмир    | 2,0              | 1,0                           | -    |

тириб бериш ман этилади. Россия Федерацияси ноқоратупроқ минтақаларининг кумоқ тупроқларида гектарига 300-400 кг/га кул солинганда картошка ҳосилдорлигини 21,8 ц/га, 600-800 кг/га меъёрда - 42,6 ц/га, 900-1000 кг/га солинганда эса - 37,8 ц/га, кумоқ тупроқлар шароитида гектарига 600-800 кг/га меъёрда кўлланганда 19,5 ц/га, 900-1000 кг/га солинганда 35,0 ц/га кўшимча ҳосилдорликни таъминлаган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 2016-2018 йилларда ўтлоқбўз тупроқлар шароитида картошканинг ўртатезпишар “Сантэ” ва “Эволюшн” навлари ҳосилдорлиги ва туганак сифатига кул меъёрларининг таъсирини ўрганиш бўйича дала тажрибалари ўтказилди.

Дала тажрибалари Тойлоқ туманидаги “Д. Тошпўлатов” фермер хўжалиги шароитида олиб борилди. Тажрибалар 2 йўналишида:

биринчидан; картошка ишлатилган уруғлик туганакларини экишолди кул турли меъёрларида ишлашнинг унувчанлик, ўсиш, ҳосилдорлик ва туганак сифатига таъсирини ўрганиш.

иккинчидан; турли меъёрларда кулни тупроқка солишнинг картошка ўртатезпишар навларининг ўсиши, ривожланиши, товар ҳосилдорлиги ва туганак сифатига таъсирини аниқлаш.

Тажрибалар 12-15 марта, 6-8 см чукурлиқда 70x20 см схемада ўтказилди. Делянканинг майдони 56 м<sup>2</sup>, тақрорлар сони 4 та бўлди.

Дала тажрибасида барча кузатиш, ўлчаш ва таҳлиллар ҳамда

агротехнологик тадбирлар умумқабул қилинган услуб ва тавсиялар асосида олиб борилди [2016].

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, картошка ўртатезпишар “Сантэ” ва “Эволюшн” навларининг ишлатилган уруғлик туганаклари экишолди кул билан ишланиб экилганда унувчанлик, ўсимлик ўсиб-ривожланиши ҳосилдорлик ва туганак сифатига сезиларли таъсир кўрсатди (2-жадвал).

Ишлатилган уруғлик туганакларга кул билан ишлов берилмаганда унувчанлик навлар бўйича 95,3-96,5 фоизни, кул қўлланилган варианларда эса 96,2-99,4 фоизни ташкил этиб, 0,9-3,6% фоизга ошгани кузатилди.

Бир туддаги поялар сони кул билан ишлов берилганда навлар бўйича 3,3-3,8 дона бўлиб, кул билан ишланган варианларда 0,4-0,8 донага ортиб, ўсимлик бўйи 3-10 сантиметрга, барг сатҳи 0,07-0,23 м<sup>2</sup> га ошгани қайд этилди.

Ҳосилдорлик ҳар гектардан “Сантэ” навида кул солинмаган назорат вариантда 28,2 тонна, кул қўлланилганда 28,6-32,5 тонна, “Эволюшн” навида эса 30,1 ва 31,6-35,2 тонна олинди. Шундан товар ҳосилдорлик 27,1-32,0 т/га ёки 96,4-98,5% (“Сантэ” навида) ва 29,3-34,9 т/га ёки 97,2-99,2% (“Эволюшн” навида) ташкил этди.

Энг юқори товар ҳосилдорлик навлар бўйича 31,2-34,1 т/га ишлатилган уруғлик туганаклар ҳар тоннасига 5 кг меъёрда кул солинган вариантда олинди. Бошқа ўрганилган меъёрларда ҳосилдорлик ошиши тажриба хатоси ичидан бўлди. Уруғлик туганаклар 5 кг меъёрда кул билан ишланганда туганак сифатига ижобий таъсир этиб, крахмал миқдори ўрганилган навлар туганакларида 14,1-15,2%, аскорбин кислотаси (“С” витамини) 17,90-20,62 мг/% ни ташкил этди.

Турли меъёрларда кулни тупроқка солишнинг картошка ўртатезпишар навларининг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва туганак сифатига таъсири бўйича олинган маълумотлар 3-жадвалда баён этилган.

Кул меъёрларини 250 кг дан 1000 кг. гача ошириш билан ўсимлик баланд бўйли, сербарг, бақувват, маҳсулдор бўлиб, гектаридан олинган ҳосилдорлик навлар бўйича 27,5-36,2 тоннани ташкил этди. Энг юқори ҳосилдорлик (30,6-34,6 т/га, шундан товар ҳосил 29,7-34,0 т/га ёки 97,1-98,4%) кул 500 кг/га сепилган вариантда олинди. Кул меъерининг кейинги оширилган вариантларида ҳосилдорлик юқори бўлди, лекин олинган қўшимча ҳосил тажриба хатоси чегарасида эканлиги маълум бўлди.

Тупроқка кул солиш турли меъёрлари туганак сифатига ижобий таъсир этиб, крахмал 0,1-0,8% га, аскорбин кислотаси 14,28-15,86 мг/% дан 17,08-17,84 мг/% гача ошгани кузатилди.

Тадқиқот натижалари ва ҳисоблашларнинг кўрсатишича, кар-

**2-жадвал**

**Экишолди кул турли меъёрларда ишланиб, уруғлик туганаклар экилганда, картошканинг унувчанлиги, ўсиши, ҳосилдорлиги ва туганак сифатига таъсири (2016-2018 йиллар)**

| № | Нишлатилган 1 тонна уруғлик туганакларга сепилган кул меъёри, кг | Уруғлик туганакларнинг дала ўнувчанлиги, % | Бир туддаги поя сони | Ўсимлик бўйи, см | Бир туп барг сатҳи, м <sup>2</sup> | Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га |      |      |         |      | Товар ҳосил | Туганак таркибида |
|---|--|--|----------------------|------------------|------------------------------------|---------------------------------|------|------|---------|------|-------------|-------------------|
|   |  |  |                      |                  |                                    | 2016                            | 2017 | 2018 | ўртacha | т/га | %           |                   |
| 1 | Сепилмаган (назорат)   | 95,3                                       | 3,3                  | 67               | 0,44                               | 26,6                            | 28,8 | 29,2 | 28,2    | 27,1 | 96,4        | 13,4              |
| 2 | 3 кг   | 96,2                                       | 3,7                  | 70               | 0,51                               | 27,2                            | 29,0 | 29,6 | 28,6    | 27,8 | 97,1        | 13,7              |
| 3 | 5 кг   | 98,6                                       | 4,0                  | 75               | 0,65                               | 30,0                            | 33,1 | 32,0 | 31,7    | 31,2 | 98,3        | 14,1              |
| 4 | 10 кг  | 98,9                                       | 4,0                  | 77               | 0,67                               | 31,5                            | 34,0 | 32,0 | 32,5    | 32,0 | 98,5        | 14,1              |
|   | S =  |  |                      |                  | 2,7                                | 3,8                             | 1,2  |      |         |      |             | 18,15             |
|   | ЭКФ <sub>ос</sub> =  |  |                      |                  | 1,9                                | 2,4                             | 1,6  |      |         |      |             |                   |
| 1 | Сепилмаган (назорат)   | 96,5                                       | 3,8                  | 71               | 0,53                               | 28,1                            | 30,3 | 31,9 | 30,1    | 29,3 | 97,2        | 14,4              |
| 2 | 3 кг   | 97,7                                       | 4,2                  | 76               | 0,60                               | 30,6                            | 32,0 | 32,2 | 31,6    | 31,0 | 98,0        | 14,9              |
| 3 | 5 кг   | 99,2                                       | 4,5                  | 79               | 0,72                               | 33,0                            | 35,5 | 35,0 | 34,5    | 34,1 | 98,9        | 15,2              |
| 4 | 10 кг  | 99,4                                       | 4,6                  | 80               | 0,71                               | 33,8                            | 37,0 | 34,8 | 35,2    | 34,9 | 99,2        | 15,4              |
|   | S =  |  |                      |                  | 2,9                                | 3,3                             | 1,8  |      |         |      |             | 21,04             |
|   | ЭКФ <sub>ос</sub> =  |  |                      |                  | 2,0                                | 3,1                             | 1,7  |      |         |      |             |                   |

## Картошка ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва туганак сифатига кул меъёрларининг таъсири

| №                       | Кул меъёрлари, кг/га   | Ўсимлик бўйи, см | Бир тупдаги барг сатҳи, м <sup>2</sup> | Ҳосилдорлик, т/га |        | Товар ҳосил |      | Туганак таркибида |            |       |
|-------------------------|------------------------|------------------|--|-------------------|--------|-------------|------|-------------------|------------|-------|
|                         |                        |                  |  | 2017 й            | 2018 й | ўртача      | т/га | %                 | Крахмал, % |       |
| <b>“Сантэ” навида</b>   |                        |                  |  |                   |        |             |      |                   |            |       |
| 1                       | Сепилмаганда (назорат) | 65               | 0,41                                   | 28,6              | 26,4   | 27,5        | 26,5 | 96,5              | 13,6       | 14,28 |
| 2                       | 250 кг/га              | 68               | 0,45                                   | 29,8              | 26,8   | 28,3        | 27,4 | 96,8              | 13,7       | 15,10 |
| 3                       | 500 кг/га              | 71               | 0,52                                   | 32,2              | 29,0   | 30,6        | 29,7 | 97,1              | 14,0       | 16,64 |
| 4                       | 750 кг/га              | 73               | 0,55                                   | 33,0              | 30,0   | 31,5        | 30,7 | 97,4              | 14,0       | 17,08 |
| 5                       | 1000 кг/га             | 76               | 0,57                                   | 33,6              | 30,4   | 32,0        | 31,3 | 97,7              | 14,0       | 17,08 |
| $S_x =$                 |                        | 2,4              | 1,8                                    |                   |        |             |      |                   |            |       |
| $\bar{E}K\Phi_{05} =$   |                        | 2,0              | 2,6                                    |                   |        |             |      |                   |            |       |
| <b>“Эволюшн” навида</b> |                        |                  |  |                   |        |             |      |                   |            |       |
| 1                       | Сепилмаганда (назорат) | 70               | 0,74                                   | 29,5              | 32,1   | 30,8        | 30,0 | 97,4              | 14,1       | 15,86 |
| 2                       | 250 кг/га              | 79               | 0,52                                   | 30,2              | 34,0   | 32,1        | 31,4 | 97,9              | 14,4       | 16,40 |
| 3                       | 500 кг/га              | 83               | 0,56                                   | 33,0              | 36,2   | 34,6        | 34,0 | 98,4              | 14,7       | 17,10 |
| 4                       | 750 кг/га              | 85               | 0,59                                   | 34,0              | 36,5   | 35,3        | 34,9 | 98,8              | 14,7       | 17,72 |
| 5                       | 1000 кг/га             | 88               | 0,60                                   | 35,0              | 37,4   | 36,2        | 35,8 | 99,0              | 14,9       | 17,84 |
| $S_x =$                 |                        | 1,3              | 2,5                                    |                   |        |             |      |                   |            |       |
| $\bar{E}K\Phi_{05} =$   |                        | 2,8              | 3,3                                    |                   |        |             |      |                   |            |       |

тошка экинида кулни тупроққа солишга нисбатан уруғлик туганакларни экишолди ишлаш самарали эканлиги, энг юқори қўшимча ҳосилдорликни (3,5-4,4 т/га) таъминлаши ва камхаражатли эканлиги кузатилди.

Ўтказилган дала тажрибалари асосида қўйидаги хуносаларга келинди:

картошка уруғлик туганакларини экишолди 5 кг меъёрда кул билан ишлаш дала унувчаликни синалган ўртатезлишар навларда 2,7-3,3% га ошириб, ўсимлик баланд бўйли, серпоя, баргли

ва бақувват, маҳсулдор бўлиши, гектаридан юқори ва сифатли (31,2-34,1) товар ҳосилдорликни таъминлар экан;

тупроқка кулни турли меъёрларда кўллаш ўсимлик ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик ва туганак сифатига ижобий таъсир этиб, энг кулай меъёр гектарига 500 кг кул кўлланилганда олинди. Шунда товар ҳосилдорлик гектаридан 29,7-34,0 т бўлиб, қўшимча ҳосилдорлик навлар бўйича 3,2-4,0 т/га ни ташкил этди.

**Т.ОСТОНАҚУЛОВ,**  
к.х.ф.д., профессор (СамВМИ).

## АДАБИЁТЛАР

Бацанов Н.С. Картофель. — Москва, 1970. - С 188-197.

Бульба (Энциклопедический справочник о картофеле). Минск. 1988. - с. 147-148.

Балашев Н.Н, Лучинина Е.Г. - Вопросы семеноводства картофеля в Узбекистане. – Тошкент, 1978. – С 35-60.

Остонақулов Т.Э, Зуев В.И, Қодирхўжаев О.Қ. Сабзавотчилик. – Т: Наврӯз, 2018. 552 б.

УЎТ: 631.11: 631.52

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

## ЗАНГ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ҚЎЗҒАТУВЧИ ПАТОГЕНЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИНИ КУЗАТИШ ВА УЛАРНИНГ ВИРУЛЕНТЛИК ТАРКИБИННИ АНИҚЛАШ

*Rust diseases of wheat one of the prevalent and destructive disease in cereals field in the republic. Permanent and accurate surveillance of pathogen physiological races helps increasing efficiency of fighting to rust diseases when new races appear farmer's field and very important as well varietal development in the breeding process.*

Жаҳон тажрибасидан маълумки, занг касалликларига чидамли навларни яратишда селекциячи олимлар биринчи навбатда фитопатолог олимлар билан яқиндан ҳамкорлиқда ишлаши, буғдой майдонларида учрайдиган касалликни қўзғатувчи замбуруғларни вирулентлик таркибини, яъни патогенларни ўзгариш динамикасини кузатиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, табиатда доимо эволюция ёки жинсий кўпайиш натижасида занг касалликларининг янги ирклари пайдо бўлаверади. Республикада сариқ занг касаллигининг ўртача 7-8 йилда янги ирклари пайдо бўлиши кузатилган. Бунинг натижасида айрим асосий генлар билан ҳимоя қилинган навлар чидамсиз бўлиб қолиб эпидемиологик шароитни келтириб чиқариши мумкин. Янги ирклар пайдо бўлганлигини ишончли ва тез фурсатларда аниқлаш,

селекциячи олимларни ўз вақтида огоҳлантириш, катта майдонларда экилаётган бир хил навлар эпидемиологик ҳолатининг келиб чиқиши ва пировард натижада катта харажатларнинг олди олинишига имконият яратади.

Республикада занг касалликларининг ривожланишини кузатиб бориш шуни кўрсатмоқдаки, сариқ ва қўнғир занг касаллигини чиқиривчи замбуруғлар, қиши ойлари илиқ келган йилларда урединиоспора стадиясида қишлоғдан яхши чиқмоқда.

Занг касалликларининг эпидемиологиясини кузатиб мақсадида Республикада Қорақалпогистон ва Хоразм вилоятларидан ташқари барча вилоятларда туплаш давридан то сут пишиш давригача мониторинг олиб борилди.

Кузатув даврида Сурхондарё вилоятида 3806 та,

Қашқадарё вилоятида 3484 та, Самарқанд вилоятида 3687 та, Жиззах вилоятида 3120, Сирдарё вилоятида 2985 та, Тошкент вилоятида 3564 та, Бухоро вилоятида 2880 та, Навои вилоятида 2954 ва Фарғона водийси вилоятларида 11046 та жами Республика бўйича 37526 та контурлар кўздан кечирилди. GPS (etrex) навигатори ёрдамида ҳар бир буғдой дала майдонларининг координаталари аниқланиб, карталаштирилди. Олинган занг намуналари ирқ таркибини ўрганиш мақсадида Даниянинг Аархус университетига юборилди.

Эпидемиологик ҳудудларни ўрганиш натижасида сариқ ва қўнғир занг касалликларининг қишилаб чиқиш эҳтимоли юкори ҳамда кенг тарқалиши ҳавфи бўлган Сурхондарё (Денов, Сариосиё, Узун, Шўрчи, Қизириқ, Ангор, Термиз), Қашқадарё (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабог, Нишон), Самарқанд (Үргут, Тойлок, Жомбой, Самарқанд), Жиззах (Ш. Рашидов, Пахтакор, Зафаробод), Сирдарё (Гулистан, Боёвут, Сирдарё) ва Фарғона водийси (Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат, Данғара, Поп, Наманган, Тўрақўрон, Балиқчи, Улуғнор, Марҳамат, Булокбоши) вилоятларининг тоғли, тоголди ҳудудларида биринчи навбатда, яъни февраль, март ойининг 1-ярмида сариқ занг касаллигининг пайдо бўлиши аниқланди. Сариқ занг касаллигининг пайдо бўлиши (хлорозлар пайдо бўлиши

#### **Сариқ занг касаллиги ирқларининг вирулентлик таркиби (Даниянинг Aarhус университети ва Ўсимликунослик ИТИ, 2016 йил).**

| № | Сариқ занг касаллиги ирқларининг мавжуд генларга нисбатан вирулентлик ва авирулентлик даражаси |  | Селекция жараёнда энг самарали генлар билан ҳимояланган генлардан фойдаланиш мавжуд ирқларнинг барчаси учун чидамли бўлишини таъминлайди.<br>Yr5, Yr10, Yr15 ва Yr18 генлари учун вирулентли ирқлар аниқланмади. |
|---|--|--|--|
|   | Вирулент   | Авирулент  |  |
| 1 | Yr2, Yr4, Yr6, Yr7, Yr8, Yr25, Yr 27, AvS  | Yr1, Yr3, Yr5, Yr9, Yr10, Yr15, Yr18, Yr30, Yr31 |  |
| 2 | Yr1, Yr2, Yr3, Yr4, Yr6, Yr9, Yr17, Yr25, Yr 27, Yr32, AvS,Amb                                 | Yr5, Yr7, Yr8, Yr10, Yr15, Yr18                  |  |
| 3 | Yr1, Yr2, Yr3, Yr4, Yr6, Yr9, Yr25, Yr 27, Yr32, AvS, Amb                                      | Yr5, Yr7, Yr8, Yr10, Yr15, Yr17, Yr18            |  |
| 4 | Yr2, Yr4, Yr6, Yr7, Yr8, Yr17, Yr 27, Yr32, AvS  | Yr1, Yr3, Yr5, Yr9, Yr10, Yr15, Yr18, Yr25       |  |

фазаси) ва ривожланиши мониторинги йўлга қўйилмаса, айнан шу ҳудудларга сариқ занг касаллиги замбуруғ спораларини тарқатувчи, яъни эпидемик марказ бўлиб хизмат қиласди. Кейинги йилларда ушбу вилоятларнинг нафақат тоголди минтақаларида балки паст-текисликларида ҳам патогеннинг қишлови кузатилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси сариқ ва қўнғир занг касаллигининг қайноқ нуқталари Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қишилаб чиқкан споралардан тарқалишини кузатишимиш мумкин. Шунинг учун бу ҳудудларга занг касалликларига барча фазаларда чидамлиликни намойиш қиласдиган навларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республиканинг турли вилоятларидан йиғиб келинган буғдойнинг сариқ занг касаллигини келтириб чиқарадиган патогенлар Ўсимликунослик илмий-тадқиқот институти,

Дон-дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали, ICARDA халқаро илмий маркази ва Даниянинг Aarhus университети билан ҳамкорликда штампларини тавсифлаш ишлари дифференциатор навлар ёрдамида амалга оширилди (жадвал).

Натижалар шуни кўрсатдик, ҳозирги кунда республикамиз фалла майдонларида сариқ занг касаллигининг 4 та ирқи кузатилиб, шундан 2 таси агрессив, яъни кенг вирулентлик спектрига эга эканлиги аниқланди. Хусусан, сариқ занг касаллиги кенг тарқалган 2016 йилда Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон учун янги бўлган (илгари кузатилмаган) "AF-2012" номли агрессив ирқ аниқланди. Бу ирқ 2012 йилда Афғонистонда аниқланган бўлиб, ФАО томонидан агрессив ирқлар гуруҳига киритилган. Ушбу ирқ бугунги кунга келиб Эфиопия давлатида жуда катта майдонларга тарқалиб, катта зарар келтироқда.

Сариқ занг кассаллигининг ирқ таркибини ўрганиш шуни кўрсатдик, амалдаги генларнинг аксарият қисмига вирулентлик мавжуд. Жумладан, Yr1, Yr2, Yr3, Yr4, Yr6, Yr7, Yr8, Yr9, Yr17, Yr25, Yr 27 ва Yr32 генлари селекция жараёни учун ўз аҳамиятини йўқотган, яъни сариқ занг касаллигига чидамли навларни яратишда фойдаланишга тавсия этилмайди. Yr1, Yr3, Yr7 ва Yr8 генлари мавжуд иккита ирқга чидамли бўлса-да, лекин қолган иккитасига чидамсиз ҳисобланади.

Селекция жараёнда энг самарали генлар билан ҳимояланган генлардан фойдаланиш мавжуд ирқларнинг барчаси учун чидамли бўлишини таъминлайди.  
Yr5, Yr10, Yr15 ва Yr18 генлари учун вирулентли ирқлар аниқланмади.

Кўриниб турибдики, республикада буғдой селекцияси дастурига асосан тузилган сариқ занг касаллигига чидамли буғдой навларини яратиш дастурига ушбу генлар асосида буғдойнинг янги навларини яратиш ишларини олиб бориш керак бўлади.

Ҳозирда ушбу аниқланган сариқ занг касаллигининг ирқлари Дон-дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида лаборатория шароитида кўпайтирилиб, сунъий касаллантириш майдончасида селекция учун янги бирламчи манбаларни танлаш ва навларни яратиш ишларида кенг фойдаланилмоқда.

**С.АЛИҚУЛОВ,**

қ.х.ф.д.,

**З.ЗИЯЕВ,**

қ.х.ф.ф.д.,

**А.АМАНОВ,**

қ.х.ф.ф.д., профессор,

Ўсимликунослик илмий-тадқиқот институти.

#### **АДАБИЁТЛАР**

- Аманов А., Зиядуллаев З., Зияев З. Сариқ занг касаллиги патогенининг вирулентлик таркиби // "Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги" журнали. — Тошкент, 2012. 11-сон, 37-бет.
- Аманов А., З. Зиядуллаев., З. Зияев. Буғдойнинг ҳаёфли сариқ занг касаллиги эпидемиологияси ва унга қарши кураш чора-лари. // "Аэро илм" журнали. — Тошкент, 2012. 3(23)-сон, 31-бет.
- McIntosh, R. A., Wellings, C. R., and Park, R. F. (1998). Wheat rusts an atlas of resistance genes. Pp. 18-23. Commonwealth Scientific and Industrial Research Organization, Australia, and Kluwer Academic Publishers, Dordrecht, Netherlands.
- Knott D.R. Using polygenic resistance to bread for stem rust resistance in wheat. Pp39-47 in: CIMMYT 1988

**ҒҮЗА ЯНГИ ТИЗМАЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИККА ФОЙДАЛИ БЕЛГИЛАРИ,  
ВЕРТИЦИЛЛИЁЗ ВИЛТИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШИ, СўРУВЧИ ВА  
КЕМИРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА БАРДОШЛИ ЭКАНЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

The article examines the new connot system in 2016-2018 by examining the beneficial symptoms of heifers, healing of vertical lily lesion, resistance to sucking and rodent pests, and among them the pest-resistant, ripening and high yields, high yields of seeds and IV th grade fiber-gloss (ridge 417).

Мамлакатимиизда сифатли, пишиқ тола ва юқори ҳосил берадиган, ҳосили эрта пишиб етиладиган, касаллик ва зараркунандаларга, экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш ҳамда шу ҳудудда асосий майдонларга экилаётган андоза навлар билан бирга солишириб, андозадан устун бўлганларини давлат нав синовларига тақдим қилиш мақсадида ҳар йили ТошДАУ Андижон филиали тажриба даласида танлов нав синови ўтказиб

батан 6 кун 417-тизма андозага нисбатан 5 кун олдин, 50 фоиз гуллаш фазасига кирганилиги күзатилди.

Кўсакларнинг очилиш суръати ўргилганда, 50 фоиз пишиб етилиш муддати андоза "Андижон-35" навида 123 кунни ташкил қилиб, бу муддат 41-тизма ва 417-тизмаларда андозага нисбатан 4 кун олдин бошланганлиги кузатилди. 43-тизмада эса пишиб етилиш бошқа тизмаларга нисбатан анча кеч рўй берди.

1- жадвал. Ўсув давомида ҳар бир вариант ва та-  
хисобида). кролпанишда белгилаб қўйилган ғўза ту-  
пларида фенологик кузатувлар олиб борил-  
партнинг 50 ли (1 жадвал).

Еўзанинг ўсув даврида тизмаларнинг видт

Түзгіндең үсүү давырда тизмаларнинг вилтаплан касалланиши, сүрүвчи ва кемириувчи заарлакунандалар билан заарланиши хам күзатиб борилди. Олинган маълумотлар буйича 48-тизма ва 417-тизмалар энг кам заарланиб, бардошли эканини намоён қилды (2-жадвал).

Тизмаларнинг ҳосилдорлиги ҳисобланиб,

Тизмаларнинг униб чиқиши, гуллаши, пишиш муддатлари, (фоиз ҳисобида)

| Вариант | Андоза ва нав тизмалар | 100 фоиз унибчиши, кун | 50 фоиз гуллаши, кун | Кўсакларнинг 50 фоиз очилиши, кун |
|---------|------------------------|------------------------|----------------------|-----------------------------------|
| 1       | Андижон 35             | 11                     | 62                   | 123                               |
| 2       | 41                     | 9                      | 56                   | 118                               |
| 3       | 43                     | 8                      | 59                   | 124                               |
| 4       | 44                     | 10                     | 61                   | 122                               |
| 5       | 46                     | 9                      | 59                   | 121                               |
| 6       | 48                     | 10                     | 60                   | 119                               |
| 7       | 411                    | 11                     | 62                   | 120                               |
| 8       | 414                    | 9                      | 59                   | 122                               |
| 9       | 415                    | 10                     | 63                   | 123                               |
| 10      | 417                    | 8                      | 57                   | 118                               |

2-жадвал.

**Тизмаларнинг вилт билан касалланиши, сўрувчи ва кемириувчи зараркунадалар билан зааррланиши ( 1 сентябр маълумоти, фоиз)**

| Вариант | Андоза ва навтизмалар | Ўргимчакканা | Кўсак қурти | Вилтдан зарарланиши |
|---------|-----------------------|--------------|-------------|---------------------|
| 1       | Андижон 35            | 11,5         | 5,0         | 11,5                |
| 2       | 41                    | 7,0          | 2,5         | 4,0                 |
| 3       | 43                    | 5,5          | 4,0         | 3,5                 |
| 4       | 44                    | 3,0          | 1,5         | 2,0                 |
| 5       | 46                    | 8,5          | 4,5         | 6,5                 |
| 6       | 48                    | 0            | 0           | 1,5                 |
| 7       | 411                   | 10,5         | 6,0         | 3,0                 |
| 8       | 414                   | 2,0          | 2,5         | 2,0                 |
| 9       | 415                   | 4,5          | 4,0         | 4,5                 |
| 10      | 417                   | 0            | 0           | 1,0                 |

даражасыда эканлыгы маълум бўлди. Тажрибанинг ҳосилдорлиги теримлар бўйича ҳисобланганда, энг юқори ҳосил 417-тизмадан (41,5 ц\га) олинди.

Ғүзанинг вилт билан касалланиш, ўргимчакканга ва күсак күрти билан заарланишга 48- ва 417-тизмалар бардошли эканлиги аниқланди. (2-жадвал).

З-жадвал маълумотида кўрсатилганидек, тизмалар ўртасида 414-тизма (21,5%) ва 415-тизма (21,4%) мойдорлик дарајасига эга бўлиб, энг юқори кўрсаткични намоён қилди. Хуллас, тажриба натижалари бўйича, хўжаликка фойдали мукаммал белгиларга эга бўлган 417-тизмани Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинларини синаш давлат нав синаш комиссиясининг

ри ўрганилганда ниҳолларнинг 100 фоиз униб чиқиши бўйича 43-тизма ва 417-тизмалар андоза “Андижон-35” навига нисбатан 3 кун муддатга эрта униб чиқсанлиги кузатилди.

Күчтөрдө варианктар таңорлапшилари буича 50 фоиз гуллаш муддати аникланганда, ўттис биринчи тизма андозага нис-

**3-жадвал. Тизмаларнинг ҳосилдорлиги, хўжаликка фойдали белгилари ва микронейр кўрсаткичлари.**

грунт назоратига топшириш  
режалаштирилди.

| Вариант | Андоза ва навтизмалар | Ҳосилдорлиги, ц/га | 1 дона кўсак оғирлиги, г | Толачиқиши, % | Толаузунлиги, мм | Микронейр кўрсаткичи | Мойдорлиги, % |
|---------|-----------------------|--------------------|--------------------------|---------------|------------------|----------------------|---------------|
| 1       | Андижон- 35           | +01 37,9           | -01 6,8                  | +05 37,0      | +02 33,3         | -01 4,7              | +01 18,0      |
| 2       | 41                    | 39,6               | 6,3                      | 37,7          | 35,0             | 4,4                  | 18,3          |
| 3       | 43                    | 37,0               | 5,8                      | 37,4          | 32,8             | 4,2                  | 19,0          |
| 4       | 44                    | 38,8               | 6,2                      | 38,6          | 33,9             | 4,5                  | 20,6          |
| 5       | 46                    | 36,9               | 6,0                      | 36,9          | 33,1             | 4,1                  | 19,8          |
| 6       | 48                    | 39,5               | 6,6                      | 39,2          | 34,7             | 4,0                  | 20,4          |
| 7       | 411                   | 35,7               | 5,7                      | 36,1          | 33,3             | 4,5                  | 19,8          |
| 8       | 414                   | 38,2               | 6,1                      | 37,7          | 32,3             | 4,6                  | 21,5          |
| 9       | 415                   | 38,0               | 5,8                      | 37,4          | 33,6             | 4,4                  | 21,4          |
| 10      | 417                   | 41,5               | 6,9                      | 40,7          | 35,0             | 4,2                  | 20,0          |

**Х.ЭГАМОВ,  
доценти,  
С.РАСУЛОВ,  
капта ўқитувчи,  
Г.МИРХАМИДОВА,  
Н.МИРХАМИДОВА,  
У.АБДУМАЛИКОВ,  
ассистентлар,  
ТошДАУ Андижон филиали).**

## АДАБИЁТЛАР

- Чориева Х.Д., Тожиев М. "Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланишистиқболнари". Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. (Тошкент, 2015 йил, 15-16 декабр, 1-қисм, 501-503 бетлар). «Ўрта толали гўзанинг конкурс нав синови тажриба натижалари».
- Эгамов Х., Рахмонов З., Бахромов С., Мўйдинов О. "УСТОЙЧИВОСТЬ НОВЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТИКА К СОСУЩИМ ВРЕДИТЕЛЯМ". Сборник научных трудов по материалам V Международной научно-практической конференции, Г.Белгород, 2015 г. 81-84 см.
- Эгамов Х., Рахмонов З., Расулов С., Атакожиева Х., Мирхамидова Г. "Продуктивность и качество волокна нового сорта УзПИТИ-201 при загущении". Сборник научных трудов по материалам V Международной научно-практической конференции. Г.Белгород, 2016 г. 1-3 см.

УЎТ: 636.22..28.083

ЧОРВАЧИЛИК

## ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН ҚОРАМОЛЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК ВА ПУШТДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ

*The data of growth and development of the organism in creating the most favorable conditions for feeding and keeping animals.  
In addition, some supporting aspects of effective fertilization in insemination of cows are given.*

Ҳайвонларнинг рационида организм учун керакли, зарур микроэлементлар, марганец, рух, айниқса, кобольт ва мис моддалари етишмаслиги моддалар алмашинувини бузилишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, молларнинг табиий чидамлилиги ва насл бериш қобилиятини пасайтиради [3], жинсий аъзоларнинг яллигланишига ва узоқ вақт кечадиган пуштсизликка олиб келади [1]. Шунинг учун хўжалиқдаги молларни асрар шароити зоотехния талаб даражасида бўлиб, мол сақланадиган жойлар тури инфекция ва бошқа касалликлар манбаларидан холи бўлиши [3], мацион олиш майдончалари, сув ичиш ва озиқлантириш жойлари етарли миқдорда бўлиши зарур. Озиқлантиришда рационларнинг молларни маҳсулдорлик меъёрига хос бўлиб [2] концентрат ва ширали озуқалар ҳамда макро ва микроэлемент ҳамда витаминлар билан таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Илмий тадқиқотлар Тошкент вилояти, Қиброй туманинаги "Ўзнаслэлита" МЧЖ фермасида, четдан келтирилган флексифих симментал зотли сигирларда олиб борилди. Тажриба ўтказиш учун ўхшаш белгилари бўйича, маҳсулдорлигини, ёшини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирида 15 бошдан сигирлар 3 та гурухга танлаб олинди. Тажриба ўтказиш тасвири асосида хўжалиқдаги жами, соғин сигирлар, хўжалиқдаги мутахассислар билан биргаликда физиологик, гинекологик ва ветеринария кўригидан ўтказилди, ҳолати текширилди ва ўрганилди, бепушт сигирларга белгилар кўйилиб, улардан флексифих симментал зотига мансублари алоҳида тажриба учун гурухларга ажратилди, уларнинг пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ишлар амалга оширилди.

Тажриба учун ажратилган сигирларнинг асрар шароитларини яхшилаш мақсадида, кенг яйраш майдонлари мавжуд бўлган молхоналарга ўтказилиб, ёнинг иссиқ қунларида кўёш нуридан асрар учун уларнинг устини маҳсус тўрлар билан бекитилиб, вақти-вақти билан сув пуркагичлар ёрдамида сув сепилиб, ҳаво ҳарорати мўттадиллаштирилди.

Сигирларни озиқлантириш учун тузилган озуқа рационларидан намуналар олиб, лабораторияда кимёвий таркиблари аниқланиб, таркибида етишмаётган ми-

нераллар, витаминалар ва макро-микроэлементларни тўлдириш мақсадида, сигирларга бериладиган озуқа рационидаги концентрат озуқаларига ҳар бир сигир учун 150 граммдан премикслар қўшилиб, озиқлантирилди.

Ишлаб чиқилган рацион таркиби куйидаги озуқалардан иборат: омух-

та ем – 3 кг. дан, сенаж – 15 кг, беда пичани – 7 кг, силос – 15 кг, барда – 40 кг, маккажӯҳори дони сўтаси билан – 2 кг, туз – 0,1 кг. дан ва премикслар – фақат тажриба гурухидаги сигирлар учун ҳар бир бош сигирга 150 граммдан. Рацион таркибидаги озуқаларнинг тўйимлилик қиймати, озуқа бирлиги 18,13 кг. ни ташкил қилди. Алмашинувчи энергия миқдори – 221,13 М<sub>ж</sub> га тенг, қуруқ модда – 24,75 кг. ни, ҳазмланувчи протеин – 2662,5 граммни ташкил қилиб, 1 озуқа бирлигига 146,9 граммдан тўғри келди.

Тажрибадаги соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлиги "Арча-14" типидаги соғиши қурилмасига ўрнатилган ҳисоблаги орқали назорат соғимлари ўтказилиб, бир кун давомида 3 маҳал соғилганда сигирлардан қанча сут соғиб олинганлиги аниқланди.

Сутнинг таркибидаги ёғ, оқсил, ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиги, сутнинг зичлиги ва таркибида сув ҳар ойда назорат соғими пайтида гурухлар бўйича сутдан намуналар олиниб "Лактан 1-4м" усунаси ёрдамида ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўринаяптики, назорат гурухидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, тажриба даврида, ўртacha, жами бир бош сигирдан 4567,44 кг. дан соғиб олинди, I тажриба гурухидагилардан эса ҳар бир бош сигирдан ўртacha 4725,9 кг сут соғиб олинниб, назорат гурухидагиларга нисбатан 158,46 кг. дан, яъни 3,47% кўп сут соғиб олинди. Иккинчи тажриба гурухидагилардан эса 4987,9 кг, назорат гурухидагиларга нисбатан 420,46 кг кўп сут соғиб олинди, бу эса 9,21% кўп сут соғиб олинганлигини билдиради.

Тажрибадаги сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичларини ҳам ўргандик. Бунда сигирлар бошқа жойларга ўтказилиб, уларни гурухлар бўйича боғловсиз куз ва қиши ойларида бино ичкарисида, баҳор ва ёз ойларида эса яйраш майдончаларида ажратилиб, парвариш қилинди.

Тажриба гурухидаги бепушт сигирларни яйратиш майдонларида бир кунда 3 маҳал вақти-вақти билан жинсий мойиллик вақтини кузатдик. Бунда уларнинг жинсий цикли ва юборилган гормонал препаратларининг таъсири қилиш вақтлари ҳам ҳисобга олинди.

1-жадвал

### Гурухлар бўйича сут маҳсулдорлиги

| №  | Ойлар       | Назорат гурухи |          | I тажриба гурухи |          | II тажриба гурухи |          |
|----|-------------|----------------|----------|------------------|----------|-------------------|----------|
|    |             | Бир кунда      | Бир ойда | Бир кунда        | Бир ойда | Бир кунда         | Бир ойда |
| 1. | Январь 31   | 15,21          | 471,51   | 16,28            | 504,68   | 16,67             | 516,77   |
| 2. | Февраль 28  | 15,45          | 448,05   | 16,43            | 476,47   | 16,80             | 487,20   |
| 3. | Март 31     | 15,81          | 490,11   | 17,91            | 555,21   | 17,79             | 551,49   |
| 4. | Апрель 30   | 15,53          | 465,90   | 15,71            | 471,30   | 17,13             | 513,90   |
| 5. | Май 31      | 15,04          | 466,24   | 14,76            | 457,56   | 16,30             | 505,30   |
| 6. | Июнь 30     | 12,24          | 367,20   | 12,84            | 385,20   | 12,50             | 375,00   |
| 7. | Июль 31     | 14,90          | 461,900  | 14,77            | 457,87   | 16,51             | 511,81   |
| 8. | Август 31   | 15,49          | 480,19   | 15,29            | 479,99   | 17,23             | 534,13   |
| 9. | Сентябрь 30 | 15,32          | 459,60   | 15,70            | 471,00   | 16,45             | 493,50   |
|    | Жами        | 15,0           | 456,74   | 15,52            | 472,58   | 16,37             | 438,79   |
|    | Жами:       |                | 4567,44  |                  | 472,590  |                   | 4987,90  |
|    | Фарки, кг   |                | -        |                  | 158,46   |                   | 420,46   |
|    | %           |                | 100      |                  | 103,47   |                   | 109,21   |

## Тажрибадаги сигирларнинг пуштдорлик кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар                       | Назорат гуруҳи | I тажриба гуруҳи | II тажриба гуруҳи |
|------------------------------------|----------------|------------------|-------------------|
| Оталаниш, биринчи уруғлантиришда % | 13,33          | 13,33            | 26,67             |
| Жами уруғлантирилди, %             | 13,33%         | 20,0%            | 40,0%             |
| Сервис даврининг давомийлиги, кун  | 91,6           | 78,7             | 70,1              |
| Қочириш индекси, %                 | 1,60           | 1,50             | 1,40              |
| Бўғозликнинг давомийлиги, кунлар   | 282,6±0,36     | 282,5±0,36       | 282,5±0,36        |

Кўйиккан сигирлар ажратилиб, уруғлантириш ректоцервикал усулининг техникасига биноан амалга оширилди. Сунъий уруғлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида, 2-тажриба гурухидаги сигирларнинг бачадон ва тухумдонлари уруғлантиришдан 10-15 минут олдин 2-3 минут массаж қилинди, уруғлантирилгандан кейин 10-20 секунд сигирларнинг клитори ҳам массаж қилинди.

Ўтказилган тадбирларнинг натижаларини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, I тажриба гурухида ва назорат гурухида оталаниш, биринчи уруғлантиришда бир хилда бўлди, лекин, иккинчи тажриба гурухида эса уларга нисбатан 13,34 фоизга кўплиги аниқланди. Жами уруғлантирилган сигирлар сони, I тажриба гурухида назорат гурухига нисбатан 6,67 фоизга, II тажриба гурухида эса 26,67 фоизга кўп бўлгани аниқланди.

Сервис даврининг давомийлиги назорат гурухига нисбатан I тажриба гурухида 12,9 кунга, II тажриба гурухида эса 21,5 кунга

## АДАБИЁТЛАР

1. Акмальханов Ш.А. и др. Биологические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводства в Узбекистане. – Ташкент: "Мехнат", 1993. – С. 89–92.
2. Аширов Б.М. Сигирлар маҳсулдорлигининг сервис даврига боғлиқлиги // "Зооветеринария" журнали. – Тошкент, 2014. – № 3 – 31 б.
3. Кузнецов С. Кузнецов А. Роль витаминов и минеральных элементов в регуляции воспроизводительной функции коров // Ж. "Молочное и мясное скотоводство". – Москва, 2010. – № 5. - С. 32–34.
4. Қўлдошов О.У., С.И.Мавланов ва бошқалар. Қорамоллар қисир қолишининг олдини олиш // "Зооветеринария" журнали. – Тошкент, 2017. – № 7. – Б. 29–30.
5. Муртазин Б. Сигир ва ғунажинларда учрайдиган эндометрит касалликлар // "Зооветеринария" журнали. – Тошкент, 2008. – № 6-7. – Б. 29–31.
6. Носиров У.Н., И.Максудов, М.Х.Досмухамедова. Бўғоз сигирларни парваришлаш ва туғишига тайёрлаш // "Зооветеринария" журнали. – Тошкент, 2014. – № 12. – Б. 29–31.
7. Норбоев Қ.Н., М.А.Сулеймонов, Г.Худойбердиев. Сигирларда алементтар белуштиликнинг тарқалиши ва диагностикаси // "Зооветеринария" журнали. – Тошкент, 2017. – № 4. – Б. 21–22.

## УЎТ: 636.1.2

## ТУРЛИ ЗОТ ВА ЗОТДОРЛИҚДАГИ БУҚАЧАЛАР ГЎШТИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

*The article provides information on the nutritional and chemical composition change of meat sample with the count of genotype and fatness of animals.*

Маълумки, ҳайвонлар семизлик даражасининг кўтарилиши билан гўшт нимтларидағи сувнинг нисбий миқдори камаяди, куруқ моддалар салмоғи эса кўпайиб, гўштнинг калориялилиги анча ошади. Бошқача қилиб айтганда, гўштнинг тўйимлилиги айнан унинг таркибидаги оқсил ва ёғ миқдорига қараб белгиланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, буқачаларнинг генотипи, ёши, тирик вазни ва озиқлантириш шароитидан қатъий назар, улар гўштининг сифатини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири гўштнинг кимёвий таркиби ҳисобланади. Козлова Т.В., (2016) фикрича, гўшт таркибидаги сув, оқсил, ёғ миқдори ёш бўйича ўзгариб туради. Хусусан, ёш ҳайвонлар танасида сув миқдори кўп бўлади. Етук ёшдаги ҳайвонлар танасида куруқ модда кўпайиб, унинг асосий қисмини оқсил ташкил қиласди. Оқсил салмоғи асосан гўштнинг

2-жадвал камайганлиги аниқланди. Қочириш индекси назорат гурухига нисбатан I тажриба гурухида 0,1 фоизга, II тажриба гурухида эса 0,2 фоизга камайганлиги аниқланди.

Бўғозлик давомийлигида деярли катта ўзгаришлар сезилмади.

Хулоса қилиб айтганда, озуқа рациони премикслар билан бойитилиб, уларга витамин, гормонал препаратлар ва бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилганда пуштдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир этაётгани аниқланди.

Тадқиқотлар ўтказиш даврида назорат гурухидаги сигирларда нисбатан I тажриба гурухидаги сигирларда ҳар бир бош сигирдан 1641342 сўмга кўп, яъни 30,76 фоизга кўп соф фойда олинди. II тажриба гурухидаги сигирлардан эса назорат гурухидагиларга нисбатан 3730592 сўмга кўп соф фойда олинган, бу эса 69,92 фоизни ташкил этади. Буни бизлар, тажриба гурухларидағи сигирларга яхши сақлаш шароити яратилиб, озуқаларда етишмагётган макро ва микроэлементларнинг ўрнига премикслар билан бойитилиши орқали эришилди.

Бундан ташқари, II тажриба гурухидаги сигирларни қўшимча ветеринария тадбирлари ўтказиш (қўпайиш аъзоларини уқалаш ва витамин ҳамда гормонлар инъекция қилиш) орқали ижобий кўрсаткичларга эришилди.

**Ш.АКМАЛХАНОВ, Б.ЖУМАДУЛЛАЕВ,  
А.КОМИЛОВ, К.ИМАНКУЛОВА,  
Н.ГУЛМАТОВА,  
(ЧПЛИТ)**

### 1-жадвал фати ошади.

#### Тажриба гуруҳидаги буқачалар гўштининг кимёвий таркиби, %

| Кўрсаткичлар                   | Гурухлар (n=5)                            |       |       |       |       |       |       |       |
|--------------------------------|---|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
|                                | Назорат сўйим ўтказилган ёши, ой хисобида |       |       |       |       |       |       |       |
|                                | I   | II    | III   | IV    |       |       |       |       |
| Сув                            | 18  | 21    | 18    | 21    | 18    | 21    | 18    | 21    |
| Курук модда, шу жумладан:      | 69,31                                     | 67,92 | 69,10 | 67,81 | 68,85 | 67,55 | 69,10 | 67,90 |
| Оксил                          | 30,69                                     | 32,08 | 30,90 | 32,19 | 31,15 | 32,45 | 30,90 | 32,10 |
| Ёф                             | 21,03                                     | 21,70 | 20,89 | 21,82 | 20,93 | 21,86 | 20,84 | 21,72 |
| Кул                            | 8,60                                      | 9,35  | 8,79  | 9,37  | 9,27  | 9,59  | 9,06  | 9,61  |
| 1 кг гўштнинг тўйимлилиги, МДж | 1,06                                      | 1,03  | 1,22  | 1,00  | 0,950 | 1,00  | 1,00  | 0,77  |
| Кальций, г/кг                  | 0,11                                      | 0,10  | 0,09  | 0,10  | 0,12  | 0,12  | 0,11  | 0,12  |
| Фосфор, г/кг                   | 2,65                                      | 2,84  | 2,72  | 2,80  | 2,75  | 2,86  | 2,61  | 2,60  |


Боғлиқлиги учун ҳам биз тадқиқотларимизда суюқ, тогай, пай ва биринчи тўқималардан тозаланган лаҳм гўшти қиймаловчи машинадан ўтказиб, унинг кимёвий таркибини ўргандик ҳамда

Бу кўрсаткич 21 ойлик назорат сўйимида шунга мос равища 7,52 МДж. дан 7,66 МДж. га тенглашган.

Гўшт таркибидаги кальций тегишлича ҳар иккала назорат сўйимида 0,09 дан 0,12 г/кг ва 0,10 дан 0,12 г/кг гача, фосфор эса 2,61 дан 2,75 г/кг гача ва 2,60 дан 2,86 г/кг га ошган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича гурухлараро статистик фарқ аниқланмаган.

**Хулоса қилиб айтганда.** Гўшт нимасининг кимёвий таркиби ва гўштнинг тўйимлилик даражаси ҳайвонларнинг генотипига ва семизлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Бунда биринчи бүғин чатишма буқачалари, ўз тенег курлари бўлган соф зотли ҳайвонлардан устуворлик қилишган.

**Ш.ҚУРБНОВА,  
А.КАХАРОВ,  
СВТМИ.**




1-расм. Тажриба гуруҳидаги 18 ойлик буқачалар гўштининг кимёвий таркиби.

олинган маълумотларни таҳлил қилиб, 1-жадвал ва 1-ва 2-расмда баён этдик.

1-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳидаги буқачаларнинг гўши таркибидаги сув миқдори 18 ойликдаги назорат сўйимида 68,85–69,31 фоиз атрофифда бўлган. Бу кўрсаткич ёш бўйича тажриба гуруҳидаги буқачаларда тегишлича: 1,39; 1,29; 1,30; 1,20 фоизига камайган ва аксинча гўшт намунасидаги курук модда ёш ўтиши билан гурухларда мос равища: шунча миқдорда кўпайган.

Бунда гурухлараро фарқ кузатилган. Хусусан, 18 ойлик назорат сўйимида тажриба гуруҳидаги буқачалар гўштини 30,69 дан 31,15 фоизигача курук модда ташкил қилган. Шунга мос равища оқсил миқдори ҳам гурухларда 20,84 дан 21,03 фоизигача ва 21,70 дан 21,86 фоизигача кўпайган. Гўштнинг ёф миқдори ҳам тегишлича 8,60 дан 9,27 фоизигача ва 9,35 дан 9,61 фоизигача ошган. Демак ёш улғайиб борган сари ҳайвонлар танасида ёф тўқималари жадал суръатлар билан ошиб, гўштнинг тўйимлилик си-

2-расм. Тажриба гуруҳидаги 21 ойлик буқачалар гўштининг кимёвий таркиби.



### АДАБИЁТЛАР

- Хушвақтов А.А. Ҳар хил генотипли қора-ола зотига буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва биологик хусусиятлари. К.х.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. –Тошкент, 2007. –21 б.
- Мамбетов М.М. Зависимость мясной продуктивности бычков от уровня кормления при откорме// “Зоотехния”. 2006. №2. С. 25-29.
- Кахаров ва бошқалар. Генетик келиб чиқиши ҳар хил бўлган қора-ола зотига мансуб буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги// «Зооветеринария» журнали. –2008. –№1. 39 б.

## ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ ЭТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

*It was found that cows of Holstein breed of European breeding are of fairly good food activity behavior are similar to peers local selection of ethological indicators, that indicate their good adaptation ability to new conditions of breeding.*

Сигирлар этологиясини, яъни сутка давомида хулқ-автори кўрсаткичларини ўрганиш уларнинг озиқлантириш, асраш шароитларини яхшилашда ва сут маҳсулдорлигини оширишда муҳим амалий аҳамиятга эга [1-3].

Биз тадқиқотларимизда Германия, Голландия давлатларидан көлтирилган

голштин зотли сигирларнинг этологиясини ўзимизнинг селекцияга хос тенгкүрлари билан таққослаб ўргандик. Тадқиқотлар Тошкент вилоятининг «Кўйи Чирчик сут булоги» наслчилик хўжалигига ўтказилди. I гурӯҳ Германия селекциясига, II гурӯҳ Голландия ва III гурӯҳга ўзимизнинг селекциямизга хос голштин зотли III ва

ундан юкори лактациялардаги сигирлар ажратилди. Сигирларнинг этологияси В.И. Великжанин (2000) услубида ҳар гурӯҳдан 5 бош сигирда ўрганилди. Сигирларни озиқлантириш ва асраш шароитлари бир хил бўлди. 1-жадвалда тажриба гурӯхларидағи сигирлар этологиясини қиши фаслида ўрганиш натижалари көлтириллади.

1 жадвал

Тажриба гурӯхларидағи сигирларнинг этологик кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар   | Гурӯхлар   |   |   |  |  |  |
|--|--|---|---|--|--|--|
|  | дақиқа   | сутка вақтига нисбатан, %   | дақиқа  | сутка вақтига нисбатан, %  | дақиқа   | сутка вақтига нисбатан, %  |
|  |  |   |   |  |  |  |
| Тик ҳолатда туриши, жами ш.ж.: ҳаракатсиз туриши озуқани истеъмол қилишга сарфланган вақт сув ичишга сарфланган вақт тик ҳолатда кавш қайтариш тик ҳолатдаги ишқаланишга сарфланган вақт Ётган ҳолда, жами ш.ж.: ётган ҳолда кавш қайтариш ҳаракатсиз ётиш Соғишга сарфланган вақт Ҳаракатда юриш вақти Дефекация Сийдик чиқариш | 844,1 ±15,0<br>202,4 ±7,47<br>334,4±6,04<br>23,1±0,61<br>168,6±2,45<br>21,4±0,98<br>595,9±6,80<br>297,8±8,90<br>298,1±5,88<br>20,32±0,70<br>51,62±2,34<br>10,86±0,51<br>11,40±0,61 | 58,6<br>14,0<br>25,3<br>1,6<br>11,7<br>1,49<br>41,4<br>20,7<br>20,7<br>1,41<br>3,56<br>0,73<br>0,79 | 842,8 ±6,62<br>203,4 ±10,10<br>353,06±4,11<br>22,7±1,12<br>149,5±4,35<br>21,1±0,55<br>597,2±7,24<br>324,0±13,20<br>273,2±7,94<br>19,64±0,40<br>51,94±2,22<br>10,68±0,50<br>10,78±0,72 | 58,5<br>14,1<br>24,5<br>1,57<br>12,5<br>1,46<br>41,5<br>22,5<br>19,0<br>1,36<br>3,60<br>0,74<br>0,75 | 821,4 ±8,78<br>227,5±4,77<br>312,6±7,80<br>25,6±0,83<br>144,0±5,09<br>18,3±1,66<br>618,6±8,97<br>340,3±5,75<br>278,3±4,07<br>19,26±0,77<br>53,2±1,95<br>10,36±0,81<br>10,58±0,47 | 57,0<br>15,8<br>21,7<br>1,78<br>10,0<br>1,27<br>43,0<br>22,5<br>19,3<br>1,41<br>3,59<br>0,72<br>0,73 |

1-жадвалдан кўринишича, қиши фаслида тажриба гурӯхларидағи сигирлар тик ҳолатда туриш ва ҳаракатланиш учун сутканинг ўртача 821,4 дақиқасидан 844,1 дақиқасигача ёки 57,0-58,6% вақтини сарфладилар, ётган ҳолатдаги вақтга эса 597,2 дақиқадан 618,6 дақиқагача ёки 41,4-43,0% вақт сарфлади.

Озуқа ейишга энг кўп вақтни III гурӯҳ сигирлар сарфлади – 312,6 дақиқа ёки сут-

канинг 21,7% вақти. Бу кўрсаткичлар I ва II гурӯхлар сигирларида тегишлича 334,4 ва 353,06 дақиқани ёки 25,3 ва 24,5 фоизни ташкил этди.

I гурӯҳ сигирларида тик ҳолатда турганда кавш қайтаришга сарфланган вақт II ва III гурӯҳ сигирлариникидан тегишлича 19,1 ( $P>0,999$ ) ва 24,6 ( $P>0,999$ ) дақиқа давомли бўлади.

Тажриба гурӯхларидағи сигирлар

танасини ялашга, яйратиш майдончаларининг деворларига танасини ишқашга бир-бирига яқин кўрсаткичлар билан тавсифланилар, бундай ҳаракатларга сарфланган вақт I ва II гурӯхда III гурӯҳга нисбатан тегишлича 3,1 ва 2,8 дақиқа юкори бўлди.

Биз сигирларнинг этологик кўрсаткичларини ёз фаслида ҳам ўргандик (2-жадвал).

2-жадвал– Тажриба гурӯхларидағи сигирларнинг этологик кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар   | Гурӯхлар  |  |   |   |   |  |
|--|---|--|---|---|---|--|
|  | дақиқа  | сутка вақтига нисбатан, %  | дақиқа  | сутка вақтига нисбатан, %   | дақиқа  | сутка вақтига нисбатан, %  |
|  |   |  |   |   |   |  |
| Тик ҳолатда туриши, жами ш.ж.: ҳаракатсиз туриши озуқани истеъмол қилишга сарфланган вақт сув ичишга сарфланган вақт тик ҳолатда кавш қайтариш тик ҳолатдаги ишқаланишга сарфланган вақт Ётган ҳолда, жами ш.ж.: ётган ҳолда кавш қайтариш | 843,36 ±9,0<br>220,88±7,63<br>323,0±4,77<br>25,4±1,1<br>164,72±8,23<br>19,48±1,38<br>596,64±7,58<br>328,78±9,35 | 58,57<br>15,33<br>22,43<br>1,76<br>11,44<br>1,35<br>41,43<br>22,83 | 861,4 ±8,22<br>218,5±6,04<br>331,2±9,18<br>27,7±1,49<br>173,65±8,09<br>20,96±1,11<br>578,6±7,50<br>335,9±6,96 | 59,82<br>15,17<br>23,0<br>1,92<br>12,06<br>1,45<br>40,18<br>23,33 | 854,0 ±4,96<br>216,6±7,45<br>320,6±6,53<br>30,40±0,81<br>171,4±4,85<br>21,48±1,69<br>586,0±8,3<br>347,14±6,12 | 59,3<br>15,04<br>22,26<br>2,11<br>11,90<br>1,49<br>40,7<br>24,11 |

|                                 |                    |             |                   |              |                    |              |
|---------------------------------|--------------------|-------------|-------------------|--------------|--------------------|--------------|
| <b>харакатсиз ётиш</b>          | <b>267,86±6,86</b> | <b>18,6</b> | <b>242,7±8,60</b> | <b>16,85</b> | <b>238,86±4,65</b> | <b>16,59</b> |
| <b>Соғишига сарфланган вақт</b> | <b>17,98±0,60</b>  | <b>1,25</b> | <b>17,68±0,62</b> | <b>1,23</b>  | <b>17,64±0,76</b>  | <b>1,22</b>  |
| <b>Ҳаракатда юриш вақти</b>     | <b>53,0±1,91</b>   | <b>3,68</b> | <b>52,34±2,02</b> | <b>3,63</b>  | <b>57,6±1,9</b>    | <b>4,0</b>   |
| <b>Дефекация</b>                | <b>9,22±0,21</b>   | <b>0,64</b> | <b>9,5±0,56</b>   | <b>0,66</b>  | <b>9,16±0,36</b>   | <b>0,64</b>  |
| <b>Сийдик чиқариш</b>           | <b>9,68±0,34</b>   | <b>0,67</b> | <b>9,8±0,36</b>   | <b>0,68</b>  | <b>9,48±0,34</b>   | <b>0,66</b>  |

2-жадвал маълумотларидан кўринишича, II ва III гурухларда сигирларнинг ёзда тик ҳолатдаги ҳаракатлари учун сарфланган вақт қишдагига нисбатан тегишли равишида 18,6 ва 32,6 дақиқага ( $P>0,99$ ) ошиди, аммо I гуруҳда бу кўрсаткич деярли ўзгартмади.

Озукаларни ейишга II-гурух сигирлари I ва III гурухлар сигирларига нисбатан тегишлича 8,2 ва 10,6 дақиқа кўп вақт сарфладилар. Энг давомли кавш қайтариш II гурух сигирларида кузатилди ва бу вақт I ва III гурух сигирлариникадан 8,93 ва 2,25

дақиқа кўп бўлди. III-гурух сигирларида ётган ҳолатда кавш қайтариш I ва II гурухдагилар кўрсаткичларидан тегишлича 11,54 ва 4,42 дақиқа кўп бўлганлиги аниқланди.

I гурух сигирлари сутка давомида ётган ҳолатга сарфлаган вақти II ва III гурух сигирлариникадан тегишлича 18,04 ва 10,64 дақиқа юқори бўлганлиги аниқланди. Тажриба гурухларида сигирларни соғишига, уларнинг ҳаракатига, сийдик чиқаришга ва бошқа ҳаракатларига сарфлаган вақти ўртасида кескин фарқ

аниқланмади.

**Хулоса қилиб айтганда** Европа мамлакатлари селекциясидаги голштин зотли сигирлар

маҳаллий селекцияга ҳос тенгдошлари билан ўхашаш этологик кўрсаткичлар билан тавсифланди ва бу кўрсаткичлар уларнинг бизнинг шароитимизга яхши даражада мослашганлигидан далолат беради.

**А.ЮЛДАШЕВ,**  
докторант, (PhD),  
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-  
тадқиқот институти.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Аширов М.И. Результаты применения этологических исследований при выращивании ремонтных телок в условиях спецхоза. Тезисы докладов конференции молодых ученых. Краснодар, 1983, с. 73-74.
2. Аширов М.И., Карчевский Э.Ю. Поведение ремонтных телок в условиях спецхоза. Тезисы докладов научной конференции. Ленинград, 1983, с. 65-66.
3. Мохов, Б.П. Формирование позитивного поведения крупного рогатого скота. Вестник Ульяновской государственной сельскохозяйственной академии / Мохов Б.П - №3(10). – 2009. – С. 48-54.

**УДК: 637.5:636.31.**

## ОТКОРМОЧНЫЕ КАЧЕСТВА И МЯСО-САЛЬНАЯ ПРОДУКТИВНОСТЬ КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ

*In the story to bring the results of the keep care for, mother sheep karakul lineage measure meat-fat productivity animals different color and type constitution. Use to taken the results organize feed on the sheep, it can grow up meat- fat productivity of animals.*

В экономике каракульеводства наряду со смушковой продукцией важное место занимает производство баранины. Так, например, по отдельным областям республик Средней Азии удельный вес баранины в общем производстве мяса достигает 80%, а в целом по Узбекистану-около 40%. Только по Узбекистану ежегодно сдают на мясокомбинаты — 1,0 млн. каракульских овец.

Резервом повышения мясо-сальной продуктивности каракульских овец является их предубойная подготовка. В практике каракульеводства используются в основном три способа повышения упитанности: пастбищный нагул, смешанный – нагул + откорм и стойловый откорм.

Первый способ наиболее удобный и дешевый, а при хороших пастбищах и самый быстрый способ повышения мясной продуктивности. Смешанный способ откорма отличается применением дополнительной подкормки концентратами одновременно с выпасанием овец на пастбищах. Однако в силу природных условий пастбищных районов страны, особенно в пустынной и полупустынной зонах, где нередко складываются неблагоприятные пастбищно-кормовые условия, не всегда удается эффективно провести нагул овец.

При стойловом откорме животные подготавливаются для сдачи на мясо на открытых или закрытых специально оборудован-

ных кормовых площадках без выпаса на пастбищах, в специализированных комплексах или на прифермерских площадках каракульеводческих хозяйств. При этом, овец откармливают на хлопчатниковых кормах (хлопокой шелухе, жмыях, шроте) с добавлением сена грубых кормов.

В целях изучения откормочных качеств и мясо-сальной продуктивности нами был поставлен специальный опыт, были изучены откормочные способности и мясо-сальная продуктивность овец разных окрасок и типов конституции. Подопытные группы формировались из числа выбракованных овец 5-6 летнего возраста, клинически здоровых, имеющих среднюю упитанность. Все овцы находились в аналогичных условиях, откорм проводился в течение 70 дней, при принятых в хозяйстве нормах кормления. Рацион овец состоял из хлопчатниковой шелухи и комби-корма с общей питательностью 1,2 кормовых единиц и 90 г переваримого протеина.

При постановке на откорм максимальную живую массу имели матки грубой, минимальную – нежной конституции. Промежуточное положение занимали овцы крепкой конституции. Овцы черной окраски несколько превосходили по показателям живой массы овец нежной и суровой окрасок, наименьшие показатели имели овцы суровой окраски. Такой подбор овец и их различия в жи-

вой массе соответствует биологической природе разных окрасок и конституциональных типов каракульских овец.

Независимо от окраски наибольший привес был получен у овец грубого и крепкого типов конституции, наименьший – у овец нежной конституции. Так, среднесуточные привесы у черных, серых и суровых овец крепкого типа соответственно составляли 126, 127 и 123 грамма, то есть они превосходили овец нежной конституции соответственно на 11, 11 и 13 граммов. Разница в среднесуточных привесах овец грубой и нежной конституции была несколько больше и соответственно составила 12; 14 и 16 граммов.

На получение 1 кг привеса затраты кормов и переваримого протеина были наименьшими по группе овец грубой конституции. Большие привесы при наименьших затратах кормов и переваримого протеина были получены по группе овец всех типов конституций серой окраски.

Это объясняется, видимо, тем, что присущая этим овцам некоторая рыхлость выразилась в лучшем проявлении откормочных качеств.

В целом же следует констатировать, что межконституциональные различия в способности животных к откорму проявлялись более четче нежели разница между животными разных окрасок. Наименьшее количество кормов на получение 1 кг привеса было затрачено по группе серых овец грубой конституции (9, 23 к.ед.) и наибольшее по группе суровых овец нежной конституции -10,89 к. Ед., затраты переваримого протеина соответственно составили 962,3 гр. и 812,9 граммов. Изучая откормочные способности баранчиков разных окрасок при стойловом откорме К. Хайдаров (1989) установил, что у баранчиков черной окраски среднесуточный прирост был равен 141 кг, серых-139 и суровых -130 грамм,

а наименьшие — овцы грубой конституции. Овцы крепкого типа занимали промежуточное положение. По абсолютным показателям (живая масса, масса туши) наблюдалась обратная картина.

Анализ данных по показателям выхода хвостового сала и внутреннего жира показал несколько иную картину. Так, как и по абсолютным, так и по относительному показателю, независимо от окраски, наибольший выход хвостового сала был у овец грубого типа, наименьший – у овец нежного типа.

Овцы крепкого типа занимали промежуточное положение. Тогда как по выходу внутреннего жира наблюдалась противоположная картина, то есть показатели овец нежной конституции были наибольшими, а грубой наименьшими. Эти данные свидетельствуют о том, что овцы нежной конституции, видимо, в силу присущих им особенностей, способны больше накапливать жира между мышечными волокнами туши и вокруг внутренних органов, нежели в области хвоста, тогда как у овец грубой конституции больше жира накапливается в области хвоста.

Изучение морфологического состава туши показывает, что наибольший выход мякоти, независимо от окраски, отмечался у овец нежной конституции, соответственно абсолютное и относительное содержание костей в их тушах было наименьшим. Наименьший выход мякоти и соответственно наибольшее содержание костей отмечалось в тушах овец грубой конституции.

Таким образом, изучение откормочных способностей и мясосальной продуктивности овец разных окрасок и типов конституций, показало влияние конституции в проявлении этих показателей. Так, овцы грубой конституции характеризовались большей живой массой и лучшими откормочными качествами, лучшие показатели убойного выхода и мясности, то есть больший выход

#### Морфологический состав туш

Таблица 3

| Показатели              | Ед. изм. | Черная (n=15) |             |             | Серая (n=15) |             |             | Сур (n=15)  |             |             |
|-------------------------|----------|---------------|-------------|-------------|--------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
|                         |          | Крепкая       | Нежная      | Грубая      | Крепкая      | Нежная      | Грубая      | Крепкая     | Нежная      | Грубая      |
| Масса охлажденной туши: | кг       | 21,4±0,043    | 19,8±0,032  | 21,9±0,029  | 20,2±0,029   | 20,2±0,031  | 20,7±0,019  | 21,22±0,026 | 19,38±0,031 | 21,60±0,025 |
| Состав туши:<br>Мякоть  | кг       | 17,14±0,029   | 15,95±0,023 | 17,59±0,04  | 16,11±0,019  | 15,65±0,018 | 16,60±0,021 | 17,50±0,019 | 16,14±0,017 | 17,62±0,020 |
|                         | %        | 80,09         | 80,55       | 80,31       | 79,75        | 81,08       | 80,19       | 82,47       | 83,28       | 81,59       |
| Кости                   | кг       | 39,6±0,006    | 3,67±0,009  | 4,03±0,007  | 3,84±0,008   | 3,47±0,006  | 3,93±0,007  | 3,40±0,005  | 2,93±0,004  | 3,64±0,008  |
| Сухожилия               | г        | 362,2±0,042   | 250,4±0,047 | 308,7±0,105 | 290,6±0,086  | 246,4±0,075 | 212,3±0,056 | 326,5±0,083 | 317,6±0,076 | 349,7±0,068 |
|                         | %        | 1,69          | 1,27        | 1,43        | 1,44         | 1,31        | 0,97        | 1,51        | 1,60        | 1,56        |

а всего за 70 дневный период откорма было получено по группе 19 месячных баранов чёрной окраски -9,85, суровых -9,14 и серых -9,71 кг, привеса, то есть разница в откормочных особенностях баранов в зависимости от окраски была незначительной.

Результаты убоя подопытных животных приведены в таблице 2. Анализ этих данных показывает, что предубойная живая масса овец черной окраски всех типов конституции была наивысшей, это же отмечалось и по показателям массы парных туш, однако наибольшие показатели убойного выхода отмечались по группам овец суровой окраски. Так, убойный выход по суровым овцам крепкой, нежной и грубой конституции превосходил аналогичные показатели овец черной окраски соответственно на 2,07; 2,91 и 1,85 процентов, а в сравнении с показателями овец серой окраски они соответственно составляли 1,24; 1,97 и 2,11 процентов в пользу овец суровой окраски.

По данному показателю четко прослеживались межконституциональные различия. Так во всех случаях наибольшие показатели в пределах окрасок имели овцы нежной конституции,

мяса, и большее относительное содержание мякоти отмечалось в тушах овец нежной конституции.

Овцы серой окраски вследствие присущей им некоторой рыхлости характеризовались лучшими откормочными качествами, а овцы суровой окраски имели более высокие показатели выхода мяса, и содержалось в их тушах относительно большее количество мякоти, что свидетельствует о присущей овцам этой окраски некоторой нежности конституции.

Таким образом, использование выявленных различий в практической деятельности, то есть формирование групп животных при их постановке на откорм с учетом их окраски и типа конституции, будет способствовать повышению их мясосальной продуктивности.

Э.ШАПТАКОВ С,  
доцент, самостоятельный соискатель,  
С.БОЗОРОВ,  
научный руководитель, доктор сельскохозяйственных наук  
М.ТУРАНОВ,  
магистр,  
Самаркандского института ветеринарной медицины

## ОТЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Отларни парвариш қилиш отхона ва охурларни тозалашдан бошланади. Ҳар куни отхона гүнглардан тозаланади, охурлардаги ем-хашак қолдиқлари белгиланган маълум бир жойга чиқариб ташланади, от тагидаги ифлосланган тӯшамалар янгиланади.

Эрталаб отларни ташқарига олиб чиқишидан олдин озиқлантирилади, кейин сугорилади ёки думи, териси қашлаб тозаланади. Зоотехникада тойларнинг эгаржабдуққа ўргатилиши 2-2,5 ёшдан бошланади. Отларни парвариш қилишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Буларга кўйидагилар киради:

Отларни парвариш қилиш отхона ва охурларни тозалашдан бошланади. Унинг ўзига хос элементлари бор. Масалан, отларни тозалаш, терисини парвариш қилиш, терини тозалаш, уларни чўмилтириш ва бошқалар.

Отлар билан хушмуомала бўлиш керак. Отларга яқинлашишдан олдин, тўсатдан хуркитиб юбормаслик учун секинлик билан товуш чиқарилади. Отни станокда турган пайтда буришга мажбур этиш ярамайди, станокдан чиқариладиган бўлса, орқасига тисармоқ лозим.

Тозалаш учун от калта қилиб боғлаб кўйилади. Тозалаш чап томонидан туриб бош қисмидан бошланади. Бунда чўткани чап кўлга, қашлағични эса (тишини устига қаратган ҳолда) ўнг кўлда ушланади.

Отнинг энса қисмидан бошлаб юқоридан пастга, кулоғи ҳамда кўзлари атрофини қамраб олган ҳолда тозаланади. Сўнгра чап томони, бўйни, олдинги чап оёғи ва танасини, сағриси ва орқа оёғини тозаландан сўнг ўнг томони тозаланади.

От чўткалангандан кейин жун қопламида қолган чанг ва қазғоқлардан хўл мовут парчаси билан тозалаб артилади. Артиш тозалашдаги каби юнгининг қарама-қарши ҳамда унинг йўналиши бўйича бўлади.

Отни механизациялаштирилган усулда пилесос ёки вакум стационар курилма ёрдамида тозалаш отбокарнинг меҳнатини анча енгиллаштиради. Отларни боқишини, гигиеник шароитини яхшилаш мақсадида улардаги ифлосликлар, қазғоқлар пневматик усулда тозаланади.

Отни металл тароқ билан механик усулда тозалашда уни қаттиқ босмай, юмшоқ юритилади. Механик усулда тозалаш учун мўлжалланган курилма отларни миозит қасидан даволаш мақсадида массаж қилиш имконини беради.

Отларнинг туёғини тозалаш ва тақаларини кўздан кечириш учун у калта қилиб боғланади, кейин олдинги оёқлари,

сўнг кейинги оёқлари кўтарилиб тозаланади ва кўздан кечирилади.

Олдинги чап оёқни кўздан кечириш ва тозалаш учун отга қараган ҳолда елкаси олдиди туриб чап кўлингиз билан отнинг елкасига тиравинг ва ўнг кўлингиз билан унинг олдинги оёғини юқоридан пастга силаб тушиб, бакайини қисиб ушланг ва оёғини юқорига кўтариб билакузук бўғимидан ўзингиз томонга сурби қаратинг. Юқорига қайириб кўтарилиган олдинги оёқни чап кўл билан ушлаган ҳолда илгак ёки ёғочдан ясалган пичноқ билан ифлосликлардан тозаланг. Шундан кейин тақаларининг ҳолати кўздан кечирилади.

Орқа чап оёқ туёғини тозалаш ва тақаларини кўздан кечириш учун ҳам отнинг олдидан келиб, унинг бўйни, орқаси ва сағрисини силаған ҳолда ўнг оёғингиз билан отнинг орқа оёғи қаршисида туринг ва чап оёғингизни бироз орқага ташланг. Кейин чап кўлингиз билан отнинг сонига тиравиб, ўнг кўлингиз билан отнинг сағрисидан пастга қаратиб силаб тушинг ва бақа-йидан ушлаб, орқа ва чап оёғини юқорига қаратиб кўтариш.

Кейин ўзингизни чап оёғингизни оёқлар орасидан олдинга қўйиб, унга отнинг кўтарилиган оёғини кўйинг. Бундан отнинг сакраш бўғими сизнинг тиззангиз устида бўлиши керак. Шундан кейин отнинг туёғи тозаланади ва кўздан кечирилади. Отнинг олдинги ўнг ва орқа ўнг оёқлари худди ана шу тартибда тозаланади ва тақалари кўздан кечирилади.

Отнинг туёқлари тозалангандан кейин сув билан ювилиб, сукно парчаси билан яхшилаш артилади.

**От терисини парвариш қилиш.** От қаттиқ чопгандан ёки оғир иш қилганда терлайди, танадан тер билан биргалиқда туз ва бошқа моддалар ажралиб чиқади. Тер қотгач, бу моддалар ҳам қотади, терисига ҳар хил ифлос моддалар ва чанглар ёпишиб қолади, терининг ўз функциясини бажаришига тўсқиник қиласи.

Шуни айтиш керакки, қайси бир турга мансуб бўлишидан қатъий назар, ҳар бир ҳайвон ўз терисининг тозаланиб туришига эҳтиёж сезади. Буни биз отларнинг қарчигайи, орқаси, бўйини ўтиши билан қашиши, устун, гов, дараҳтларга сўйканиши мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Демак, от терисининг тоза ва озода бўлишининг аҳамияти фоятда каттадир. Терини тозалаш билан бир қаторда уни уқалаш ҳам лозим. Чунки бу организмда модда алмашинув жараённи яхшилади, тана ривожланишини тезлаштиради.

Наслчилик фермаларида гигиена

қоидаларига амал қилинган ҳолда ҳар бир отга алоҳида тозалаш асблоблари тўтилади.

**Отларни тозалаш.** Эрталаб отлар ишга олиб чиқишидан аввал отхонадан ташқарида тозаланади. Фақат об-ҳаво нокуляй келиб қолган қор-ёмғир кунларидагина отларни ўртадаги йўлақда тозалаш мумкин.

Отлар териси чўтка ёки мовут билан тозаланади, тумшуғи сув билан ювилади. Агар маҳсус пилесос билан тозаланса, отбокарнинг иши бирмунча енгиллашади, гигиеник ҳолат яхшиланади, туқиладиган от жунлари сочилиб кетмайди. Пилесос терини ялтиратади ва массаж вазифасини ўтайди.

**Отларни чўмилтириш.** Отлар ва спорт отларни ёзингиз иссиқ кунларидан чўмилтирилади. Терлаган отларни чўмилтириш қатъиян ман этилади. Чунки отлар шамоллаб қолиши ёки бошқа бирор касалликка чалиниши мумкин. Чўмилтирганда отнинг териси яхши тозаланади, сувнинг ҳарорати 10-15°Сдан кам бўлмаслиги керак.

Отни сувда кўпি билан 10-15 минут ушлаб туриш керак. Отларни чўмилтирадиган жой бўлмаса, устига пақир билан сув кўйилади.

**От туёғини парвариш қилиш.** Отнинг туёғи бошқа органларига нисбатан совуқ, лой, сув, қор ва шамол таъсирига кўпроқ чалинади. От туёғи яхши парвариш қилинмаса унда экзема пайдо бўлади, пай, бўғим ва туёқнинг яллиғланиши, синиши, ёрилиши юз беради, баъзан нотўғри ўсиб шакли бўзилиши ҳам мумкин.

Ишдан қайтган отни отхонага киртишдан олдин, унинг туёқлари кўздан кечирилади ва туёқдаги лойлар ҳамда ўтлар чўтка ёки похол билан тозаланиб ташланади. Агар от туёқ пайларининг қавариши каби ҳолатлар содир бўлса, юмшоқ бинт билан, юрганда оёқларини бир-бираига уриб яра қиладиганларнинг оёғи эса чармдан ҳар хил мосламалар билан боғлаб кўйилади. От туёғида яралангач, тимдаланган жойлар бўлса, йод суртилиши, ҳар 6-8 ҳафтада тақаси алмаштириб турилиши керак.

**Бўғоз бияларни парвариш қилиш.** Бўғоз биялар ёруғ, қишида иссиқ отхоналарда асралади. Одатдагидек, отхонани ҳар куни гўнг ва бошқа ифлосликлардан тозалаб туриш лозим. Маҳсус боғлаб асраладиган отхоналарга эга бўлмаган хўжаликларда вақтинча яйлов-уор хоналар қурилади.

Бўғоз бияларни ҳар хил тасодифлар билан «бола» ташлаб қўймаслиги учун қуидаги тадбирлар амалга оширилади: қишида бўғоз биялар яйловга

чиқарилганда улар учун яхши, серўт яйлов ажратилиб, алоҳида боқилади, биялар лат емаслиги ва оёқларига шикаст етмаслиги учун кенг яйловлар танланади, кирчангич тепангич биялар назорат остига олинади, биялар ориқлаб қолмаслиги учун кўшумча ем-хашак бериб турилади, бия боласини чала ташлаб қўйганда тезда ветеринария ходимига мурожаат қилинади ва ниҳоят, бўғоз бияларни миниш қатъян ман қилинади.

**Кулуныли бияларни парвариш қилиши.** Янги түккан бия касалликка тез чалинади. Шунинг учун уларни шамолдан, совудан саклаш керак. Түккан бияни учинчи кундан бошлаб қорни, човлари ва териси уқаланади (бу бачадоннинг қисқаришини тезлаштиради, қон айланни системасини меъёрлаштиради ва бутун организмнинг, дастлабки ҳолатига келишини тезлаштиради).

Янги туғилган кулуңрга оғиз сутини эми-

зишда ёрдамлашилади, агар бия қулунини йўлатмаса, унинг нуқтасини ушлаб аста-секинлик билан ўргатилади. Агар кун совуқ бўлмаса, туқандан кейин олтинчи кундан бошлаб, бия қулуни билан биргалиқда яйловга олиб чиқилади.

Йилқичилик хўжаликларида қишида туқкан бияларни ёпиқ манежларда моцион қилидирлади. Кулунлаган биялардан 15 кундан сўнг бемалол енгил ишларда фойдаланиш мумкин. Кулунли бияни пиҷан ўрадиган машинага кўшиб ишлатиш, узоқ масофага миниш, унга оғир юқ ортиш тавсия этилмайди.

Кулунли бияни яйловда боқишига астасекин кўчириш керак, чунки отхонада боқиладиган кулунли бия бирданига яйловга кўчирилса, кулунларининг ошқозони бузилиб, касалланиши ёки бир оз муддатга ўсишдан қолиши мумкин.

**Кулуңларни парвариш қилиши.** Кулунларни парвариш қилиш асосан

айғир ва бияни жуфтлашдан бошланади. Олинган қулуннинг соғлиги бия айғирнинг насли ҳамда соғлигига боғлиқ. Биянинг бўғозлиқ пайти парваришнинг иккинчи даври ҳисобланади. Агар бўғоз бия яхши шароитда тарбияланган бўлса, олинган кулун ҳам соғлом, ҳаётчан бўлади. Кулунларни парвариш қилишини учинчи даври (оғиз сути) давридир.

Кулунларни ҳар куни тозалаш, ёзда чўмилтириб туриш керак. Шуни унумаслик керакки, кулуннинг олдинги туёклири тез ўсиши туфайли тўёғи ҳар ойда кесиб туррилади, акс ҳолда кепгусида отнинг олдинги оёғи кучсиз, заиф бўлиб қолиши мумкин

**Д.ХОЛМИРЗАЕВ,**  
профессор,  
**О.БОЙМАТОВ,**  
ассистент, мустақил изланувчи.

### АДАБЁТЛАР

1. Д.Холмирзаев. Йилқичиликдан амалий машғулотлар. Тошкент. 1988 йил.

**УЎТ: 638.220.82.004.13**

## ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ КЛОН-ЗОТЛИ САНОАТБОП ДУРАГАЙЛАРИ

The article presents the biological and economic indicators of hybrids with parthenogenetic clones, which improve the characteristics of white cocoon rocks with high reproductive properties.

Тухумчилик заводларида соф саноатбоп тухум тайёрлаш учун зот ва наслли дурагайларнинг танлаб олинган наслли пиллалари бехато жинсларга ажратилиши керак. Бу иш анча мураккаб бўлиб, пиллаларни жинсларга ажратадиган ОПК аппаратидан фойдаланилади. Аппарат наслли пиллаларни табиии оғирлигига қараб, эрқак, ургочи ҳамда ноаниқ (аралаш жинсли) гурухларга ажратади.

ОПК аппарати пиллаларни жинсларга ажратиш вақтида хатоликка йўл қўйганлиги туфайли гурухларга ажратилган пиллалар орасида ҳам қарама-қарши жинсга мансуб бўлган пиллалар учрайди. Бундай ажратилган пиллалардан тайёрланган дурагайни “соф дурагай” деб бўлмайди. Чунки жинсларга ажратилган ҳар бир гурух пиллалари орасида қолган ҳар хил жинсли пилла капалаклари ўзаро чатишиб тухум қўяди. Бу тухумлар дурагай тухум олишда қатнашаётган ипак курти зотларининг кейинги авлоди ёки оддий наслли дурагайнинг иккинчи авлоди бўлиб, тайёрланган дурагайларнинг пилла ҳосилдорлигининг камайишига, пилладан олинадиган ипак сифатининг пасайишига олиб келади.

Ҳосилдорлиги кўп бўлган, сифатли ипак берувчи дурагайлар етиштириш кўп жиҳатдан соф дурагай уруғ тайёрлаш масаласининг қандай ҳал қилинишига боғлиқ. Бу муаммони ҳал қилишининг бир неча йўллари В.А.Струнников (1987) бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан ижобий ҳал қилинган. Бу йўллардан бири тут ипак қуртининг партеногенезига асосланган.

Тадқиқот ишлари ИИТИ нинг Тут ипак қурти генетикаси ва селекцияси лабораторисида 2016-2018 йилларда ўтказилди. Тажрибада ҳар бир ургочи капалакнинг қорин қисми кесилиб оталанмаган тухумлар ажратиб олинди. Сўнг

академик Б.Л.Астауров (1973) тавсия этган усул билан уни 18 минут давомида 46°C ли илиқ сувда сақланди. Иссиқ сув таъсирида тухумдаги оналик гаплоид хромосомалари қўшилиб диплоидланди ва ишланган тухум маҳсус жойда З кечакундуз ушланганда табиии кулранг тусга кирди ва одатдаги усулда очирилганда улардан фақат ургочи қуртлар жонланиб чиқди. Бундай тухумлардан жонланиб чиқсан қуртларнинг ривожланиши бир текис бўлиб, бир хил кўрсаткичларга эга бўлган пилла ўраш хусусияти билан характерланди.

Партеноклонлар ҳамда дурагайлар қуртлари оқ пилла ўрайдиган қуртлар учун қабул қилинган гигротермик режимда 4 қайтармадан 220 донадан санааб олиб боқилди.

Ҳозирда Генетика ва селекция лабораториясида 6 хил партеноклонлар ҳар йили репродукция қилиб сақланиб келинмоқда. Шудан 9-ПК, 153-ПК, 5140-ПК, АПК партеноклонлари оқ пилла ўрайди. Кейинги 29-ПК, 113-ПК партеноклонлари рангли пилла ўрайди.

**1-жадвал**

Партеноклонларнинг биологик кўрсаткичлари (2016-2018 й).

| Партеноклонлар | Тухумнинг жонланиши, % | Қурт ҳаётчанлиги, % | Пилла вазни, г | Пилла қобиги вазни, мг | Пилла ипакдорлиги, % |
|----------------|------------------------|---------------------|----------------|------------------------|----------------------|
| 9 -ПК          | 90,0                   | 84,5                | 1,77           | 317                    | 19,5                 |
| А-153 ПК       | 81,3                   | 79,8                | 1,76           | 300                    | 18,9                 |
| 5140 ПК        | 67,8                   | 77,1                | 1,67           | 310                    | 19,2                 |
| АПК            | 85,0                   | 92,0                | 1,78           | 314                    | 19,5                 |
| 29-ПК          | 72,8                   | 86,3                | 1,51           | 250                    | 15,0                 |
| 113-ПК         | 80,5                   | 70,1                | 1,64           | 270                    | 15,2                 |

Олинган натижалар;

Жадвалдаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 4

та оқ пилла ўрайдиган партеноклонлар ичидан биологик белги кўрсаткичлари юқори бўлгани АПК, 9-ПК клонли дурагай тайёрлашга танлаб олинди. Шунинг учун тўлиқ партеногенез даражасининг юқорилигини таъминловчи генлар комплекси ҳам куртлар ҳаётчанлигига ва гетерозис кучига ижобий таъсир қиласди (2-жадвал).

#### 2-жадвал

#### Партеноклон иштирокидаги дурагайларнинг биологик кўрсаткичлари (2016-2018 й.)

| Дурагайлар номи                    | Тухумнинг жонланиши, | Куртларнинг ҳаётчанлиги | Пилла вазни, г | Пилла қобиги вазни, мг | Пилла ипакдорлиги, % |
|------------------------------------|----------------------|-------------------------|----------------|------------------------|----------------------|
| АПК x МГ                           | 95,0                 | 98,0                    | 1,45           | 322                    | 22,3                 |
| АПК x Я-120                        | 95,4                 | 93,5                    | 1,44           | 318                    | 22,1                 |
| АПК x С-14                         | 94,5                 | 94,5                    | 1,65           | 369                    | 22,3                 |
| 9ПК x МГ                           | 97,0                 | 93,7                    | 1,73           | 370                    | 21,7                 |
| 9ПК x Я-120                        | 96,2                 | 93,7                    | 1,65           | 382                    | 23,2                 |
| 9ПК x С-14                         | 95,4                 | 97,3                    | 1,65           | 363                    | 22,4                 |
| (Қиёслович)<br>Асака x<br>Марҳамат | 94,8                 | 94,5                    | 1,64           | 365                    | 22,2                 |

2-жадвал маълумотларидан қўринадики, маҳсулдор зотлардан С-14-тухумлик даврида нишонланган зот, МГ куртлик даврида нишонланган зот, Я-120-нишонланмаган зотларнинг эркак

капалаклари билан чатиштириш комбинациялари амалга оширилганда қиёсловчига нисбатан кўрсаткичлар деярли бир хил. Партеноклонларнинг биологик кўрсаткичлари паст бўлсада маҳсулдор зотларнинг хар қандай эркак капалаклари билан чатиштирилганда биологик кўрсаткичлари юқори бўлиб, тоза дурагай тухумлар олишга эришилди.

#### Хулоса

1. Партеноклонларни олиш усули содда бўлиб, навли пиллачилик станцияларининг ҳар қандай ишчиси томонидан амалга оширилиши мумкин.

2. Дурагайлаш учун бирламчи оналик зотни (партеноклон) жинс бўйича ажратишга ҳожат қолмайди, чунки у тўлиқ урғочилиридан иборат бўлади.

3. Юқори ҳосилдор янги дурагайлар яратишда кўп вақт ва маблағ иқтисод қилинади.

4. Унга кўра, боқилган 1 кути уруғдан анъанавий усулга нисбатан 4-5 марта кўп наслли урочиши жинслар олинади.

Демак, ипакчиликда партеноклонлардан фойдаланиш гетерозис самарасининг юқорилиги ва тоза дурагай тухумлар тайёрлаш ҳисобига, пилла ҳосили ва сифатини ошириш эвазига кўшимча даромад келтиради.

У.АҚИЛОВ,

Ипакчилик ИТИ кичик илмий ходими.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Астауров Б.А. Отбор по способности к термическому партеногенезу и получение улучшенных по этому признаку партеноклонов шелковичного червея. Генетика 1973, с. 9, № 9.

2. Струнников В.А. Генетический анализ повышенной гетерозисности по всем локусам партеногенетических самцов тутового шелкопряда. Докл. АН СССР, 1976 б, т. 227, № 6.

УЎТ: 636.082.638.2

## ТУТ ИПАК ҚУРТИ ЗОТ ВА ТИЗИМЛАРИ ПУШТДОРЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ НОҚУЛАЙ ШАРОИТЛАРГА МОСЛАШУВИ

In this article the analysis of adaptation to unfavorable environmental conditions of silkworm races and lines differing from each other on various morphologic and economic signs was given. The existence of appreciable difference between big cooon race Marvarid and medium cocoon Line 28 was defined.

Тут ипак куртининг пуштдорлиги селекцион белгилар ичida муҳим танлаш белгиларидан ҳисобланади. Буларга тухум қўймасидаги тухумлар сони, тухум қўймасидаги тухумлар вазни, бир дона тухум вазни ва физиологик брак кўрсаткичи киради. Физиологик брак уруғ сифатида, одатда уруғчилик мутахассислари оталанмаган ва куриб қолган тухумлар улушкини тушунади. Агар тухум қўймасида оталанмаган ва куриб қолган тухумлар сони қанчалик кўп бўлса, бундай тухум қўймалари ёки тухум партиялари албатта брак қилинади.

Ипак қурти селекциясида пуштдорлик белгиси юқори ирсийлик коэффициентига эга белги ҳисобланади [6]. Шу билан бирга тухум қўймасидаги тухумлар сони ва унинг вазни кўрсаткичларининг кейинги авлодда намоён бўлишида ота ва оналик куртларни парваришилаш давридаги ташки мухит омиллари таъсирни катта роль ўйнайди [1, 2, 3].

Ташки мухитнинг ипак қурти популяциялари структурасига қайдаражада таъсир этиши мумкинлиги Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари томонидан атрофлича ўрганилган [4].

Маълум бўлишича, турли экстремал шароитларда зотлар селекцион белгиларининг абсолют кўрсаткичлари пасайиши билан бирга, генетик параметрлари: ирсийлик коэффициенти, ўзгарувчанлик коэффициентларининг кўрсаткичлари ҳам пасайиши кузатилар экан.

Бизнинг 2018 йилда олиб борган тадқиқотларимизда тут ипак куртининг пилла вазни, унинг шакли ва бошқа белгилари билан фарқ қилувчи, яъни генотипик жиҳатдан муқобил зотлар курт боқиш даврида озуқа танқислиги, куртларни ўта зич боқиш ва температура режимига риоя қиласлилар каби сунъий ташкил этилган шарт-шароитларда иккинчи авлод уруғлари олинди. Ташки мухитнинг ўзгарувчан шароитларига зотлар популяциясини мосланувчанлиги ва чидамлилигини биринчи навбатда репродуктив белгиларнинг кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқиб, “Марварид” зоти ва “Линия-28” тизимининг 3 хил тажриба ва қиёсловчи варианtlарида олинган тухум қўймалари тўлиқ якка тартибда таҳлил қилинди ва етакчи пуштдорлик белгилари аниқланди (1, 2-жадваллар).

1-жадвал.

#### “Марварид” зотининг $F_2$ авлод тухум қўймаларининг кўрсаткичлари (2018 й.)

| Зот ва тизимлар                 | Кўрсаткичлар            | Тухум қўймасидаги тухумлар сони, дона | Тухум қўймаси вазни, мг | Бир дона тухум вазни, мг | Физиологик брак, % |
|---------------------------------|-------------------------|---------------------------------------|-------------------------|--------------------------|--------------------|
| 1-вариант<br>(озуқа танқислиги) | $\bar{X} \pm S \bar{x}$ | $600 \pm 15,9$                        | $377 \pm 0,94$          | $0,629 \pm 0,0050$       | $0,8 \pm 0,008$    |
|                                 | $\sigma$                | 79,6                                  | 36,6                    | 0,027                    | 0,41               |
|                                 | C, %                    | 13,3                                  | 9,7                     | 4,3                      | 51,4               |

|  |                           |          |          |              |          |
|--|---------------------------|----------|----------|--------------|----------|
| 2-вариант<br>(куртларни зич<br>боқиш)          | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 678±14,2 | 425±11,5 | 0,627±0,0080 | 1,3±0,20 |
|  | $\sigma$                  | 69,42    | 56,16    | 0,04         | 1,27     |
|  | C <sub>v</sub> %          | 10,2     | 13,2     | 6,37         | 97,7     |
| 3-вариант<br>(температурага риоя<br>қилмаслик) | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 755±13,0 | 457±12,2 | 0,605±0,006  | 1,5±0,30 |
|  | $\sigma$                  | 65,02    | 60,93    | 0,028        | 1,61     |
|  | C <sub>v</sub> %          | 8,6      | 13,3     | 4,6          | 107,3    |
| Қиёсловчи                                      | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 776±16,8 | 447±11,0 | 0,615±0,0080 | 0,8±0,10 |
|  | $\sigma$                  | 95,19    | 62,18    | 0,047        | 0,74     |
|  | C <sub>v</sub> %          | 12,2     | 13,0     | 7,6          | 92,5     |

2-жадвал. “Линия-28” тизимининг  $F_2$  авлод тухум кўймаларининг кўрсаткичлари (2018 й.)

| Зот ва тизимлар                                  | Кўрсат<br>кичлар          | Тухум кўймасидаги<br>тухумлар сони,<br>дона | Тухум кўймаси<br>вазни, мг | Бир дона тухум<br>вазни, мг | Физиологик брак,<br>% |
|--|---------------------------|---|----------------------------|-----------------------------|-----------------------|
| 1-вариант<br>(озуқа<br>танқислиги)               | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 377±13,6                                    | 195±10,3                   | 0,517±0,0150                | 1,9±0,37              |
|  | $\sigma$                  | 47,3  | 35,8                       | 0,052                       | 1,3                   |
|  | C <sub>v</sub> %          | 12,5  | 18,3                       | 10,0                        | 68,4                  |
| 2-вариант<br>(куртларни зич<br>боқиш)            | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 449±11,0                                    | 240±7,1                    | 0,536±0,0056                | 3,4±1,0               |
|  | $\sigma$                  | 52,66                                       | 30,0                       | 0,027                       | 4,8                   |
|  | C <sub>v</sub> %          | 11,7  | 12,5                       | 5,03                        | 25,9                  |
| 3-вариант (тем-<br>пературага риоя<br>қилмаслик) | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 568±21,0                                    | 302±12,7                   | 0,532±0,0060                | 2,1±0,3               |
|  | $\sigma$                  | 89,14                                       | 54,17                      | 0,026                       | 1,4                   |
|  | C <sub>v</sub> %          | 15,7  | 17,9                       | 4,9                         | 26,9                  |
| Қиёсловчи  | $\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$ | 532±7,4                                     | 270±3,2                    | 0,508±0,0140                | 1,1±0,10              |
|  | $\sigma$                  | 44,18                                       | 19,27                      | 0,085                       | 0,77                  |
|  | C <sub>v</sub> %          | 8,3   | 7,1                        | 16,7                        | 70,0                  |

1-2-жадваллардан ўрин олган тўрт хил энг асосий репродукция белгиларини алоҳида таҳлил қиласиган бўлсақ, янги ўрта пиллали ва юқори технологик кўрсаткичларга эга “Линия-28” тизимининг йирик пиллали “Марварид” зотига нисбатан ноқулай шароитларга бироз бўлса-да, мослашганини кўришимиз мумкин. Чунки ушбу таҳлил қилинаётган авлоднинг ота ва оналик популяцияси икки марта стресс шароитларда парваришланди ва барча селекцион белгилари бўйича танлаш ўтказилди ва “Линия-28” тизимининг температура факторини турли даражада таъсир эттирилган вариантида қиёсловчи меъёрдаги шароит яратилган популяцияга нисбатан юқорироқ пуштдорлик хусусиятлари намоён бўлди. Шу тизимнинг ўзгарувчан ҳарорат вариантининг тухум кўймасидаги тухумлар сони 568 донани ташкил этган бўлса, қиёсловчи вариантда ушбу кўрсаткич 532 донани ташкил этди. Тухумлар вазни ҳам мос равишда 302 мг ва 270 мг. га тенг бўлиб, тухумлар сонига тўлиқ мос келади. Аммо, стресс шароит капалакларнинг кўйган тухумлари орасида оталанмаган ва қуриб қолган тухумлар сонини қиёсловчи вариантга нисбатан ошишига олиб келди (қиёсловчидаги 1,1%, тажриба вариантиларида 1,9-3,4%). Ушбу кўрсаткичлар

селекцион белгиларнинг ташки мухит таъсирига бўлган жавоб реацияси турлича бўлишидан далолат беради.

Олинган натижалар асосида, биринчидан, йирик пиллали ва ўрта пиллали зотлар генотипининг стресс факторларга мослашуви турлича бўлишини кўрсатса, иккинчидан бир хил зот популяциясидаги ҳар хил селекцион белгиларнинг ноқулай шароитларда рўёбга чиқиши кескин фарқ қиласи, деб хулоса қилиш мумкин. Ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқот натижалари келажақда тут ипак куртининг ишлаб чиқариш шароитида маълум даражада тез-тез тақрорланиб турадиган ноқулай шарт-шароитларга мос зот ва дурагайларини яратища илмий асос бўлади.

Ш.УМАРОВ,  
китта илмий ходими, қ.х.ф.д.,  
М.ЖУМАНИЁЗОВ,  
китта илмий ходим,  
К.ГИЯСОВА,  
кичик илмий ходим,  
С.ХУДЖАМАТОВ,  
кичик илмий ходими, (ИИТИ).

#### АДАБИЁТЛАР

- Дехканов М. Коэффициенты наследуемости яйценосности самок тутового шелкопряда // Шелк. - Ташкент, 1976. - №1. - С. 18-19.
- Кенжаев Б. Изменение структуры популяций тутового шелкопряда в разных условиях внешней среды. //Материалы II Всесоюзного семинара-совещания по генетике и селекции шелкопряда и шелковицы. - Ташкент, 1981. - С. 58-59.
- Кенжаев Б., Насириллаев У.Н. Влияние сортовых особенностей листа шелковицы на наследуемость признаков продуктивности тутового шелкопряда. //Сб.: Материалы IX конференции молодых ученых Узбекистана по сельскому хозяйству. -Ташкент, 1977. - С.139-141.
- Насириллаев У.Н. Генетические основы отбора тутового шелкопряда. // «Фан», Ташкент, 1985. – С. 20-25.

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ И СИСТЕМА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ В ОТРАСЛИ ПЧЕЛОВОДСТВА

*This article discusses the factors influencing the system of indicators for assessing the effectiveness of the beekeeping industry. The methodological approaches to evaluating the effectiveness of beekeeping are considered.*

В настоящее время в отрасли пчеловодства отсутствуют четкие определения и критерии эффективности управления пчеловодческих хозяйств, недостаточно изучены методологические подходы и система показателей оценки эффективности в этой отрасли.

В связи с этим, необходимо продолжить выявление факторов и способов, влияющих на снижение себестоимости продукции и повышение экономической эффективности отрасли, определение резервов использования медоносной базы, оценка и учет опылительной деятельности пчел. Так же необходимо анализировать и разработать методологические подходы в управлении пчеловодческого бизнеса, разработать системы показателей оценки эффективности в отрасли пчеловодства.

В отрасли пчеловодства один и тот же экономический эффект можно достичь разными способами, с различным количеством ресурсов и наоборот, при одинаковых затратах может получиться разный результат. Поэтому следует производить сравнение достигнутого эффекта с теми затратами, которые способствовали его достижению.

Необходимо выделить из суммы факторов те основные изменения, которые приведут к желаемому экономическому эффекту и необходимым социальным изменениям. Поэтому повышение эффективности сельского хозяйства (в частности и пчеловодства) означает сосредоточение основного внимания и средств на тех факторах, решение которых обеспечит наиболее быструю отдачу инвестиций.

Говоря об эффективности производства применительно к сельскому хозяйству, следует отметить что данное понятие является экономической категорией, отражающей сложный комплекс объективно существующих и регулируемых отношений между рядом отраслей агропромышленного комплекса, возникающих в связи с производством сельскохозяйственной продукции при минимальных затратах материальных средств и рациональном использовании природных ресурсов.

При определении критериев

эффективности сельскохозяйственного производства ученые ведут научную дискуссию, не прияя к единому мнению. Научное сообщество понимает, что природные ресурсы исчерпаемы и признает необходимость экономической оценки природных ресурсов, в связи с чем возникли две принципиально разные концепции их определения: затратная и рентная. Возникновение противоположных точек зрения на оценку природных ресурсов обусловлено тем, что с одной стороны, они являются естественной базой сельскохозяйственного производства, а с другой — продуктом труда, овеществленной стоимостью, элементом национального богатства.

Приверженцы данной концепции Л.М. Константинова и З.В. Соколинский в поддержку своей точки зрения отмечают тот факт, что степень использования ресурсов определяет и степень отдачи текущих затрат и эффективность производства лучше всего отражается в степени использования ресурсов, а не текущих затрат.

Суть противоположного подхода — рентного заключается в том, что величина экономической оценки природного ресурса зависит от размера приносимой им дифференциальной ренты. В настоящее время рентный подход приобретает все больше сторонников.

Для расчета эффективности пчелофермы необходимо так же использовать такие показатели, как прибыль или чистый доход. Для расчета этого показателя из величины всей реализованной продукции пчелохозяйства (в том числе от доходов вспомогательных производств хозяйства) вычитаются издержки производства и налоги. Эффективность работы предприятия наиболее полно характеризует не абсолютный, а удельный показатель прибыли, рассчитываемый отношением прибыли к фонду оплаты труда или суммарным затратам труда.

На величину получаемой прибыли влияют ряд факторов, поскольку все

хозяйственные процессы пчелофермы находятся в тесной взаимосвязи. В процессе анализа эффективности в отрасли пчеловодства необходимо учитывать содержание каждого фактора, срок его действия, степень воздействия на получаемую хозяйством прибыль, возможность нейтрализации в случае наличия негативного воздействия сочетания факторов на хозяйственный процесс.

Для оценки эффективности пчеловодческого хозяйства следует так же использовать предпринимательский доход, то есть оплату, получаемую предпринимателем за свою организаторскую работу по использованию экономических ресурсов, за риск получения убытков во время использования этих ресурсов, за различные хозяйствственные инициативы, инновации.

В качестве универсального показателя эффективности в пчеловодстве, необходимо использовать производительность труда, так как в данной отрасли трудоемкость работ остается высокой. В некоторых случаях эффективность производства в пчеловодстве рассчитывают с использованием чистого дохода, в пересчете на одного работника хозяйства.

В процессе проведения оценки эффективности работы пчеловодческого хозяйства можно также использовать отношение прибыли к собственному капиталу предприятия, отношение прибыли к оборотному капиталу. Данные показатели показывают эффективность инвестиций в производство. Важным показателем эффективности пчеловодческого предприятия является рентабельность, так как она отражает качество продукции, затраты труда, уровень управления производственным процессом.

Обобщающим ресурсным показателем в пчеловодстве является сила пасеки, выраженная в улочках пчел, то есть биологическим ресурсом. Сила пасеки находится в зависимости от технологических особенностей содержания пчел и их разведения.

Виды и характеристики показателей эффективности пчеловодческого хозяйства в следующие.

1. Технологическая эффективность – отражает эффективность использования биологического ресурса в производстве продукции пчеловодства. 2. Заключается в силе пасеки, силе семьи, коэффициента роста пасеки, так же, экономическая эффективность – отражает эффективность использования производственных затрат в производстве

продукции пчеловодства. 3. Заключается в рентабельности производства, рентабельности продаж, рентабельности основных средств, рентабельности капитала.

#### Выводы и предложения

Факторы, отвечающие за эффективность производства, можно обобщить следующим образом:

- рациональное использование природных ресурсов, снижение трудоемкости, материалоемкости и капиталоемкости.

сти производства, улучшение качества продукции;

- повышение технического уровня производства, внедрение новой техники, инновационных технологий;

- улучшение системы управления производством, улучшение организации труда, экономия сырья, электроэнергии.

**О.ДЖУРАБАЕВ,**  
ассистент,  
ТашДАУ.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Экономическая эффективность общественного производства: (анализ статистических показателей) /Л.М. Константинова, З.В. Соколинский. — Москва: Статистика, 1974. — С.69.
2. Кадыров Д.К. Основные экономические проблемы развития и повышение эффективности хлопководства в условиях технического прогресса. — Душанбе, 1976. — С.72.
3. Беляев, Н.А. Пчеловодства региона: состояние и проблемы развития/ Н.А. Беляева, М.В. Гоголев // Проблемы региональной экономики.-2010. -№1/2. – С.131-140.
4. Кудинов В.И. Нормативно-ресурсный метод планирования / сост. Ермолов В.Ф. / В.И. Кудинов, А.А. Капитанов и др. – М.: Росагропромиздат. 1990.— С.65.

УУТ: 638.1.

## ЎЗБЕКИСТОНДА АСАЛАРИ ҚИШЛОВИ ВА МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

*In this article have given information about wintering of bees family in the environment of Uzbekistan, and also growing and developing of bees family after wintering, indications egger of queen, productivity of honey and vask of bees family and level of suffer with tick varroa of bees family.*

Қишловга кетадиган асалари оиласида озуқа захирасини тўлдириш мақсадида куз фаслининг дастлабки ойларидан бошлаб, уларни шакар шарбати билан ҳам боқиш мумкин. Лекин бу усул кўп меҳнат талаб қиласди, шунинг учун қишловга кетадиган асалари оиласига белгиланган мөърда озуқа асалини қолдириши мақсадга мувофиқдир. Асалари оиласини озиқлантириш мөъёри ҳар бир худуднинг жойлашиши, иқлим шароити, оила кучи ва асалари зотига боғлиқ. Ўзбекистон шароитининг тоғлик худудларидаги иқлим шароити билан жанубий худудлардаги шароит бир-бираидан кескин фарқ қиласди. Шуларни ҳисобга олиб, қишлов учун пахтачилик худудларида 15-16 кг ва тоғли худудлarda эса 18-20 кг. гача озуқа асал қолдирилиши керак.

Бу борадаги илмий тадқиқотларимизни Паркент туманинадаги "Тошкент Bee Agro" асаларичилик хўжалигига олиб бордик. Асаларичилик хўжалигидаги барча асалари оиласарини кўздан кечирдик. Асаларизорда илмий иш олиб бориш учун ажратилган назорат ва тажриба гурухларида қишловни на-  
мунали ўтказишини назорат қилдик.

Тадқиқот даврида асалари оиласида бўладиган барча ишларни, асалари оиласининг ўсиб-ривожланиши, асалари оиласидаги насл миқдори, она асаларининг кунлик тухум қўйиши, оила кучи, асалари оиласининг кўч ажратиш хусусияти, асал ва мум маҳсулдорлиги, асалариларнинг варроа канаси билан зарарланганлик даражаси каби кўрсаткичлар эътиборга олинди.

1-жадвал  
Тажриба гурухларда асалари оиласини баҳорги ўсиши ва ривожланиши.

| №  | Оила рақами | Рамка сони | Йўлакча сони | Насл миқдори, кв | Она асаларини кунлик тухуми, дона |
|----|-------------|------------|--------------|------------------|-----------------------------------|
| 1  | 3           | 6          | 5            | 135              | 1125                              |
| 2  | 15          | 6          | 5            | 120              | 1000                              |
| 3  | 17          | 6          | 5            | 145              | 1208                              |
| 4  | 18          | 7          | 6            | 150              | 1250                              |
| 5  | 19          | 6          | 5            | 130              | 1083                              |
| 6  | 32          | 6          | 5            | 120              | 1000                              |
| 7  | 33          | 6          | 5            | 140              | 1166                              |
| 8  | 40          | 6          | 5            | 125              | 1041                              |
| 9  | 46          | 6          | 5            | 145              | 1208                              |
| 10 | 57          | 6          | 5            | 115              | 958                               |

Насл миқдорини аниқлаш учун махсус 5x5 см. ли рамка ёрдамида ҳар бир ёпик насл ўлчаб аниқланди, назорат гурухи учун ажратилган 10 та асалари оиласининг ҳар бираидаги 115 квадратгача насл миқдори аниқланди. Биринчи тажриба гурухи учун ажратилган 10 та асалари оиласида 142 квадратгача насл миқдори ва иккинчи тажриба гурухи учун ажратилган 10 та асалари оиласида 123 квадратгача насл миқдори бўлганлиги аниқланди.

Она асаларининг кунлик тухум қўйишини аниқлаш мақсадида

## 2-жадвал

### Тажрибадаги асалари оиласининг ривожланиш кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар                              | $I \pm m$    | $M \pm m$    | $Cv \%$ |
|---|--------------|--------------|---------|
| Оила кучи, кг                             | 2,4-2,6      | 2,52±0,04    | 1,083   |
| Насл миқдори, кв                          | 115,0-142,0  | 130,5±5,58   | 13,67   |
| Она асаларининг кунлик тухум кўйиши, дона | 958,0-1183,0 | 1087,2±65,76 | 113,89  |

асалари рамкаларида ёпиқ насл миқдори ўлчаб чиқилади ва уни ишчи асаларининг 12 кундаги ғумбаклик даврига бўламиз, яъни  $115 \times 100 : 12 = 958$ . Назорат гуруҳида она асаларининг кунлик тухум кўйиши бир кунда 958 дона, биринчи тажриба гуруҳида 1183 дона ва иккинчи тажриба гуруҳида эса 1025

3-жадвал маълумотларидан кўринаяптики 2-тажриба гуруҳидаги она ва ишчи асалариларнинг тирик вазни, она асаларининг кунлик тухум кўйиши, оила ичидаги ҳарорат каби кўрсаткичлари 1-тажриба ва назорат гурухларига нисбатан бирмунча ошганлиги кузатилди. Тажриба ва назорат гурухларидаги эркак асалариларнинг тирик вазни, уядаги ёпиқ наслли рамкадаги ҳарорат ва бир кунлик ишчи асалариларнинг тухум оғирлиги каби кўрсаткичлари ҳам қарийб бир хилда эканлиги аниқланди.

Асал маҳсулдорлигини аниқлаш учун тажриба ва назорат гурухларидаги ҳар бир асалари оиласидаги асалли рамкалар ёйларозисида ўлчаш орқали аниқлаб чиқилди.

4-жадвал маълумотларидан кўринаяптики, I тажриба гурухларида ҳар бир асалари оиласидан 31,3 кг товар асал

## 3-жадвал

### Асалари оиласини баҳолаш натижалари

| Кўрсаткичлар     | Асаларининг тирик вазни, мг |              |               | Она асалари-нинг кунлик тухум кўйиши (дона) | Оила ичидаги ва ёпиқ наслли рамкалардаги ҳарорат |                               | Бир кун-лик тухум оғирлиги (мг) |
|------------------|-----------------------------|--------------|---------------|---|--|-------------------------------|---------------------------------|
|                  | Она асалари                 | Ишчи асалари | Эркак асалари |   | Оила ичидаги ҳарорат                             | Ёпиқ наслли рамкадаги ҳарорат |                                 |
| 1-тажриба гуруҳи | 0.28                        | 0.12         | 0.21          | 850   | 30°  | 35°                           | 0.17                            |
| 2-тажриба гуруҳи | 0.30                        | 0.13         | 0.21          | 1366  | 31°  | 35°                           | 0.17                            |
| Назорат гуруҳи   | 0.22                        | 0.9          | 0.20          | 758   | 30°  | 33°                           | 0.16                            |

дона тухум кўйиши аниқланди (1-жадвал).

Назорат гуруҳидаги асалари оиласиданда 8 тадан рамка бўлиб, йўлакчалар сони ўртача 7 тани ташкил қилди. Ҳар бир йўлакчада 300 граммдан ишчи асаларилар бўлади,  $7 \times 300 = 2100$  дона битта ишчи асаларининг вазни 100 мг деб олсан, 1 кг. да 10000 дона ишчи асалари бўлади. Назорат гуруҳидаги асалари оиласида 21000 мингта ишчи асалари борлиги аниқланди. Биринчи тажриба гуруҳида 10 та рамка бўлиб, йўлакчалар сони 9 тани ташкил қилди ( $9 \times 300 = 2700$ ). Биринчи тажриба гуруҳида 27000 мингта ишчи асалари борлиги аниқланди. Иккинчи тажриба гуруҳида 9 та рамка бўлиб йўлакчалар сони 8 та ташкил қилди  $8 \times 300 = 2400$ . Иккинчи тажриба гуруҳида эса 24000 мингта ишчи асалари борлиги аниқланди.

Назорат гуруҳида 4 та кўч ажралиб чиқди. Кўрилган тадбирий чоралар натижасида биринчи тажриба гуруҳида 1 та ва иккинчи тажриба гуруҳида эса 2 та кўч ажралиб чиқди. Асалари оиласини кўчга чиқиши оила маҳсулдорлигини камайтириб, асаларизордан олинадиган даромаднинг қисқариши исботланган. Асалариларнинг кўчга чиқиши инстинкти мураккаб бўлиб, у бир неча ички ва ташки омилларга боғлиқ, асалари оиласининг насл хусусиятларига ҳамда худуд шароитига та-

олинган, бу назорат гуруҳига нисбатан 8,28 кг. ни ташкил этган ёки бу 35,8 фоизга кўп бўлган ( $Cv, 3,00\%$ ). Худди шундай II тажриба гурухларида эса 29,2 кг.ни ташкил этган. Бу эса назорат гурухларига нисбатан 26,8 фоизга кўп бўлган ( $Cv, 1,48\%$ ). Ҳар иккала варианtlар ишончли бўлиб  $R > 0,999$  ни ташкил этди.

Мум маҳсулдорлиги эса тажриба ва назорат гурухларидаги ҳар бир асалари оиласига берилган янги мум пардали рамкаларни тўкиши билан ҳисоблаб чиқилди. Жадвал маълумотларидан кўринаяптики, тажриба гурухларида мум етишириш мақсадида сунъий мумпардалардан янги тўқилган асалари ромлари ҳисобга олинди. I тажриба гуруҳида ҳар бир асалари оиласи 4,12 донадан янги асалари ромларини қурган ёки бу назорат гуруҳига нисбатан 44,5 фоизга кўп бўлган, ( $Cv, 1,12\%$ ) II тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткич 3,37 донани ташкил этганлиги билан эътиборлиdir ( $Cv, 0,74\%$ ).

Гурухларда асалари нобуд бўлган ва касалланган асалари сони билан аниқланди. Асалари танасида бўлган варроа канаси сони асалари танасидаги унинг сонига қараб баҳоланди. Бунинг учун асалари уясидаги ромлар остига, оқ қофозга соли-

## 4-жадвал

### Тажриба гурухларида асалари оиласининг асал ва мум маҳсулдорлиги, кг

| Гурухлар          | Асал маҳсулдорлиги |            |        | Мум маҳсулдорлиги |           |        |
|-------------------|--------------------|------------|--------|-------------------|-----------|--------|
|                   | $I M \pm m$        | $M \pm m$  | $Cv\%$ | $I m$             | $M \pm m$ | $Cv\%$ |
| Назорат гуруҳи    | 24-21              | 23,07±0,23 | 1,74   | 2-4               | 2,8±0,20  | 0,64   |
| I тажриба гуруҳи  | 36-29              | 31,35±0,95 | 3,00   | 3-6               | 4,12±0,35 | 1,12   |
| II тажриба гуруҳи | 31-27              | 29,27±0,46 | 1,48   | 2-4               | 3,37±0,23 | 0,74   |

янган ҳолда, олиб борилган комплекс тадбирлар орқалигина унинг олдини олишга эришилди.

Асалари оиласини баҳолаш ишларида асосан она, ишчи ва эркак асалариларнинг тирик вазни, она асаларининг кунлик тухум кўйиш даражаси, оила ичидаги ёпиқ наслли рамкалардаги ҳарорат, ишчи асалари катақчаларига кўйилган тухумнинг бир кунлик оғирлиги каби кўрсаткичлари ўрганилди (3-жадвал).

дол суртиб, ромлар остига кўйилди ва асалари уясидаги ромлар оралиғидаги йўлакчаларга, канага қарши бипин-т препарати суюқлиги билан пуркаб чиқилди, натижада қофоз устига тушган каналар микдори санаб улар ҳисобга олинди. Натижада, асалари оиласининг заараланганлик даражаси энг тўғри усулда аниқланди. Қуйидаги 5-жадвалда асалари оиласининг варроа канаси билан заараланганлик кўрсаткичлари берилган.

#### 5-жадвал

##### Асалари оиласининг варроа канаси билан заарланганлик даражаси

| Гурухлар       | $I \pm m$ | $M \pm m$        | $Cv\%$ |
|----------------|-----------|------------------|--------|
| Назорат гурухи | 6-14      | $10,37 \pm 0,94$ | 2,97   |
| I тажриба      | 2-5       | $2,87 \pm 0,35$  | 1,12   |
| II тажриба     | 2-6       | $3,37 \pm 0,40$  | 1,27   |

5-жадвал мълумотларидан кўринаяптики, ҳар бир 100 та асалар танасида варроа канаси билан заарланганлик

даражаси I тажриба гуруҳида энг кам 2,87 донани ташкил этган ёки бу назорат гуруҳига нисбатан 7,5 тага кам бўлган ( $Cv$ , 1,12%). II тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткич 3,37 донани ташкил этган ва назорат гуруҳига нисбатан заарланганлик даражаси 7,0 тага кам бўлганилиги билан эътиборлидир ( $Cv$ , 1,27%). Шунинг учун ҳам доимо варроа канасига қарши кураш чораларини олиб бориш мақсадга мувофиқидир.

**О.ЭШДАВЛАТОВ,**  
ЧПИТИ катта илмий ходим-изланувчи.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Крахотин Н.Ф. Ўзбекистонда асаларичилик. - Тошкент: "Меҳнат", 1991.
2. Тураев О.С., Тураев А.С. Влияние конструкции улья на зимовку и качество пчел. Сборник "Проблемы и перспективы инновационно-технологического развития и создания малой производственной инфраструктуры" -Навоий, 1997. – С. 97–98.
3. Тұраев О.С. Зимовка пчелиных семей // Ж.: «Сельское хозяйство Узбекистана». - Ташкент, 2005. - № 12. - 27 с.
4. Тұраев О.С., Муродов. У. Асалари варроатози ва уларга қарши кураш чоралари // Материалы четвёртой республиканской ветеринарной конференции. - Самарканد, 2008. - С. 259-264.

УДК 638.264:681.18

## КОНСТРУКЦИЯ СКЛАДНОГО КОКОННИКА И РЕЗУЛЬТАТЫ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Известно, что качество получаемых коконов, производительность сбора коконов с коконников в значительной степени зависят от типов и формы применяемых коконников, что используемые в шелководстве для коконозавивки кустарниковых растений из года в год становится меньше и меньше. При этом заготовка растений и приготовление из них коконников в виде пучка (веночки) требует больших транспортных и трудовых затрат.

Предложенные искусственные – полипропиленовые, ячеисто картонные и другие коконники не нашли применения из-за сложности организационных и финансовых вопросов – дороговизны применяемых материалов, высокой стоимости изготовления их в промышленных масштабах и др., приводящих к повышению отпускных цен на изделия. По изложенной причине все чаще для завивки коконов используют подстилку и бесформенные подручные материалы, что приводит к образованию двойниковых, атласных и не однородных коконов.

Из изложенного следует, что сегодняшнее состояние техники коконозавивки являются одним из основных факторов образования большого количества дефектных и не однородных коконов. Следовательно, для быстрейшего освоения дешевых и простейших в изготовлении разных типов коконников, а также повышения качественных показателей коконов, с учетом узкосезонности, однократности шелководства и форм собственности, создать более простые и дешевые типы коконников для того, что-

бы их производство можно было бы осуществить силами самых шелководов из доступных материалов.

От материала, из которого изготовлены коконники и структуры коконника зависит не только качество коконов, но и количество затрат труда, т.к. подготовка коконников к коконозавивке, расстановка их, отбраковка дефектных коконов и сбор коконов с коконников является одной из трудоемких операций.

Как известно, гусеницы тутового шелкопряда неодинаково относятся к различным типам коконников. В одних коконниках они быстро находят себе место и начинают завивать коконы, в других – долго двигаются и переползают с места на место тяряя шелковую нить, и зачастую завивают коконы в подстилке, на стойках этажерок и других местах. Таким образом, гусеницы как бы имеют избирательную способность, можно предполагать, что гусениц привлекает запах, строение поверхности, расстояние, шероховатость, форма и материала коконника.

В зависимости от величины коконозавивочных ячеек, материала коконников и расположении коконов в пространстве наблюдалось как увеличение дефектных коконов, так и уменьшение их. При этом, для нормальной завивки гусеницами коконов на коконнике необходимо более менее замкнутое пространство с ячейками соответствующего размера.

На основании поисковых работ пришли к выводу, что одним из способов, увели-

чения количества завитых качественных коконов в коконниках, является применение принципа ловушки с ячейками шероховатой поверхности и размерами, соответствующими размаху головогруди гусеницы.

С использованием принципа ловушки, разработана конструкция складного коконника.

Она, в основном, состоит из двух соосно расположенных коконозавивочных элементов, каждый из которых выполнен треугольной форме в виде гармошки и удерживается двумя формообразователями.

Формообразователь по длине, по верху, имеет зацепы, щипцеобразной формы для удержания формы коконника, количество которых соответствует количеству загибов коконозавивочного элемента, а в нижней части – пазы, для фиксации последующего (нижнего) коконозавивочного элемента.

В боковых поверхностях коконозавивочного элемента имеется отверстия, для свободного переползания гусениц из ячеек в ячейку.

Коконозавивочные элементы размещены штабелями, друг над другом. При котором, в горизонтальной плоскости, между коконозавивочными элементами и под ними образуются закрытые лабиринты, треугольные формы каналов (ячеек) создают достаточно большое место и опорных точек (не менее 3-х) для гусениц. Вследствие образуется, соразмерное пространство, в котором гусеницы вынуждены завивать достаточно большое количество однородных по калибру коконов.

Для проверки эффективности складного картонного коконника, с выше установленными параметрами, провели сравнительные испытания с коконниками пучкообразного и ячеистого типа, изготавливаемые из веток шелковицы. Контролем служили коконники типа, «ерш».

Для этого изготовили опытные складные коконники, а также сравниваемые пучкообразные и ячеистые коконники.

Проводили выкормку гусениц гибрида "Ипакчи 1" и "Ипакчи 2" на четырех полках этажерки. При коконозавивке на каждую полку разместили по три соответствующего типа опытных, сравнительных и контрольных коконников.

Перед сбором коконов с коконников отделяли дефектные составляющие, затем собирали коконы, где измеряли производительность этих операций.

Собранные с каждого коконника коконы очищали от ваты-сдира и установили их основные качественные показатели. Почти все качественные показатели опытных коконников (складных, пучкообразных, яче-

истых) примерно одинаковые:

– по заполняемости сравниваемые коконники по отношению к складному коконнику имеют разность  $\pm 1,0\%$ , а по отношению к контролю, заполняемость всех этих коконников в среднем на 5% выше;

– по сортовому составу разность также составляет  $\pm 1,0\%$ , а по отношению к контролю на 3,5% выше;

– коконы среднего калибра на ячеистых коконниках по отношению к складным коконникам на 3%, к пучкообразным коконникам – 5%, а к контролю – 17% выше;

– количество атласистых коконоников, образовавшихся на пучкообразных коконниках по отношению к складным коконникам на 0,7%, к ячеистым коконникам – 1,0%, а к контролю – 1,4% меньше;

– средняя масса кокона завитых на всех опытных и сравниваемых коконниках примерно одинакова, а по отношению к контролю на 10% выше.

Из изложенного следует, что показатели сравниваемых коконников близки друг другу, разность их незначительна. Эти ко-

конники резко отличаются, от складного по трудоемкости изготовления, по производительности сортировки дефектных коконоников и занимаемой площади хранения.

Складные картонные коконники проще в изготовлении, легко с него удалить дефектные составляющие и собрать коконы, а также они занимают значительно меньше площади при транспортировке и хранении.

Можно сделать вывод, что указанные искусственные коконники имеют хорошие перспективы и поэтому их необходимо усовершенствовать и провести более глубокие исследования.

**Б. МИРЗАХОДЖАЕВ,**  
к.т.н., старший научный сотрудник,  
**А. МИРЗАХОДЖАЕВ,**  
к.т.н., засл. лаб.,  
**Д. СОДИКОВ,**  
научный сотрудник,  
НИИШ.

## ЛИТЕРАТУРА

1. С.Д. Лаврентьев Учебная книга шелковода – Москва: «Колос», 1981 – С.149-152; 171-172.
2. Богоутдинов Н.Г., Полянская Н.В., Ярославцева К.Н. Разработка коконников из полиэтилена, труды Среднеазиатского научно-исследовательского института шелководства, вест. 9, – Ташкент 1976, стр. 104-111.
3. А.Мирзаходжаев и Б.Соипов. Исследование по выбору типов коконников. Ипакчилик соҳасидаги долзарб муаммолар ечи мини илмий асослари. – Ташкент: «Фан», 2004. –С. 349-354.
4. А.Мирзаходжаев, Б.А.Мирзаходжаев. Результаты испытания разных типов искусственных коконников, изготавливаемых в условиях фермерских хозяйствах. Ипакчилик соҳасининг долзарб муаммолари ва уларни янги технологияларга асосланган илмий ечимлари. – Ташкент: «Фан», 2012. –С. 62-66.
5. Богоутдинов Н.Г., Полянская Н.В. Научные основы агротехники тутового шелкопряда. Научные основы развития шелководство, – Ташкент, 1977, стр. 72-73.

УУТ: 638.2

## ЕТИШТИРИЛАДИГАН ПИЛЛАЛАРНИНГ ИПАКЧАНИЛИГИ

*The article talks about the tasks in the resolutions of the President and the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on the further development of the silk industry, of the current state, in particular, on the quality of prepared mulberry berries, on the quality of industrial cocoons and raw silk produced, and on how to eliminate the above disadvantages in order to ensure fulfillment of the tasks set in the resolutions of the President and the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.*

Пиллачиликнинг инсон манфаати йўлида хизмат қилаётганига беш минг йил бўлган бўлса, тарихий маълумотларга қараганда бу кўхна соҳанинг бизнинг диёримизга кириб келганлигига икки минг йил бўлмоқда. Шу давр мобайнида пиллачилик янада ривожлантириш юзасидан доимий ҳаракатлар қилиб келинган, чунки, пилла ва ипак маҳсулотларидан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилаётганлиги, унинг экспортболлиги ҳамда кўплаб ишчи ўринларини таъминлаётганлиги шуну тақозо этади.

Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 29 марта даги ПҚ-2856 сонли, 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472 сонли, 2018 йил 20 марта даги ПҚ-3616 сонли, 2018 йил 20 августдаги ПҚ-3910 сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 616-сонли, Республикада пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорларида белгилаб берилган вазифаларни келтириш мумкин.

Юқоридаги қарорларда белгилаб берилган параметрларни бажаришда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раҳбарлиги остида соҳа мутахассислари ҳар бири ўзи

хизмат қилаётган иш участкаларида ишини тўғри ташкил қилиб, умумий ишимиз натижасини кўрсатишида ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари керак, чунки охирги умумий натижа барча бўғинларда бажарилган ишлар йигиндисидан ҳосил бўлади, шунинг учун иш давомида қайсиридан бўғимда йўл қўйилган камчилик занжир сифатида бошқа ишларга, ҳамда охирги натижага салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Кейинги йилларда республикамизда пилла етиштириш ҳажмлари ишончли тарзда аста-секин ошиб бормоқда, лекин афсуски унинг сифат кўрсаткичлари, пиллачиликда етакчи бўлган давлатларда етиштирилаётган пиллалар сифатидан бирмунча пастлигича қолмоқда, айниқса етиштирилган пиллалардан ипак чикиш миқдори ҳам саноат корхоналари талабларига жавоб бермайди, натижада республикамиздаги пиллакашлик корхоналарида бир кг ипак олиш учун сарфланаётган куруқ пилла миқдори юқори, ҳамда ипак толасининг сифати паст, оқибатда республикамиздан жаҳон бозорига чиқарилаётган ипак калавасининг рақобатбардошлиги ҳамда нархи кўнгилдагидек эмас, мутаношиб равища уни сотишдан олинаётган даромад ҳам.

Етиштириладиган пиллалар сифатининг яхши бўлишилиги, айниқса, ундан олинадиган ипак миқдорининг юқори бўлишилиги кўп факторларга боғлиқ, бу биринчи навбатда тайёрланаётган ипак қурти уруғлари сифатига, мавжуд озуқа базасининг етарлилиги ва сифат дараражасининг юкорилигига, баҳорда ипак қурти уруғларини мўътадил муддатларда, кечикмасдан жонлантириш учун инкубаторияларга қўйишга, ипак қурти боқиши агротехникасини тўғри ташкил этишга, пиллакорлар манфаатдорлигини таъминлашга, ипак қуртларини озуқага тўйғазиб даста қўйишни ташкил этишга, етилган пиллаларнинг сифатини бузмасдан териб топшириш ҳамда тирик пиллаларни қабул қилиш, дастлабки ишлов бериш жараёнларини технология асосида тўғри ташкил қилишга ва албатта куруқ пиллаларни йигириб ипини олиш корхоналаридаги барча иш жараёнларини тўғри ва ўз муддатларида ташкил этишга боғлиқ.

Жумладан, кейинги йилларда республикамиздаги пилла наслчилиги станциялари ва ипак қурти уруғчилиги корхоналарида, улар иқтисодий аҳволининг оғирлиги, яъни сотган уруғлари пулларини бир неча йиллар мобайнида ололмасдан келганниклари, бунинг оқибатида бу корхоналардан тажрибали мутахассисларнинг кетиб колганлиги ва бошқа сабабларга кўра улар тайёрлаётган ипак қурти уруғлари миқдори камайиб, сифати кескин тушиб кетди. Сифатсиз тайёрланган уруғларда эса, ипак қурти зот ва дурагайлари муаллифлари уларни яратгандаги дастлабки асосий кўрсаткичлари ўзини тўлиқ кўрсата олмаяпти, натижада бундай уруғлардан жонланиб чиқсан қуртлар ҳосили ва ипак миқдори кам бўлган пиллалар ўрайяпти. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, тут ипак куртининг аксарият хўжалик қимматли белгилари, шу

жумладан, пилланинг технологик хусусиятлари ҳам полигенлар, яъни бир неча генлар таъсирида рўёбга чиқади. Шунинг учун зотларни наслчилик корхоналарида 3-4 йиллик кўпайтириш ишларининг ҳар бир босқичида энг юқори кўрсаткичларга эга генотиплари танланмаса, ушбу зотнинг элита популациялари ва улар иштироқидаги саноатбоп дурагайлари ўзларининг генетик потенциалини тўлиқ намоён эта олмайди. Оқибатда ишлаб чиқариш шароитида технологик хусусиятлари паст, ипак бозорида рақобатлаша олмайдиган пилла хомашёси етиштирилади. Шунинг учун ҳам «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан бу корхоналарнинг фаолияти бироз қисқартирилиб, баъзилариники вақтинча бутунлай тўхтатилиб, етишмаган уруғ чет давлатлардан келтирилмоқда.

Демак, республикамиздаги барча уруғчилик корхоналари иқтисодий ахволини яхшилаб, уларни замонавий уруғ тайёрлаш жиҳозлари билан таъминлаб, малакали мутахассислар ишни бошқаришини ташкил этиш зарур, шунда четдан олиб келинаётган уруғ миқдорини камайтириб яқин келажақда эҳтиёжимизни тўлиқ ўзимизда тайёрланадиган уруғ билан таъминлашимиз мумкин бўлади. Республика из вилоятларида мавжуд бўлган озуқа тутзорлари хатоларини тўлдириб тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш ва барг массасини кўпайтириш ҳамда босқичмабосқич навдор тутлар улушкини кўпайтириб озуқа барглари тўйимлилигини ошириб бориш ҳам пилла ҳосили ва унинг ипакчанлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ипак қурти уруғларини баҳорда энг мақбул, мўътадил муддатларда жонлантириш ҳам пилла ҳосили ва унинг ипакчанлигини ошириши аллақачон ўз исботини топган, афсуски, кейинги вақтларда бунга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Жонланган қуртларни инкубаторияларда ўз эгаларини кутиб бир неча кунлаб қолиб кетишилиги ва ипак қурти боқиши агротехникасини тўғри ташкил этилмаётганлиги, пилладаги бу асосий иккита кўрсаткичнинг паст бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолмоқда. Пиллаларни териш, гурӯхларга ажратиш ва топшириш, уларнинг ғумбагини ўлдириш, қуритиш ва саралашдаги камчиликлар оқибатида, пилла ҳосили ва ипак маҳсулоти миқдори кам бўлиб уларнинг сифати паст бўлиб қолмоқда.

Юқорида санаб ўтилган баъзи бир камчиликларни бартараф этиб, пилла ҳосилдорлиги ва ундан чиқадиган ипак миқдори кўпайтирилиб, уларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланишига эришилса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида айтиб ўтилган қарорлари ижросини таъминлаган бўлар эдик.

**С.НАВРУЗОВ,  
ТошДАУ доценти,  
Ф.ЖУМАЕВА,  
ТошДАУ бакалаври.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
2. Муаллифларнинг олиб борган кузатишлари ва тўплаган маълумотлари.
3. Ипак қурти зотларининг суперэлита ва элита босқичида технологик белгилар бўйича наслли пиллаларни танлаш услубияти. Услубий кўплланма.

## ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ЯНГИ ЖИНСИ НИШОНЛАНГАН ЗОТЛАРИ ИШТИ-РОКИДАГИ ДУРАГАЙЛАРНИНГ ҲАЁТЧАНЛИГИ

*This article is devoted to the analysis of viability indexes of new hybrid combinations of silkworms possessing by sex markings. It was defined that out of 6 kinds of hybrid combinations indexes of Marvarid x C8, Line 2 m x Line 3 m and Line 2 m x Line 41 hybrids meet the requirements of the production.*

Ипак қурти уруғчилигига 100% дурагай урүф тайёrlаш миаммосининг ечимига бағишиланган ушбу иммий изланишлар Ипакчилик иммий-тадқиқот институтининг "Наслчиллик иши" лабораториясида олиб борилди. Тажрибалар учун институтда яратилган жинси тухум ранги бўйича нишонланган Линия-2 меч, жинси пилла ранги бўйича нишонланган Линия-3 меч тизимлари, Z леталлар бўйича мувозатланган кўш леталли С-8 нгл зоти ҳамда Линия-41, Линия-64, Линия-61, Линия-60, Линия-73 селекцион тизимлари танлаб олинди.

**Тажриба зот, тизим ва  $F_1$  саноат дурагайларининг тухумлар жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги (2018 й).**

| Зотлар ва дурагайлар      | Тухумнинг жонланиши, % | Қуртлар ҳаётчанлиги, % | Касаллик фоизи, % |
|---------------------------|------------------------|------------------------|-------------------|
| C-8 нгл                   | 93,7±0,42              | 90,5**±0,38            | 5,5**±0,08        |
| Линия-2 меч               | 96,5*±0,50             | 87,8**±0,90            | 1,6**±0,41        |
| Линия-3 меч               | 96,0*±0,58             | 90,8**±1,50            | 4,0**±0,19        |
| Линия-60                  | 91,4±0,07              | 88,5±1,00              | 5,8±1,02          |
| Линия-61                  | 92,8±0,31              | 86,2±1,01              | 6,2±0,76          |
| Линия-73                  | 90,9±0,29              | 87,1±2,14              | 4,3±0,80          |
| Марварид                  | 99,1±0,26              | 94,6±0,68              | 2,8±0,55          |
| Линия-41                  | 94,0±1,0               | 94,1±0,52              | 1,83±0,61         |
| Линия-60 x С-8 нгл (♂♂)   | 94,6 (47,3)±0,58       | 92,4±0,77              | 2,8±0,71          |
| Линия-73 x С-8 нгл (♂♂)   | 95,0 (47,5)±0,29       | 92,1±0,79              | 3,7±1,01          |
| Марварид x С-8 нгл (♂♂)   | 95,3±0,72              | 96,8±0,26              | 3,2±1,12          |
| Линия-2 меч x Линия-3 меч | 97,0±0,55              | 93,8±1,60              | 1,1±0,18          |
| Линия-2 меч x Линия-41    | 96,6±0,85              | 89,8±2,86              | 1,4±0,81          |
| Линия-2 меч x Линия-61    | 95,8±1,49              | 89,4±0,44              | 1,90±0,43         |

Тут ипак қурти зот ва дурагайларининг энг муҳим хўжалик қўймати белгиларидан бири ҳаётчанлик бўлиб, зотлар, айниқса саноат дурагайларини баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. Чунки тухумлардан личинкаларнинг жонланиб чиқиши ва уларнинг пилла ўрашгача соғлом етиб келиш даражаси 1 кути қуртдан олинадиган пилла ҳосилдорлигини белгилаб беради. Тухум кўймасидан қанчалик кўп курт чиқса ва соғлом қуртлар пилла ўраса, пилла ҳосили ҳам шунчалик кўп бўлади.

Мазкур йўналишдаги тажриба натижаларини тахлилидан аввал шуни таъкидлаш лозимки, тут ипак қуртининг ҳаётчанлиги икки даврга бўлунади, яъни эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётчанликка. Эмбрионал ҳаётчанлик – бу тухум оталangan даврдан бош-

лаб, то тухумдан личинкалар жонланиб чиқишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Агар зот ёки дурагайнинг генотипи кучли, маҳсулдор бўлса, бундай тухумларда эмбрионал ривожланиш меъёрида ўтиб, соғлом ва кўп микрода қуртлар олинади. Постэмбрионал ҳаётчанлик эса, жонланиб чиқкан қуртларнинг 5 ёшдан иборат қуртлик даври тугаб, соғлом пилла ўраш ва ғумбаклик даврини ўз ичига олади. Пойкилотерм (тана ҳарорати ташки мухит ҳароратига боғлиқ), монофаг (фақат бир хил озуқа қабул қиласидиган) тут ипак қуртининг постэмбрионал ҳаётчанлигига

1-жадвал

чидамлилиги юқори бўлиб, табиийки, ҳаётчанлиги ҳам юқори бўлади.


1-жадвал ва 1-расмда сўзимизнинг исботи сифатида янги яратилган  $F_1$  дурагай комбинациялари ва уларнинг ота-оналил зотларини эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётчанлиги кўрсаткичлари келтирилган.

\*-Pd=0,766; \*\*-Pd=0,999

Кўрсаткичлардан зот ва тизимларнинг тухумлари жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги даражаси бир-биридан сезиларни даражада фарқ қилишини кўриш мумкин. Дурагайларни ташкил этувчи зот ва тизимлар ичидаги тухумлар жонланиши бўйича энг юқори натижани Марварид (99,1%), Линия-2 меч (96,5%) зотлари намоён этди. Линия-73 (90,9%), Линия-60 (91,4%) ва Линия-61 (92,8%) тизимлари нисбатан пастроқ кўрсаткичларга эга. Қуртлар ҳаётчанлиги белгиси бўйича юқори натижаларни Марварид (94,6%), Линия-41 (94,1%), Линия-3 меч (90,8%) ва С-8 нгл (90,5%) зотлари кўрсатган бўлса, қолган зот ва тизимларда бу кўрсаткич 86,2-88,5% ни ташкил этди. Касаллик фоизи, яъни қуртлик давридан ғумбаклик даврига бўлган оралиқда касалланиш даражаси ҳам мухит аҳамиятга эга. Касалликка чидамли зотлар сифатида Линия-2 меч, Линия-41 ва Марварид зотларини алоҳида таъкидлаш мумкин (1,6-2,8%). Тоза зотлар учун бу кўрсаткич жуда ижобий натижага ҳисобланади.

Янги дурагай комбинацияларни тухумлар жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсан, эркак жинсли ва кўш леталли дурагайлар ўртасида сезиларни фарқ йўқлигини кўришимиз мумкин.

Тухумлар жонланиши кўрсаткичини тахлил қилишдан аввал шуни алоҳида қайд этиш лозимки, эркак жинсли дурагайлар генотипида летал генлар таъсирида урғочи жинсли эмбрионал тухумдан чиқиш арафасида нобуд бўлади ва оқибатда 50% тухумлардан қуртлар чиқмайди ва



1-расм. Тухумларнинг жонланиши ва қуртларнинг ҳаётчанлиги.

жонланиш 50% атрофида бўлади. Ушбу ўзига хос хусусиятни бартараф этиш учун ишлаб чиқаришда 1 кути курт олиш учун эркак жинсли дурагайлардан 2 кути ургу инкубация қилинади.

Тухумлар жонланиши бўйича энг юқори натижани Линия-2 меч х Линия-3 меч (97,0%) ва Линия-2 меч х Линия-41 (96,6%) дурагайлари намоён этган бўлса, Линия-60 х С-8 нгл (94,6%) ва Линия-73 х С-8 нгл (95,0%) дурагайларида нисбатан пастроқ қўрсаткич олинди. Аммо, мазкур жонланиш қўрсаткичлари ишлаб чиқарish талабларига тўлиқ мос келади. Куртлар ҳаётчанлиги бўйича Марварид х С-8 нгл (96,8%) ва Линия-2 меч х Линия-3 меч (93,8%) дурагайлари юқори натижаларга эга бўлди, қолган дурагайларда

ҳаётчанлик 89,4-92,4% ни ташкил этди. Касаллик фоизига тўхтадиган бўлсак, Линия-2 меч тизими иштирокидаги дурагай комбинацияларида жуда паст касалланиш кузатилди (1,1-1,9%).

Янги дурагай комбинацияларимизнинг ҳаётчанлик белгиси бўйича олиб борган таҳлилимиз асосида Марварид х С-8 нгл (♂), Линия-2 меч х Линия-3 меч ва Линия-2 меч х Линия-41 дурагайларининг эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётчанлигини тўлиқ ишлаб чиқарish талабларига жавоб беради деб хулоса қилиш мумкин. Ушбу дурагайларнинг ҳар бири ўз навбатида алоҳида афзалликларга эга. Хусусан, Марварид х С-8 нгл (♂) дурагай 100% эркак жинсли пиллалар беради ва уларнинг ипакчанлиги ургочи жинсга нисбатан 18-

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, кузги буғдойдан кейин тупроқнинг 0-30 см қатламидағи ҳажм массаси 1,138 г/см<sup>3</sup> ни, 30-50 см қатламда 1,187 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этиб, такрорий экин сифатида (ерёнгоқ, соя ва мош) экилган барча варианtlarda тупроқнинг ҳар иккى ҳайдов ва ҳайдовости қатламидағи тупроқ ҳажм массаси сезиларли зичланмагани кузатилди.

Шундай бўлса-да, ушбу кўрсаткич бўйича энг яхши натижалар тажрибанинг такрорий соя экилган (5, 6, 7 ва 8) варианtlарida кузатилиб, унинг экиш мөъёрларини мақбуллаштирилиши бевосита тупроқ ҳажм массасининг ижобий томонга ўзгаришига олиб келди.

Соя экинининг амал даври охирида тупроқнинг 0-30 см қатламидағи ҳажм массаси экиш мөъёри 200 минг дона/га бўлган 5-вариантда 1,247 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, экиш мөъёрлари 250, 300 ва 350 минг дона/га бўлган 6-7-ва 8-вариантларда ушбу кўрсаткич 1,245; 1,244 ва 1,242 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди.

Тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳам шундай ҳолат кузатилиб, тажрибанинг (5, 6, 7 ва 8) варианtlарига мутаносиб равиша 1,298; 1,296; 1,294 ва 1,295 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди.

Тадқиқотларда тупроқнинг ҳажм массасига ижобий таъсир кўрсатадиган экин сифатида соядан кейин соядан кейин эканлигини олинган маълумотлар тасдиқлади. Лекин, ушбу экинда ҳам сояда кузатилган қонуният таърорланиб, экиш мөъёрларининг ортиши тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов остики қатламида ҳам тупроқнинг ҳажм массасига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Яъни, амал даври бошида тупроқнинг 0-30 см қатламидағи ҳажм массаси 1,138 г/см<sup>3</sup> бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич амал даври охирига келиб гектарига 70 минг дона уруғ сарфланган 9-вариантда 1,243 г/см<sup>3</sup> ни, 90 минг дона уруғ сарфланган 10-вариантда 1,241 г/см<sup>3</sup> ни, 110 минг дона уруғ сарфланган 11-вариантда 1,238 г/см<sup>3</sup> ни ва 130 минг дона уруғ сарфланган 12-вариантда 1,238 г/см<sup>3</sup> ни, тупроқнинг 30-50 см қатламида эса тажриба варианtlарига мос равиша 1,293; 1,292; 1,289 ва 1,290 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланниб хулоса қилиш мумкинки, Қашқадарё вилоятининг сурʼориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида ерёнгоқ, соя ва мош экинларини экиш тупроқнинг ҳажм массасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, унинг унумдорлигини ошириш учун хизмат қиласди.

**Б.ХАЛИКОВ,**  
қ.х.ф.д профессор,  
**Н.ЁДГОРОВ,**  
қ-х.ф.ф.д. (PhD)  
**Ў.МАҲМУДОВ,**  
докторант.

ДДЭИТИ Қашқадарё филиали

#### АДАБИЁТЛАР

Б.М.Халиков Алмашлаб экишининг илмий асослари. // Тошкент. -2016. С 7.

Р.О.Орипов Промежуточные культуры в хлопковом севообороте. // Ж. Кормопроизводство. -1980. -№12. -С 25.

М.Тожиев, А.Т.Кадыров. Пахта мажмуидаги зироатларни етиштириши технологияси: ЎзПИТИ ил. иш. тўп. –Тошкент: ЎзПИТИ. 1996. 215-217 бетлар.

И.В.Массино Агротехнические приемы и новые сорты интенсификации кормопроизводства на орошаемых землях. Средней Азии. Автореф... докт. с-х.н. –М., -1986.-32 с.

## ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ГУМУС ҲОЛАТИГА ТАБИИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*The article presents the humus state of the soils of the Zeravshan Valley, their degree of formation depending on their natural conditions of soil formation. At the same time, the role of each natural factor in the processes of humus formation and dehumification is estimated. The mechanisms of the formation and accumulation of humus in the soil, as well as the decomposition of humus substances based on the presence of each natural soil formation factor are discussed.*

Тупроқ таркибидаги гумус ҳолати энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тупроқда гумус ҳолатининг юқори даражада бўлиши унинг барча хосса-хусусиятларига ижобий таъсири кўрсатади. Шунинг учун тупроқ гумус ҳолатини яхшилаш орқали тупроқ хосса ва режимларини оптималлаштириш мумкин (1,2,3). Зарафшон воҳасида турли тупроқ тип, типча ва хиллари мавжуд, уларнинг гумус ҳолати ҳам турлича ҳисобланади. Уларнинг шаклланишида табиий омилларнинг роли муҳим бўлиб, уларнинг тупроқ гумус ҳолатига таъсирини ўрганиш долзарбди. Зарафшон воҳаси тупроқларининг гумус ҳолатига табиий омилларнинг таъсирини ўрганиш экспедицион усуlda амалга оширилди. Бунинг учун Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларида тарқалган турли тупроқ тип, типча ва хилларидан кесмалар қилиниб генетик горизонтлар бўйича тупроқ гумус ҳолати тадқиқот қилинди. Бунда гумус миқдори Тюрин усулида, гумус захираси тупроқ ҳажмий массаси ва қатлам қалинлигини билган ҳолда арифметик ҳисоблаш йўли билан, гумуснинг гуруҳий ва фракцион таркиби Тюрин усулининг Пономорева ва Плотникова модификациясида, тупроқ механик таркиби Качинский, умумий азот миқдори Мальцев-Гриценко усулида аниқланади.

Объект сифатида жигар ранг, бўз, ўтлок, сур-кўнғир тусли тупроқларнинг турли типча ва хиллари олинди. Табиий омиллардан иқлим, ернинг денгиз сатҳидан баландлиги, сизот сувларининг сатҳи, шўрланиш даражаси, рельеф, эрозияга учраганлик ҳолати, тупроқ механик таркиби, экспозиция кабиларнинг тупроқ гумус ҳолатига таъсири ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тупроқ гумус ҳолатини шакллантиришда Зарафшон воҳасининг иқлими муҳим роль ўйнайди. Зарафшон воҳасининг иқлими ернинг денгиз сатҳидан баландлигига ҳам боғлиқ

бўлади. Ернинг денгиз сатҳидан баландлиги Бухоро вилоятидан Самарқанд вилоятига томон ортиб борган. Бунда Ургут тумани тоғларида жойлашган ерлар водий бўйича денгиз сатҳидан энг баландда жойлашган. Ушбу йўналишда ҳаво ҳарорати пасайиб, ёғингарчилик миқдори ортиб боради. Бу эса тупроқ ҳосил бўлиши жараёнига таъсири этиб денгиз сатҳидан турли хил баландликларда турли хил тупроқ тип ва типчаларни шаклланишига олиб келади. Бу эса тупроқ гумус ҳолатига таъсири қилади. Бухоро вилоятида асосан ўтлоқ тупроқлар, Навоий вилоятида сур кўнғир тусли тупроқлар, Самарқанд вилоятида бўз тупроқлар, тоғли районларда жигарранг, ҳатто кўнғир тупроқлар тарқалган. Уларда чўл зонасидан воҳа минтақасига ўтиш билан гумус миқдори ва захираси ортиб боради. Лекин, тупроқ гумус ҳолатига сизот сувларининг сатҳи ҳам сезиларли таъсири кўрсатади. Кўпчилик ҳолларда автоморф тупроқларга нисбатан гидроморф тупроқларда гумус миқдори ва захираси юқори эканлиги аниқланди. Лекин, гидроморф тупроқлар ўзининг гумус ҳолати бўйича ҳам турлича ва бир биридан сезиларли фарқ қилади. Гумус миқдори ва захираси бўйича энг юқори кўрсаткича жигарранг ва кўнғир тупроқлар эга. Зарафшон воҳасида гумус ҳолати энг ёмон тупроқларга тақири ва сур кўнғир тусли тупроқлар киради. Бўз тупроқ типчалари ҳам ушбу йўналишда тарқалади. Денгиз сатҳидан паст жойларда оч тусли, кейин денгиз сатҳидан баландлашган сайин типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалиб, ушбу йўналишда тупроқ гумус ҳолати яхшиланаб боради.

Тупроқ гумусининг гуруҳий таркиби тупроқ тип ва типчаларига қараб сезиларли ўзгаради. Бўз тупроқлар минтақасида, кўпчилик ҳолларда, гумин ва фульвокислоталар улуши чўл зонаси тупроқларидагидан юқори бўлади. Гидролизланмайдиган қолдиқ чўл зонаси

тупроқларида юқори бўлди. Кўпчилик ҳолларда, айниқса бўз тупроқлар минтақасида ўтлоқ тупроқларда гумин кислоталар улуши бўз тупроқлардагидан юқори бўлди.

Гумус миқдори ва захирасига тупроқ механик таркиби ҳам сезиларли таъсири кўрсатади. Бир хил тип ва типчадаги тупроқда механик таркиби енгил бўлган тупроқдагидан механик таркиби оғирроқ бўлган тупроқда гумус миқдори ва захираси юқорироқ бўлиши қайд этилди. Бу ҳолат нафақат турли хил далалар бўйича кузатилди, балки битта тупроқ кесмаси кесимида ҳам аниқланди.

Кўпчилик ҳолларда тупроқ механик таркиби паст қатламга қараб сезиларли оғирлашганда гумус миқдори ортади. Масалан, Ургут тумани сугориладиган типик бўз тупроқларда олинган 2-кесманинг  $B_2$  (106-156) горизонтидагумус миқдори 0,35% бўлган бўлса, ундан кейинги пастки  $B_3$  (156-196) қатламда 0,54% ни ташкил этди. Бунга сабаб тупроқ механик таркибининг енгил қумоқдан оғир қумоқка ўзгариши бўлди. Худди шундай ҳолат 3-кесманинг  $B_3$ , ва  $B_4$  генетик горизонтларида, 5-кесманинг  $B_2$  ва  $B_3$  қатламларида ҳам кузатилди. Гумус миқдори тупроқ профили бўйлаб пастки қатламларга қараб пасайиб боради. Лекин, тупроқ механик таркиби пастки горизонтларга қараб кескин енгиллашганда, бу пасайиш ҳам кескин номоён бўлди. Масалан, 2-кесмада  $B_1$  қатламдан  $B_2$  қатламга ўтишда тупроқ механик таркибини ўрта қумоқдан енгил қумоққа ўзгариши, гумус миқдорини 0,64 % дан 0,35 % гача кескин тушиб қолишига олиб келди. Худди шундай ҳолат 3 кесмада  $B_2$  генетик горизонтдан  $B_3$  генетик горизонтга ўтишда тупроқ механик таркибини оғир қумоқдан қумга ўзгаришида кузатилди, бу ҳолат гумус миқдорини 0,72% дан 0,35% гача тушиб қолишига олиб келди. Демак, тупроқ гумус ҳолатининг шаклланишида тупроқ механик таркиби ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тупроқнинг нишаблиги ҳам гумус ҳолатига таъсир қилади. Нишаблик ортиши билан тупроқ ювилиши кучайиб, унинг гумус ҳолати кескин ёмонлаша боради. Чунки пастки қатламларга қараб гумус миқдори ва захираси камайиб боради. Шунинг учун, юқори тепа қатламнинг ювилиб кетиши тупроқ гумус ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Турли хил эрозияга учраганик даражасидаги тупроқларда гумус ҳолати турлича бўлади. Кучиз эрозияланган тупроқка нисбатан кучли эрозияланган тупроқда гумус қатламининг қалинлиги кескин камайиб кетади. Бу эса тупроқ гумус ҳолатини кескин ёмонлашишига олиб келади.

Тупроқнинг шўрланиш типи ва даражаси гумус қатлами шакланиши ва гумус ҳосил бўлиши ҳамда унинг минераллашиш жараёнларида мухим роль йўнайди. Айнан бир хил тупроқ типчаси ва хилида шўрланиш даражаси ортиши билан тупроқ гумус ҳолати ёмонлашади. Шўрланиш даражаси кучиз, айниқса шўрланмаган тупроқларда кучли шўрланган тупроқлардагига нисбатан гумус ҳосил бўлишнинг микробиологик жараёнлари фаол бўлганилиги сабабли гумус миқдори ва захираси юқори бўлди. Шўртбланиш ҳам тупроқ гумус ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, яъни тупроқда сингдириш комплексида

сингдирилган ва тупроқ эритмасида эриган ҳолатдаги натрий катиони миқдорининг юқори бўлиши ишқорий мухитни юзага келтириб, гумус моддаларининг эрувчанлигининг ошириши эвазига ҳамда гумификация жараёнларини сусайиши ҳисобига тупроқда органик модда миқдори ва захирасини камайтиради. Тупроқда мухит реакциясини ( $pH$ ) кучли ишқорий бўлиши тупроқ микробиологик жараёнларига, жумладан, гумус ҳосил бўлиш микробиологик жараёнларига салбий таъсир кўрсатади ва гумус моддаларининг эрувчанлигини ошириб гумус тўпланишига тўскىнлик қилади ҳамда гумус миқдори ва захирасининг пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, Зарафшон воҳаси тупроқларининг гумус ҳолатига тупроқ ҳосил қилувчи табии омиллар кучли таъсир қилиб, унинг шаклланишида фаол иштирок этади. Тупроқ унумдорлигини яхшилашда, экинлар етишириш агротехнологиясини ишлаб чиқишида бу ҳолатни ҳисобга олиш керак бўлади.

**Т.ОРТИКОВ,  
Б.Ф.Н.,  
Ш.НОРМАМАТОВ,  
тадаба,**

Самарқанд ветеринария медицинаси институту.

#### АДАБИЁТЛАР

- Кононова М.М. Органическое вещество и плодородие почв // Почвоведение. 1984, №8. -С.6-20.  
 Ортиков Т. Зарафшон воҳаси тупроқларининг гумус ҳолати ва унга турли омилларнинг таъсирси // Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрокимёгарларининг V қурултойи материаллари. 16-17 сентябрь, Тошкент-2010 й. 163-166-Б.  
 Шеин Е.В., Милановский Е.Ю. Роль и значение органического вещества в образовании и устойчивости почвенных агрегатов. Почвоведение, 2003, №1.- С. 53-61

## АНАЛИЗ И ПРОГНОЗ ВЛИЯНИЯ КЛИМАТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА МЕЛИОРАТИВНОЕ СОСТОЯНИЕ ЗЕМЕЛЬ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

*This article provides the impact analyzing and prediction of climate changes on cotton yields.*

Исследования, направленные на определение температурного режима Хорезмской области, были основаны на рассмотрении данных метеорологической станции "Хива" за период 1928-2017 гг. Средние годовые и ежемесячные данные использовались для определения общих тенденций температурного режима. Эти данные были предоставлены Республиканской гидрометеорологической службой Узбекистана. Цель исследования состояла в том, чтобы изучить однородность данных в течение периода наблюдения и определить компоненты тенденции в данных о средней температуре воздуха. Это позволило бы определить момент  $t_c$ , если такой имеется, отмечая сдвиг среднегодовых температур воздуха, предполагая статистически значимую разницу между средними температурами за период до и после точки  $t_c$ .

Для определения общих тенденций температурного режима Хорезмской области был использован метод испытаний Хомогенетики.

Годовые результаты испытаний на Хомогенетик в серии температурных данных показывают, что точки изменения были обнаружены в 1928 и 1978 годах. Испытание на Хомогенетик показывает точку смены 1978 года, поскольку год при изменении происходит на метеостан-

ции в Хиве. Хомогенетик теста является непараметрическим тестом, что означает, что его применение не требует предположения о распределении данных. Этот тест обеспечивает оценку нулевой гипотезы  $H_0$ , предлагающей, что данные являются однородными на протяжении всего периода наблюдения, т.е. что данные получены из одного или нескольких распределений с одним и тем же параметром местоположения (средние значения). Альтернативная гипотеза  $H_1$  подразумевает наличие не случайного компонента среди данных, вызывающих смещение параметра местоположения в определенный момент. Помимо обеспечения проверки однородности данных, тест Хомогенетики также определяет, если альтернативная гипотеза считается принятой, точку изменения, когда произошел сдвиг параметра местоположения.

$$K_T = \max_{1 \leq t \leq T} |U_{t,T}|, \text{ где } U_{t,T} = \sum_{i=1}^t \sum_{j=i+1}^T D_{ij}, D_{ij} = sgn(X_i - X_j), sgn(r) = \begin{cases} -1, & r < 0 \\ 0, & r = 0 \\ 1, & r > 0 \end{cases}$$

Статистика теста, используемая в этом тесте, выглядит следующим образом:

На основе наблюдаемого образца была получена следующая описательная средняя годовая статистика температуры за период 1928-2017 гг.:

В следующей таблице приведены результаты метода Хомогенетики:

Как видно из этой диаграммы, с 1928 по 1978 год, с 1978 по 2017 год среднее температура воздуха увеличилась на 1,378 градусов. Эта диаграмма показывает, что климат Хорезма изменился.

Таблица 1. Описательная статистика для температуры по всему образцу.

| Переменная  | Количество лет | Минимум | Максимум | Среднее значение | стандартное отклонение |
|-------------|----------------|---------|----------|------------------|------------------------|
| сред.темпер | 90             | 10,558  | 14,983   | 12,961           | 1,020                  |

Таблица 2. Результаты метода теста Хомогенетики.

| Переменная   | K <sub>c</sub> | t <sub>c</sub> | Среднее значение до t <sub>c</sub> | Среднее значение после t <sub>c</sub> | p-значимость критерия |
|--------------|----------------|----------------|------------------------------------|---------------------------------------|-----------------------|
| сред.темпер. | 1590           | 1978           | 12,364                             | 13,742                                | < 0,0001              |




Рис. 1. Изменение точки средней температуры по методу Хомогенетики.

Рис. 2. Прогноз температуры воздуха и урожайности хлопчатника по методам теста Хомогенетики

По показателям графика, при изменении климата основываясь на метод теста Хомогенетики, температура воздуха к 2100 году увеличится до 14,7°C, и поэтому урожайность хлопчатника в Хорезмской области снизится до 19,65 ц/га. В связи с этим необходимо разработать план улучшения мелиорации земель для получения более высоких урожаев хлопчатника.

Ж.ИШЧАНОВ,  
ассистент,  
ТИИИМСХ.

УДК.531.674

## РЕЖИМ ПОЛИВА ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ НЕСТИХИОМЕТРИЧНЫХ ИНТЕРПОЛИМЕРНЫХ КОМПЛЕКСОВ

*These research and technical development have been conducted according to the conditions of tasks occurring in water and agriculture in the field of environmental protection and the intensification of technological watering processes.*

В настоящее время все более широкое применение находят полимерные композиционные материалы на основе реакционно способных полимеров, что предопределяет интерес к изучению, как химизма, так и кинетики их структурирования. С этих позиций наиболее перспективными являются продукты, получаемые из нестехиометрических интерполимерных комплексов (НИПК (ИПК+МФС)) на основе интерполимерных комплексов (ИПК(МФС+КМЦ)) и мочевиноформальдигидных смол (МФС) с дисперсными наполнителями.

НИПК занимает одно из ведущих мест среди полимеров по разнообразию получаемых на их основе материалов. Это обусловлено широкими возможностями модификации этого композита путем варьирования их соотношения составляющих компонентов, которые существенно влияют на технологические и эксплуатационные

свойства получаемого материала.

Нестехиометрические интерполимерные материалы представляют собой новый класс композиционных материалов, обладающие уникальными свойствами: высокой сорбционной способностью, улучшению агрофизических свойств почв, в качестве гидрогелей, с помощью которой создается противофильтрационный экран на поверхности и глубине почв, получая экономию оросительной воды.

Целью данной работы явилось создание противофильтрационных экранов с помощью НИПК для повышения эффективности использования экономии поливной воды и улучшения условий развития хлопчатника.

Отметим, что известные способы уменьшения фильтрации воды с созданием противофильтрационных экранов с добавками ПАВ, органоминеральных веществ и другие оказались экономически нецелесообразными и не нашли широкого применения.

Предлагаемый нами новый нестехиометрический интерполимерный комплекс на основе НИПК (МФС+ИПК), благодаря своей растворимости в нейтральных и слабощелочных средах, а также длительной устойчивости растворов при хранении, дает возможность приготавливать в одной емкости растворы, содержащие и МФС и КМЦ. Кроме того, НИПК можно получить и в сухом виде (в виде порошка), который хорошо растворяется в воде и удобен при хранении и транспортировке. Перед нанесением на почву для увеличения водостойкости пленки НИПК (МФС+ИПК), pH-раствора снижается до 2,5-3, и тогда на почве образуется водонерастворимый НИПК. С практической точки зрения применение НИПК в сельском и водном хозяйствах имеет огромное значение, так как поликомплексы имеют важнейшее преимущество перед любыми известными полимерами ввиду их высоких закрепляющих свойств про-

Таблица

**Режимы и параметры техники полива КПД полива хлопчатника на опытном и контрольном участках (длина борозды 150 м)**

| Номер полива               | Расход воды, л/с    | Время, час |               |       | Поливные нормы            |                           | КПД, % | Потери, %    |               |
|----------------------------|---------------------|------------|---------------|-------|---------------------------|---------------------------|--------|--------------|---------------|
|                            |                     | дебегания  | До увлажнения | Всего | Брутто м <sup>3</sup> /га | Нетто, м <sup>3</sup> /га |        | На испарение | На фильтрацию |
| <b>Опытный участок</b>     |                     |            |               |       |                           |                           |        |              |               |
| 1                          | <u>0,9</u><br>0,45  | 2,35       | 5,72          | 8,07  | 1040                      | 880                       | 84,6   | 0,30         | 15,1          |
| 2                          | <u>0,85</u><br>0,45 | 2,44       | 5,55          | 7,99  | 1015                      | 825                       | 81,2   | 0,23         | 18,57         |
| 3                          | <u>0,85</u><br>0,40 | 2,38       | 5,68          | 8,06  | 954                       | 760                       | 79,6   | 0,28         | 20,12         |
| <b>Контрольный участок</b> |                     |            |               |       |                           |                           |        |              |               |
| 1                          | <u>0,9</u><br>0,45  | 2,79       | 6,28          | 9,25  | 1222                      | 850                       | 69,6   | 0,33         | 30,17         |
| 2                          | <u>0,85</u><br>0,45 | 3,12       | 6,25          | 9,37  | 1214                      | 810                       | 66,7   | 0,25         | 33,05         |
| 3                          | <u>0,85</u><br>0,40 | 3,05       | 6,19          | 9,24  | 1126                      | 780                       | 69,3   | 0,27         | 30,43         |
| 4                          | <u>0,80</u><br>0,40 | 3,16       | 6,08          | 9,24  | 1102                      | 715                       | 64,9   | 0,26         | 34,84         |

тив эрозии.

В связи с этим, для создания внутрипочвенного экрана сотрудниками кафедры «Физика и химия» и «Иrrигации и мелиорации» ТИИМСХ был разработан агрегат, обеспечивающий получение экрана на глубине 30-35 см, с применением НИПК. Агрегат состоит из навесного плужного устройства, который навешивается на пропашной трактор. С нижней стороны каждого отвала плужного устройства приварены трубы диаметром 15 мм, с установленными 2-3 опрыскивателями. Водный раствор НИПК подается через шланги высокого давления подключенной к емкости, установленные на тракторе.

В 2016-2017 гг. нами проведены дневночные опыты на полях фермерских хозяйств Шаватского и Ханкинского туманов Хорезмского вилоята, в условиях легкосуглинистых почв. Площадь опытного участка составляла 0,5 га, контрольного – 0,5 га.

В результате полевых исследований было установлено, что для поддержания предполивной влажности в слое с глубиной 0-0,7 м 0,65-0,65-0,65 наименьшей влагоемкости (НВ) проведе-

ны три полива по схеме 1-2-0 на опытном и четыре полива по схеме 1-2-1 на контрольном участках. Межполивные периоды по fazам вегетации составили соответственно 33-35 и 23-25 дней.

При поливах хлопчатника на полях с противофильтрующим экраном, глубинная фильтрация уменьшается на 18-20%, по сравнению с контрольной. Резкое увеличение влажности почвы отмечено при поливе большими нормами на контрольном участке.

Во время полива хлопчатника сбросы поливной воды отсутствовали. При поливных нормах брутто на опытном участке 1000-1040 м<sup>3</sup>/га и на контрольном — 1200—1250 м<sup>3</sup>/га, на увлажнение слоя почвы, расположенного ниже расчетного, расходовалась соответственно от 180 до 200 м<sup>3</sup>/га и от 400 до 420 м<sup>3</sup>/га.

Оросительная норма на опытном участке составила 3000 м<sup>3</sup>/га, на контролльном – 4765 м<sup>3</sup>/га, урожайность хлопка-сырца был равен 35 ц/га и 28 ц/га, соответственно. Соблюдение оптимального режима полива на полях с противофильтрующим экраном позволило получить от реализации хлопка

на 840 сум/га больше, чем в контрольном варианте. Уменьшение глубинной фильтрации при поливах хлопчатника позволило сэкономить 633 м<sup>3</sup>/га воды за три полива и на величину нормы четвертого полива.

Следует отметить, что предлагаемый вариант при сравнении с результатами опытов по изучению режимов полива почвы с противофильтрующим экраном на поверхности отличается меньшей трудоемкостью и большей эффективностью.

Проведены фенологические наблюдения в период вегетации. Посев хлопчатника на опытных вариантах и контроле были проведены 20 и 25 апреля, соответственно в 2017-2018 гг.

Из наблюдений выяснено, что на всех вариантах опытного участка по всем показателям превосходит данных контрольного поля и урожайность хлопка – сырца была выше на 5,1 ц/га, чем на контроле.

**С.ХОДЖИБЕКОВ,**  
к.ф.н., доцент,  
**К.КОМИЛОВ,**  
к.т.н., доцент,  
ТИИМСХ

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Комилов К.У. *Нестехиометрические интерполимерные комплексы на основе мочевино-формальдегидной смолы и дисперсных наполнителей*. // Дисс. к.т.н. — Ташкент: ТИХТ, 2005. — С. 100.
2. Кульман А. *Искусственные структурообразователи почвы*. — М.: Колос, 1982. — С. 112.
3. Хафизов М.М. *Разработка интерполимерных комплексов и композиционных материалов на основе карбоксиметилцеллюлозы и технология их получения*. // Дисс... д.т.н. — Ташкент: ТГТУ, 2006. — С. 190.

## ТУПРОҚНИНГ ЭКОЛОГИК МУҲИТИ ВА МИКРОФЛОРASIГА КЎКАТ ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*I was stated that Toint sowing of intermediate crops as agree manure caused positive in to increase a yield for several times. Plowing out of total green biomass increased the number of bacteria, actinomycetes and other physiolosical groups of microorganisms. The increase of warms was stated as well.*

Мустақилликкача бўлган даврдаги дехқончилик тизимида монокультура, яъни бир далада ғўзанинг узоқ йиллар давомида сурункали экилиши, заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлардан тупроқ картограммасига риоя этилмасдан фойдаланилиши охир оқибат тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келди. Тупроқ унумдорлигининг асосий хусусиятларидан бўлган унинг физик, кимёвий ва биологик хоссаларининг табиий ҳолатида салбий ўзгаришлар содир бўлди. Тупроқ фаунасининг табиий таркиби ва миқдори ўзгарди. Республикализнинг сугорма дехқончилик қилинадиган барча далаларида тупроқдаги “кичик дехқонлар” деб номланадиган ёмғир чувалчангларининг сони камайиб кетди ёки мутлақо қолмади.

Бир сўз билан айтганда, тупроқнинг экологик муҳити ёмонлашди. Бу эса бу соҳада фаолият олиб бораётган олим ва мутахассислар олдига тупроқни экологизацияялаш, яъни унумдорлигини тиклаш ва ошириб бориш муаммосига ечим топиш масаласи юқлатилди. Ушбу вазифанинг ечимини топиш қандай амалга оширилади?

Маълумки, тупроқ унумдорлигини оширишда қадимда отабоболаримиз далага гўнг, эски деворларнинг кесаклари, кул ва ҳовлидан чиққан турли ўсимлик ва озиқ овқат қолдиқларини чиқаришган. Шунингдек, экинларни алмашлаб экишга ҳам эътибор қаратишган.

Замонавий дехқончилик тизимида юқоридагиларга эътибор қаратган ҳолда илмий асосланган дехқончилик тизими элементларига кўпроқ эътиборни қаратиш лозим бўлади. Бунда даланинг тарихи, агрохим картограмма маълумотлари, алмашлаб экишга қатъий риоя этиш, далаларга органик ўғитлар чиқаришни тўхтовсиз амалга ошириш, тупроқ унумдорлигининг муттасил ошиб боришига имконият яратади. Бунда органик ўғитларга эътибор алоҳида ўринда турмоги лозим. Арzon, кўп меҳнат сарфи талаб этмайдиган оралиқ экинлардан сидерат мақсадида фойдаланиш бу масаланинг қисман ечим топишида хизмат қилади. Бу экинлар фермерларимиз ва дехқон ҳўжаликларининг иқтисодий ва ташкилий таркибларига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кўшимча даромад ҳам беради. Сидерат экинлари асосий экин йигиштириб олингач, эрта баҳорда ёки кеч кузда экин экилгунгача бўлган муддатда ўсиб-ривожланиб, бу даврдаги иқлим имконятларидан етарлича фойдаланади ва гектаридан 450-500 центнер миқдорида яшил энергетик биомасса тўплайди. Бу биомассани тупроқка сидерат ҳолида ҳайдаб ташлаш

эса тупроқ фаунаси учун тайёр озука хисобланади.

Тупроққа ҳайдалган сидерат ўғитларнинг мавсум давомида чириши жараённида тупроқдаги фауна тури ва миқдори динамик равишида йил давомида ўзгариб туради. Шу сабабли сидерат ўғитлари таъсирида тупроқ биологик хусусиятларининг ўзгаришларини кузатиш амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Дала тажрибалари Оқдарё туманидаги “Барака” фермер ҳўжалиги далаларида олиб борилди. Тажрибада ёмғир чувалчангларининг 1 м<sup>2</sup> ҳайдов қатламдаги сонини санаш орқали амалга оширилди [1]. Микроорганизмлардан замбуруглар, Чапек муҳитида, бактериялар гўшт пептонли агарда (МПА), актиномицетлар крахмал-аммиакли агарда (КАА), динитрификаторлар Гильтай муҳитида, азотофиксаторлар эса Эшби ва Виноградский муҳитида ўстирилиб санаб борилди [2].

Сидерат тупроққа ижобий таъсир кўрсатади, унинг физик, кимёвий хусусиятларини бирмунча яхшилайди. Тупроқда озиқа режимининг яхшиланиши биологик жараёнларнинг жадаллашишига сабаб бўлади. Бунда тупроқдаги микрофаунанинг сони, тури ва таркиби ўзгариб боради. Озиқа таъсирида биологик жараёнларнинг фаоллашуви бевосита тупроқ унумдорлигининг ошиб боришига ҳам сабаб бўлади.

Тупроққа катта миқдордаги биоэнергетик материал сифатида яшил массанинг ҳайдалиши, унинг турли тупроқ микро, мезо, макро ва мегофауна организмлари орқали минераллашиши ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун тайёр озука манбасини шакллантиради, ҳатто, тупроқ фаунасида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлади.

А.Маърупов (2003)нинг таъкидлашича, сидерат экинлари тупроққа ҳайдалган йили, назорат вариантида, ёмғир чувалчанглари сони феврал оидидан август ойигача Фаргона вилоятида 1 м<sup>2</sup> да 1,7 донадан 3,7 донага, Андижонда 1,0-3,0, Самарқандда 1,5-3,5 донага ошган бўлса, сидерат ҳайдалгандан сўнг уларнинг сони 1 м<sup>2</sup> да 11,5-12,0 донагача ошганлигини тажриба таҳлиллари орқали исботлаб берган.

Сидерат ўғитларининг ёмғир чувалчангларига ижобий таъсирини Р.О.Орипов, Н.Т.Халманов (1991), И.Эрназаров (1988), Н.Халманов (1991)лар ўз ишларида таъкидлаб ўтишган.

Тупроқнинг апрель, июнь ва август ойларининг 3-10 кунлигидаги таҳлилларида шу ҳолат намоён бўлдики, 1 м<sup>2</sup> да шудгор (назорат) вариантида ўтлоқ бўз тупроқларда 2,1-3,9, типик бўз тупроқларда

**Сидерациянинг тупроқдаги ёмғир чувалчангларининг ривожланишидаги аҳамияти (Ўртacha уч йиллик маълумот).**

| Тупроқ типи         | Хисоблаш муддати | 1 м <sup>2</sup> да дона |           |        |       |                   |               |
|---------------------|------------------|--------------------------|-----------|--------|-------|-------------------|---------------|
|                     |                  | Вариантлар               |           |        |       |                   |               |
|                     |                  | Шудгор (назорат)         | Кўк нўхат | Жавдар | Тифон | Кўк нўхат+ жавдар | Тифон+ жавдар |
| Ўтлоқи-бўз тупроқ   | 30 апрель        | 2,1                      | 7,5       | 7,3    | 7,6   | 8,2               | 8,1           |
|                     | 30 июнь          | 3,1                      | 9,1       | 9,2    | 9,3   | 10,3              | 10,1          |
|                     | 30 август        | 3,9                      | 10,4      | 10,3   | 10,1  | 11,6              | 11,8          |
| Типик бўз тупроқ    | 30 апрель        | 1,7                      | 7,2       | 7,1    | 7,0   | 8,0               | 7,8           |
|                     | 30 июнь          | 2,8                      | 8,5       | 8,7    | 8,8   | 9,1               | 9,2           |
|                     | 30 август        | 3,4                      | 9,9       | 9,8    | 10,0  | 11,3              | 11,1          |
| Оч тусли бўз тупроқ | 30 апрель        | 1,4                      | 7,0       | 6,8    | 6,7   | 7,2               | 7,0           |
|                     | 30 июнь          | 2,6                      | 8,1       | 8,0    | 8,3   | 8,8               | 8,8           |
|                     | 30 август        | 3,2                      | 9,5       | 9,6    | 9,7   | 11,0              | 10,8          |

1,7-3,4, оч тусли бўз тупроқларда 1,4-3,2 дона ёмғир чувалчанглари мавжуд бўлган бўлса, кўк нўхат, жавдар ва тифон вариантиларида 7,3-10,4; 7,0-10,0; 6,7-9,7, сидератлар арапаш экилган кўк нўхат+жавдар, тифон+жавдар ва тифон+кўк нўхат+жавдар вариантиларида эса мос равишида 8,2-11,9; 7,8-11,4 ва 7,0-11,1 дона ёмғир чувалчанглари тупроқда борлиги аниқланди (Жадвал).

Назорат вариантиларида нисбатан сидератлар алоҳида экилган вариантиларда ўтлоқи-бўз тупроқларда 30 августда 5,2-5,5; 30 июня 6,0-6,2; 30 августда 6,2-6,5; типик бўз тупроқларда 5,3-5,5; 5,7-6,0; 6,4-6,6; оч тусли бўз тупроқларда 5,3-5,6; 5,4-5,7; 6,3-6,5 дона, сидерат ўғитлари арапаш экилган кўк нўхат+жавдар, тифон+жавдар, тифон+кўк нўхат+жавдар вариантиларида эса алоҳида экилган вариантиларга нисбатан бир оз кўпроқ бўлиб, мос равишида ўтлоқ тупроқларда 6,0-6,2; 7,0-7,2; 7,7-8,0, типик бўз тупроқларда 6,1-6,3; 6,3-6,5; 7,7-8,0, оч тусли бўз тупроқларда 5,6-6,0; 6,2-6,3; 7,6-7,9 дона назорат вариантига нисбатан ёмғир чувалчанглари кўп эканлиги қайд этилди.

Демак, сидератлар тупроқда ёмғир чувалчангларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, сидератлар алоҳида экилган вариантиларга нисбатан арапаш экилган вариантиларда уларнинг миқдори бир оз кўпроқ, тифон+кўк нўхат+жавдар вариантида ёмғир чувалчангларининг сони кўк нўхат+жавдар, тифон+жавдар вариантиларидан сезиларли фарқ қўлмади.

Самарқанд вилоятининг пахтчилик билан шуғулланиладиган бўз тупроқли туманлари шароитида турли хил сидерат ўғитларини бир, иккى ва уч компонентли арапаш қилиб ўстириб, сидерат ҳолида

ҳайдаб ташлаш, тупроқдаги микроорганизмлар миқдорини, жумладан, бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар, азотофиксаторлар, динитрификаторлар ва оллигонитрофиллар сонини назорат вариантига нисбатан 3-6 марта гача ошириб, агроэкосистемалардаги тупроқ унумдорлигининг ошишига ёрдам беради. Бу эса гўзанинг меъерида ўсиб-ривожланишига шарт ва шароит яратади. Тупроқда озиқа режимининг яхшиланиши гўздан юқори ва сифатли маҳсулот олишни таъминлайди.

Олинган илмий таҳлил маълумотлари асосида шундай хуносаларга келишимиз мумкини, оралиқ экинлардан сидерат мақсадида фойдаланишимиз экологик нуқтаи назардан ута муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланар экан. 1 гектар майдондаги тупроқга ҳайдалган 450-500 центнер миқдоридаги биомасса тупроқда чириш жараёнида тупроқ фаунасига ижобий таъсир кўрсатади. Тупроқнинг озука режимини яхшилайди, тупроқдаги микроорганизмлар миқдорини, жумладан, бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар, азотофиксаторлар, динитрификаторлар ва оллигонитрофиллар сонини назорат вариантига нисбатан 3-6 марта гача оширади.

Мавсум охирида дәхқончилик далаларида ёмғир чувалчанглари сони сидерат ўғитлар таъсирида, ҳайдов қатламининг  $1\text{ m}^2$  да назорат вариантига нисбатан 6-8 дона гача оширади. Назорат вариантига нисбатан гўздан гектарига 4,8-9,2 центнер кўшимча ҳосил олиниб, шартли соғ даромад 197000-528400 сўм, рентабеллик эса 93,3-178,5 фоизни ташкил этди.

**Н.ХАЛМАНОВ,**  
қ.х.ф.д., (СамДУ).

#### Адабиётлар

1. Марупов А. Экологические чистые технологии защиты хлопчатника от вертициллезного вилта в Узбекистане. – Ташкент, 2003. – 246 с
2. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. – Ташкент, 1981. - 439 с.
3. Орипов Р.О., Холманов Н.Т. Триходерма с органикой // Хлопок. – 1991. – № 1. – С. 41–42.
4. Н.Т.Холманов. Продуктивность и качество урожая хлопчатника при сочетании органических удобрений и триходермы Лигнорум-19. Дис. на соис. уч. степ. канд. с/х наук. – Самарканд, 1991.
5. Эрназаров И. Пахтчиликда оралиқ экинлар. – Тошкент: «Меҳнат», 1986. - 84 б.

**УЎТ: 631.53.04:633.1.**

## АНГИЗГА ЭКИЛГАН МАККАЖЎХОРИНИНГ ФОТОСИНТЕТИК ПОТЕНЦИАЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*The article analyzes the results of field experiments to determine the value of the photosynthetic potential of maize with different schemes and planting density of roots. The highest indicator of photosynthetic potential was observed with a plant density of 70-72 thousand per hectare of maize hybrids Moldavsky 215 MV and Uzbekistan 300 MV.*

Республикамизнинг жанубий ва марказий иқлим минтақалари худуди табиий шароитларига кўра кузги буғдойдан кейин такрорий экинлар етиштириш учун жуда кулай ҳисобланади. Маълумки етиштирилаётган экинларнинг ҳосилдорлиги ҳар бир ўсимликдаги барг юзаси ва уларнинг ўсиб-ривожланиш давридаги маҳсулдорлиги билан белгиланади. Мазкур омиллар ўсимликнинг яшаш шароитлари: ёруғлик, иссиқлик, сув ва озиқ моддалар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ [1].

Ўсимликнинг фотосинтетик потенциал кўрсаткичи деганда, унинг барглари

юзасининг ўсиб-ривожланиши ёки ўсув фазалари давридаги фаолияти тушунилади. Фотосинтетик потенциал асосида мазкур ҳудудга тушаётган қуёш радиациясининг етиштирилаётган ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиш даражаси, агрометеорологик кўрсаткичлар ва олиниши мумкин бўлган ҳосилдорлик башорат қилинади [2,3]. Маккажўхори дурагайларини кўчат қалинлигининг фотосинтетик потенциал кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида 2014-2015 йилларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида дала тажрибалари ўтказилди. Тажрибалар олиб борилган

ҳудудда ўрта ва оғир қумоқ механик таркибли ўтлоқи аллювиал тупроқлар тарқалган. Маккажўхорининг фотосинтетик потенциал кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида уруғ униб чиқишидан то доннинг мум пишиш давригача фенологик қузатувлар олиб борилди [4,5].

Олинган маълумотлар ва улар асосида ҳисобланган кўрсаткичлар таҳлилига қараганда иккى экиш муддатида ҳам кўчат қалинлиги ортиши билан фотосинтетик потенциал миқдори кўпайди. Жумладан, маккажўхорининг “Молдавский-215 МВ” дурагайи уруғи 15-20 июня (биринчи экиш муддати) 90x15-1 схемада экилганда ўртacha

2 йиллик фотосинтетик потенциал миқдори 910,665 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун га, 90x20-1 ва 90x25-1 экиш схемаларида эса мутаносиб равища 709,308 ва 608,850 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун га тенг бўлди. Иккичи экиш муддатида (1-10 июль) да синаланган экиш схемалари доирасида бу кўрсаткичлар 904,612; 702,982 ва 608,090 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун ни ташкил этди.

Тажриба ўтказилган йилларда маккажӯхори қайси экиш муддатида экилишидан қатъий назар “Ўзбекистон-300 МВ” дурагайнинг фотосинтетик потенциал

кўрсаткичи “Молдавский-215 МВ” дурагайнинидан юқори бўлди. Биринчи экиш муддатида энг юқори кўрсаткич уруф 90x15-1 схемада (1277,43 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун) ва энг паст кўрсаткич уруф 90x25-1 схемада (787,914 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун) олинган. Бундай ҳолат иккичи экиш муддатида ҳам кузатилди. Кузатилган қонуният “Ўзбекистон-300 МВ” дурагайи экилган варианларда ҳам қайд килинди.

Олиб борилган кузатув ва таҳлилларга кўра, турли схемада экилган маккажӯхори

дурагайларидан олинган қуруқ модда (дон + поя) миқдори бир-биридан фарқланади. Қўчат қалинлиги ортиб боргани сари унинг миқдори ҳам ортиб борди. Жумладан, биринчи экиш муддатида “Молдавский-215 МВ” дурагайида 93,5 ц/га дан (90x25-1) 99,5 ц/га (90x15-1) ва иккичи экиш муддатида 97,6 дан 103,6 ц/га га ошди. “Ўзбекистон-306 АМВ” дурагайида экиш муддатларига мутаносиб равища 123,6 дан 130,6 ц/га гача ошди ва 118,3 дан 126,6 ц/га гача кўпайди (1-жадвал).

#### 1-жадвал. Маккажӯхори барги фаолиятининг ривожланиш давридаги самараорлиги

| Маккажӯхори нав ва дурагайлари | Экиш схемаси | Ҳосилдорлик (соғ ҳолда), ц/га |      |       | Фотосинтетик потенциал, минг туп/га•м <sup>2</sup> кун | 1000 ФП бирлигини ифодаловчи қуруқ модда, кг |
|--------------------------------|--------------|-------------------------------|------|-------|--|--|
|                                |              | дон                           | поя  | жами  |  |  |
| <b>I - экиш муддати</b>        |              |                               |      |       |  |  |
| Молдавский 215 МВ              | 90x15-1      | 35,8                          | 63,7 | 99,5  | 910,665  | 9,15   |
|                                | 90x20-1      | 34,3                          | 63,0 | 97,3  | 709,308  | 7,29   |
|                                | 90x25-1      | 32,9                          | 60,6 | 93,5  | 608,850  | 6,51   |
| Ўзбекистон 300 МВ              | 90x15-1      | 45,5                          | 85,1 | 130,6 | 1277,43  | 9,78   |
|                                | 90x20-1      | 43,8                          | 82,9 | 126,7 | 941,631  | 7,43   |
|                                | 90x25-1      | 42,0                          | 81,6 | 123,6 | 787,914  | 6,37   |
| <b>II - экиш муддати</b>       |              |                               |      |       |  |  |
| Молдавский 215 МВ              | 90x15-1      | 36,6                          | 67,0 | 103,6 | 904,612  | 8,73   |
|                                | 90x20-1      | 35,1                          | 66,0 | 101,1 | 702,982  | 6,95   |
|                                | 90x25-1      | 33,4                          | 63,9 | 97,6  | 608,090  | 6,23   |
| Ўзбекистон 300 МВ              | 90x15-1      | 44,9                          | 81,8 | 126,6 | 1149,135   | 9,08   |
|                                | 90x20-1      | 41,6                          | 81,6 | 123,2 | 885,969  | 7,19   |
|                                | 90x25-1      | 38,5                          | 79,8 | 118,3 | 758,295  | 6,41   |

Тажриба майдони ва агрометеорологик шароитлардан унумли фойдаланиш нуткаи назаридан энг юқори фотосинтетик потенциал бўлганда энг кўп қуруқ модда ҳосили олинди. 2014-2015 йилларнинг иккичи экиш муддатида ҳам энг юқори фотосинтетик потенциал кўрсаткичи “Ўзбекистон 300 АМВ” дурагайнинг қўчат қалинлиги 74,1 минг туп/га бўлган варианларда кузатилди. Жумладан, “Молдавский-215 МВ” дурагайини биринчи экиш муддатида 1000 фотосинтетик потенциал бирлиги доирасида кўчкат қалинлиги 74,1 минг туп/га бўлган схемада энг кўп – 9,15 кг қуруқ масса унинг кўрсаткичи 910,665 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун бўлганда олинди. Қўчат қалинлиги 44,4 минг туп/га бўлганда фотосинтетик потенциал кўрсаткичи 608,850 минг

туп/га•м<sup>2</sup> кун гача камайди, қуруқ модда миқдори эса 6,51 кг ташкил этди. Мазкур қонуният “Ўзбекистон-300 МВ” дурагайида иккичи экиш муддатида ҳам кузатилди. Иккичи экиш муддатида барг фотосинтетик потенциалнинг мутлоқ миқдорини ифодаловчи кўрсаткичлар барча варианларда деярли бир хил. Маккажӯхори ўсимлигининг энг юқори фотосинтетик потенциал кўрсаткичи “Ўзбекистон-300 МВ” дурагайи биринчи экиш муддатида 90x15-1 схемада экилганда – 1277,43 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун, иккичи экиш муддатида эса 1149,13 минг туп/га•м<sup>2</sup> кун ни ташкил этди. Ўсимликларнинг озиқланиш майдони 90x15-1 схемадан 90x25-1 схемага ўзгарганда, уларнинг фотосинтетик потенциал кўрсаткичи биринчи экиш муддатида 56,9-59,4 % га

ва иккичи экиш муддатида 47,3-53,7 % га камайди.

Шундай қилиб, фотосинтетик потенциалнинг энг юқори кўрсаткичи экиш схемаси 90x15-1 бўлган варианларда кузатилди. Энг кўп қуруқ модда миқдори (9,15-9,78 кг) маккажӯхори дурагайларида қўчат қалинлиги юқори бўлган варианларда шаклланди.

Умуман, уруғ экиш муддатлари ва схемалари доирасида маккажӯхори дурагайларида фотосинтетик потенциал миқдорини нисбатан фарқланишини агрометеорологик шароитлар ва навларнинг биологик хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

**С.БУРИЕВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
**ТИҚҲММИ,** Тупроқшунослик ва  
дехқончилик кафедраси.

#### Адабиётлар

1. Бабаев Ф. Барг юзасининг маккажӯхори ҳосилдорлигига таъсири // “Аэро илм” журнали, 2009, № 2 (10). 22-бет.
2. Методика полевых опытов по изучению агротехнических приемов по возделыванию кукурузы. – М., 1984. – 34 стр.
3. Ничипорович А.А. Некоторые принципы комплексной оптимизации фотосинтетической деятельности и продуктивности растений // Важнейшие проблемы фотосинтеза в растениеводстве. – М: Колос, 1970. – с. 6-22.
4. Ничипорович А.А. Фотосинтез и единая система питания и продуктивность растений // Параметры и модели плодородия почв и продуктивности агроценозов. Пущино. 1985.- С 5-10.
5. Буриев С.С. Маккажӯхорини тақорорий экин сифатида етишиширишда экиш муддатлари ва усулларининг ҳосилдорликка таъсирини ўрганиш // Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди иммий даражасини олиш учун диссертация иши. – Тошкент. 2008. – 70-76 бетлар.

## ШАМОЛ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН ҲУДУДЛАРДА ЧИГИТ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ

*The article provides information on the impact of various sowing varieties on cotton fertility in conditions of wind erosion in Ferghana region.*

Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигига тупроқ нуумдорлигини сақловчи янги ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиширишда ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ҳаражатларни тежаш ҳисобига маҳсулот етишириш таннархини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фарғона вилоятида юқори ҳароратли кунлар давомийлиги 280-310 кун, текисликларда 210-230 кун, тогли ҳудудларда 200 кунни ташкил этади. Фарғона вилояти учун характерли белги тоб шамолларининг эсиши бўлиб, жанубда жанубий, шарқда шимолий шамоллар эсади. Жануби-ғарбий (Қўқон) шамолларининг эсиши маҳаллий ҳаво депрессияси (турғунлиги) таъсирида вужудга келади. Бу ҳудудлarda кучли шамоллар ҳаракати кузатилади. Масалан, максимал чанг-тўзонли кунлар Фарғона шаҳрида 12 кунни, Қўқонда 89 кунни, максимал момақалдироқли кунлар Фарғона шаҳрида 75 кунни, Қўқонда 64 кунни, Шоҳимардонда 170 кунни ташкил этади [3].

Ўзбекистон Республикасининг турли табиий тупроқ ва иқлим шароитларида пахта етишириллади. Баъзи ҳудудларда (Фарғона вилоятининг Бешарик, Фурқат, Данғара, Бувайда, Олтиарик, Ёзёвон, Кўва, Бухоро вилоятининг Вобкент, Шоғиркон, Фиждуон, Бухоро, Қоракўл, Андикон вилоятининг Асака, Избоскан, Балиқчи, Улугнор,

Бўз, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Косон, Фузор, Сурхондарё вилоятининг Термиз туманинг) қишлоқ хўжалик экинлари айниқса баҳор ойларида шамол эрозияси ҳамда об ҳавонинг нокулай келиши натижасида катта зарар кўради, [1]. Режалаштирилган пахта ҳосилини олиш мақсадида, бу ҳудудларда айрим йиллари пахта чигитини 2-3 марта қайта экишга тўғри келади.

Шамол эрозиясидан ташқари, республикада табиатнинг инжиқларни натижасида (об-ҳавонинг салқин келиши, илдиз чириш касаллиги, дўл, қатқалок ва бошқалар) ҳам чигитни қайта қайта экишга сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки кучли шамол эрозиясига учрайдиган барча жойларида ҳам дефляция (шамол эрозияси) жараёнларига қарши чора-тадбирлар тўғри кўлланилавермайди. Натижада чигитни қайта экишга тўғри келади. Бундай дефляцияга учрайдиган ҳудудларда жойлашган фермер хўжаликларида чигитни қайта экишга тўғри келган гайтларда ғўзанинг қандай навларини ва қайси муддатларгача чигит экиш мумкинлигини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган холда, чигитни экиш муддатларида қўйидаги ғўзанинг Тошкент-6, Андикон-33, Оқдарё-5, Фарғона-5 ва Омад навларини тўртта, яъни 15 апрел, 30 апрел, 15 май ва 10 июнь муддатларида экилиб, уларнинг ўсиш-ривожланиш ва ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш

### Шамол эрозиясига учраган ҳудудларда чигит турли муддатларда экилган ғўза навларининг ҳосилдорлиги, ц/га

| Ғўза навлари                       | 1-йил | 2-йил | 3-йил | Ўртача уч йиллик ҳосил | Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил |
|------------------------------------|-------|-------|-------|------------------------|----------------------------------|
| 1 –экиш муддати                    |       |       |       |                        |                                  |
| Тошкент-6                          | 34,7  | 35,4  | 34,0  | 34,7                   | -                                |
| Оқдарё-5                           | 35,5  | 35,7  | 34,7  | 35,3                   | 0,6                              |
| Омад                               | 30,4  | 27,1  | 30,1  | 29,2                   | -5,5                             |
| Андикон-33                         | 39,0  | 38,0  | 38,1  | 38,4                   | 3,7                              |
| Фарғона-5                          | 33,1  | 30,8  | 33,4  | 32,4                   | -2,3                             |
| HCP <sub>05</sub> 0,87 1,6 1,2%    |       |       |       |                        |                                  |
| 2 –экиш муддати                    |       |       |       |                        |                                  |
| Тошкент-6                          | 32,8  | 30,6  | 31,7  | 31,7                   | -                                |
| Оқдарё-5                           | 30,5  | 28,6  | 30,9  | 30,0                   | -1,7                             |
| Омад                               | 33,0  | 28,9  | 30,3  | 30,7                   | -0,7                             |
| Андикон-33                         | 35,4  | 33,3  | 33,4  | 34,0                   | 2,3                              |
| Фарғона-5                          | 30,3  | 29,7  | 30,8  | 30,2                   | -1,5                             |
| HCP <sub>05</sub> 0,87, 3,3 1,2    |       |       |       |                        |                                  |
| 3 –экиш муддати                    |       |       |       |                        |                                  |
| Тошкент-6                          | 23,8  | 23,6  | 23,0  | 23,5                   | -                                |
| Оқдарё-5                           | 24,4  | 24,5  | 23,2  | 24,0                   | 0,5                              |
| Омад                               | 28,9  | 27,6  | 24,6  | 27,0                   | 3,5                              |
| Андикон-33                         | 24,5  | 23,7  | 27,6  | 23,6                   | 0,1                              |
| Фарғона-5                          | 26,3  | 24,7  | 23,1  | 24,7                   | -1,2                             |
| HCP <sub>05</sub> 1,04 0,2 0,8%    |       |       |       |                        |                                  |
| 4 –экиш муддати                    |       |       |       |                        |                                  |
| Тошкент-6                          | 8,6   | 7,1   | 4,5   | 6,7                    | -                                |
| Оқдарё-5                           | 9,8   | 6,8   | 4,7   | 7,1                    | 0,4                              |
| Омад                               | 9,8   | 7,7   | 6,1   | 7,8                    | 1,1                              |
| Андикон-33                         | 8,6   | 5,8   | 5,1   | 6,5                    | -0,2                             |
| Фарғона-5                          | 8,8   | 6,2   | 4,8   | 6,6                    | -0,1                             |
| HCP <sub>05</sub> 1,04, 0,2, 0,36% |       |       |       |                        |                                  |

мақсадида Фарғона вилояти Бешарик туманинг дефляцияга учраган ўтлоқи соз тупроқларида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Пахта ҳосилини етишириш учун маълум миқдордаги иссиқлик талаб этилади. Мўминов Ф.А [2] маълумотига кўра ўрта толали ғўзалар 1850°C ингичка толали ғўзалар 2000-2200°C фойдали ҳароратлар йиғиндиси олганда ғўзанинг дастлабки кўсаги очилади.

Биз тажриба олиб борган йилларда фойдали ҳароратлар йиғиндиси экиш муддатига мос ҳолда қўйидагича бўлди. Биринчи йил 15 апрелдан 1 октябргача фойдали ҳаво ҳарорати 2227°C ни 30 апрелдан 1 октябргача, 2153°C ни, 15 майдан 1 октябргача 1965°C ни ва 10 июндан 1 октябргача 1662°C ни ташкил қилди. Тадқиқотларнинг кейинги йилларида ҳам қарийб шунга яқин маълумотлар олинди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 10 октябрдан 1 ноябргача тўплланган фойдали ҳарорат йиғиндиси 1650°C ни ташкил қилди.

Юқоридаги маълумотлардан шундай ҳулоса қилиш мумкин, чигитлар 15 апрель ва 30 апрелда экилганда ғўза навларининг ўсиш ва ривожланиши учун керакли бўлган фойдали ҳароратни олиши мумкин бўлди. Лекин 15 май ва 10 июнда экилганда эса бу фойдали ҳарорат йиғиндиси керакли миқдорни ташкил этмади ва ғўза навларининг кўсақлари тўлиқ пишиб етилмаслиги кузатилди.

Биринчи йил чигит 15 апрелда экилган тажриба маълумотларининг кўрсатишича, энг кўп пахта ҳосили (39,0 ц/га) «Андижон-33», «Оқдарё-5», сўнгра «Тошкент-6» ғўза навларидан териб олинган. Бу ҳолат кейинги иккى йил ва учинчى йилларда ҳам ушбу маълумотлар қайтарилган. Олиб борилган тадқиқотларнинг уч йиллик ҳосилнинг ўртачаси ҳам энг юқори пахта ҳосили ғўзанинг

«Андижон-33» нави (38,4 ц/га), ундан кейин ғўзанинг «Оқдарё-5» нави (35,3 ц/га), сўнгра ғўзанинг «Тошкент-6» навларидан (34,7 ц/га) пахта териб олинди.

Чигит иккинчи муддатда, яъни 30 апрелда экилганда ўрганилаётган ғўза навлари орасида нисбатан юқори пахта ҳосили, яъни ғўзанинг «Андижон-33» нави, сўнгра ғўзанинг «Тошкент-6» нави ва кейинги ўринларда ғўзанинг «Фарғона-5» навларидан пахта териб олинди. Лекин уч йиллик ўртача ҳосил бўйича ғўзанинг «Андижон-33» навидан ташқари барча ўрганилган ғўза навларидан деярли бир хил ҳосил олинди. Учинчи муддатда (15 май) чигит экилган ғўза навларидан энг юқори ҳосил ғўзанинг «Омад» навидан 27 ц/га пахта ҳосили йиғиштириб олинди (1-жадвал).

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра ҳулоса қилиш мумкинки, чигитни экишга тўғри келган йилларда чигит тўрттинчи муддатда, яъни 10 июнда экилганда бирон-бир ғўза навлари кутилган натижани бермади, иктиносидий самара берадиган бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фарғона вилоятининг қадимдан сугорилиб келинадиган, шамол эрозиясига чалинган, химояланган, ўтлоқи-соз тупроқлар шароитида чигитни 30 апрелгача экилса, шамол эрозиясидан заарланиши камаяди ва пахтадан юқори ҳосил олиш мумкинлиги тавсия этилади.

**З.ИСМАТУЛЛАЕВ,**  
к.х.ф.н.,  
докторант ПСУЕАЙТИ,  
**Ж.ДУСТОВ,**  
магистр, ТИҚҲММИ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзажонов К.М. и др. Разработка комплексных противозерозионных мероприятий для различных зон хлопкосеяния». В книге: Краткий научный отчет по хлопководству (1976-1980 гг.)-Ташкент. 1982. с.251.

2. Мўминов Ф.А. Ўрта Осиёдаги пахта етишириладиган районларнинг агроиклим шароити. Пахтасилик справочники: Тошкент, Мехнат, 1989.

3. Ўзбекистон сугорилалигидан ерларининг мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ходимлари томонидан нашр этилган. Тошкент, “Университет” нашиёти 2018, 304-бет.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*The article presents data on application efficiency of geographic information system technologies in soil research. The results show decrease in used resources when using GIS technologies in the field.*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчиллик билан ривожлантириш, республика ер фондидан оқилона фойдаланиш, сугориладиган ерлар ҳосилдорлигини ошириш бугунги кунда катта аҳамият касб этувчи масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам ошириб бориш, уни пасайтируви омилларни вақтида аниқлаш, олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш мухим вазифалардан ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор технологияларни кўллаш жуда мухим масаладир. Ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам турли инновацион, сўнгги илмий ютуқларга асосланган илғор технологиялар кўлланиб келинмоқда. Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, улар асосида

мавжуд ресурсларни самарали бошқариш ва мониторинг қилиш каби масалалар ўрганилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган илғор технологиялардан бири геоахборот тизимлари бўлиб, бугунги олиб борилаётган жадал испоҳотлар соҳада ушбу геоахборот тизимларини кўллашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда жадал суръатларда ривожланаётган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида геоахборот тизимини жорий қилиш ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун замин яратади.

Мазкур технология тупроклар унумдорлик ҳолатини ўрганиш, мониторинг қилиш ва турли тупроқ ҳариталарини яратиша ҳам мухим аҳамият касб этади. Тупроқ тадқиқотларини олиб бориша геоахборот тизими технологияларидан фойдаланишнингсоҳага оид тегишли маълумотларни таҳлил қилиш, сақлаш

ва уларни намоён этишда ишлаб чиқиш самарадорлигига таъсирини ўрганиш ушбу тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Юқорида зиқр этилган масалаларни ҳал этиш учун тупроқларни ўрганишда геоахборот тизими технологияларини кўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш бўйича мақсадли тадқиқотлар пилот участка сифатида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги “Янгиобод” СИУ худудида олиб борилди. Тупроқ тадқиқотларини ўтказиша замонавий геоахборот тизимлари, яъни ESRI компаниясининг ArcGIS дастурий маҳсулотининг ArcGIS Spatial Analyst, ArcGIS Geostatistical Analyst ва ArcGIS Interoperability маҳсус модулларидан фойдаланилди. Олинган тадқиқот натижаларини умумлаштириш ҳамда тавсифлашда геостатистик, геоахборотлар тизими асосидаги таҳлил, қиёсий-географик, қиёсий-геокимёвий, қиёсий-

аналитик ва маълумотларни математик қайта ишлаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотларда геоахборот тизими технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда тупроқ тадқиқотларини олиб бориш, тупроқ хариталарини ишлаб чиқишида сарф этиладиган вақт миқдори кўрсаткич сифатида белгилаб олинди. Бунда хариталар ишлаб чиқиши учун сарфланадиган вақт миқдорини ҳар бир тадбирлар бўйича бўлиб, таҳлил қилинди. Ушбу ишлар

натижалари қўйидаги жадвалда акс этган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 1:10000 миқёсли хўжаликлар тупроқ сифатини баҳолаш харитасини тузиша анъанавийусулга қараганда геоахборот тизими технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги жуда юкори. Жумладан, ушбу ишни тўлиқ тугатиш анъанавий усулда 1170 минутни (19,5 соат) ташкил этса, геоахборот тизими технологияларидан фойдаланилганда атиги 90 минутни (1,5 соат) ташкил этмоқда. Яъни, ушбу харитани

#### 1-жадвал

##### 1:10000 миқёсли хўжаликлар тупроқ баҳолаш хариталарини тузишга меҳнат сарфи

| № | Ишлар тури   | Вақт сарфи, минут |     |
|---|--|-------------------|-----|
|   |  | анъанавий         | ГАТ |
| 1 | Фермер хўжаликлари чегараларини харитага тушириш                 | 60                | 15  |
| 2 | Тупроқ кесмаларини харитага тушириш                              | 180               | 15  |
| 3 | Тупроқ кесмалари бўйича кимёвий анализ натижаларини таҳлил қилиш | 240               | 5   |
| 4 | Тупроқ айрималарини аниқлаш ва харитада чизиш                    | 300               | 10  |
| 5 | Харитада класслар бўйича рангларга бўяш                          | 60                | 5   |
| 6 | Тупроқ айрималари майдонларини ҳисоблаш                          | 180               | 5   |
| 7 | Фермер хўжаликлари маълумотларини жадвалга тушириш               | 60                | 15  |
| 8 | Жадвал маълумотларини компьютерга тушириш                        | 60                | 10  |
| 9 | Харитани безаш   | 30                | 10  |
|   | Жами   | 1170              | 90  |

#### УЎТ 626:132:3 (043)

## СУВНИНГ ШИМИЛИШНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ЭКРАН ҲОСИЛ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАСИ ВА УНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИ

*The article provides brief information on the improvement of the reclamation state of unstable soils and the installation for improving the reclamation state of unstable soils by creating a device for the construction of an impervious screen.*

Грунтлари турғун бўлмаган, гиллари камроқ ва қумоқли минтақаларда сув сарфидан кўп ҳолларда тўлиқроқ фойдаланишининг имконияти бўлмайди. Бундай ҳолатлар, айниқса, сувни кўп талаб қилувчи техник экинлардан бўлган шолуни етиштиришда яқол кўзга ташланади. Сувнинг сарфини камайтириш, мавжуд берилган сувдан тўлақонли фойдаланиш ва бунинг натижаси ўлароқ олинадиган ҳосилдорликни янада ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш эса, муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомилластиришга эътибор бериш ҳам устувор вазифаларга киради.

Бу борада йиллардан бери изланишлар олиб бораётган олимларимиз томонидан суформа сувларнинг фильтрациясига қарши экран қурилиши учун қурилма бўйича техник ечим топилиб, ушбу ҳужжат бўйича Давлат патенти (№3202 ЎзР патенти) олинган.

Таклиф этилаётган қурилма (ускуна)дан (1,2,3 ва 4-расмлар ) кўмли ва қумоқ грунтларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда суюқ (суспензия) минерал ўғитлар беришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, асосий вазифалардан бири, ушбу қурилма (ускуна) воситасида мавжуд машиналарнинг функционал имко-


тизишда анъанавий усул кўпланилганда бир киши қарийб 3 кун сарфласа, геоахборот тизими технологияларидан фойдаланилганда ишларни 1,5 соат давомида бажариши мумкин. Бу эса бажариладиган ишлар таннахини камайтиришга ва пировардида ишлаб чиқиладиган маҳсулот нархини арzonлаштиришга олиб келади ҳамда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона ва ташкилотлар учун жуда юкори самарадорликни таъминлайди.

Юкорида баён этилганлардан хулоса чиқарип айтиш мумкини, геоахборот тизими технологиялари берилган маълумотларни юкори аниқлик ва тезкорлик билан таҳлил қилиш хусусиятларига эга бўлиб, ундан фойдаланиш самарадорлиги юкори. Ушбу замонавий геоахборот тизими технологияларини қишлоқ хўжалигига кўллаш соҳага оид аниқ ва тезкор маълумотлар олиш, уларни оператив қайта ишлаш ва сақлаш имкониятларини яратади.

**Р.ҚЎЗИЕВ,**  
б.ф.д., профессор,  
**Ш.БОБОМУРОДОВ,**  
б.ф.н.,  
ТАИТИ.


ниятларини кенгайтиришdir. Қурилманинг иш жиҳозлари тўғри чизиқли пичоқ ва қавариқ юзали пичоқ кўринишида ясалган. Тўғри чизиқли ва қавариқ чизиқли пичоқларнинг юзасида юпқа парда ҳосил қилувчи суюқлик пурковчилар ўрнатилган.

Қурилмага ўрнатилган тўғри чизиқли ва қавариқ юзали пичоқларнинг ўрнатилиши ишлов бериладиган майдоннинг, яъни эгатларнинг ва унинг пуштасининг тагларида ҳам фильтрацияга қарши узлуксиз экран ўрнатилишига имкон беради.



1-юриш рамаси;  
2-тўғри чизиқли иш жиҳози;  
3-қавариқ иш жиҳози;  
4-босимли суюқлик ўтказувчи кувуллар;  
5-экран ҳосил қилувчи суюқлик пурковчилар;  
6-суюқлик идиши;  
7-ўтказувчи кувуллар;  
8-юкори босимли насос;  
9-карданли вал;  
10-трактор(Т-130).


1-расм. Экран ҳосил қилувчи машина (қурилма)нинг кўриниши



1-түғри асосли иш жиҳози;  
2-иш жиҳози пичоги;  
3-ўрта пичог;  
4-босимли суюқлик ўтказувчи қувурлар;  
5-экран ҳосил қилувчи пуркагичлар;  
6-кувур тутгич.

**2-расм. Машинанинг түғри асосли иш жиҳози**

Фильтрацияга қарши экран қурилиши учун қурилма юриш рамаси 1 ва унга ўрнатилган түғри чизикли 2 ва қавариқ юзали 3 пичоқлардан, ҳамда материал ташувчи босимли қувур 4 лар ва экран ҳосил қилувчи суюқликни пурковчи 5 дан тузиленган. Қурилманинг юриш рамасига 1 суюқлик турдиган идиш 6 ва ташувчи қувурлар 7 юқори босимли насос 8 билан ўзаро боғланган, насос карданли вал 9 ёрдамида тракторнинг 10 қувват олиш вали билан уланган[2].



**4-расм. Сувнинг сизилишига қарши экраннинг кўриниши**

Қурилма қўйидаги тартибда ишлайди.

Трактор ҳаракати бошланганида юриш рамасига ўрнатилган пичоқлар аста-секин талаб этилган чуқурликкача ботирилади ва экран ҳосил қилувчи суюқлик (суспензия) тракторнинг қувват олиш валидан карданли вал орқали ҳаракатга келган юқори босимли насос ёрдамида экран ҳосил қилувчи суюқлик пуркагичларга ўтади ва қурилманинг бутун эни бўйлаб фильтрацияга қарши экран ҳосил қилувчи суюқлик (суспензия) пуркалади. Бир йўналишда тупроқга ишлов бериш тугалланганидан кейин трактор бурилиб олади ва иш цикли давом эттирилади.

Худди шунга ўхшаш равишда ишлов берилаётган майдонларга суюқ минерал ўғитлар ҳам берилиши мумкин.

Қурилманинг номинал тортиш кучи қўйидаги формула [3] бўйича аниқланади:

$$T_{\text{кн}} = G_{\text{ип}} \times \phi, \text{ Н}$$

бу ерда  $\phi$  – тортиш қийматининг тегишли ф.и.к. ва ҳаракатланишдаги шатаксирашга рухсат этилган қиймат бўйича

асос машинасига уланган иш ускунасининг илашишидаги оғирликдан фойдаланиш коэффициенти, бизнинг ҳолатда  $\phi = 0,60...0,90$ .

$G_{\text{ип}}$  - қурилманинг ишчи ҳолатидаги оғирлиги (иш жиҳозлари билан) бўлиб, қўйидаги формула билан аниқланади:

$$G_{\text{ип}} = (1,18 \dots 1,20) \times G_{\text{ас.м}}, \text{ кг}$$

бу ерда  $G_{\text{ас.м}}$  – асос машинасининг оғирлиги, кг.


Қурилмадан фойдаланишдаги оғирлик қўйидаги формула билдан аниқланади:

$$G_k = G_{\text{ас.м}} + G_{\text{и.ж}}, \text{ кг}$$

бу ерда  $G_{\text{и.ж}}$  – иш жиҳозининг оғирлиги, кг.

Қурилманинг грунтга берадиган ўртача статик босими қўйидаги формула билан аниқланади:

$$q = G_k / 2 \times L_t \times b, \text{ Н}$$



1-қавариқ асосли иш жиҳози;  
2-иш жиҳози пичоги;  
3-ўрта пичог;  
4-босимли суюқлик ўтказувчи қувурлар;  
5-экран ҳосил қилувчи пуркагичлар;  
6-кувур тутгич.

**3-расм. Машинанинг қавариқ асосли иш жиҳози**

бу ерда  $G_k$  – қурилмадан фойдаланишдаги оғирлик, кг;  $L_t$  – ўрмаловчи (гусеница)нинг таянч юзаси узунлиги, м;  $b$  – ўрмаловчи (гусеница)нинг эни, м.

Қурилма юмшатувчи тишлигининг учларидаги солиштирма босимли (напорли) кучлари қўйидаги формула билан аниқланади:

$$q_r = T_{\text{кн}} / b \times n, \text{ Н}$$

бу ерда  $T_{\text{кн}}$  – қурилманинг номинал тортиш кучи, Н;

$b$  – юмшатувчи тиш учларининг эни, м;

$n$  – юмшатувчи тишилар сони, дона.

Таклиф этилаётган қурилмани ишлаб чиқаришга татбиқ этиш назарий жиҳатдан ҳисоблашларга кўра, ҳосилдорликнинг 15-20% га ошишига, сув сарфини камайтириш ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга олиб кепар экан. Бундай натижга эса бизнинг пировард мақсадимиз ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, ушбу қурилманинг тегишли вариандаги техник ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда ва қурилмани ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

**Т.УСМОНОВ,**  
камта ўқитувчи,  
**С.ҲОШИМОВ,**  
талаба,  
**Ш.АБДУРАХМОНОВА,**  
стажёр-ўқитувчи,  
**Ҳ.УСМОНОВ,**  
мустақил излануечиси,  
(ТИКХММИ).

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Даёллат патент идораси. 3202-сонли дастлабки патент. Фильтрацияга қарши экран қурилиши учун қурилма. Бюл. №4, 30.12.1995.

2. Справочник конструктора дорожных машин. Под редакцией И.П.Бородачева. М.: Машиностроение. 1973.

Адабиётлар

## РЕСПУБЛИКА ЕР МАЙДОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*The article provides for the continuous implementation of land acquisition and redistribution for rational and efficient use of land, decisions of the President of the Republic of Uzbekistan on measures to improve the activities of the Davergeodezcadastre Committee in the field of land management and scientific and practical suggestions on the analysis and improvement of the current performance of its branches in the field.*

Ер — Ўзбекистон Республикасининг мулки, умуммиллий бойликдир. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш, турли тоифадаги ерларни ўзларининг асосий мақсадларига қараб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ишларини доимий равишда олиб бориш, умуман, мамлакатда ягона давлат ер сиёсатини юритиш, яъни, ерлардан фойдаланишни бошқариш “Давергеодезкадастр” давлат қўмитасига юклатилган.

Вилоятлардаги “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхоналарининг туман филиалларида “Девонхона” бўлими мавжуд. Унинг асосий вазифаси асосан юридик ва жисмоний шахслардан, қўмита ва вилоят бошқармаларидан, туман ва вилоят ҳокимликларидан, ҳукуқни муҳофаза килувчи органлардан, суд ижрочиларидан, шунингдек, ташкилот ва корхоналардан келиб тушган мурожаатлар ва филиалнинг чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш ҳамда сунъий чўзилиб кетиши, мурожаатларни қоғоздагина бажарилиши ва фуқароларнинг қонуний мурожаатлари ўз вақтида бажарилмаслиги кузатилади. Бундай ҳолатлар юзасига келмаслиги учун туман (шахар) филиалларининг “Бир ойна”, “Девонхона” бўлимлари қайта ўрганиб чиқилиб, алоҳида “Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш” бўлимни ташкил этиш лозим деб хисоблаймиз. Туман (шахар) филиалларида бажариладиган ишлар ҳажми ҳамда мурожаатларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ушбу бўлимнинг айнан юридик ва жисмоний шахслар билан ишлашликлари учун бугунги кундаги 1-2 эмас, балки 4-5 нафар мутахассис фаолият юритади. Аммо, кейинги 3 йил ичida ушбу бўлимга юклатилган вазифалар деярли 3-4 баробарга ортди. Жумладан, бўлимнинг олдинги вазифалари билан бир қаторда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги вилоят ва туман ҳалқ қабулхоналари;

ягона интерактив порталига;

қўмита раисининг виртуал қабулхонасига ва бошқа қатор идо-

раларнинг “Ишонч телефонлари”га келиб тушаётган мурожаатларни, шунингдек, электрон хат айирбошлиш “Е-хат” электрон дастури орқали келиб тушаётган мурожаатлар ва топширикларни рўйхатга олиш, назоратини олиб бориш, энг асосийси, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг кириш-чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш ҳамда назоратдан чиқариш айнан бир нафар хизматчига юклатилган. Натижада бундай мурожаатларни ўз вақтида ижрога киритиш бўйича жисмонан вақтни етишмаслиги оқибатида улар ижро муддатларини асоссиз равиша сунъий чўзилиб кетиши, мурожаатларни қоғоздагина бажарилиши ва фуқароларнинг қонуний мурожаатлари ўз вақтида бажарилмаслиги кузатилади. Бундай ҳолатлар юзасига келмаслиги учун туман (шахар) филиалларининг “Бир ойна”, “Девонхона” бўлимлари қайта ўрганиб чиқилиб, алоҳида “Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш” бўлимни ташкил этиш лозим деб хисоблаймиз. Туман (шахар) филиалларида бажариладиган ишлар ҳажми ҳамда мурожаатларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ушбу бўлимнинг айнан юридик ва жисмоний шахслар билан ишлашликлари учун бугунги кундаги 1-2 эмас, балки 4-5 нафар мутахассис ўрнини жорий этиш лозим бўлади.

Бошқариш тизимини такомиллаштиришда маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳам катта амалий аҳамият касб этади. Гап шундаки, Ўзбекистон Республика-

сининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс (МЖТК)да келтириб ўтилган 65, 68, 69-моддалари қўмитанинг ваколатларига киради ва, шу сабабли, ер қонунларини бузган ердан фойдаланувчилар, ер хисобини бузуб кўрсатган ташкилот, чегара белгиларига зарар етказган шахс, ўз ваколати доирасида энг кам ойлик иш ҳақининг 3 дан 5 баробарига кадар жаримага тортилиши белгиланган. Бунда 65-модда ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтиришда фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробаридан 3 баробаригача, мансабдор шахсларга эса 3 баробаридан 5 баробаригача жарима солишга сабаб бўлишини, 68-модда, хўжалик ичida ер тузиш лойихасидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастрини юритиш қоидаларини бузиш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 қисмидан 1 баробаригача, мансабдор шахсларга эса 1 баробаридан 3 баробаригача жаримага солишга сабаб бўлишини ва 69-модда, чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробаридан 2 баробаригача, мансабдор шахсларга эса ЭКИҲнинг 3 баробаридан 5 баробаригача микдорида жарима солинишига сабаб бўлинишини акс эттиради.

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат назорати томонидан ўтказилган қатор текширув ишларининг натижалари шуни кўрсатадики, ердан хўжасизларча фойдаланиш (65-модда) ҳолатлари

жуда кўп учраган, яъни мутахассислар томонидан қўлланилган жарима ердан фойдаланувчилар томонидан тўла миқдорда тўланган ва яна ер майдонларидан хўжасизларча фойдаланиш давом эттириб келинган, яъни бунинг сабаби жарима миқдорлари ердан фойдаланувчи субъектга бирон-бир таъсир кўрсатмаган. Ёки, туман ҳокимининг қарори билан ер майдони ажратиб берилганилигига қарамасдан ўзбошимчалик билан қўшимча равишда ер майдонлари ўзлаштирилиб, қурилиш ишлари олиб борилган ва арзимаган миқдорларда жаримани тўлаб қурилиш ишлари давом эттирилган. 68-моддага биноан ер хисоботи нотўғри кўрсатилган корхона ва ташкилотларни жаримага тортиш белгиланган, лекин бугунги кунда ҳеч бир ташкилот ёки корхона кадастр филиалларига ҳисобот топширмайди, ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар туман ҳудудий филиаллари томонидан солик органларига тақдим этилади холос. Ўрмон чегарасининг чеклов белгиларини бузганлик учун вилоят ва туман бўлим бошликлари томонидан чоралар кўриш белгиланган (69-модда), лекин бугунги кунда, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилганлигини ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари, юридиқ ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиб келинаётган кўчмас мулк обьектлари ва ер майдонларини кадастр хизматлари томонидан рўйхатга олиш бугунги кунда юридиқ ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрида бўлганлиги сабабли, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Конунда белгиланган 21 кадастри тўлиқ

шакллантириш ҳозирги кунга қадар ниҳоясига етказилмасдан қолмоқда.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга суюнган ҳолда қўмита ваколатига кирувчи МЖТКнинг барча моддаларига (65, 68, 69-моддалар) катъий ўзгаришлар киритиш зарур, деб хисоблаймиз. Жумладан, 65-модда бўйича жарима миқдорлари ердан фойдаланувчилар томонидан ер қонунбузулиш ҳолатидан келиб чиқиб ЭКИҲнинг 15 баробаридан 50 баробаригача қилиб белгиланиши, ўзбошимчалик билан қўшимча ер майдонларини ўзлаштириб қурилишлар қилганлиги учун (68-модда) ҳам жарима миқдорини ЭКИҲнинг 15 баробаридан 50 баробаригача қилиб белгиланиши маъсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бугунги кунда туман филиаллари томонидан солик органларига корхона ва ташкилотларнинг ер майдонлари ва кўчмас мулк обьектлари тўғрисида аниқ маълумотларни тақдим этилаётганлигини эътиборга олиб хисоботларни нотўғри кўрсатган корхона ва ташкилотларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича ваколатни олиб ташлаш зарур.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилганлигини инобатга олиб 69-модданинг ўрмон чегараси чеклов белгиларини бузганлик учун жавобгарликка тортиш ваколатини “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси тизимидан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ваколатига ўтказиш маъсадга мувофиқ бўлади.

Кўчмас мулк обьектларининг эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўз вақтида обьектларни туман филиалларида давлат рўйхатидан

ўтказмаган тақдирда ёки давлат нотариал идораси томонидан қайта расмийлаштирилган хужжатларни давлат рўйхатига қайта тақдим этиш ўз вақтида амалга оширгаган тақдирда маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатини туман бўлим бошликларига ўтказиш маъсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, кўчмас мулк обьектларини техник инвентаризациялаш хужжатларига (кадастр йиғма жилд хужжати) маълум бир 5 ёки 8 йиллик муддатни белгилаш ва бунда аниқ муддат мулк эгаларини ўз уй-жойларини қайта қуриши, бузиши, ўзгартишлар киритиши ҳисобга олинib белгиланиши керак.

**Хулоса.** Умуман юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар асосида қисқача хулоса қилиш мумкинки, соҳанинг бошқарув идораларига кўрсатилган моддаларининг таклиф этилган миқдорлари доирасида жарималар ундириш ваколатларини бериш ердан фойдаланишни тартибида солиши, ер қонунчилигини бузилиши ҳолатларига барҳам беришга замин яратади, мамлакат худудида 21 давлат кадастрларини шакллантириш ва берилган тартибида юритилишига имкониятлар яратади, давлат бюджетига солиқлар тушуми ортади, “Электрон ҳукумат”га ўтиш учун зарурий манбалар пайдо бўлади. Буларнинг барчаси, сўзсиз, ерлардан фойдаланишни бошқариш тизимини тақомиллаштиришга имкон беради.

**А.БАБАЖАНОВ,**

*и.ф.н., доцент,*

**С.РЎЗИБОЕВ,**

*ассистент,*

**М.АБДУРАХИМОВА,**

*магистрант, ТИҚҲММИ.*

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси. – Тошкент: Адолат, 1994.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини тақомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишини тартибида солиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5065-сонли Фармони. 2017 йил 1июн, Халқ сўзи газетаси. №133
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3024-сонли Қарори. 2017 йил 1июн, Халқ сўзи газетаси. №133
4. Рустамбеков А.А. Ер хукуки. Т., ТДЮИ, 2005.

## ҚАНДЖҮХОРИ (СОРГО)НИ ҚАЙТА ИШЛАБ БИОЭТАНОЛ ОЛИШДА ХОМАШЁНИ КЕСИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда ресурстежамкор технологияларни қайта тикланувчан энергия манбаларисиз тасавур этиш қийин. Сўнгти йилларда дунё хамжамияти томонидан кенг ҳажмда қўлланилиб келаётган қайта тикланувчан энергия манбаларидан бири, бу биоэтанол ёнилғиси ҳисобланади.

Биоэтанол – таркибининг асосини этил спирти ва қолган қисмини бошқа спиртлар, органик эфир мойлар ва альдигед гурухлардан ташкил топган техник спирт ташкил қилади.

Бугун биоэтанол ёнилғисини олиш ва уни қўллаш бўйича қўйидаги давлатларни мисол келтириш мумкин: АҚШ ва Бразилия лидер давлатлар хисобланиб уларда биоэтанолни олиш учун асосий хомашё шакарқамиш ва маккажўхори кейинги ўринларда Ҳиндистон ва Хитой бўлиб, хомашё сифатида жўхори, шакар саноати чиқиндилари (меласса ва жом), Европа давлатларида маккажўхори ва картошка, Россия Федерациясида донли экинлар (буғдой ва арпа) дан фойдаланиб келинимоқда [2].

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, асосий тадқиқот обьекти сифатида республикамиз иқлим шароитида етиширилаётган қанджўхори (сурго)ни қайта ишлаб биоэтанол олиш технологиясини илмий асослаш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқотларимиздаги қабул қилинган технологик схемага асосан, қанджўхорини қайта ишлаб биоэтанол олиш жараёнидаги босқичлардан бири, бу жўхорининг поя қисмидир. Яъни жўхорининг поя қисмиди биоэтанол олиш учун асосий (углеводларга бой) хомашё ҳисобланадиган жўхори шарбати мавжуд [2,3].

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдик, жўхорининг поя қисмидан шарбатини ажратиб олиш учун унинг турли ўлчамларда кесилиши муҳим аҳамият жалб этади.

Кесиш жараёни ва жиҳозларининг назарияси дастлаб академик В. П. Горячкин томонидан илмий асосланган бўлиб, кейинчалик уларнинг ривожланиши академик В. А. Желиговский ва профессор Н. Е. Резник ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топмокда [3].

Адабиётлар таҳлилига кўра, материалларни кесиш жараёни назариясини қўйидаги формула орқали изоҳлаш мумкин:

$$P_k = P_p + T_1 + T_2 \cos \varphi,$$

бу ерда:  $P_k$  – кесиш кучи, Н;  $T_1 = fP_o$  – материални кесишда ёнбошдан бериладиган босим  $P_o$  бўлгандаги ишқаланиш кучи, Н;  $f$  – ишқаланиш кучи;  $T_2 = fN = fR\cos \varphi$  – босим остида сиқилиб бериладиган материални пичоқ лезвиясидаги ишқаланиш кучи, Н;  $u$  – чархланганлик бурчаги, град.

Юқорида келтириб ўтилган олимлар фикрига кўра ўсимликлар поя қисмини кесиш, бу материаллар молекулаларини ташки кучлар ёрдамида парчалаш қонунига асосланган.

Бундан ташкиари кесиш жараёнидаги муҳим омиллар ўсимликтар поясини кесиб, керакли ўлчамларни олишда сарфланадиган энергия миқдорини камайтиришга қаратилган.

Ўсимликлар поясини кесиш биринчи навбатда кесиладиган хомашёнинг кейинги босқичда қўлланилишига боғлиқ. Бугун кесилган ўсимликлар қўлланиладиган асосий обьектлар чорвачилик соҳаси ҳисобланади. Чорвачилик йўналишида ўсимликлар поясини қандай ўлчамда кесиш тўғрилиги ҳақида ҳанузгача турли хил тортишувлар бўлиб келмоқда

Булар Dairy Science журналининг маълумотларига кўра, АҚШнинг PennState ва Франциянинг INRA-Theix илмий текшириш институтларида олиб борилган тадқиқотларда ўсимликлар, жумладан,

жўхори поясини кесиш жараёнидаги хомашё бўлакларининг ўлчамларига қўйилган асосий вазифа поя таркибидаги фойдали озука моддаларини максимал саклаб қолиша қаратилган [3,4].

Шундай экан биз томонимиздан ўтказиладиган тадқиқотларда қўйилган вазифалардан бири, қанджўхори поясидаги шарбатни максимал даражада ажратиб олиша қаратилган.

Биз тадқиқотларимизни куйидаги услуга ва тартибида олиб бордик. Биз олиб борган услубимизга кўра, дастлаб йиғиштириб олинган қанджўхори пояси барг ва рўваклардан тозаланди. Кейинги босқичда тайёрланган поя қисми тарозига тортиб олинди (1 расм). Умумий вазни ўлчаб олинган поя қисми кесиш механизми орқали уч хил ўлчамларда кесиб олинди.

Куйидаги жадвалда қанджўхори поясининг кесилган ўлчамлари келтирилган.

| Тажриба                                 | Жўхори поясининг узунлиги ўлчамлари (мм) | Асосий ўлчамлар миқдори (%) | Кичик ва катта ўлчамлар миқдори (%) |
|---|--|-----------------------------|-------------------------------------|
| Кесилган қанджўхори поясининг ўлчамлари | 20 дан кичик                             | 65                          | 35                                  |
|   | 40 дан кичик                             | 70                          | 30                                  |
|   | 60 дан кичик                             | 70                          | 30                                  |
|   | 80 дан кичик                             | 80                          | 20                                  |
|   | 100 дан кичик                            | 80                          | 20                                  |

Жадвалдан кўриниб турибди, жўхори поясини кесиш бўйича ўтказилган тажрибалардаги асосий мақсад пояни кесиш механизmlарини ва кесиш ўлчамларини илмий ва амалий томондан асослашга қаратилган. Бу кўрсаткич кесилган поянинг ўлчамлари кесиш ускунаси турига, ускунадаги ишчи орган кесиш механизми (лезвия), кесиш кучи, материални кесишда ёнбошдан бериладиган босимга, ишқаланиш кучига, босим остида сиқилиб бериладиган материални пичоқ лезвиясидаги ишқаланиш кучига ва чархланганлик бурчагига боғлиқлиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар давомида кесилган жўхори пояси 20 мм дан 100 мм гача кесиб ўрганиди. Пояларни кесиш жараёнида кесилган масса таркибида белгиланган стандарт ўлчамлардан ташкиари турли хил ўлчамдаги парахалар ҳам борлиги аниқланди.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, қанджўхорини қайта ишлаб биоэтанол олишда жўхори поясини кесиш асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ўлчамлари кесиш ускунаси турига, ускунадаги ишчи орган кесиш механизми ва юқорида қайд этиб ўтилган талабларга кўра ўтказилди. Жараённинг ўтказилиши технологик схеманинг кейинги босқичидаги шарбатни ажратиб олиш жараёнига етарлича имкон яратади.

**А.АЗИЗОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети доценти,  
**С.ИСЛАМОВ,**

Тошкент давлат аграр университети профессори,  
**Л.ШАРИПОВ,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институты талабаси.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПП-2343 сонли “Ижтимоий соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларига энергиятежамкор технологияларни татбиқ этиш ва энергия ҳажмини қисқартириш бўйича чора тадбирлар” бўйича қарори.

2. А.Азизов. “Сыръевая база и отходы сельскохозяйственных продуктов при получении биоэтанола”, “АгроИМ” журнали. Тошкент-2016. 1-сон. 77-78—Б.

3. Резать кукурузу длинно или коротко? Источник: profi.com

## ОБЕЗЗАРАЖИВАНИЕ ВОДЫ ДЛЯ СЕЛЬСКИХ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ С АВТОНОМНЫМ ЭНЕРГОСНАБЖЕНИЕМ ОТ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ

In real time for republics is an actual task ensure drinking by water population resident in the remote rural terrain. How the rule available there sources of water strong polluted pathogenic by bacteria and them is necessary decontaminate before by use.

На сегодняшний день одним из основных вопросов в технологии подготовки воды является её эффективное обеззараживание. Это связано с возможностью передачи через воду различных заразных болезней, относящихся к группе кишечных инфекций (брюшной тиф, вирусный гепатит А и многие другие). Особенно неблагоприятная обстановка сложилась в сельских районах, где только треть жителей имеет доступ к безопасным централизованным системам водоснабжения.

В связи с этим обеспечение эпидемиологической безопасности питьевой воды является одной из основных задач гигиены водоснабжения, которая решается в водопроводной практике путём её обеззараживания. Недостаточность контроля за обработкой воды и слабая хлорированность, как правило, является причиной 46% всех случаев заболеваний. Положение усугубляется также тем, что многие водоисточники, в том числе и подземные, постоянно или периодически загрязняются, и как следствие, качество воды в них, особенно бактериологическое, ухудшается.

Из вышесказанного следует, что для систем локального водоснабжения возникает необходимость в разработке новых безреагентных, не дорогих, но достаточно эффективных способов обеззараживания. Наиболее разработанной с научно-технической точки зрения в Республике является использование импульсных магнитных полей. Способ отличается большой бактерицидной эффективностью и безреагентностью. Как недостаток стоит отметить большую энергоёмкость, что требует мощных источников энергии. В условиях, когда трудно обеспечить надежное энергоснабжение удаленных пунктов путем прокладки воздушных линий электропередачи и подключения дополнительных трансформаторных подстанций, это становится экономически неэффективным мероприятием. Необходима разработка высокоеффективных автономных систем обеззараживания питьевых вод с питанием от возобновляемых источников энергии. В связи с этим особую актуальность приобретает разработка компактных и эффективных устройств по очистке воды, стоимость которых при этом должна быть доступна для

сельского населения. Таким задачам отвечают современные лампы ультрафиолетового излучения.

Для достижения необходимого результата, в процессе обработки жидкой среды УФ-потоком, каждой частице облучаемого объема нужно передать количество энергии не менее минимально допустимого значения (дозы облучения), задаваемого технологическими условиями работы УФ-установки. В применяемых технологиях требуемого результата достигают с потерями бактерицидного потока, доходящими до 80%. Данные потери обусловлены тем, что УФ-поток, проходя через обрабатываемый слой среды, поглощается подложкой, на которой располагается облучаемая среда. Потери электроэнергии в источниках УФ-излучения составляют 90% (для ртутных ламп высокого давления) и 60% (для ртутных ламп низкого давления), поэтому в процессе облучения среды УФ-потоком используется только 2...8 % от потребленной электроэнергии.

В мировой практике доля отраслевого потребления электроэнергии в технологических процессах с использованием оптического излучения, к которым относится процесс обработки жидких сред УФ-потоком, составляет 10-15%. Потери же энергии в них превышают суммарные потери в электроприводах и при электронагреве, несмотря на то, что эти установки потребляют гораздо больше электроэнергии (примерно по 40%). Поэтому, поиск энергосберегающей технологической схемы облучения жидких сред УФ-потоком является весьма актуальной задачей.

В данной работе предлагается использовать ультрафиолетовые светодиодные лампы, в частности, для установок обеззараживания воды. В сравнении с существующими основными видами ламп (накаливания и люминесцентных), светодиоды (LED) обладают следующими особенностями:

— экономично используют энергию по сравнению с предшествующими поколениями электрических источников света — дуговых, накальных и газоразрядных. Так, световая отдача светодиодных систем освещения с резонансным источником питания достигает 132 лм/Вт мощности лампы;

— люминесцентные лампы имеют све-

товую отдачу 60-100 лм/Вт, а лампы накаливания — 15-25 лм/Вт;

— при оптимальной схемотехнике источников питания и применении качественных компонентов, средний срок службы светодиодных систем освещения может быть доведен до 50 тысяч часов, что в 30-60 раз больше по сравнению с массовыми лампами накаливания и в 4-6 раз больше, чем у люминесцентных ламп;

— возможность получать различные спектральные характеристики без применения светофильтров (как у ламп накаливания);

— безопасность использования, т.е. отсутствие ртутных паров (в отличие от газоразрядных люминесцентных ламп), что исключает отравление ртутью при переработке и при эксплуатации;

— малые размеры и высокая прочность;

— в отличии от люминесцентных ламп, у которых с прогревом потребляемая мощность увеличивается, у светодиодных ламп с прогревом потребляемая мощность падает до 30% при сохранении яркости, это обусловлено уменьшением падения напряжения светодиодов с прогревом;

— низкая предельная температура: мощные осветительные светодиоды требуют внешнего радиатора для охлаждения, потому что имеют неблагоприятное соотношение своих размеров к выделяемой тепловой мощности (они слишком мелкие) и не могут рассеять столько тепла, сколько выделяют (несмотря даже на более высокий КПД, чем у ламп накаливания), что требует пассивный радиатор;

— для питания светодиода от питающей сети требуется низковольтный источник питания постоянного тока, при разработке ограничиваются выпрямителем, а светодиоды включают последовательно.

Это значительным образом позволяет повысить надежность энергоснабжения ультрафиолетовых ламп, благодаря использованию прямой схемы подключения к источникам постоянного тока. При этом также увеличивается общий КПД установки за счет исключения потерь промежуточных повышающих напряжение трансформаторах. Применение низковольтных систем энергоснабжения позволяет существенно упростить эксплуатацию и обеспечить пол-

ную безопасность для персонала, обслуживающего установки.

Предлагается использовать для обеззараживания воды в сельской местности источники ультрафиолетового излучения. Использование автономного источника питания в системе обеззараживания питьевой воды является новым для республики и имеет следующие преимущества:

- эффективное уничтожение вредоносных бактерий;
- питание их от низковольтного напряжения;
- возможность использования для автономного энергоснабжения возобновляемых источников энергии, таких как фотоэлектрические батареи, ветровые электрические станции, а также дизель-электрические установки;

— разработка оптимальных схемных решений и конструктивных параметров энергоснабжения автономных высокоэффективных устройств обеззараживания воды на основе возобновляемых источников энергии.

Также важным моментом предлагаемой технологической схемы является питание ультрафиолетовых светодиодных ламп при обеззараживании воды от фотоэлектрических батарей, что позволяет эффективно использовать вырабатываемый ими электрический ток от солнечной энергии.

УФ обеззараживание воды и устройство управления им потребляет порядка 20 Вт. Для непрерывной эксплуатации установка требует минимально энергии в 420 Вт·ч в день. Выход чистой воды для

такой установки должен составить 5,45 л в сутки. Использование аккумуляторных батарей в 105 А·ч обеспечит возможность непрерывной подачи воды для очистки независимо от облачности погоды, которая снижает приход солнечной радиации. УФ-обработка требует уровня очистки от частиц до 5 микрон.

Среди таких ресурсов первоочередное внимание привлекают солнечные системы энергоснабжения, ввиду большого потенциала данного вида энергии в республике. Такие автономные системы благодаря низкой стоимости могут иметь большие перспективы при внедрении в фермерских хозяйствах республики.

**А. САНБЕТОВА,  
О. КИЛИЧОВ,  
ассистенты,  
ТИИИМСХ**

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Патент РУз на изобретение IAP № 05371 от 10.03.2017. Автономная установка для очистки воды. // Анарбаев А.И., Бердышев А.С. и др.
2. Johnson, R.C. 1997. "Getting the Jump on Cryptosporidium with UV." Opflow. 23(10):1.
3. AWWA (American Water Works Association). 1991. Guidance Manual for Compliance with the Filtration and Disinfection Requirements for Public Water Systems Using Surface Water Sources.
4. Potable water- destroying dangerous microorganisms //MER: Mar. End. Rew.- 1991.- May.- pp. 36,38.

УДК: 631.51:635.651

## ФИТОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОЖНИВНОГО МАША В УСЛОВИЯХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

*In the irrigated conditions of the Samarkand region, the main methods of cultivating plant mash have been developed and scientifically substantiated: the optimal terms have been established, the methods of planting and plant density, of two zoned mash varieties, ensuring a high yield.*

Существенным резервом увеличения производства зерна является повышение урожайности и отдачи каждого гектара орошаемой земли за счет рационального использования природных ресурсов во второй половине года. Однако, этот резерв недостаточно используется. При соблюдении технологической дисциплины, получение второго высокого урожая зерна за счет пожнивных культур в орошаемых долинных районах, где природные условия благоприятны, производство зерна возможно увеличить не менее чем на 25-30%.

В связи с этим, весьма актуальна в научно-производственном отношении разработка и совершенствование агроприемов возделывания маша в пожнивных посевах, с учетом сортовых и зональных особенностей, обеспечивающих реализацию его потенциальной продуктивности.

Почва опытного участка – староорошаемый, типичный серозем, механический состав среднесуглинистый. Содержание гумуса в пахотном слое почвы 1,32%. Она бедна гумусом. Содержание валового азота в гумусовом горизонте 0,09%, валового фосфора 0,14%. Содержание подвижного фосфора в пахотном слое 39,4 мг/кг почвы, обменного калия 270 мг/кг почвы.

Нами были заложены полевые опыты в 4-х кратной повторности, размещение делянок систематичное. Размер делянок 50 м<sup>2</sup>, учетная площадь – 36 м<sup>2</sup>.

Изученные нами агроприемы оказали заметное влияние на развитие и процесс формирования урожая пожнивного маша.

В зависимости от сроков посева вегетационный период маша сортов «Дурдона» составил 85-76 дней, «Зилола» – 88-81 дней. С переносом сроков посева на более поздние сроки развитие маша ускорилось на 9-7 дней. В ленточных посевах наблюдалось созревание бобов раньше на 3-4 дня. На посевах с густотой стояния растений 550 тыс./га созревание наступило раньше на 6-7 дней по сравнению с вариантом 250 тыс./га. Созревание бобов у сорта «Дурдона» опережает сорт «Зилола» на 3-4 дня.

Урожай сухой фитомассы маша в опытах достигал наибольшей величины в фазе созревания бобов. В зависимости от сроков посева, фитомасса маша составила у сорта «Дурдона» - 125,8-103,4 ц/га, а у «Зилола» – 127,9-105,7 ц с 1 га, т.е. на 2,1-2,3 ц/га больше. При этом наибольший урожай сухой фитомассы маша формировался на ранних посевах – 20 июня, самым меньшим он был на поздних посевах – 20 июля. Сравнительно большее фитомасса (112,7-114,5 ц/га) соответственно по сортам формировалась в посевах с междурядьем 45 см.

С увеличением густоты стояния растений закономерно возрастал урожай фитомассы маша. Наибольший урожай фитомассы формировался при плотности посева 550 тыс./га рас-

тений. Между вариантами густоты растений 550 и 450 тыс./га разница по фитомассе незначительна. Высокие параметры ассимиляционной поверхности манда формировались в фазе плодообразования, а к созреванию бобов они уменьшались, ввиду выпадения листьев нижнего яруса растений.

В этой фазе в зависимости от сроков посева у сортов манда «Дурдона» и «Зилола» формирование площади листьев было соответственно 34,3-30,7 и 34,8-31,4 тыс. м<sup>2</sup>/га. Наибольший индекс площади листьев отмечен при первом сроке посева – 20 июня, что превышает поздний срок посева манда – 20 июля, на 3,6-3,4 тыс. м<sup>2</sup>/га соответственно по сортам.

Способы посева не оказали значительного влияния на параметры площади листьев, незначительно больше они были в посевах с межурядьем 45 см. Индекс площади листьев закономерно возрастал с увеличением густоты растений манда с 250 до 550 тыс./га. В фазе плодообразования манда, в зависимости от густоты растений, площадь листьев соответственно по сортам составил 29,9-34,9 и 30,2-36,0 тыс.м<sup>2</sup>/га. Площадь листьев при густоте 550 тыс./га растений превышает вариант 250 тыс./га растений на 5,0-5,8 тыс. м<sup>2</sup>/га.

Максимальная величина фотосинтетического потенциала (ФП) манда в опытах установлена в межфазный период цветения-плодообразования. При этом наибольший показатель ФП формировался в ранних посевах манда – 20 июня, который соответственно по сортам составил 556,0-572,2 тыс.м<sup>2</sup>/га\*дней, что на 105,9-142,8 тыс. м<sup>2</sup>/га\*дней больше по сравнению срокам сева 20 июля.

Сумма фотосинтетического потенциала манда за вегетационный период в зависимости от сроков посева варьирует от 2023 тыс. м<sup>2</sup>/га\*дней при сроке посева 20 июня до 1550 тыс. м<sup>2</sup>/га\*дней в поздних посевах 20 июля. По величине ФП сорт «Зилола» превосходит сорт «Дурдона». Незначительно больше был ФП в посевах с межурядьем 45 см. ФП закономерно возрастал с увеличением густоты растений с 250 до 550 тыс./га, что подтверждает наличие прямой корреляции между ФП и площадью листьев. В зависимости от плотности посева ФП соответственно по сортам Дурдона и Зилола составил 471-566 и 511,3-592,0 тыс. м<sup>2</sup>/га\*дней.

Чистая продуктивность фотосинтеза (ЧПФ) пожнивного манда в значительной степени различалась по срокам, способам посева и густоте стояния растений, которая достигла максимальной величины в межфазный период цветения-плодообразования. В зависимости от сроков посева ЧПФ соответственно по сортам «Дурдона» и «Зилола» составила 14,5-15,1 и 13,5-14,9 г/м<sup>2</sup>\*сутки. По мере переноса сроков посева на более поздние ЧПФ незначительно возрастала, что подтверждает наличие обратной корреляции между ФП и ЧПФ. Способы посева пожнивного манда не оказали существенного влияния на показатели ЧПФ. С увеличением густоты растений с 250 до 550 тыс./га соответственно и площади листьев,

ЧПФ снижалась. В межфазный период цветение-плодообразование манда ЧПФ при густоте 250 тыс./га растений составило 14,3 г/м<sup>2</sup>, что превышает варианты густоты 450-550 тыс./га растений на 1,0-0,4 г/м<sup>2</sup>\*сутки соответственно.

Продуктивная работа листьев (ПРЛ) в опытах возрастала с увеличением фотосинтетического потенциала до определенного предела и была больше в варианте, у которого формировалась оптимальная величина ФП. ПРЛ в зависимости от сроков посева манда находилась в пределах 1,0-1,07 кг зерна на 1000 ед. ФП. Различие ПРЛ между сроками посева составляет 0,02-0,01 кг зерна на 1000 ед. ФП. По способам посева сравнительно большей ПРЛ отличаются посевы с межурядьем 45 см – 1,06 кг зерна на 1000 ед. ФП. Более высокой величиной ПРЛ отличаются посевы густотой 450 тыс./га растений (1,05-1,04 кг зерна на 1000 ед. ФП). Это превышает варианты с густотой 250 и 550 тыс./га растений на 0,03-0,09 и 0,05-0,08 кг зерна на 1000 единиц соответственно по сортам.

Сроки, способы посева и густота стояния растений манда оказали значительное влияние на урожай зерна пожнивного манда. По мере переноса сроков посева с 20 июня на более поздние – 5-20 июля, урожайность манда достоверно снижалась. В среднем самый высокий урожай зерна манда – 20,8 и 21,5 ц с гектара соответственно по сортам «Дурдона» и «Зилола» формировался в посевах 20 июня, который превышает второй срок посева – 5 июля на 2,4-2,3 ц, а третий, поздний срок посева - 20 июля – на 4,1-3,7 ц с 1 гектара или на 19,2-17,6%. По урожайности зерна сорт манда «Зилола» незначительно превосходит сорт «Дурдона». В посевах 20 июня созревание урожая наступает при более благоприятных погодных условиях, до заметного снижения температуры все бобы на растениях достигают полной спелости. С увеличением густоты стояния растений с 250 до 450 тыс./га урожайность зерна манда закономерно повышалась. Прибавка урожая соответственно по сортам составляет 4,0-3,9 ц с гектара или на 21,1-18,7% больше. Дальнейшее увеличение густоты стояния растений манда до 550 тыс. снизило урожайность по сравнению с оптимальной густотой 450 тыс./га на 1,7 и 1,4 ц с гектара, что экономически не выгодно. В посевах с межурядьем 45 см урожайность манда составила 20,4-21,4 ц/га, что на 2,3-2,1 ц с гектара больше, чем при других способах посева.

Наибольшая побочная продукция манда соответственно по сортам получена в посевах 20 июня (54,1-59,9 ц), с густотой стояния растений 450 тыс./га (51,7-54,1 ц/га). На 4,4-3,4 ц с 1 га больше побочной продукции обеспечил посев с межурядьем 45 см.

А.РУСТАМОВ,  
Ф.ХАЛИЛОВА,  
соискатели,  
А.САНАКУЛОВ,  
д.с.х.н., доцент,

Самаркандский институт ветеринарной медицины

## ЛИТЕРАТУРА

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. -М.: Колос, 1985. -317 с.
2. Каюмов М.К. Программирование продуктивности полевых культур (Справочник). -М.: Росагропромиздат, 1989. -368 с.
3. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. -М.: Колос, 1971. вып. 2. -239 с.
4. Шатилов И.С., Каюмов М.К. Максимальное аккумулирование солнечной радиации культурными растениями – важнейшая задача современного земледелия // В кн.: Пути интенсификации орошаемого земледелия в хлопковых районах Средней Азии. -Душанбе, 1982. -С. 28-30.

## БИЛИБ СУФОРГАН САМАРАЛИДИР

*Water is a great treasure. Therefore, the water management organization of the Republic of Uzbekistan should not only use old materials in the application, but also take into account the mechanical composition of soil and depth of groundwater. It is not advisable to irrigate large amounts of soils during these days, when water is scarce and is an important ecological factor. It does not produce good results during the shortage of water. As a result, the reclamation of lands is deteriorating.*

Қашқадарё вилояти шароитида ҳаво ҳарорати кўтарилиши биланоқ ғўзани суғориш бошланади. Воҳада ҳосилдорлик сув билан ўлчаниши ҳаммага маълум. Агар ўсимликларнинг ривожланиш даврида суғориш тўхтатилса, уларнинг ҳаётни ҳам инқирозга юз тутади. «Сув тўхтаган жойда ҳаёт ҳам тўхтайди», деган ҳалқ мақоли бежиз айтилмаган. Демак, суғориш биринчи дараражали, ҳал қилувчи масала.

// Современные материалы, техника ва технологии в машиностроении Халқаро илмий- техникавий анжумани. – Андижон-2016.–Б.38-42.

7.Шарипов Қ.А., Ҳолиқова Н.А., Шарипов З.Ш. Мембранные установки очистки масел //Казахский научно-исследовательский институт механизации и электрификации сельского хозяйства международная агронженерия научно-технический журнал. Казахстан, 2015.-№4.–С.24-28.

8. [www.edudic.ru/hie/4608/](http://www.edudic.ru/hie/4608/).

9. Процесс- селективная очистка масла Большая энциклопедия.

10.<http://ngpedia.ru/id342304pl.html>

11.[www.oilrecycling.cn/?spm=a2706.830117.topnav.1.4ceb3194X722](http://www.oilrecycling.cn/?spm=a2706.830117.topnav.1.4ceb3194X722)

12. [www.google.com/patents/US7285149](http://www.google.com/patents/US7285149)

Хулоса қилиб айтганда, ишлатилган мотор мойларини органик бирикмалардан тозалаш учун қурилма ишлаб чиқилди, қурилма мойни селектив эритувчи билан аралаштириш учун идиш, аралаштиргич, бүглатувчи қурилма ва тозаланган мой ва эритувчиларни йиғиши идишларидан ташкил топган. Оксидланиш маҳсулотларидан мойни тозалаш учун қурилманинг оптималь параметрлари аникланди. Мойни аралаштириш ва тиндириш учун сифимнинг диаметри 49,2м, баландлиги 25,3 м, аралаштиргичнинг диаметри 7,38 м, эритманнинг жәкми бўйича нисбати 50:50, тиндергичда мойнинг харорати 42°C, тиниш вақти 23 дақиқа, механик аралашмаларнинг концентрацияси 0,08-0,15% лардан бўлиши керак.ПУОМ-100 қурилмасида иккита суюқликни (мотор мойни ва ацетонни ) аралаштиришда пропеллерли аралаштиргич кўлланилди.Бошқа аралаштиргичлардан устунлик томони аралашмаларнинг хусусиятларини ўзгаришиб юборишидадир. Кўпроқ оқиб ўтувчи шаклига кўра пропеллерли аралаштиргичлар бир хил Рейнолдс сонига эга бўлганда бошқа турдаги аралаштиргичларга нисбатан камроқ кувват сарфлайди. Пропеллерли аралаштиргичларнинг афзалликлари шунингдек, нисбатан юқори айланыш тезлиги ва механик йўқотишларнинг камайишига олиб келувчи аралаштиргични бевосита электродвигателга улаш имконини беради.

**Н.ХОЛИҚОВА**  
PhD,  
ТИҚХММИ,  
**А.ШАРИПОВ,**  
илмий изланувчи,  
ТТПУ.

# ИННОВАЦИОННОЕ ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИЧНОСТИ КОНСТРУКЦИЙ ОТЕЧЕСТВЕННЫХ ТРАКТОРОВ ПРИ ТЕХНИЧЕСКОМ ОБСЛУЖИВАНИИ

*In the work a new prediction method of lab our - intensiveness of farm tractors maintenance by types of works on the design stage for operating technological effectiveness estimation is given.*

На этапе проектирования технологичность тракторов при техническом обслуживании прогнозировали на основе эксплуатационных параметров с учетом эффективной мощности создаваемого двигателя, конструктивной массы трактора, его производительности и других показателей. Однако, этот метод не позволяет прогнозировать эксплуатационную технологичность конструкции отечественных сельскохозяйственных тракторов в полном объеме на этапе их проектирования.

В статье излагаем новый метод прогнозирования трудоёмкости различных видов работ при техническом обслужива-

нии (ТО-1, ТО-2 и ТО-3) включает в себя несколько видов работ: моечно-очистные, контрольно-регулировочные, контрольно-крепежные, смазочные, заправочные и монтажно-демонтажные [2]. Время, затрачиваемое на эти операции, фиксировали в эксплуатационных условиях. Техническое обслуживание осуществляли на основе ГОСТ 20793-86, исследования проводили в машино-тракторных парках в сферах технического сервисного обслуживания, условия были выбраны по ГОСТу 20915-75 и ОСТ 70/23.2.7-73.

С целью получения достоверных результатов число хронометражных наблюде-

**Таблица 1**  
Среднее значение трудоёмкости видов работ технического обслуживания сельскохозяйственных тракторов, эксплуатируемые на полях Самаркандской области

| Вид работ                         | Тракторы |         |        |           |           |
|-----------------------------------|----------|---------|--------|-----------|-----------|
|                                   | T-28X4M  | MT3-80X | MT3-82 | TT3-80.10 | TT3-80.11 |
| <b>Моечно-очистные:</b>           |          |         |        |           |           |
| ТО-1                              | 0,170    | 0,178   | 0,200  | 0,180     | 0,200     |
| ТО-2                              | 0,521    | 0,528   | 0,590  | 0,552     | 0,607     |
| ТО-3                              | 0,895    | 0,908   | 1,014  | 0,948     | 1,042     |
| <b>Контрольно-регулировочные:</b> |          |         |        |           |           |
| ТО-1                              | 0,135    | 0,138   | 0,155  | 0,142     | 0,157     |
| ТО-2                              | 0,842    | 0,853   | 0,954  | 0,892     | 0,981     |
| ТО-3                              | 6,656    | 6,756   | 7,550  | 7,056     | 7,750     |
| <b>Контрольно-крепежные:</b>      |          |         |        |           |           |
| ТО-1                              | 0,087    | 0,089   | 0,100  | 0,092     | 0,100     |
| ТО-2                              | 0,152    | 0,154   | 0,172  | 0,161     | 0,177     |
| ТО-3                              | 0,436    | 0,443   | 0,495  | 0,463     | 0,508     |
| <b>Смазочные:</b>                 |          |         |        |           |           |
| ТО-1                              | 0,021    | 0,021   | 0,024  | 0,022     | 0,024     |
| ТО-2                              | 0,141    | 0,143   | 0,160  | 0,149     | 0,164     |
| ТО-3                              | 0,319    | 0,324   | 0,362  | 0,339     | 0,372     |

ний отечественных сельскохозяйственных тракторов на этапе их проектирования для оценки эксплуатационной технологичности конструкций.

ний определяли на основе ГОСТ 24055-80. Каждый хронометражных ряд полученных значений трудоёмкости проверяли по коэффициенту устойчивости:

$$\text{Куст} = T_{\max} / T_{\min},$$

где,  $T_{\max}$ ,  $T_{\min}$  - соответственно максимальная и минимальная продолжительность проведения операции технического обслуживания по видом работ, ч.

Хронометражный ряд считался устойчивым, если  $\text{Куст} \leq 2,0$ . При обработке каждой хронометражной карты рассчитывали дисперсию ( $\sigma^2$ ) и коэффициент вариации ( $\gamma$ ):

$$\sigma^2 = \sum_{i=1}^N \frac{(T_i - T_{\text{ср}})^2}{N - 1},$$

$$\gamma = \sigma / T_{\text{ср}},$$

где,  $T_i$  - продолжительность операции технического обслуживания определенного вида работ, ч;

$T_{\text{ср}}$  - средняя продолжительность вида работ, ч;

$N$  - количество наблюдений;

$\sigma$  - среднеквадратичное отклонение хронометражного ряда,

$$\sigma = \sqrt{\sigma^2} = \sqrt{\sigma^2}.$$

Статистическая обработка хронометражных карт позволили установить среднее значение трудоёмкости различных видов работ при техническом обслуживании сельскохозяйственных тракторов. Эти данные (чел.-ч) по некоторым колесным тракторам, эксплуатируемые при возделывании хлопчатника и других сельскохозяйственных культур в полях Самаркандской области, приведены в табл.1.

Исследования в эксплуатационных условиях в Самаркандской области показали, что для обеспечения работоспособного состояния тракторов, например Т-28Х4, за цикл технического обслуживания необходимо практический проводить 36 моечно-очистных операций ( $X_1$ ), 378 контрольно-регулировочных ( $X_2$ ), 27 контрольно-крепежных ( $X_3$ ), 8 смазочных ( $X_4$ ), 245 заправочных ( $X_5$ ) и 4 монтажно-демонтажных ( $X_6$ ). По другим маркам эти показатели приведены в табл.2.

На основании хронометражных наблюдений и аналитической обработки этих данных были созданы математические модели, выражающие функциональную взаимосвязь между трудоемкостью каждого вида работ по техническому обслуживанию и количеством операций.

Модели трудоёмкости контрольно-крепежных ( $X_3$ ) и смазочных ( $X_4$ ) работ хорошо аппроксимировались по прямолинейной функции:

при ТО-1

$$T_1 = 0,13 + 3,45 \cdot 10^{-5} * X_3;$$

$$T_1 = 0,02 + 7,57 \cdot 10^{-4} * X_4;$$

при ТО-2

$$T_2 = 0,19 + 7,76 \cdot 10^{-4} * X_3;$$

$$T_2 = 0,13 + 5,11 \cdot 10^{-3} * X_4;$$

при ТО-3

**Таблица 2**  
Количество операции ТО тракторов по видам работ

| Трактор   | Количество операций ТО |       |       |       |       |       |
|-----------|------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|
|           | $X_1$                  | $X_2$ | $X_3$ | $X_4$ | $X_5$ | $X_6$ |
| TT3-80.11 | 149                    | 952   | 27    | 11    | 282   | 8     |
| T-28X4M   | 36                     | 378   | 27    | 8     | 245   | 4     |
| MT3-80X   | 143                    | 507   | 31    | 9     | 255   | 9     |
| MT3-82    | 143                    | 512   | 31    | 15    | 278   | 9     |
| TT3-80.10 | 283                    | 222   | 24    | 9     | 477   | 7     |

$T_3 = 0,42 + 4,66 \cdot 10^{-3} \cdot X_3$  ;  
 $T_3 = 0,26 + 1,10 \cdot 10^{-2} \cdot X_4$ ,  
 а моечно-очистных ( $X_4$ ) и заправочных ( $X_5$ ) работ - по степенной функции:

при ТО-1

$$T_1 = 0,06 \cdot X_1^{0,30}$$

$$T_1 = 0,10 \cdot X_5^{0,12}$$

при ТО-2

$$T_2 = 0,20 \cdot X_1^{0,25}$$

$$T_2 = 0,19 \cdot X_5^{0,20}$$

при ТО-3

$$T_3 = 0,30 \cdot X_1^{0,26}$$

$$T_3 = 0,11 \cdot X_5^{0,37}$$

контрольно-регулировочных ( $X_2$ ) и монтажно-демонтажных работ ( $X_6$ ) - по экспоненциальной функции:

при ТО-1

$$T_1 = 0,220 \cdot \exp(1,8 \cdot 10^{-5} \cdot X_2)$$

$$T_1 = 0,007 \cdot \exp(0,035 \cdot X_6)$$

при ТО-2

$$T_2 = 0,77 \cdot \exp(1,9 \cdot 10^{-4} \cdot X_2)$$

$$T_2 = 0,06 \cdot \exp(0,02 \cdot X_6)$$

при ТО-3  
 $T_3 = 1,98 \cdot \exp(6,0 \cdot 10^{-4} \cdot X_2)$   
 $T_3 = 2,05 \cdot \exp(0,01 \cdot X_6)$ .

Коэффициенты корреляции выше установленных моделей составляют не менее 0,67, а дисперсии - не более 0,05, что подтверждает надежность полученных результатов.

С помощью разработанных моделей можно прогнозировать трудоемкость технического обслуживания трактора по видам работ на этапе проектирования. Допустим, что в связи с моральным износом трактора марки Т-28Х4 проектируется ее новая модификация. По эскизным чертежам определяется количество операций ТО проектируемого нового трактора. Например, моечно-очистных операций ТО должно быть 30. В таком случае трудоемкость их проведения при ТО-1, ТО-2 и ТО-3, как показали расчеты с помощью выше разработанных математических моделей и соста-

вят соответственно 0,16; 0,47 и 0,73 чел.-ч.

Таким образом, можно вычислить трудоемкость всех видов работ по техническому обслуживанию, а суммируя их показатели, получить трудоемкость за полный цикл. Разделив это значение на периодичность цикла проектируемого нового трактора (обычно 1000 мото.-ч), находим удельную суммарную оперативную трудоемкость его обслуживания. Для тракторов типа Т-28Х4 (класса 0,6) она не должна превышать 0,015 чел.-ч/мото.-ч. [3]. Если результат окажется больше или равным нормативной удельной трудоемкости, конструкторам Ташкентского тракторного завода следует поработать над сокращением количества операций технического обслуживания.

**Ш.РАЗЗАКОВ,**

доцент,

кандидат технических наук,  
 Самаркандский институт  
 ветеринарной медицины,

#### ЛИТЕРАТУРА

- Раззаков Ш.Т. Проектная оценка технологичности конструкций тракторов // Механизация хлопководства. -1991. -№7. -С.29-30.
- Раззаков Ш.Т., Джабриев А.Н. Снижение трудоёмкости технического обслуживания тракторов // Механизация и электрификация сельского хозяйства. -1992. -№1. -С.33-34.
- Нормативы ремонтопригодности сельскохозяйственных тракторов и комбайнов. -М.; 2010. -10 с.

**УЎТ: 532.5**

## ЮҚОРИ БОСИМЛИ ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАРДА СУВ ҲАРАКАТИДАГИ ВИБРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

*The article presents experiments on the movement of fluid in vibration piping and establishes conditions for determining the onset of vibration and its effect on flow parameters.*

Тўпаланг гидроэнергетик узелида лойиҳа бўйича 185 м баландлиқда тўғон курилиши режалаштирилган, лекин эксплуатация жараёнида 105 м баландлиқдаги сувнинг босими натижасида сув чиқариш иншоотининг ишлашида жиддий муаммолар пайдо бўлди, оқим тезлиги 25 м/с етганда сув оқими ҳаракатининг ўзгарувчанлиги сабабли сейсмограф сув чиқариш иншоотининг охирида 5,5 балл сейсмик тебраниши аниқлади. Шунинг асносида Тўпаланг сув омбори тўғонининг баландлигини 165 метргача пасайтириш қарори қабул қилинди, бу эса 1,5-2 млрд квт.с электр энергияси берувчи станциянинг қувватини 350 МВт га камайтиради. Шу каби носозликлар юқори босимли иншоотларнинг эсплуатациясида кўплаб учраб туради. Чорвок, Хисорак, Пачкамар ва бошқа юқори босимли иншоотларда дарё сувларининг тўпланиши ва статик босим, фильтрация жараёнларининг фавқулодда пайдо бўлиши туфайли вибрация ҳодисаси пайдо бўлиб, қатор ҳавфли жараёнларнинг келип чиқишига сабабчи бўлади.

Гидротехник иншоотларда суюқликнинг оқимига вибрация таъсирининг умумий характеристини аниқлаш учун вибрация параметрларига қараб Рейнольдс пастки критик сонни аниқлаш бўйича аввалдан тажрибалар ўтказилган.

Тажрибаларда қувурнинг ички диаметри  $d = 4 i$  шиша трубкада тайёрланган бўлиб, кўз билан қараб қиласидан усули билан ўтказилган. Рейнольдс критик сони буёқ томчисининг

тарқалиши орқали аниқланган.

Трубканинг тебраниши маҳсус вибростенд орқали кузатилди. Тажрибалар шуну кўрсатдиги, тебраниш оқимининг турғунлик даври олдинги босқичда содир бўлади ва Рейнольдс сонининг 1400 дан 2300 гача бўлган қийматларида содир бўлади. Бундан катта сонларда ламинар оқимининг турбулентланиши кузатилади.

Тажриба курилмаси босим баки, текширилаётган латун трубка, термометр, вибростенд, оқимларни бошқариш крани, пъезометр, ўлчов бакидан иборат эди.

Сув таъминотидаги сув босим бакига етказилади, бакка етказилган сув тинчлантирилгандан сўнг ортиқча сув чиқариб ўборилади. Бақдаги сув доиравий қувур орқали бошлангич қисми

$I_{\phi} = \frac{d}{l_i} d$  тенг бўлган, қувурдан ўтиб,  $I_i = \frac{1000 i}{l_i}$  ўлчов бақига жойлашади.

Ўлчов бақи тарировка қилинади, тарировка ва оқимни ўлчашдаги хатопик 1%, ошмаслиги учун секундамер бўйича 0,2 сек аниқликда олинади. Юқорида кўрсатилган қийматларни ўлчагандан кейин Рейнольдс сони ва гидравлик ишқаланиш коэффициенти умумқабул қилинган формулага мувофиқ ҳисобланади:

$$\lambda = \frac{2 g d h_e}{l_i \frac{g^2}{i}} \quad (1)$$

Сўнг вибростендга кўшилади, кран очиқлигига маълум бир частота ва трубкадаги тебраниш амплитудаси юкланди ва босимдаги йўқотишни аниқлаш учун юкорида айтиб ўтилган операциялар ўтказилади, ва ниҳоятда тебранувчи трубкада муносиб қийматлар ҳисоблаб чиқилади. Шу тариқа, Г.А.Фрибус томонидан  $d = 7; 10; 14$  мм диаметрли трубкалар учун уч серияли тажрибалар ўтказилди.

Вибрация пайдо бўлишини аниқлаш бўйича экспериментал ишлар Г.А.Фрибус, томонидан ўтказилган тажрибаларда ҳам кузатилганки, суюқлик сарфининг қийматига сув ўтказувчи иншоатдаги тебраниш жиддий таъсир кўрсатади [1, 3-5].

Тебраниш сабабли тешик орқали оқаётган суюқликнинг сарфи 50 % гача пасайди. Экспериментал маълумотларнинг миқдорий фарқи туфайли назарий тушунтиришлардаги сарфнинг пасайишига қарама-карши келади.

Кувурнинг юза қисми суюқлик билан тўлишини белгиловчи даражаланган лента бириктирилади. Кувур муайян белгигача сув тармоғидан тўлдирилгач, кран ёрдамида суюқликнинг маълумум даражаси сақланган. Сўнг муайян  $t$  вақт оралиғида кувурнинг остидаги тешикдан оқиб чиқаётган суюқликнинг ҳажми ўлчанади.

Сарфланиш коэффициенти  $\mu$  қуйидаги формула орқали ҳисобланади :

$$\mu = \frac{W}{t\omega\sqrt{2g}} \quad (2)$$

$W$  - оқиб чиқаётган суюқликнинг ҳажми;  $t$  - оқиб чиқиш вақти;  $\omega$  - кувур остидаги тешикнинг юзаси;  $H$  - суюқликнинг баландлиги. Худди шу каби ўхшаш тажрибалар вибрация шароитида, тебраниш частотаси  $f = 8; 105; 130 \text{ Hz}$  бўлганкүвурлар учун ҳам ўтказилган. Тебраниш частотаси юкори бўлиб, чегарасида ҳаво сўрилиши мумкин бўлган ҳолга келган шароитнинг олдини олиш мақсадида курилган курилмада пуфакчаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши билан боғлиқ тажрибалар ўтказилган. Пуфакчаларнинг қуви тешикка кириш оқим коэффициентига кўшимча таъсир кўрсатиши аниқланган.

Кувурнинг вибрация холатида тешикдан оқаётган оқимнинг коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\lambda = F(\mathbf{R}_i)$$

Экспериментал маълумотларни ишлаш асосида боғлиқликлар тузилди.

Ушбу муаммолар оқим, кувурнинг юкори босим остидан чиқаётган оқими сифатида моделлаштирилиб, стационар оқимларнинг муаммолари сифатида шартлар кўйиш орқали моделлаштирилди ва бу модел учун ушбу шаклда Бернулли тенгламаси ёзамиш:

$$\frac{1}{2g} \left[ \frac{dH(t)}{dt} \right]^2 + H(t) + \frac{P_0}{\gamma} = \frac{P_1}{\gamma} + \frac{1}{2g} \left[ \left( \frac{dH}{dt} \right)^2 \alpha^2 \varphi^2 \left( 1 + \frac{l_1}{d_1} \xi_0 + \xi_w \right) \right] + \tau_1 \quad (3)$$

Бу ерда  $P_0$ -атмосфера босими.

Экспериментни давом эттириш ва тадқиқот қилишни осонлаштириш мақсадида, ўзгарувчиларни қуйидагича белгилаб оламиш:

$$H = H_0 \hat{H}(\tau), \frac{dH}{dt} = u_0 \frac{dH}{d\tau};$$

$$t = \frac{u_0}{g} \tau, p = \frac{P}{P_0}, z = H_0 z;$$

Бернулли тенгламасини учун қуйидаги кўринишга эга бўламиш:

$$\left( \frac{d[H(t)]}{dt} \right)^2 + 2gH(t) + 2 \frac{(P_0 - P)\gamma}{\rho} = \alpha^2 \varphi^2 \left[ \frac{dH(t)}{dt} \right]^2 \cdot \left( 1 + \frac{l_1}{d_1} \xi_0 + \xi_w \right) 2g \quad (1)$$

Кувурларнинг вибрация (титраш) жараёнларини моделлаштириш ўхшашлик критерийси шартларини бажаришни талаб қилади. Амалда суюқлик оқимларнинг тўлиқ динамик ўхшашлигини модельда бажариб бўлмайди, чунки айни пайтда суюқликда ҳаракат қилувчи ташки кучлар табиатдан фарқ қилиши мумкин, масалан, тортиш кучлари, қовушқоқлик кучлари ва босим кучи. Ҳақиқий шароитларда суюқлик ҳаракатга келганда, ҳар доим бир вақтнинг ўзида амалдаги кучлари мавжуд — босим кучи, ёпишқоқлик кучи ва бошқа кучлар.

Вибрацион жараёнлардаги дифференциал тенгламалар асосида суюқликнинг ҳақиқий ҳаракати қуйидаги ўхшашлик критерийларини қаноатлантириши керак:

$$F = \frac{\mathcal{G}^2}{g} \quad R = \frac{\mathcal{G}l}{v} \quad E = \frac{\mathcal{G}^2}{P} \quad (2)$$

Эйлер сони.

Бунинг учун дифференциал тенгламадаги ўзгарувчиларни қуйидагича ўзgartирамиз:

$$u_0^2 \left[ \frac{d\hat{H}(\tau)}{d\tau} \right]^2 + 2gH_0 \hat{H}(\tau) - \frac{P_0(1-p_1)}{\rho} = \alpha^2 \varphi^2 u_0^2 \left[ 1 + \xi_m + \frac{l_1}{d_1} \xi_0 \right] \left[ \frac{d\hat{H}(\tau)}{d\tau} \right]^2 + 2gH_0 \hat{z}_1$$

Тенгламанинг ҳар икки томонини тезликнинг квадратига бўламиш:

$$\left( \frac{dH}{dt} \right)^2 + \frac{2gH_0}{u_0^2} \hat{H}(\tau) + \frac{P_0(1-p_1)}{2\rho u_0^2} = \mp \alpha^2 \varphi^2 \left( 1 + \xi_m + \frac{l_1}{d_1} \xi_0 \right) \left[ \frac{dH(\tau)}{dt} \right]^2 + \frac{2gH_0}{u_0^2} \hat{z}_1$$

Ўхшаш ҳадларни гурухлаймиз:

$$\left[ 1 - \alpha^2 \varphi^2 \left( 1 + \xi_m + \frac{l_1}{d_1} \xi_0 \right) \right] \left[ \frac{dH(\tau)}{dt} \right]^2 + \frac{H(\tau)}{F_r} + \frac{(1-p_1)}{E} = \frac{\hat{z}_1}{F_r}$$

Қуйидагича белгилашлар киритамиз:

$$\alpha = 1 - \alpha^2 \varphi^2 \left[ 1 + \xi_m \right],$$

$$b = \frac{l_1 \xi_0}{d_1} - \alpha^2 \varphi^2$$

Фруд, Рейнольдс и Эйлер критерийлари орқали ёзилган Бернулли тенгламасига келамиш:

$$\left( a + \frac{b}{R} \right) \left[ \frac{dH(\tau)}{dt} \right]^2 + \frac{H(\tau)}{F_r} + \frac{1-p_1}{E} = \frac{\hat{z}_1}{F_r} \quad (4)$$

(4) Бернулли тенгламаси учун кувурда вибрацияни ҳосил қилувчи қуйидаги шартларни қараймиз:

Агар (4) Бернулли тенгламасидаги Рейнольдс сони  $R > 1$ , оқим секинлашади, вибрация сўнади ва тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$a \left[ \frac{dH(\tau)}{dt} \right]^2 + \frac{H(\tau)}{F_r} + \frac{1-p_1}{E} = \frac{\hat{z}_1}{F_r}$$

b) Агар (4) Бернулли тенгламасидаги босим катта бўлса, Эйлер сони  $E > 1$ , яъни  $P_0 > \rho u_0^2 E < 1$   $P_0 < \rho u_0^2$ , босимнинг пасайишини эътиборсиз қолдириш мумкин, лекин тебранишларни ҳисобга олиш учун Бернулли тенгламаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\left( a + \frac{b}{R} \right) \left[ \frac{dH(\tau)}{dt} \right]^2 + \frac{H(\tau) - z_1}{F_r} = 0$$

Юқорида келтирилган Бернулли тенгламасида қуйидагича белгилашни киритиб  $H(\tau) - \hat{z}_1 = H^*(\tau)$ , ва дифференциал бо-

симиң ҳисобга олган ҳолда  $d(H(\tau) - z_1^*) = dH^*(\tau)$ , координатанинг ўзгармаслигини ҳисобга олиб, төбәнинш пайтида босимдаги ўзгаришларни аниқлаш учун ушбу тенгламага келамиз:

$$\left( a + \frac{b}{R_{\text{диаметр}}} \right) \left[ \frac{dH^*(\tau)}{d\tau} \right]^2 + \frac{H^*(\tau)}{F_r} = 0 \quad (5)$$

(5) формуладан сувнинг босимини пасайтириш даражаси аниқланади, бу формула орқали қувурнинг вибрацияга учраши

#### Кичик қўзғалишларнинг эксперимент қийматлари.

Жадвал .1.

| Частота $f, \text{рад/с}$ | Вибрация амплитудаси $A, \text{мм}$ | Кувур диаметрлари $d, \text{мм}$         |      |      |
|---------------------------|-------------------------------------|--|------|------|
|                           |                                     | $R_{\text{диаметр}}$ сонининг қийматлари |      |      |
|                           |                                     | 7  | 10   | 14   |
| 80                        | 1,35; 0,9; 0,7                      | 3100                                     | 2990 | 3210 |
| 130                       | 0,52; 0,38; 0,3                     | 1950                                     | 2020 | 2240 |
| 180                       | 0,27; 0,2; 0,15;                    | 1400                                     | 1480 | 1150 |

ва төбәнинши шартли равишда  $\lambda = F(R)$  киритик қийматидан бошланади. Назарий ва экспериментал тажрибаларнинг қийматлари 1-ва-2. жадвалларда келтирилган.

Графиклар ва формулаларнинг таҳлиллари шуну кўрсатади, кўндаланг вибрациянинг таъсири турли диаметрли қувурлар учун тахминан бир хил бўлиб, турбулент оқим режими  $\lambda$  қаршилик коэффициентининг ортиши ва Рейнольдс сони  $R = 1400$  дан ортиши билан бошланиб, сўнгра секин-асталик билан силлиқ қувурдаги режим бўйича оқа бошлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

- 1 Абрамович Г. Н. Теория турбулентных струй. М.: Физматгиз, 1960.
- 2 Агроскин И.И. «Гидравлика». Госэнергоиздат, 1964.
- 3 Альтшуль А. Д., Киселев П. Г. Гидравлика и аэродинамика. М.: Стройиздат, 1975.
- 4 Барков И. К. Автоматические устройства гидротурбин, ГЭИ, 1954.
- 5 Бернар Леметре. «Введение в гидродинамику и теорию волн на воде». Гидрометеоиздат. Ленинград-1974. 368с.

УЎТ: 631+631.8

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

This article reveals development of organic agriculture in the Republic of Uzbekistan and refers briefly on prior issues of this field as well as conveys about advantages of organic agriculture

Кишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда кимёвий воситалар: пестицидлар, дефолиантлар, десикантлар, гербицидлар ва бошқа шунга ўхшаш ноорганик моддаларнинг меъёридан ортика қўлланиши маҳсулот сифатига таъсирини сезиларни равишида ўтказа бошлади. Бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг сифати бузилишига олиб келади ва экологик тоза маҳсулот етиштириш талаба-рига мутлақо жавоб бермайди. Шу билан биргаликда тупроқда ва атроф-муҳитда меъёридан кўп кимёвий воситалар: пестицидлар, дефолиантлар, десикантлар, гербицидларнинг тўпланиб колиши (акумилияция) худуднинг флора ва фаунасига таъсир этиб, унинг биологик тириклигини издан чиқариб, нобуд килмоқда. Бунинг оқибатида тупроқнинг органик кисмидаги биологик жараён бузилади. Буларнинг барчаси тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, уни йилдан-йилга бузилишига олиб келади.

Шу талабдан келиб чиқиб, тупроқнинг бирламчи тириклигини,

#### Кичик қўзғалишларнинг назарий қийматлари.

2 - жадвал.

| Частота $f, \text{рад/с}$ | $R_{\text{диаметр}}$ |
|---------------------------|----------------------|
| 80                        | 3000                 |
| 130                       | 2000                 |
| 180                       | 1500                 |

Масалан, диаметри  $d = 10 \text{ см}$ , бўлган қувурларда Рейнольдс сони  $R = 2500$  етганда 1-расмдан маълумки  $\lambda$  нинг қиймати 40% ташкил этади. Кичик қўзғалишларнинг эксперимент қийматлари кўйидаги 1-жадвалда берилган.

Ламинар оқим режимида, яъни Рейнольдс сонининг  $R < 1400$  қийматларидаги вибрациянинг  $\lambda$  қаршилик коэффициентига таъсири сезиларсиз даражада кам бўлади. Кичик қўзғалишларнинг эксперимент қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

Ривожланган турбулент оқими режимида, яъни Рейнольдс сонининг  $R > 4000$  қийматларидаги вибрациянинг таъсири сезила бошлайди. Кичик қўзғалишларнинг назарий қийматлари 2.2-жадвалда келтирилган.

Силлиқ қувурлардаги ўлчамларда қўйилган хатоликлар, тажриба нуқталарини олишдаги хатоликларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда  $R_{\text{диаметр}}$  нинг қийматлари 2-жадвалда келтирилган бўлиб, бир частотали төбәниншида ҳар хил диаметрли қувурлар учун  $R_{\text{диаметр}}$  а вибрациянинг қиймати 2-жадвалда келтирилган. Бу келтирилган қийматларга асосан 6% хатолик билан кейинги назарий ҳисоблашларга кўлланади.

Ў.ЖОВЛИЕВ,  
к.и.х., ИСМИТИ.

келмоқда. Ушбу технологиянинг эътиборли томони шундаки, ерга ҳар 3-4 йилда бир марта чукур ишлов берилиб, кейинги йиллари ер юзасигина ишлов бериш куроллари билан ишланади. Бу тартибда ерга ишлов беришда тупрок зичлашмайди, унинг микрофлораси учун муҳит ёмонлашмайди, тупрок заррачалари майдаланиб кунлашмайди ва энг муҳими ғоваклиқ, зичлик, сув ўтказувчанлик, хаво муҳити, донадорлиги ҳамда бошқа кўрсатгичлари яхши ҳолда сакланади. Ўтга хисоб билан 1 г тупроқда 2,5-3 миллиардгача микроорганизмлар бўлади, яъни бир гектар экинзор 30 см чукурликда хайдалганда тупрок таркибидаги микроблар вазни 3-5 тоннага етиб боради. Бу эса тупроқнинг тириклигидир. Эндиликда ушбу тирик организимларнинг фаолиятини бошқариш ва улардан чиринди ҳосил бўлиш жараёнида тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга хисобланади. Шуни хисобга олиб, ерга ишлов беришда ушбу тирик организимларни сақлаган ҳолатда минимал ресурстежамкор ишлов бериш усусларини ўрганиш ва уни қишлоқ хўжалигига жорий қилиш муҳим масала бўлиб хисобланади. Бу эса органик қишлоқ хўжалиги олдига қўйган келгусидаги аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб беради.

Органик қишлоқ хўжалиги тупрок хаёти ва биологияси тушунчалари мажмуаси сифатида шаклланган. Органик қишлоқ хўжалигининг асосий принципи биологик жараёнлар ва тупроқнинг органик таркиби бўлиб хисобланади. Фермерлар тупроқда органик моддалар кўпайиши тупроқнинг биологик ҳолатини ва унумдорлигини яхшилашига ишонади. Тупроқ биологик фаолиятида ўғитлар, зараркунандалар ва касаллик муаммолари мавжуд ва бундан кейин хам бу масала долзарблигича қолади.

Органик дехқончиликнинг муҳим томони шундаки, худуднинг экологик баланси бузилмайди, жумладан ер, сув, хаво зарарли моддалар, пестицидлар, ўғитлар ва бошқа моддалар билан ифлосланмайди. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, тупроқка ишлов бериши жараёнида меъёридан кўп кимёвий воситалар: пестицидлар, дефолиантлар, десикантлар, гербицидларлар меъёрини кескин камайтириш, айрим ҳолатларда бутунлай тақиқлаш масаласи кун тартибida турибди. Шу ўрнида ушбу муаммоларнинг ечими мавжудми, деган савол тугилади. Албатта, бунга бир овоздан бор деган жавобни берган бўлардик ва улар куйидагилардан иборат эканлигини айтмоқчимиз.

- қишлоқ хўжалигига тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириши омилларини ишлаб чиқиши – органик ўғитлар, гўнг, ўсимлик қолдиклари – илдиз ва ангиз, ҳар хил турдаги компостлар, агрорудалар;

- тўғри ва тупроқ унумдорлигини тиклашга йўналтирилган органик алмашлаб экисини ўйлга қўйши, алмашлаб экиси таркибида атмосферадан азот фиксация қўливчи дуккакли экинлар – мош, нўхат, ловия, соя ва бошқа экинларни киритиш;

- қишлоқ хўжалик экинларини ёввойи ўтлар, ҳар хил касаллик ва зарарли организмлардан биологик ҳимоя қилиши усусларининг кенг жорий этиши, кимёвий воситалардан фойдаланишини буткул тұхтатиш;

- қишлоқ хўжалигига селекция ва ургучиликни илмий асосланган ҳолда ўйлга қўйши;

- соҳасига етук мутахассислар тайёрлаш, фермер ва бошқа ишлаб чиқарувчилар учун жойларда семинарлар ва ўқув курсларини ташкил этиши;

- қишлоқ хўжалигига органик дехқончиликни жорий қилиши натижасида атроф-муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, инсоният ва ҳайвонот олами соглигини мустаҳкамлаш;

Муаммоларнинг ечимини ишлаб чиқиш билан бир каторда, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида уларнинг кўшган хиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз деб топдик. Мавжуд маммоларни хал қилишини учта асосий томонларига эътибор каратиш мақбул.

**Иқтисодий жиҳатдан:** республикада етиширилаётган органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини расмий кафолатланиши ва жаҳонда органик маҳсулотлар бозорининг ўсиши;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг хорижий бозорларга киришини енгиллаштириш ва экспорт географиясини көнтаятириш;

- ишлаб чиқилган маҳсулотларни нисбатан юқори нархларда сотиш хисобига ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инвестицион жозаборлигини ошириш ва республикамизда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

**Ижтимоий жиҳатдан:** фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши янги ўйналишларини ўйлга қўйиш (агротуризм ва агропансионат) ва қишлоқ ахолисининг бандлигини ошириш;

- келажак авлоднинг саломатлиги тўғрисида қайгуриш ва баркамол авлодни тарбиялаш учун соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини табиийлик, таъм ва фойдали тасвифлари бўйича сифатини ошириш.

**Экологик жиҳатдан:** атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириши ҳамда тупроқ унумдорлиги деградациясини олдини олиш;

- экотизимнинг биологик хилма-хиллигини, экологик барқарорлиги ва тенглигини сақлаб қолиш.

**Даладан дастурхонгача:** технологик схема бўйича сертифиқатлаштириш ва сифат назоратини кучайтириш.

**Хулоса.** Дунё дехқончилигига экологик тоза маҳсулот етишириш масаласи долзарб бўлиб турган бир пайтда, қишлоқ хўжалигига тупроқ ва атроф-муҳитни ифлослантирувчи кимёвий воситаларни кўллашни камайтириш, айрим ҳолларда бутунлай чеклаш масаласига юзаки қараб бўлмайди. Шу ўрнида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва бу соҳадаги долзарб муаммоларнинг ечимига қаратилган органик қишлоқ хўжалигини ривожланишишнинг стратегик чора-тадбирлар режасини узокни кўзлаб ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан ҳаётга татбик эта бориш мақсадга мувофиқдир.

**Б.ТЎХТАШЕВ,**  
доцент,  
**Ч.ТОШПУЛАТОВ,**  
ассистент,  
ТошДАУ.

## АДАБИЁТЛАР

- Боқиева И., Соатов О. Органик қишлоқ хўжалиги: муаммо ва ечим // "Агрокимёҳимоя ва ўсимликлар карантини" журнали. - Тошкент, 2017. - №3. - Б. 6-7.
- Назаров Н., Мирзажонов К., Ибрагимов О., Исаев С. Дехқончиликнинг тежамкор технологиялари (Ўқув қўлланма). - Т., 2014. - 179 б.
- Холиқов Б. Янги алмашлаб экиси тизимлари ва тупроқ унумдорлиги (Ўқув қўлланмаси). - Тошкент: "Ноширлик ёғдуси", 2010. - 120 б.

## ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

This article discusses the measures that are being undertaken today to ensure the employment of the population with the rapidly liberalization and modernization of the economy, including the achievement of socio-economic development, in particular, the efficient use of labor resources in rural areas, and the employment of labor resources

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтиносидий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтиносидётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари жадал амалга оширилаётган бугунги кунда ижтимоий-иқтиносидий тараққиётни таъминлашда меҳнат ресурсларининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Мамлакатда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш аҳоли фаровонлигини оширишга ва иқтиносидий юксалишга замин яратади.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари барқарор иқтиносидий ўсишини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Республика мизда бозор муносабатларини самарали татбиқ этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтиносидий тараққиётга эришиш, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида демографик вазиятнинг ўзига хослиги туфайли аҳолининг тез суръатлар билан ўсиши рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикаси катта ва ёш меҳнат потенциалига эга давлатлар қаторига киради. Меҳнат ресурслари аҳолининг ярмидан кўпроқ қисмини ташкил этгани ҳолда, у йилига 2,5-2,7 фоизга ўсиб бормоқда ва ҳар йили 500 минг дан ортиқ битириувчи меҳнат бозорига кириб келмоқда. Бандликнинг янги модели ишчи ўринларини тезлик билан ўсишини, республиканинг ижтимоий-иқтиносидий ривожланишини, демографик ҳисобни, аҳолининг меҳнат шароитини яхшилашни назарда тутади. Ислоҳотлар жараённада меҳнат муносабатлари тизимида бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Аҳолининг умумий ўсиши баробарида ишләётган аҳоли сони улушининг ошиб бориши кузатилди. Бу эса меҳнатнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ривожланиши билан изоҳланади.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтиносидий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, ҳалқ турмуш даражаси ва сифатини юксалишишнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Бинобарин, юртимизда ҳар йили миллий иқтиносидётимизни барқарор ривожлантириш, ҳудудлар бўйича меҳнат ресурсларидан янада тўлиқ ва оқилона фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган тегишли ҳукуқий хужжатлар қабул қилинганти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «2018 йилда Аҳоли бандлиги кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорларни шулар жумласидандир. Ушбу қарорлар ўз мақсади билан аҳоли, айниқса ёшлар, кам таъминланган оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш, янги саноат корхоналар курилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳисобига янги доимий иш ўринларини ташкил этиш ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлиги ва сифатини оширишга қаратилган. Бинобарин, аҳоли бандлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва иқтиносидётнинг юкори барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш иқтиносидётда банд бўлган аҳоли сонининг ўтган йилга нисбатан 1,8 фоизга ўсишга имкон яратди

ва 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда иш билан бандлар сони 13520,3 минг кишини ташкил этди. Агар бугунги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшашини эътиборга оладиган бўлсак, иш билан банд аҳолининг 27,1 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида фаолият юритмоқда. Табиийи, қишлоқ хўжалигининг ўзи бу миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини, кичик қайта ишлаш цехларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарида (асосан фермер хўжаликларида) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиширишдан ташқари, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятларини ҳам ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида уларнинг даромадларини кўпайтириш ва қишлоқ аҳолиси учун қўшимча ишчи ўринларини ташкил қилиш имконини яратади.

Хусусан, бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишинланган байрам тадбирида сўзлаган нутқида, жумладан, «Биз шунча экспорт қилиб, ўзимизни боқяпмиз, яна экспорт қилишни ўргангапмиз, қўшимча даромад қилипмиз, тайёр маҳсулот яратяпмиз. Лекин агар ҳар бир мева-сабзавотимизни, керак бўлса, пахтамизни ҳам ўзимизда қайта ишласак, қанчадан-қанча даромад бўлади, қанча-қанча ишчи ўринлар яратилади, сизларнинг ҳисобингизда қанчадан-қанча пуллар пайдо бўлади», деб тавъидлаб ўтди. Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми бугунги кунда 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсатич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиши қишлоқ жойларда бир қанча иқтиносидий ва ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал қилишга ҳам ёрдам беради. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида қўшимча ишчи ўринлари яратилиши натижасида қишлоқ жойларда ишсизликнинг камайиши, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасидан олинган даромадни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, янги техника, асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириш натижасида яна қўшимча иш жойларини яратиш имконияти туғилади.

Бундан ташқари, иқтиносидётда қишлоқ хўжалиги тармоғининг юкори улуши республикада иш билан бандликнинг мавсум ва иқлим омилларига юкори даражада боғлиқлигини келтириб чиқаради. Ноқурай келган об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишга салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Ушбу ҳолат эса саноат, жумладан, қайта ишлаш, озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари корхоналарининг тўла қувватда ишламаслиги, ишчиларнинг бүш қолиши ва қисқартирилишига олиб келади. Республика мизнинг қишлоқ жойларида мавжуд юкори даражадаги мавсумий ишсизлик ҳолати ҳам айнан мавсум ва об-ҳаво шароити билан чамбарча боғлиқ. Шу боис, қишлоқ хўжалигига меҳнат қилаётганлар мавсумдан ташқари вақтда ишсиз қолмоқда ёки номуайян,

вақтингчалик ва бир марталик ишлар билан шуғулланишига мажбур бўлмоқда.

Демак, қишлоқ жойларда меҳнат бозорини таҳлил қилиш натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, меҳнат ресурсларини ҳудудлар бўйича турли дараҷада жойлашишини ҳисобга олиб, уларни иш билан таъминлашда қуидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Яъни:

- шаҳар ва вилоят марказларидан узоқда жойлашган ҳудудларда кўпроқ қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига оид турли марказларни ривожлантириш, асосида янги иш жойлашни яратиш;

- аҳолини иш билан таъминловчи нодавлат ташкилотларни

яратиш ва уларнинг самарали фаолият юритишига қўмаклашиш;

- бандликни таъминлаш бўйича давлат ташкилотлари билан бирга хусусий органларнинг ҳам ривожланишига эътибор қаратиш;

- ишга жойлаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорлик асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналарни ташкил этиш;

- бугунги кунда хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган элчиҳоналар таркибида алоҳида ишчиларни ишга жойлаштириш бўлимларини очиш ва уларга ҳар иккала давлат миқёсида иқтисадий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

**А.МАКСУМХАНОВА,  
и.ф.н, ТИҚҲММИ.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунига бағишиланган байрам таддирида сўзлаган нутқи, *Gazeta.uz*

[www.stat.uz](http://www.stat.uz)  
[www.Kun.uz](http://www.Kun.uz)

## ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК АГРЕГАТЛАРИ УЧУН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШИБ КЕЛИШ ВА ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ МОДЕЛЛАРИ

In the condition of parking of cars and tractors is recommended to carry petroleum productions and to manage storing petroleum productions in the country plants, in order to plan daily petroleum storage and using its model.

As a result of last year's maximal degree of diesel petroleum productions is differed more than 2,3 and the storage of production was decreased more 3.8.

Хозирги кунда агросаноат ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари нефть маҳсулотларидан самарали фойдаланишини йўлга кўйиши Республика миқёсидаги долзарб йўналишлардан бири хисобланади. Шу сабабли хозирги кунда мавжуд бўлган нефть маҳсулотларини захираларни бошқариш моделлари ўрганилганда нефть маҳсулотларини доимий ташишдаги максимал захираси инобатга олинмаган.

Хозирда нефть маҳсулотларини кунлик сарфини тезкор режалаштирилишида бошқариш назариясидан фойдаланилади [2], яъни нефть маҳсулотларининг тасодифий сарфига асосланади. Шу сабабли ҳар бир фермер ҳўжалигида оширилган нефть захираси ҳосил бўлганлиги учун йил якуннада машина-трактор парки шароитида нефть маҳсулотлари танқислиги сунъий равишда келиб чиқади. Машина-трактор парки шароитида нефть маҳсулотларини ташиш ва қишлоқ ҳўжалик корхоналарида нефть маҳсулотларини захираларни бошқариш учун нуль захирали суткалик нефть маҳсулотлари сарфини режалаштириш моделидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу модел моддий балансни тенглаштиришга асосланади, яъни

$$Z_{n+1} = Z_i^\delta + W_n - G_n; \quad (1)$$

$Z_i^\delta$  -хар-бир кун бошига режалаштирилган нефть

маҳсулотлари захирасининг миқдори ( $n+1$ ),  $Z_i^\delta$  -ҳақиқий ташиб келинган нефть маҳсулотларини миқдори бўлганда  $n$ -куннинг бошланишида нефть омборида нефть маҳсулотлари захирасининг миқдори,  $t$ ;

$W_n$ ,  $G_n$  -нефть маҳсулотларини ташиб келинган ва сарф қилинган  $n$ -кундаги миқдори, т.

Нефть маҳсулотлари захирасини  $Z_{n+1}=0$  тенглаштирасак, (1) ифодадан режалаштирилган  $n$ -кундаги нефть маҳсулотларини ташиб хажмини топамиш:

$$W_n = G_n - Z_i^\delta; \quad (2)$$

Режали нуль захира билан бўлган модель қуидаги ҳолатда ишлайди. Фермер ҳўжалигида куннинг бошида бор нефть

маҳсулотларини колдиги  $Z_i^\delta$  ўлчанади унинг бир кунлик сарфи  $G_n$  режалаштирилади ва (2) формула бўйича режалаштириладиган

нефть маҳсулотларини ташиб ҳажми  $W_n$  аниқланади. Нулли

захира қўлланилишида агар суткалик амалдаги ҳақиқий сарф  $G_i^\delta$  режалаштирилган  $G_n$  тенг бўлса кўрсатилган моделни беради.

Амалда у бир хил турмайди. Бунда  $G_n - G_i^\delta$  бўлса 2 формула нефть маҳсулотларини етмаслиги (танқислигини) олиб келади. Шунинг учун унинг танқислигини кафолатлайдиган ҳажм қуидаги формуладан аниқланади:

$$W_n = Z_c + G_n - Z \delta; \quad (3)$$

$Z_c$  -нефть маҳсулотларининг суткалик сарфи режасидаги ҳатолигини ҳисобга олиб, захира бўлиб қолишигини кафолатлайди, т.

$Z_c$  - киймати ташиб вактини ушланиб қолишида, Бу катталик  $t_d=0$  бўлганда қуидагича ифодаланади:

$$Z_c = \delta G_{\max}; \quad (4)$$

$\delta$  -режалаштирилган`нефть маҳсулотларининг суткалик сарфини инобатга олувчи нисбий ҳато;

$G_{\max}$ - фермер хўжалиги нефть омборидаги нефть маҳсулотларининг максимал сарфи,т.

$$t_d > 0 \text{ катталиқда: } Z_c = \delta G_{\max} + \sum_{i=1}^{t_d} G_i; \quad (5)$$

Бу ерда:  $\sum_{i=1}^{t_d} G_i$  - етказилишни инобатга олган вақтида нефть

маҳсулотларининг умумий сарфи т.  $Z_{t+1}^{\delta}$ -нефть маҳсулотларини кунлик сарфини i-куни етказилишини инобатга олган вақтидаги хажми, ҳар бир кун учун нефть маҳсулотларининг захираси ( $n+1$ ) күйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Z_{t+1}^{\delta} = W_t^{\delta} + W_t^{\delta} - G_t^{\delta}; \quad (6)$$

$G_t^{\delta}, G_t^{\delta}$ -бир кунда n-кундаги нефть маҳсулотларини ташиб келиниши ва унинг сарфи, т.

Нулли моделнинг самарарадорлиги захираларни бошқариш назариясига асосланган моделлар билан таққослаш орқали аниқланади.

Андижон вилояти Избоскан тумани МТП МЧЖ қишлоқ хўжалик агрегатлари учун нефть маҳсулотларини суткалик сарфи кўрсатилган уч усулни кўллаш натижаларига кўра максимал

$\delta_{\max}$  ва ўртача  $Z_{t+1}^{\delta}$ =режалаштириш хатоси таҳлили шуни кўрсатадики, суткалик сарфни режалаштиришнинг аналитик усули кўлланилганда энг кам хатолика эришилади. Шунингучун нефть маҳсулотларини ташиш ва захирасини бошқариш самарарадорлигини аниқлашда нулли захира модели бўйича суткалик сарфни режалаштириш учун шу усулдан фойдаланилади.

Моделлаштириш куйидаги шароитда амалга оширилди:  $t_d=0$  ва 2 кун,  $t_{t+1}$  1 кун, А-5 ва 10 т, нефть маҳсулотларини етказувчи автоцистерна сифими  $V_{\text{авт}}$ , -1,5т, ва 3,5 т, нефть маҳсулотларининг ойлик сарфи  $Q_s$ -25,2т, нефть маҳсулотларининг ўртача суткалик сарфи G-4,2т, максимал суткалик сарф  $G_{\max}$ -8,9т. Моделлаштириши даврида  $T_3$ -30 сутка,  $Z_{t+1}^{\delta}$ -0,2 аниқланади:

Нефть маҳсулотларини максимал ва ўртача асл захираси куйидаги формула бўйича аниқланади:

-барча буюртма килинган нефть маҳсулотларини тезда нефть омборига ташиша:

$$Z_{\max}^{\delta} = (W_t^{\delta} + W_t^{\delta})_{\max}; \quad (7)$$

$$Z_{\delta}^{\delta} = \left( \frac{\sum_{n=1}^{\delta} Z_n^{\delta} + W_t^{\delta}}{T} \right); \quad (8)$$

-Кун давомида бир текисда (секин-аста) нефть маҳсулотларини ташиша:

$$\sum_i^O Z_i^{\delta} = Z_{\delta}^{\delta} (\max); \quad (9)$$

$$Z_{\delta}^{\delta} = \frac{\sum_{n=1}^{\delta} Z_n^{\delta}}{T}; \quad (10)$$

Нефть маҳсулотларини ташиш ва унинг захирасини бошқариш жараёнини имитацион моделлаштиришнинг турли усуллари бўйича натижалари шуни кўрсатдики, ҳалқа ташиш шароитида нулли захира моделини кўллаш битта автоцистернада бир рейсда бир нечта фермер хўжалигига нефть маҳсулотларини ташиш энг кўп самара беради.

Машина-трактор парки шароитида ҳалқали нефть маҳсулотларини ташиш, туманда жойлашган бир автокорхонасида барча автоцистерналарни марказлаштиришни ташкил этиш имконини беради.

Нулли захира моделини ишлаб чиқариш шароитида текшириш 2018 йили дизель нефть маҳсулотларини сарфи энг долзарб (кўпайган) ва (апрель) ойида Андижон вилояти Избоскан туманида машина-трактор агегатларини қўйидаги кўрсаткич бўйича тажрибалар ўтказилди. Бунда нефть маҳсулотларининг ўртача ва максимал суткалик сарфи-34,2 ва 68,4 т, нефть маҳсулотларининг суткалик сарфни номутаносиблик коэффициенти-1,9.

Аввалиг юйлини апрель ойида қўйидаги тажриба кўрсаткичига таққослаб амалга оширилди, нефть маҳсулотларининг ойлик сарфи-86,5 т.

Нефть маҳсулотларининг ўртача ва максимал суткалик сарфи 9,0 ва 16,8т, суткалик сарфнинг номутаносиблик коэффициенти-1,8.

Ташиш ва захирани бошқариш натижалари таҳлили: машина-трактор парки бир маромда нефть маҳсулотлари билан, энг паст даражадаги нефть маҳсулотлари захираси билан таъминланган, ўтган йилга нисбатан таққослагандага дизель нефть маҳсулотлари захирасининг максимал даражаси 2,3 марта, ўртача захириси 3,8 марта гача пасайди.

Шундай қилиб, мавжуд моделлар билан тавсия этилаётган нулли захира модели таққосланганда, энг паст ва ўртача нефть маҳсулотлари захираси орқали корхонани узлуксиз нефть маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

**Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
профессор,  
**Б.ТУРСУНОВ,**  
доцент,  
**Д.ХУДОЙНАЗАРОВ,**  
магистр,

ТошДАУ, Андижон филиали.

## АДАБИЁТЛАР

1. Буқан Д.Ж., Кенигсберг Э., Научное управление запасами. М.Наука,1967
2. Герман Н.П. Регулирование уровня запасов дизельного топлива на пункте заправки. Труды ВИМ,1976.
3. А.Н.Никифоров “Научные” основы использования топлива и смазочных материалов в сельском хозяйстве” Москва, ВО “Агропромиздат”-1987

## ЕР ИЖАРАСИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОХИЯТИ

*The essence and relation of land rent content, as well as the rent rights development process are given in this.*

Илмий манбаларда таъкидланишича, ижара муносабатлари бу – биринчидан, мулкий муносабатлардир, чунки у бегона мулкни хак тўлаш эвазига фойдаланиш билан боғлиқ;

иккинчидан, ижара муносабатлари ижарага олинган мулкдан фойдаланиш хўжалик юритиш оркали даромад олиш билан боғлиқ; учинчидан, олинган кўшимча даромаднинг бир кисми, коидага кўра, хўжаликнинг кейинги тараққиёти учун йўналтирилади.

Шу билан боғлиқ равишда, ижара муносабатлари моҳиятнан иқтисодий муносабатлар бўлиб, мулк (ёки ер)ни ижарага олиш иқтисодий категория сифатида намоён бўлади. Ер ижараси муносабатларини ривожлантириши қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг сифатини яхшилаш учун инвестициялар йўналтирилишига кўмаклашади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсификациялаш учун шароит яратади.

Ер майдонларини ижарага берувчилар, одатда, давлат ёки давлат шаклидаги ер мулқдорлари бўлиши мумкин.

Бутунги кунда Ўзбекистонда деярли барча фермер хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари сифатида ер ижараси асосида фаолият юритадилар. Бирок, республикада ер ислоҳотининг тугалламмаганилиги ва давом этаётгандиги туфайли, ерга ижара муносабатлари янада такомиллаштирилиши талаб этилади. Ерга ижара хукуки бозорини яратиш муаммоси ерни ижарага олиш хукукини иқтисодий мазмун билан бойитиши, ижаравчиларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасига риоя этган холда экин майдонлари таркибини мустакил белгилаш, ер майдонларини иккиласми ижарага бериш хукукини жорий қилиш масалалари билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги вактда фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликларга айлантириши ишлари сезиларли даражада амалга оширилмоқда. Бу эса ер, сув, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имконини беради. Дарҳакиқат, мамлакатда ер муносабатларини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш асосида ижара муносабатларидаги мавжуд муаммолар ҳал этилиб борилади.

Ерга ижара хукукини ривожланиш жараёнида ушбу хукукини гаровга олиш ҳам рўй бериши мумкин.

Гаров предмети бўлиб, ер майдонининг фақатгина аҳоли яшайдиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган иншоотлардан холи бир кисмигина бўлиши мумкин. Ер майдонига (участкасига) эгалик қилиш хукуки, кўчмас мулк кадастр хизматига рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Агар ижара шартномасида ижарага берилаётган ер майдонида фермер хўжалиги ташкил килиниб, уни юритиш хукуки берилмаган бўлса, унда бундай хукукини туман (вилоят) хокими рухсати билан расмийлаштириш мумкин. Ер майдонига эгалик хукукини кафолатлайдиган гаров, ёзма равишда расмийлаштирилган шартнома хисобланади.

Конунчилик нормаларига биноан ер ижараси хукукини гаровга оловчи (кредитор) ва ер ижарасини гаровга берувчиларнинг қўйидагича хукуқ ва мажбуриятлари мавжуд.

**Ер ижараси хукукини гаровга оловчи (кредитор)нинг хукуклари:**

- кредит оловчидан, кредит шартномасида кўрсатилган муддат ва белгиланган миқдорда ссуда (кредит)ни кайтариш мажбуриятларини талаб қилиши;

- ер майдонини гаровга кўювчи кредит шартномасида кўрсатилган тартибида гаров мажбуриятларини бажармаса ёки умуман бажармаган холатларда, унинг ер майдонига эгалик хукуки қарзни ундириш сифатида кредиторга ўтиши;

- гаровдаги ер майдонида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиги тўхтатилган ҳолатларда, ерга эгалик қилиш хукукини карз сифатида ундириб олиши;

- гаровга кўйилган ер майдонининг ҳолатини вакти-вакти билан текшириб туриш ва кредит оловчидан ер майдонининг сифатини яхшилаш, уни химоя қилувчи тадбирларни кўллаш ва ундан оқилона фойдаланиши талаб қилиши;

- кимошибди савдоси (аукцион) ёки очиқ савдода сотилмай колган ер майдонларини эгалик хукукини ўзида қолдириш ёки ер савдосини мустакил равиша амалга ошириши;

- гаров муддати давомида ер майдонидан фойдаланиши;

- гаровда турган ер майдонида етиштирилган ҳосил ва бошқа маҳсулотларга тўлақонли шахсий мулк хукукига эга бўлиши;

- гаров мажбуриятларини муддатидан кечикмасдан бажариши.

Ер ижараси хукукини гаровга оловчи (кредитор), кредит шартномасига асосан, гаров расмийлаштириб бўлгандан кейингина банкда кредит хисоб ракамини очиши керак.

Ер ижараси хукукини гаровга оловчи (кредитор)нинг мажбуриятлари:

- кредит шартномасида кўрсатилган шартлар тартибида ер ижараси хукукини гаровга берувчининг хукуклари;

- гаровга кўйилган ер майдонидан оқилона фойдаланиши, табиатни муҳофаза қилувчи тадбирларга мувофиқ ердан фойдаланиши ва ернинг сифатини туширмаслиги;

- ер майдонини гаровга оловчи – фермерни гаров муддати даврида хўжалик фаолияти тўхтатилган бўлса, бу ҳақда ер ижараси хукукини гаровга берувчига зудлик билан хабар бериши.

Ер ижараси хукукини гаровга берувчининг хукуклари:

- ердан фойдаланганлик учун шартномада кўрсатилган ҳақни ўз вактида талаб қилиши;

- ижарага берилган ер участкасининг холати шартномада кўрсатилмаган тарзда ўзгаришига йўл кўймаслик;

- ижарага берилган ер участкасини зарур ҳолатларда олиб кўйиш.

Ер ижараси хукукини гаровга берувчининг мажбуриятлари:

кредит шартномасида кўрсатилган шартлар тартибида ер ижараси хукукини гаровга оловчининг (кредитор) талабларини бажариш;

гаровга берилган ер ижараси давлат томонидан олиб кўйилганда, ер майдонини гаровга олган фойдаланувчига бошқа ер майдонини ажратиб бериши.

Юкорида келтириб ўтилган, конунчилик нормаларидаги ер ижараси хукукини гаровга оловчи (кредитор) ва ер ижарасини гаровга берувчиларнинг хукуқ ва мажбуриятлари бажарилишида камчиликлар учраб туриди. Яъни, ер ижараси хукукини гаровга оловчи (кредитор)нинг талаблари ўз вактида тўлиқ бажарилмаяпти. Агар, шунга ўхшаш камчиликлар бартараф этилса, максадга мувофиқ бўларди.

**Х.АБДИВАИТОВ,**  
ассистент.  
**Ф.ҚЎЧКИНОВ,**  
магистрант,  
ТИКХММИ.

### АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конуни. “Гаров тўғрисида”. Тошкент, 1992.

Бабажанов А.Р. Ердан фойдаланиши иқтисоди. Матъузалар матни. Тошкент, ТИМИ, 2014. –186 б.

Бабажанов А.Р., Чертовицкий А.С., Болтаев Т.Х. Ҳудудларни ривожлантириши. Ўқув қўлланмаси. Тошкент, ТИМИ, 2009. – 279 б.

## МЕТОДЫ ОЦЕНКИ И ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

This article presents the problems of management and methods for assessing the competitiveness of industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan. Material factors play an important role corporate culture, which forms the management of corporate enterprises that meets the requirements of a civilized market.

Для предприятий промышленности Узбекистана характерны крупные масштабы производства, однако их продукция в целом однородна, и нет жесткой «технологической» зависимости потребителей от поставщиков, что благоприятствует развитию конкуренции.

Вместе с тем спад производства в отдельных отраслях промышленности, не позволяет пока обеспечить полноценную конкурентную среду даже при наличии указанных предпосылок. Спад производства обусловлен рядом причин, среди которых особенно выделены: ограниченность ряда сырьевых ресурсов и связанное с этим недоиспользование производственных мощностей, недостаточность оборотных средств у снабженческих организаций, снижение платежеспособного спроса на готовую продукцию, существующие различия в наличных и безналичных расчетах, ограниченность кредитных и централизованных инвестиционных ресурсов.

Вышеперечисленные причины ведут не только к спаду, производства в отдельных подотраслях промышленности, но и к снижению конкурентоспособности их продукции, что усиливается наличием значительного количества импортной продукции, которая отличается от отечественной по разным параметрам, в том числе и по цене.

В этих условиях особое значение приобретает развитие вовлеченных в сферу корпоративных структур малых и частных предприятий в качестве полигона инновационной деятельности для создания реальной конкурентной среды на фоне постоянного совершенствования и улучшения качества продукции. Конкурентоспособность объекта определяется по отношению к конкурентному рынку либо к конкурентной группе потребителей, формируемой по соответствующим признакам стратегической сегментации рынка. В условиях рыночных отношений конкурентоспособность является главным фактором успеха. Для достижения и постоянного поддержания объекта конкурентоспособным на планируемом рынке (внешнем, внутреннем) необходимо поддерживать завоеванные конкурентные преимущества, искать и реализовывать новые. Важное значение имеет применение методов прогнозирования рыночной конъюнктуры не только в отношении рассматриваемого предприятия, но и для конкурентов, выпускающих аналогичную или заменяющую продукцию. В качестве исходной информации для составления приемлемого по достоверности прогноза уровня конкурентоспособности продукции является мониторинг динамики конкурентоспособности рассматриваемой продукции за предстартовый ряд отчетных периодов времени. Существуют шесть подходов (методов) оценки конкурентоспособности организации: с позиций сравнительных преимуществ, по теории равновесия, структурный, функциональный, по качеству продукции, по методу Бостонской консалтинговой группы. Преимущества рассмотренных походов и методик оценки конкурентоспособности предприятий-изготовителей заключаются в следующем. Во-первых, рассмотренные подходы широко применяются в мировой практике и являются инструментом взгляда в будущее. Во-вторых, методики оценки конкурентоспособности носят не описательный характер, а конкретно-экономический количественный характер. Недостатки указанных методов оценки конкурентоспособности видятся в следующем:

а) Апробированные в мировой практике подходы и методы

оценки конкурентоспособности предприятий-производителей не отражают воздействия на них научных подходов к управлению (менеджмента), прежде всего системного, комплексного, ситуационного.

б) В промышленно развитых странах отложены рыночные механизмы, которые «автоматически» выбрасывают за борт некачественные товары (в США ежегодно закрывается около 25% фирм). Кроме стратегического маркетинга в вузах промышленно развитых стран глубоко изучают методы прогнозирования, исследования операций, математической статистике, а в Узбекистане за последние 10 лет значительно ослабло внимание к проблеме повышения качества с помощью управленческого решения.

в) По мнению авторов, с методической точки зрения неправомерно обобщающий (интегральный) показатель конкурентоспособности предприятий определять умножением индексов конкурентоспособности товарной массы (всех товаров) и относительной эффективности предприятия, так как эти показатели тесно коррелируют. Очевидно, что любой показатель эффективности зависит от объема продаж и добавленной стоимости (фонд оплаты труда +прибыль + амортизация), а последнее, в свою очередь, прямо зависит от конкурентоспособности предприятия (при условии ее добросовестной оценки). По методике оценки, конкурентоспособности предприятий предложения авторов заключаются в следующем:

— уровень конкурентоспособности считать как средневзвешенную величину по показателям конкурентоспособности конкретных товаров на конкретных рынках;

— отдельно анализировать эффективность любого товара на каждом рынке;

— отдельно рассчитывать показатели устойчивости функционирования организации;

— прогнозировать перечисленные три комплексных показателя минимум на пять лет.

Вторая модель используется часто, так как фирма размещает заказ на разработку новшеств в специализированные организации, а не внедряет их собственными силами. Третья модель, по мнению автора, получит развитие в будущем по мере становления рынка инвестиционных ресурсов.

Из материальных факторов важную роль играет корпоративная культура, формирующая соответствующий требованиям цивилизованного рынка менеджмент в корпоративных предприятиях. В Узбекистане основной проблемой является разработка кодексов корпоративного поведения с учетом особенностей деятельности отдельных отраслей, таких как химическая, пищевая, машиностроение, имеющие холдинговую форму управления.

**Ш. РАХМОНОВ, доц.,  
А.НИГМАТОВ, ассистент,  
ТИИИМСХ.**

### ЛИТЕРАТУРА:

1. Статистический сборник. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости. (1990—2010 гг.) и прогноз на 2011 – 2015 гг. Стат.сб.— Т.: Узбекистан, 2011. — 136 с.

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ

*The article aims at questions rules for the account introduction and costs in motor transportation enterprises. Their scientifically-based classification is crucial for the proper organization of costs accounting for motor transport companies. Particularly, cost estimation is needed primarily to evaluate product cost and to estimate benefits derived from all costs. This is an indirect costs directly attributable to a particular type of transport services and other related services. In particular, the cost of car transport services can not be reduced to production volumes, but can only be reduced by increasing the scope of their activities.*

Автомобиль транспорти корхоналарида харажатларни хисобга олишни тўғри ташкил қилиш учун уларнинг илмий жиҳатдан асосланган таснифи катта аҳамиятга эга. Жумладан, маҳсулот таннархини аниқлаш ва барча харажатлардан олинган фойдани баҳолаш учун, биринчи галда, харажатларни гурухлаш талаб этилади. Бу бевосита автомобиль транспорти хизматларининг ташувлар ва бошқа хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муайян турига киритиш мумкин бўлган харажатлардир. Чунончи, автомобиль транспорти хизматларининг айрим харажатлари микдори ишлаб чиқариш хажмига деярли боғлиқ бўлмасдан, уни факат фаолият кўламларини ошириш ўйли билангина камайтириш мумкин, холос.

Тадқиқот иш жараённада иктисадий воқелик жараёнлари ни ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гурухлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, киёсий таҳлил, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Республикамизда автомобиль транспорти корхоналарида хизматлар таннархини ташкил этувчи харажатларга қўйидагилар киради:

мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари (ҳайдовчиларга тўланган иш хақи),

хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ходимларга тўланган иш хақи, ягона ижтимоий тўловга ажратмалар;

ёқилғи (нефть маҳсулотлари, табиий газ);

мойлаш материаллари;

эҳтиёт қисмлар бўйича харажатлар;

харакатдаги таркиб амортизацияси;

харакатдаги таркиби таъмирлаш харажатлари.

«ташкилий харажатлар».

Автомобиль транспорти корхоналаридамоддий харажатлар таркибига кирувчи асосий гурухлар қўйидаги тартибда ажратилади: ёқилғи (нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ); эҳтиёт қисмлар;

мойлаш ва тозалаш учун ишлатиладиган материаллар (литоль, дикстрон, солидоль ва бошқа суюқликлар);

автомобиль шиналари.

Хусусан, тармоқ хусусиятларини хисобга олган ҳолда, автомобиль транспорти корхоналари хизмати таннархи таркибига қўйидаги харажат турларини киритиш мақсадга мувофик:

ҳайдовчиларни тиббий текширувдан ўтказиш харажатлари; ихтиёрий суғурта бўйича бадалларни тўлаш харажатлари; чипталар нархини белгилашда хисобга олинадиган шаҳарлараро ва ҳалқаро йўналишлар бўйича ҳаракатланувчи автобусларнинг йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш (овқатланиш ва меҳмонхона) харажатлари;

халқаро ташувларни амалга ошириш харажатлари (мамлакат ҳудудидан ташкарига чиқиш учун рухсатнома, юкни чегара орқали божхона кўригисиз ташиш хукукини берувчи хужжатларнинг тўловлари, инсонлар соғлигига етказилган зарар ва мулкий йўқотишлар учун учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилдириш бўйича тўловлар, чет элга чиқувчи ҳайдовчиларни мажбурий тиббий суғурта қилдириш бўйича тўловлар, автомашиналарнинг чет давлатлар йўллари орқали ўтиши учун йиғимлар ва ҳоказо);

транспорт ташувлари учун лицензиялар олиш билан боғлиқ харажатлар.


Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг маълумотларига кўра ташиш хизматлари бўйича харажатлар таркиби қўйидагича (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкини, автомобиль

1-жадвал

Ташиш харажатларининг таркиби [5]

| Харажатлар қисмлари  | Юкларни<br>ташишда | Йўловчи<br>ташишда |
|--|--------------------|--------------------|
|  | %                  | %                  |
| 1. Мехнатга ҳақ тўлаш фонди шу жумладан:                       |                    |                    |
| хайдовчиларга тўланган иш хақи                                 | 7,9                | 5,8                |
| хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ходимларга тўланган иш хақи | 12,3               | 12,4               |
| 2. Ягона ижтимоий тўлов  | 5,1                | 4,6                |
| 3. Автомобиль ёқилғиси, шу жумладан                            | 36,7               | 33,7               |
| нефть маҳсулотлари   | 22,9               | 22,2               |
| табиий газ   | 13,8               | 11,5               |
| 4. Мойлаш материаллари   | 0,9                | 0,9                |
| 5. Автомобиль эҳтиёт қисмлари                                  | 16,3               | 19,6               |
| 6. Ҳаракатдаги таркиб амортизацияси                            | 4,5                | 5,1                |
| 7. Ҳаракатдаги таркиби таъмирлаш харажатлари                   | 16,3               | 17,9               |
| <b>ЖАМИ</b>  | <b>100</b>         | <b>100</b>         |



**1-расм. Хизмат кўрсатиш харажатларининг калькуляция моддалари бўйича гурухланиши**

ёқилғиси харажатлари, автомобиль эхтиёт кисмлари, амортизация харажатлари ҳамда автомобиль транспорти корхоналарида таъмирилаш харажатларининг саломги юқори бўлган.

Жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда биз қуйидаги хуласаларга келдик:

хизмат таннахидаги харажатлар турларининг улуши бўйича юк ва йўловчи ташувлари деярли бир хил кўрсаткичларга эга;

йўловчиларни ташиб хизматларининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бундай хизмат харажатларини хисоблашда ташиб жараёнининг ўзига хослиги билан боғлик муайян моддалар ҳам мавжуд (масалан, чиптачилар меҳнатига ҳақ тўлаш);

ташувлар таннархида энг катта улушни автомобиль ёқилғиси, иш ҳақи ҳамда иш ҳақига нисбатан олинадиган ягона ижтимоий тўловга ажратлари ташкил қиласди.

Харажатларни хисобга олишнинг норматив усули ёрдамида таннархни алоҳида бўлинмалар бўйича ҳам, умуман, корхона бўйича ҳам аниқлаш, назорат килиш ва таҳлил этиш мумкин. Самарадорлик даражасига кўра ушбу вариантнинг энг макбуз саналади, лекин хисоб юритишнинг жараёни бўйича ва мезёрий усулига асосланганлиги ҳамда у бўйича хисоб юритишнинг мураккаблиги туфайли уни жорий этиш кийин кечади.

Ишлаб чиқариш харажатларини хисобга олишнинг шунга ухшаш вариантиларидан Фарб мамлакатларининг ҳам кўпиди фойдаланилади. Масалан, АҚШ фирмаларида ишлаб чиқариш харажатларини хисобга олишнинг иккита тизими кўлланилади: харажатларни буюртмалар бўйича хисобга олиш тизими (Job order cost system) ва харажатларни жараёнлар бўйича хисобга олиш тизими (Process cost system) [9]. Фарб мамлакатларида ушбу тизимлар ишлаб чиқариш харажатларининг моддаларига нисбатан назорат ва тахлилий функцияларни ҳам бажаради.

Ўрганишлардан келиб чиқсан ҳолда, автомобиль транспорти корхоналари томонидан транспорт хизмати таннархини хисоблашда ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича кўйидагича гурухлашни тавсия қиласиз (2 -расм)

Юқоридаги харажатларининг йифиндиси, кўрсатилган автомобиль транспорти хизматлари таннархини ташкил этади. Бизнинг фикримизча, автомобиль транспорти корхоналарида

хизмат кўрсатиш харажатларининг калькуляция моддалари бўйича гурухланиши, харажатларни тўғри хисобга олиш имконини бериб, ҳар бир харажатнинг калькуляция моддалари ўртасида тўғри тақсимланишига олиб келади.

#### Хуласа.

Харажатларни пайдо бўлиш жойлари бўйича хисобга олишдан асосий мақсад, уларни бошқариш ва хисобини тўғри ташкил этиш хисобланади. Харажатларни бошқариш эса, бизнинг фикримизча, корхона ресурсларини самарали тежашни билиш ва улардан келадиган манфаатни юқори даражага олиб чиқиш асосида пайдо бўладиган тартиб, талаб, метьёр ва усулларнинг кўлланилишидир.

Бизнинг фикримизча, таъмирилаш харажатларини бухгалтерия хисобида акс эттириш вариантини танлашда қуйидаги тамойилларни хисобга олиш лозим:

ҳақиқий харажатлар бўйича, одатда, мунтазам хусусиятга эга бўлмаган (бир марталик таъмирилаш) ва катта пул маблағлари талаб қилмайдиган таъмирилашлар акс эттирилади. Хисоб юритишнинг мазкур усулини кўллашда асосий воситаларни таъмирилаш харажатлари бухгалтерия хисобида уларнинг юзага келишига қараб акс эттирилади ва улар амалга оширилган хисобот даврида таннархга киритилади.

**М.КАЛОНОВ,**

*Toшкент давлат иқтисодиёт университетининг  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти.*

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳасанов Б.А. *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.* – Тошкент: Молия, 2003 й. – 248 б.
2. Balas E.A., note on the branch-and-bound principle / E. Balas // Oper. Res., 16, N2, 1968 y.
3. Elliot B., Elliot J. *Financial accounting and reporting.* 17 th Edition. – London, 2015 y.
4. Harrison G.Ch. *The system of standard cost accounting* / 1933 y.
5. Kloock J., Sieben G., Schildbach T. *Kosten und Leistungsrechnung.* 8. Auflage. – Duesseldorf, 1999 y.

# ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА МАБЛАГЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сўнгги йилларда давлат бюджети ҳисобидан ижтимоий соҳа, айниқса, соғлиқни сақлаш тизими учун ажратиладиган маблағлар миқдори тобора ошиб бормоқда. Шу сабабли мамлакатимиз бюджети маблағлари ҳисобидан тиббиёт соҳаси харажатларини молиялаштириш учун 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 40 фойз кўп маблағ ажратилган бўлиб, 2019 йилда ушбу маблағ қарийб 30 фойзга оширилиши назарда тутилмоқда ва маблағларни мақсадли ҳамда самарали ишлатилиши аҳоли тиббий ҳолатини яхшилашни таъминлаши билан бирга тизим муассасалари раҳбарлари ва масъул шахслари зиммасидаги масъулиятни оширишга оид муҳим вазифаларни юклайди.

Соғлиқни сақлаш тизимини давлат сиёсати даражасида ислоҳ этиш, молиявий таъминотини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизматларнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида, хусусий секторни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизда кўрсатилаётган тиббий хизматлар учун бир қатор солиқ, божхона имтиёзлари тақдим этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айнан тизим ходимлари кутаётган, меҳнат ҳақи фондини оширишга қаратилган қарор бўлиб, келгусида тизим ходимларининг иш ҳақи миқдорини оширилишини кафолатлади. Қарорга мувофиқ, давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг иш ҳақларини босқичма-босқич оширилиши назарда тутилган бўлиб, соҳа ходимлари маошлари 2019 йил 1 апрелдан 1,15 бараварга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган, давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси ўзгариши эвазига тиббиёт ходимлари иш ҳақлари миқдорининг ошиш даражасини кўйидаги жад-

валда кўриш мумкин (1-жадвал).

Бундан ташқари, ҳалқаро тажрибани ўрганиш асосида 2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида:

- базавий лавозим маошларини жорий этиш;
- тиббиёт ходимлари фаолиятини ва меҳнати унумдорлигини баҳолашнинг замонавий усусларини жорий этиш;
- тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш;

- алоҳида ўрнак кўрсатган врачларга муассасанинг жамғарма маблағлари ҳисобидан тариф ставкасининг 100 фойзигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими белгиланган тариф сеткаси асосида, тегиши разряднинг тариф коэффициентига тузатиш коэффициентини кўпайтириш йўли билан белгиланади. Тузатиш коэффициентини қўллаш учун

**1-жадвал**

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш босқичлари**

| Разряд-лари | Тариф коэффициентлари | Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг лавозим маёши |                          |                          |
|-------------|-----------------------|---|--------------------------|--------------------------|
|             |                       | 01.11.2018 йилдан бошлаб                            | 01.12.2018 йилдан бошлаб | 01.04.2019 йилдан бошлаб |
| 1           | 3,148                 | 638 194   | 765 833                  | 880 707                  |
| 2           | 3,464                 | 702 257   | 842 708                  | 969 113                  |
| 3           | 3,809                 | 772 199   | 926 638                  | 1 065 633                |
| 4           | 4,191                 | 849 641   | 1 019 570                | 1 172 503                |
| 5           | 4,609                 | 934 383   | 1 121 259                | 1 289 446                |
| 6           | 5,070                 | 1 027 841   | 1 233 409                | 1 418 419                |
| 7           | 5,578                 | 1 130 828   | 1 356 994                | 1 560 540                |
| 8           | 6,191                 | 1 255 101   | 1 506 122                | 1 732 037                |
| 9           | 6,872                 | 1 393 161   | 1 671 793                | 1 922 559                |
| 10          | 7,629                 | 1 546 627   | 1 855 953                | 2 134 342                |
| 11          | 8,390                 | 1 700 905   | 2 041 086                | 2 347 245                |

соғлиқни сақлаш муассасалари гуруҳлари бўйича ажратилганда қўйидаги ҳолатни кўриш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш лозим бўлган ҳолатлар**

| Гурӯҳ лар | Тиббиёт муассасалари тузилмалари   | Тузатиш коэффициенти |
|-----------|--|----------------------|
| 1-гуруҳ   | Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология назорати хизмати ва бошқа муассасалар                    | 1,0                  |
| 2-гуруҳ   | Умумий профилли стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар   | 1,03                 |
| 3-гуруҳ   | Ихтисослаштирилган стационар муассасалар   | 1,05                 |
| 4-гуруҳ   | Шошилинч ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари, ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари | 1,15                 |

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги тегиши қарорида тибиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича берилган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, тибиёт муассасасининг ихтисослашганинидан келиб чиқиб, тегиши разряднинг тариф коэффициентига тузатиш коэффициентини қўлламаган ҳолда, аниқ базавий лавозим маошларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Натижада тизим ходимларининг лавозим маошига белгиланадиган кўшимчалар янги базавий лавозим маошлари асосида ҳисобланади ва уларнинг малакасини ошириш рағбатлантирилади ҳамда устама тўловларнинг ошиши ҳисобига ижтимоий ҳимоялаш тacomиллаштирилади.

Тибиёт муассасасида ходимларни рағбатлантиришни молијаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида, бюджетдан 2020 йилдан тибиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳажми босқичма-босқич ошириб борилади. Ушбу механизмнинг жорий этилиши тибиёт муассасаларида ходимларни рағбатлантириш учун зарур маблағларни узлуксизлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Мавжуд молијаштириш тизимиға кўшимча равишда тибиёт соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган испоҳотларга мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилиши назарда тутилган.

Жамғарма маблағлари манбаси қўидаги 4 та йўналишдан шаклланади (Расм):

Жамғарма маблағларини шакллантирувчи асосий манба тибиёт муассасалари фаолияти натижаларидан ажратмалар ҳисобланади ва унинг миқдорлари топилган маблағлар миқдорига қараб табақалаштирилади. Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағларини тибиёт муассасалари фаолияти натижаларидан ажратмалар ҳисобидан шакллантириш қайд этилган йўналишнинг таркиби бўйича белгиланган ставкалар асосида амалга оширилади.

Жамғарма маблағларидан соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда тибиёт муассасалари моддий-техника ба-

**Расм. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси” маблағлари манбалари.**

тибиёт муассасаларининг фаолияти бўйича тушумлардан ажратмалар

жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар

засини мустаҳкамлаш мақсадида қўидаги йўналишларга сарфланиши мумкин:

- мукофот ва моддий ёрдамларга;
- иш ҳақига кўшимча ва устамаларга;
- ходимларни санатория-курорт ва тибий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш учун;
- тизим ходимларини уй-жой билан таъминлаш учун;
- ходимларга уй-жойлар куриш учун;
- ходимларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, амалиёт ўтказишини таъминлаш учун,
- хорижий мамлакатларга ташрифларга;
- конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш учун;
- мамлакат бўйлаб хизмат сафари харажатларини қоплашга;
- тибиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;
- дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини таъминлашга;
- хорижий эксперталар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш харажатларини қоплашга;
- олий тибиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига маҳсус стипендиялар тўлашга;
- кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш каби тадбирларга.

Тибиёт муассасаларини ривожлантириш мақсадида мазкур қарорда жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинган даромадлари солиқларнинг барча турларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлардан 2021 йил 1 ноябргача озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Мазкур имтиёзлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тибий хизмат сифатини ошириш ҳамда аҳолини малакали тибий хизматдан фойдаланиш даражасини таъминлаш учун хизмат қиласди. Шу билан бирга ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш тибиёт муассасалари раҳбарлари ва масъул шахсларидан зарур малака ва кўнікмаларга эга бўлиши зарурлигини талаб қиласди.

Фикримизча, қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш учун:

- соҳа ходимларини корпоратив менежментни такомиллаштириш, иқтисодий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маҳсус курсларда малакасини оширишни ташкил этиш;
- тибиёт муассасаларида маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишни ички молиявий назорат қилиш механизмларини йўлга қўйиш;
- тизим мансабдор шахсларида бюджет маблағларини узлаштириш ва улардан мақсадсиз фойдаланиш бўйича юзага келадиган муаммоларни бартараф этишга оид кўнікмаларни шакллантириш;
- малакали ходимларни аҳолига кўшимча пулли хизматлар кўрсатиш даражаси бўйича рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- илгор хорижий тажрибалар асосида мажбурий тибий сугурта тизимини босқичма-босқич жорий этишнинг йўл харитасини ишлаб чиқиш зарур.

**Р. МУХАММАДИЕВ,  
мустақил тадқиқотчи.**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИНИНГ КАДАСТРЛИ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*The article gives a number of recommendations on improving the methodology for carrying out the assessment of irrigated soils and determining the normative assessment of irrigated lands.*

Ер муносабатларининг ислоҳ килиниши, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тамоилининг қатъий амалга оширилаётганлиги (ер солиги, ягона ер солиги, ижара ҳаки), ер ресурсларини фукаролик-хукукий оборотга жалб килиниши, кредит-гаров тизимининг ривожланаётганлиги, ер ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишга турли бозор меҳанзмларининг жорий этилаётганлиги ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ерлари қийматини баҳолаш услубларини бунданда такомиллаштириш муаммолини янада долзарб киласди.

Бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ер ислоҳоти, унинг натижалари истиқболда қўйидаги масалаларининг ҳал килинишини назарда тутади:

- қишлоқ хўжалиги ерларига нисбатан мулкчиликнинг ислоҳ килинишини ниҳоясига етказиш;
- инновацион технологиялар асосида қишлоқ хўжалигига оид бўлган ер участкаларининг миқдорий ва сифат хисобини олиб бориши тизимини такомиллаштириш ҳамда амалиётга кенг жорий этиш, ерларни кадастрли қийматини аниқлаш ва ер тузиш ишларини даврий равишда амалга ошириб бориши;
- қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- мамлакатнинг мавжуд конунларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ерларини бут сакланишини таъминлаш;

Юқорида қайд килинган йўналишлардан деярли ҳеч бирини қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолаш ишларини ташкил этиш тизимини такомиллаштирасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шундай экан, ушбу йўналишларни муваффақиятли амалга оширишида, бугунги бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиқкан ҳолда ерларни баҳолаш, бугунги аник шароитга тўла мос келувчи баҳолаш услубларини яратиш талаб килинади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолаш, уларни кадастрли қийматини аниқлашни бозор иктисодиёти нуктаи назаридан кўриб чиқар эканмиз, бунда бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулотларини етиштирувчиларига айланган фермер хўжаликлари ерларини баҳолаш муаммосига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир, негаки айнан ушбу хўжаликларда бугунги кунда деярли 99% пахта хомашёси, 90 фойздан ортиқ ғалла, 85-86% сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 71-72% мева ва узум, 46-47 фойзга яқин гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилмоқда. Демак, Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида фермер хўжаликлари асосий товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари, яъни агробизнеснинг асосий шаклларидан бири хисобланади.

Бугунги кунда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш ихтинослашувининг нисбий хилма-хиллиги билан тавсифланади. Бунда пахта-ғаллачиликни нисбатан ривожланиши устувор ишлаб чиқариш йўналишлардан хисобланади, бу ҳолат миллий манфаатларимизга ва республиканинг табиий-иклим шароитларига мос келиши билан ажralиб туради. Бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиқкан ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини иктисодий баҳолаш масалаларини назарий жиҳатдан тадқиқ килиш шундан гувоҳлик берадики, ушбу майдонларда фаолият юритаётган турли ихтиносликлардаги фермер хўжаликлари бўйича ерларни баҳолаш ишларининг бутун мажмуи қўйидагилар билан намоён этилиши мумкин [1, 3]:

- дехқончиликда ҳам, фермер хўжалигининг турли бино ва

иншоотларини жойлаштириш учун ҳам фойдаланиладиган ерларининг кадастр қийматини баҳолаш;

- юкоридаги ерларни ижарага олиш қийматини баҳолаш;

- хусусийлаштириш тартибида курилиш объектлари билан бирга реализация килинган ерларга эгалик килиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хукукларининг қийматини баҳолаш.

Булардан шу нарса кўринадики, “Қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастрли қийматини баҳолаш натижалари дехқончилик учун ҳам курилиш объектларини жойлаштиришда ҳам, ижаравий муносабатларни тартибга солиша ҳам, ва ниҳоят ерларга эгалик килиш ҳамда ер участкасини тасарруф этиш хукукларини тартибга солиша ҳам кўл келиши зарур. Бундай баҳолаш, албатта, қишлоқ хўжалиги ерларини кадастрли қийматини баҳолашдир, негаки, айнан шундай баҳолаш натижалари норматив-хукукий базага мувофиқ ер солигининг миқдорларини ижара ва ер ресурсларидан фойдаланиш қийматларини аниқлаш учун асос бўлади” [2]. Ушбу фикрга тўла қўшилган ҳода эътироф этамизки, айнан шундай баҳолаш натижалари ер солиги (ягона ер солиги) ставкаларини белгилашда, ердан ижара асосида фойдаланишда ижара ҳақларини ўрнатишда, шунингдек, ер участкаларининг бошланғич қийматини хисоблашда бирламчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларини иктисодий баҳолаш тўғрисида сўз кетганда эътироф этамизки, бундай ишлар ўтган асрнинг 70-йилларидан республикамизда ўтказила бошланган. Бундай иктисодий баҳолаш иккى турга бўлинган, яъни хусусий баҳолаш – асосий қишлоқ хўжалик экинлари бўйича (пахта, буғдой, беда ва ҳ.) ва умумий баҳолаш – асосий қишлоқ хўжалик ер турлари (екин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар ва ҳ.к.). Хусусий баҳолаш – ҳосилдорлик, харажатларнинг қопланиши ва табакалangan даромад кўрсаткичлари бўйича аниқланган. Бундай баҳолаш ва унинг юкоридаги кўрсаткичларини аниқлаш орқали ерлардан ва бошқа омиллардан фойдаланиш даражасининг мавжуд ҳолатига аник баҳо беришга ҳаракат килинган, лекин бундай баҳолаш кўрсаткичларининг турли туманлиги ҳамда уларни хисоблаш учун тўпландиган иктисодий маълумотларнинг унчалик аник бўлмаганлиги асосий натижага салбий таъсир кўрсатган. Демак, асосий баҳолаш кўрсаткичлари хато ва камчиликлардан ҳоли бўлмаган. Охир-оқибатда бундай баҳолаш ишларини ўтказиш аник бир ижобий самара бермаганлиги сабабли тўхтатилган. Бугунги кунга келиб дехқончиликда ва курилиш объектларини жойлаштириш учун фойдаланиладиган ерларнинг кадастрли қийматини баҳолаш (норматив баҳолаш) ўта оммавий бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам ерларни хўжалик мақсадларида фойдаланиш шаклларидан қатъий назар, бундай баҳолаш ягона ёндашув ва усулларга асослашиши зарур. Бундан шу нарса намоён бўладики, қишлоқ хўжалиги ерларни кадастрли баҳолаш (норматив баҳолаш) бўйича бугунги кунда мавжуд бўлган услубиятини маълум даражада такомиллаштириш зарур, негаки унда кўлланиладиган йириклиштирилган хисоб-китоб кўрсаткичларининг кўплиги, уларнинг паст даражада асосланганлиги, баъзан эса уларнинг бир-бирларига қарама-карши эканлиги ушбу услубиятини ер муносабатларини тартибга солишинг самарали механизми сифатида фойдаланишга тўсиқ бўлмокда.

Биринчи навбатда тупрок бонитировкасини илмий асосланган тарзда ўтказиш талаб килинади, негаки қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастрли қийматини аниқлаш асосига айнан

тупрокларнинг ўргача бонитет балли қўйилган. Уни ҳисоблашда қўлланиладиган тузатма коэффициентлар бундан ярим аср олдин қабул қилинган [4]. Бизнинг фикримизча, уларга бугунги кундаги мавжуд табиий хусусиятлар асосида кисман аниқликлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Айниқса, сугориладиган ерларнинг шўрланиши, ювилиш даражаси, тошлоқлиги, ер ости сизот сувларининг чуқурлиги каби табиий омиллар тупрокларнинг табиий унумдорлигига катта салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам республиканинг сугориладиган минтақаларида тарқалган тупрокларнинг табиий унумдорлик кўрсаткичи ҳақиқатга уччалик мос келмаяпти. Бундан ташқари, тупрок кузатувлари ва улардан намуналар олиш меъёлрарини ўзgartириш зарур, яъни тупрок намуналарини ҳар 25 гектардан эмас, балки ҳар 5 гектардан олиш зарур, негаки бугунги кунда фаолият юритаётган қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг (фермер ҳўжаликларининг) майдонлари 40-60 гектарни ташкил этади, холос. Албатта, бундай шароитда олдинги меъёллар асосида тупрок кузатувларини ўтказиши фермер ҳўжаликларида тарқалган тупрокларнинг ҳаққоний унумдорлигини аниқлаша имкон бермайди.

Кишлоқ ҳўжалиги ерларини кадастри баҳолаш услубиятига

биноан баҳолаш турли норматив кўрсаткичлар (фойда нормаси, норматив ҳосилдорлик, банк ссудасининг нормаси, норматив соғдаромад ва ҳак) асосида амалга оширилади. Фикримизча баҳолаш жараёнида қўлланиладиган баъзи бир коэффициентларга тузатма киритиш зарур. Масалан, хўжалик юритиши ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг жадаллашганлик даражасига вилоятлар бўйича қабул қилинган тузатма коэффициентларни бирмунча, айтайлик 20-25 фоизга ошириш зарур, негаки кейинги йиллари барча вилоят ва туманларда хўжалик юритиши даражаси анча ошиди, ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш жадаллашди. Демак, ушбу коэффициентни асосли тарзда бирмунча ошириш ернинг қийматини тўғри аниқлаша имкон беради.

Умуман, олиб борилган таҳлилий тадқикотлар натижасидан кўриш мумкинки, сугориладиган тупроклар бонитировкасини ўтказиш бўйича таклиф этилаётган ўзgartиришлар ҳамда ерларнинг норматив қийматини ҳисоблашда қўлланиладиган тузатма коэффициентни ҳақиқатга яқинлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг кадастри қийматини аниқлаш услубиятини бирмунча такомиллаштиришга имкон беради.

**М.СУЛЕЙМАНОВА,  
(ТИҚҲММИ).**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолаши жараёнларини моделлаштириши. - Т.: Алишер Навоийномидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашириёти, 2013.
2. Бабажанов А.Р., Камолова Д. М., Рӯзибоев С.Б. Ер кадастри (Дарслик, 2-қисм). - Т.: ТАҚИ, 2016.
3. Бабажанов А.Р., Нишонов А.М., Назаров Б.Р. Кўчмас мулк давлат кадастри асослари. - Т.: "Давр", 2012.
4. Намозов Х.Қ., Шадраимова К.И., Турдиметов Ш.М. Тупроқ бонитировкаси. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

**УЎТ: 368.63**

## АГРАР СОҲАДА СУҒУРТА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Taking into consideration the risk of innovative activity on agriculture, special significance is gaining the organization of insurance and provision of guarantees the security of agricultural products. The main part of disadvantage at the farm should be compensated by state insurance company "Uzagrosug'urta" and its departments on the places.*

Мустақиллик йиллари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда қишлоқ ҳўжалик тизимида ҳам мулқилич шаклларини ўзgartириш, дехконларда ерга егалик хиссими шакллантириш, тизимга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмасини барпо этиши юзасидан улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Қишлоқ ҳўжалигида инновациян фаолиятни бу таваккалчиликлар билан боғлиқлигини инобатга олиб, қишлоқ ҳўжалиги таҳсилатни молмукларни молмуклини ва этишириштаган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сугурталаш ва турли кўринишдаги табиий оғатлардан кўриш мумкин бўлган заарларини қоплаш кафолатининг бўлиши мухим аҳамиятга эга.

Фермер ва дехқон ҳўжаликларининг фаолияти бошқа турдаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидан бир канча жиҳатлари билан тубдан фарқ қиласди. Аввало, фермер ва дехқон ҳўжаликларининг иш юритиши услуби мавсумийликка асосланади. Айнан мана шу хусусият уларнинг барқарор фаолият кўрсатиш омилларини белгилаб беради. Масаланинг нозик томони шундаки, дехқон экинларининг ҳосилдорлиги об-хавонинг улар учун кулаги келишига чамбарчас боғлик. Бунга алоҳида ургу берилишининг боиси йилнинг ҳамма фаслида, айниқса, баҳор фаслида ҳарорат ва ёғингарчилик, ёз фаслида эса ҳарорат агрономия илмида маълум бўлган меъёрда бўлиши зарур. Масалан, баҳор фаслида ёғингарчиликнинг ҳаддан зиёд

ёғиши экинларнинг захлаб кетишига, аксарият ҳолларда, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларининг қатқалоқ ҳолатига келишига сабаб бўлади. Шунингдек, кишида кор-ёмғирларнинг меъёрида ёғмаслиги сувнинг этишмаслигига ва энг салбий томони курғокчиликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, баҳор фаслида ёмғирнинг меъёридан ортиқча ёғиши натижасида сув тошкени юзага келиши ва у фермер ҳамда дехқон ҳўжаликларининг экинларига, чорвасига катта миқдорда зиён етказиши мумкин. Афсуски, бунга оид статистик маълумотларни юритилмаслиги фикримизни етарли даражада ойдинлаштиришга халақит беради.

Фермер ҳўжаликларининг табиий оғатлар ва бошқа рисклар рўй бериши оқибатида кўрган заарларини сугурта йўли билан қоплашни ташкил этиши ҳамда дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг сугурта хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ кондириш мақсадида мақолада:

фермер ҳўжаликлари манфаатларини сугурталашнинг зарурлигини асослаш ва уларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашда сугуртанинг аҳамиятини кўрсатиш;

фермер ҳўжаликлари тегишли мол-мулқларни ва бошқа асосий воситаларни сугурталашни таҳлил килиш ва улар асосида хуласаларни шакллантириш;

фермер ҳўжаликларининг мулкий манфаатларини сугурталашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш

ва уларни бартараф этишнинг самарали йўлларини кўрсатиш кабиларни келтириш мумкин.

2017 йил 31 декабр ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси сугурта бозорида 26 сугурталовчи, шундан 23 таси умумий сугурта тармоғида ва 3 таси ҳаётни сугурта килиш тармоғида, 3 та сугурта брокери, 4 та актуар ташкилоти, 18 та ассистанс, аджастерлик ва сирореерлик компаниялари фаолият кўрсатиб, сугурталовчилар ўз штатида 4,9 минг ходимга, шунингдек 5,5 мингдан зиёд сугурта агентига эта.

Сугурталовчилар тақдим этган маълумотларга кўра, 2017 йилда сугурталовчилар томонидан 692,6 млрд. сўм сугурта мукофоти йигилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан ўсиш 34,3% ташкил этган. Сугурта тўловлари эса 130,5 млрд. сўмни ташкил килиб, 2016 йилга нисбатан ўсиш 17,4% ни ташкил қилди.

Шундан ихтиёрий сугурта турлари бўйича сугурта мукофотлари ҳажми 485 млрд. сўмни (ўсиш 47%) ва мажбурий сугурта турлари бўйича – 207,6 млрд. сўмни (ўсиш 11%) ташкил этди. Бунда сугурталовчиларнинг 2017 йил 31 декабр ҳолатига амалда бўлган шартномалари бўйича ялпи сугурта мажбуриятлари 298,1 трлн. сўмга (ўсиш 13%) этди.

Сугуртанинг барча турлари бўйича 2017 йилда сугурталовчилар томонидан амалга оширилган сугурта тўловларининг умумий ҳажми 130,5 млрд. сўмни (ўсиш 13%), шу жумладан ихтиёрий сугурта турлари бўйича – 97,4 млрд. сўмни (ўсиш 74%) ва мажбурий сугурта турлари бўйича – 33,1 млрд. сўмни (ўсиш 49%) ташкил этди.

2017 йил якунларига кўра, республикадаги барча сугурталовчилар устав жамгармаларининг ялпи миқдори 43,1% (2016 йил якунларига нисбатан ўсиш – 5%) бўлди. Шу билан бирга, хисобот даврида республика сугурталовчиларининг инвестициялари ҳажми 867,5 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 19% га кўп бўлди.

Халқаро амалиётда фермер хўжаликлар фаолиятларини сугурталашда ишлатиладиган сугурта турлари кўйидаги гурухларга бўлинади:

Кора мол ва уй хайвонлари сугуртаси. Бу туркумга кирувчи сугурта турлари фермер хўжаликлар қарамогидаги наслдор ёки бўрдоки хайвонлар касалланиши ёки нобуд бўлиши натижасида етказилган моддий зарарни коплаш орқали фермерлар фаолиятини қайта тиклашга имкон яратилади.

Хосил сугуртаси. Бу туркумдаги сугурта турлари фермерларнинг табиий оғатлар таъсирида кишлек хўжалик экинларидан кўзланган хосил олинмаганилиги натижасида зарар кўришининг олдини олишга ёрдам беради.

Даромад сугуртаси (кредит қайтмаслиги). Бу сугурта турлари фермер хўжаликларига турли қалтисликлар таъсирида ишлаб чиқариш жараёнинг зарар етказилганда сарфлаган маблағларни сугурта орқали коплаш имконини яратади.

Кишлек хўжалиги транспорт ва техник воситалар сугуртаси. Асосан кишлек хўжалигига фойдаланиладиган машина ҳамда механизмларнинг техник носозлик ва авария натижасида шиистланишига қарши тузилади.

Кишлек хўжалиги ходимларини баҳтсиз ходисалардан сугуртаси. Фермер хўжаликлар ходимларининг ишлаб чиқариш жараёнida ёки дала шароитида учрайдиган зарар етказувчи хайвонлар ва хашаротлар таъсирида соғлиги ва меҳнат қобилиятига зарар етказилишига қарши тузилади.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг мулкий манфа-

атларини сугурталашни ривожлантириш кўйидаги иккита ўйналишда амалга оширилиши лозим:

сугуртанинг янги турларини жорий этиш;  
амалдаги сугурта турларини такомиллаштириш.

Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликларини сугурталашнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш кўйидаги ўйналишларда олиб борилса, максадга мувофиқидир.

Фермер хўжаликларининг мулкий манфаатларини сугурталашни борасида “Ўзагросуѓурта” АЖ сугурта компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни инкор этмаган холда унинг фаолияти самарадорлигини ошириш;

мавжуд тажриба ва ривожланган чет мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган холда фермер хўжаликларини сугурталашда давлат иштирокини кенгайтириш;

фермер хўжаликларига ракобат асосида сугурта хизматлари кўрсатишни йўлга кўйиши максадида ўзаро сугурталаш жамиятлари тизимиши барпо этиш.

Фермер хўжаликлари ўзаро сугурталаш жамиятининг таъсисчилари бўлиши мумкин. Жамият факат унга аъзо бўлган хўжаликларни сугурта химоясига олади. Унинг афзаллик томони ҳақида иқтисодчи олим А.Н.Лебедев шундай ёзди: “ўз олдига фойда олишни мақсад килиб қўймаган ўзаро сугурталаш жамияти қишлоқ хўжалиги учун сугурталашнинг энг самарали шакли хисобланади”.

Бу маълумотлардан келиб чиқиб кўйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Фермер хўжаликлари фаолиятини атрофлича ўрганиш бу ўйналишда ушбу тоифага мансуб хўжалик субъектларининг ривожланишига тўскинилк килаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Ана шундай муаммолар сирасига куйдагиларни киритиш мумкин:

Фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат қилувчи ташкилотлар ўтрасидаги шартнома муносабатлари яхши йўлга қўйилмаган. Буни натижасида эса томонлар ўтрасида дебитор-кредитор қарзлари пайдо бўляпти. Фермерларда хукуқий ва иқтисодий билимлар етишмаяпти. Иккинчидан, фермерчилик харакатини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан яна бири маҳаллий хокимиятлар томонидан уларни фаолиятига асосиз аралашувнинг бугунги кунгача сакланиб колаётганилигидир.

2. Хар йили табиий ходисалар рўй бериши туфайли жаҳон қишлоқ хўжалиги тизимиға катта зиён етказилади. Шу жумладан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳам табиий об-ҳаёнинг нокулай келиши ва сув ресурсларининг тақчиллиги натижасида вужудга келадиган рисклардан бири - курғоқчилик туфайли катта миқдорда зарар кўрган.

3. Фермер хўжаликлари фаолиятида юзага келадиган рискларнинг рўй бериши натижасида кўриладиган молиявий зарарларни қоплашнинг оқилона йўли уларни сугурталашдир.

4. Кишлек хўжалиги корхоналари, унинг ажralmas кисми бўлган фермер хўжаликлари табиий оғатлар ва бошқа стихияли ходисалар натижасида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан кўпроқ зарар кўради. Ўшбу заарларни коплаш бўйича тўлланган сугурта қоплашлари фермер хўжаликларининг молиявий баркарор фаолият кўрсатишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

5. Фермер хўжаликлари хосилининг сугуртаси сугурталовчи учун наф келтиримаса-да, “Ўзагросуѓурта” АЖ сугурта компанияси уларнинг баркарор фаолият кўрсатишини таъминлашда мухим аҳамият қасб этаяпти.

**Ш.ТУХТАМИШЕВ,**  
ассистент, ТошДАУ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагросуѓурта” ДАСКни ташкил этиши тўғрисида”ги Фармони,- “Халқ сўзи”, 1997 йил 26 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириши чора-таобирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами. -Т.: 2002 йил, 11-сон.
3. Елкина Л.С. Страхование сельскохозяйственных рисков. // «Финансовые услуги». 3-4 - 2001 г.
4. “Ўзагросуѓурта” АЖ сугурта компаниясининг 20012-2017 йиллар бўйича ишлар ҳисоботлари.

# СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИ ВА УНИ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАЛАРИ

The objective of this article is to describe tax liabilities and their place in the tax system. Moreover, the features of the practical implementation of the tax liabilities in the Uzbekistan Republic were considered. In conclusion, based on the research results, recommendations got made to improve the classification of tax liabilities.

Солиқларнинг пайдо бўлиши давлатнинг юзага келиши билан изоҳланиси, унинг роли мамлакатдаги товар-пул, пул-кредит муносабатларининг ривожланиши даражаси ҳамда давлат хазинаси ва ундан ажратиладиган маблағларнинг миқдорига ҳам боғлик. Солиқлар хукукий мазмунга уларни жорий этишда умумий иқтисодий ўсиш тамойилларига амал қилинганда мувофиқ келди. Ушбу ҳолатда эса давлат фуқароларга улар кутган нарсалар билан таъминлашга кодир бўлади.

Вақт ўтиши билан давлат томонидан солиқ йигиши жараёни нафақат иқтисодий, балки сиёсий хусусиятга ҳам эга бўлиб борди. Солиқларнинг мақсади биринчи навбатда давлатдаги иқтисодий жараёнларни тартибга солишдан иборат. Бундан ташқари, солиқлар ўзининг қўйидаги жиҳатлари билан иқтисодиётга таъсир кўрсатади:

бириңчидан, давлат томонидан ўз харажатлари учун зарур бўлган маблағлар йиғилади;

иккинчидан, солиқ ставкалари, имтиёзлари ва солиқ солиши турларини мослашувчан тартибга солиш орқали иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожлантирилади.

Солиқ хукукий муносабатларининг иштирокчилари уларнинг субъектлари деб аталади. Солиқ муносабатларининг ушбу элементининг муҳим хусусияти солиқ қонунчилигидир, яъни улар конун нормалари билан белгиланган хукуқ ва мажбуриятларни ифода этувчилар сифатида намоён бўлади. Улар бўйича аниқ тўхтамга келинмаган бўлиб, бир гуруҳ олимлар ва конунчилик субъектларни икки гурухдан иборат деб эътироф этади.

Фикримизча, солиқ хукукий муносабатлари субъектлари уч элементдан иборат. Солиқ хукукий муносабатлар субъектлари солиқ-хукукий муносабатларда иштирок этиши учун куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

муайян солиқ хукуқ ва мажбуриятлар мажмуасига, яъни солиқ хукуки лаёкатига эга бўлиши;

солиқ мумомала лаёкатига, яъни шахс қонуний аҳамиятига молик ҳаракатларни мустақил амалга ошириш макомига эга бўлиши;

солиқка оид хукуқбузарликларни содир этишда шахснинг ўз ҳаракатларига жавобгар бўлиши лаёкатига эга бўлиши;

солиқка тортнилдиган жараёнлар ва ҳаракатларни мустақил амалга ошириши, яъни фуқаролик битимларини шахсан амалга ошириш лаёкатига эга бўлиши.

Солиқ қонунчилигига кўра солиқ хукукий муносабатлар субъектлари солиқ қонунчилигига кўзда тутилган муайян хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган жисмоний, юридик шахсларлар ва давлат солиқ назорати органлари хисобланади. Бир томондан улар солиқ тўловчилар, яъни, жисмоний шахслар, юридик шахслар иккинчи томондан, солиқ назоратини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат органлариидир. Бундай таснифлаш солиқ муносабатлари субъектларини хукукий тартибга солишда хусусий ва давлат тамойилларининг нисбати жиҳатидан тақсимланишини ўз ичига олади. Бу уларнинг манфаатларининг ўзига хослигини тўлиқ акс эттиради ва қарама-қаршилик ва низоларнинг мавжудлигини изоҳлайди.

Юқоридагиларга асосан солиқ муносабатлари давлат ва хусусий шахслар ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий-иктисодий муносабат, деб ҳисоблаймиз. Солиқ муносабатларининг ўзига хос хусусияти — мол-мулк эгасидан маблагни қайтариб олиш учун солиқларни тўлашнинг мажбурийлигига намоён бўлади. Шунинг учун, конун чиқарувчи томонидан ваколатли орган томонидан бевосита ишлатиладиган воситалар (куч) меъёrlари, турлари, тартиблари ва мулкий хусусиятнинг асослари белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда давлат бюджетига (бундан буён матнда бюджет деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлик муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлик муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 51-моддасида фуқаролар конун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурилиги ҳамда давлат ўз молия ва кредит тизимида эга бўлиши белгилаб қўйилган. Давлат молијаси учун ундириладиган солиқлар турлари, солиқ солиши объектлари, уларни ҳисоблаш, тўлаш ва мажбурий ундириш учун ҳокимият муносабатлари, солиқ назорати жараёнда юзага келадиган муносабатлар, солиқ органларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш, солиқ хукубуриклирни учун жавобгарлик асослари Солиқ Кодексида белгилаб берилган.

Солиқ мажбурияти солиқ муносабатларининг муҳим элементи ҳисобланади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳар доим давлатнинг хукуқларини поймол этувчи, биринчи навбатда, унинг иқтисодий манфаатларига зиён етказадиган жиддий муаммо бўлиб келган. Солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортни солиқ-бюджет сиёсати баркарорлигининг бузилиши, жамиятдаги ижтимоий кескинлик ва сиёсий нобарқарорликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Маълумки, солиқ қонунчилиги солиқ тўловчи зиммасига солиқ муносабатлари иштирокчиси сифатида бажариши шарт бўлган бир қатор солиқ мажбуриятларини юклайди. Солиқ мажбуриятини бажармаслик, тўлиқ бажармаслик ўз навбатида маълум бир хукукий оқибатлар келтириб чиқаради. Шу сабабли солиқ мажбуриятлари, мазмуни, турлари ва уни бажармаслик оқибатлари тўғрисида нафақат солиқ тўловчилар, балки солиқ муносабатлари барча иштирокчилари билиши зарурдир.

Солиқ мажбурияти, уни тўғри белгилаш, таснифлаш ва бажариш билан боғлик масалаларни ўрганиш учун аввало, “мажбурият” ва “солиқ мажбурияти” мазмун ва моҳияти, уларнинг турлари тўғрисидаги тушунчалар бўйича тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 234-моддасида мажбурият тушунчасига “Мажбурият — фуқаролик хукукий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (карздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш хукуқига эга

бўлади”, деб таъриф берилган. Демак, фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ, мажбурият предмети мол-мулк, хизмат кўрсатиш, иш бажариш, пул тўлаш каби моддий ва номоддий ашёлар ҳисобланади.

Солиқ мажбурияти ўзининг мазмуни, моҳияти, предмети ва субъектлари жиҳатига кўра бошқа мажбурият турларидан фарқ қиласди. Солиқ мажбуриятлари бўйича тадқиқотлар олиб борган Карасаева, Винницкий, Суханов ва Полищук каби олимлар солиқ мажбуриятлари бўйича “давлатга солиқларни тўлаш билан боғлиқ солиқ тўловчининг мажбуриятлари – солиқ мажбуриятидир” деган таърифни беришади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида солиқ мажбурияти тушунчасига “Солиқ тўловчининг солиқ тўгрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти” деб таъриф берилган. Қонунчиликда солиқ мажбуриятияга берилган ушбу таърифда мажбуриятнинг тарафлари, мажбурият предмети, таркиби ва уни юзага келиш асослари каби масалалар ўз ифодасини топмаган.

Иккинчидан эса, ушбу моддада бошқа қонун хужжатлари деганда қайси қонунлар назарда тутилиши аниқ белгиланмаган. Маълумки, бошқа қонун хужжатлари тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, бундай ҳолат солиқка оид муносабатлар иштирокчиларида солиқ мажбурияти таркиби ва уни бажариша донониклар келтириб чиқаради.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси 2-моддасида солиқ тўгрисидаги қонун хужжатлари тизими “Солиқ Кодекси ва бошқа қонун хужжатларидан иборат”лиги белгилаб кўйилган бўлса-да, “солиқ солиши масалаларига дахлдор норматив-хукукий хужжатлар Солиқ Кодекси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Норматив-хукукий хужжатлар ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, Солиқ Кодекси қоидалари кўлланилиши ҳам назарда тутилади.

Мажбурият, солиқ мажбурияти тушунчалари, уларни тадқиқ этиши натижалари тўгрисидаги қарашлар ва солиқ мажбурияти тушунчаси, унинг турлари билан боғлиқ меъёрларни ўрганиш солиқ қонунчилиги хужжатлари ҳамда тадқиқотчилар қарашларини ўрганиш ушбу тушунча мазмуни бўйича бир тўхтамга келинмаганидан далолат беради. Бу эса солиқ мажбуриятлари тушунчасига тадқиқотлар натижасида ўрганилган таърифлар, меъёрий хужжатлар ва мажбурият тушунчаси мазмунидан келиб чиқиб солиқ мажбурияти тарафлари, таркиби, турлари ва предмети каби элементларни инобатга олинган таъриф бериш зарурлигини белгилайди.

Фикримизча, “Солиқ мажбурияти — солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органида ҳисобда туриши, давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши, белгиланган муддатларда тўлаш ҳамда тасдиқланган шаклдаги ҳисоботларни тақдим этиши билан боғлиқ вазифалари тизимидан иборат”, деган таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ мажбурияти ва уни бажаришнинг энг муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамияти бу — давлатнинг ўз функция ва вазифаларини тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун хизмат қилиши ҳисобланади. Шунинг учун солиқ тўловчилар мажбуриятлари тизими ва уларни бажариш масалаларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда ўрганиш зарурдир.

Солиқ тўловчилар мажбуриятлар тизимини ўрганишда уларни иктисодий мазмуни, солиқ тўловчилар гурухи, юзага келиши, бажариш шартлари ва тартиблари каби ҳолатлари таснифлаб олиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатимиз солиқ қонунчилигида

белгиланган солиқ мажбуриятлари тизимини бажарувчиларга кўра куйидаги иккى гурухга бўлиш мумкин:

солиқ тўловчи сифатида бажариладиган мажбуриятлар;  
солиқ агенти сифатида бажариладиган мажбуриятлар.

Биринчи гурух солиқ мажбуриятлари таркибида солиқ тўловчининг ўз фаолиятини юритиши, хисоб ишларини ташкил этиши, унинг натижалари бўйича солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш билан боғлиқ қуйидаги солиқ мажбуриятлари киритилиши тақлиф этилади:

солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш;

қонун хужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши;

молиявий ва солиқ ҳисботларини тузиш ва белгиланган шакл ҳамда муддатларда тақдим этиши;

давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш хукуқини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши;

солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш чиқариш, тўлаш билан боғлиқ хужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши;

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши;

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қиласлик.

Мазкур солиқ мажбуриятлари барча солиқ тўловчилар учун тааллуқлиди.

Солиқ тўловчининг иккинчи гурух мажбуриятлари таркиби унинг фаолияти натижаси билан боғлиқ бўлмаган, лекин фаолият юритиши даврида фуқаролик-хукукий муносабатлар иштирокчилари билан бўлган хўжалик жараёнидаги бошқа солиқ тўловчиларга даромадлар, солиқлар ҳисоблаш ва уларни тўлашда юзага келадиган қуйидаги солиқ мажбуриятлардан иборат:

солиқ тўловчиларга тўланадиган маблағлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўгри ва ўз вақтида ҳисоблаш чиқариш;

солиқ тўловчилардан ушлаб қолинган солиқлар ва тўловларни бюджететга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ ўтказиб бериш;

хар бир солиқ тўловчи бўйича ҳисобланган, тўланган даромадлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиши;

бюджететга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритиши.

Иккинчи гурух солиқ мажбуриятларини ўзига хос ҳусусияти унинг барча солиқ тўловчиларда мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Шу боис ҳам солиқ агенти сифатидаги ушбу солиқ мажбуриятлари қайси солиқ тўловчидаги юритиши, ўша солиқ тўловчилар уни бажариши шарт ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятини бажариши учун солиқ тўловчидан:

давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда туриши;

солиқ солиши обьектлари ва солиқ солиши билан боғлиқ обьектларни аниқлаши;

солиқ солиши обьектлари ва солиқ солиши билан боғлиқ обьектлар ҳисобини юритиши;

*молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши;  
давлат солиқ хизмати органларига белгиланган муддатларда молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиши;  
солиқлар ва бошқа мажбuriй тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш талаб этилади.*

Солиқ мажбуриятларини бажариш кўлами хар бирни солиқ тўловчи томонидан тўланадиган солиқлар турига қараб кўпайиши ёки камайиши мумкин. Шунинг учун солиқ мажбуриятлари ва уни бажаришни ўрганиш учун хар солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида таснифлаб олиниши зарур.

Солиқ солиқ қонунчилигида белгиланган юқорида қайд этилган мажбуриятлар тури тизимида қонун хужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тузиш ва белгиланган шакл ҳамда муддатларда тақдим этишга оид солиқ мажбуриятлари солиқ назоратини ўтказиш ва уни самарадорлигини оширишни таъминлашда мухим роль ўйнайди.

Молиявий ва солиқ ҳисоботлар реквизитлари ҳамда улардаги ахборотларга кўйиладиган талаблар бир-биридан фарқ қиласди. Молиявий ҳисобот солиқ тўловчининг ҳисобот давридаги хўжалик фаолияти натижалари ва мулкий ҳолатини ифодаловчи умумий ахборотларни ўзида мужассам қиласиган ҳисобот ҳисобланади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузиладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган хужжат ҳисобланади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчидаги ҳисобот давридаги солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ обьектлар, улар таркиби, имтиёзлар ҳамда ҳисобланган солиқ миқдорлари каби ахборотларни ўзида мужассам қиласди. Солиқ тўловчидан солиқ ҳисоботларини ҳар бир солиқ тури бўйича қонунда белгиланган шакл ва муддатлarda давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши талаб этилади. Ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ ҳисоботларининг шакли ва уни тузиш ҳамда топширишга оид хужжатлар ваколатли органлар томонидан тасдиқланади.

Солиқ ҳисоботи хусусий характерга эга бўлиб, унинг реквизитлари ва ахборотлари ҳар бир солиқ тури, солиқ обьекти, базасига қараб шакллантирилади. Шунингдек, солиқ ҳисоботи асосий ҳисоб-китоб билан бирга бир неча илова шаклларидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Масалан, юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги бўйича давлат солиқ хизмати органларига топшириладиган солиқ ҳисоботи:

юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотнома;

юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги тўловчиси тўғрисида маълумотлар;

юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги ҳисоб-китоби ва уларга илова қилиниадиган 16 та шаклдан иборат.

Юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги бўйича ҳисобот даври йилнинг чораги ҳисобланади. Лекин солиқ тўловчининг мазкур солиқ тури бўйича солиқ ҳисоботларини тузиш ва давлат солиқ хизмати органига топшириш билан боғлиқ солиқ мажбурияти кўлами ҳисобот даврида олиниши тахмин қилинаётган солиқ солиниадиган фойдаси миқдорига боғлиқ. Солиқ тўловчининг ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солиниадиган фойдаси энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорни ташкил этса, улар мазкур солиқ тури бўйича бюджетга жорий тўловларни тўлайди. Бу эса, солиқ тўловчиларнинг юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги бўйича давлат солиқ хизмати органларига топширадиган солиқ ҳисоботлари сонини кўпайишига олиб келади. Ҳисобот даврида энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорда солиқ солиниадиган фойда олишни режалаштирган солиқ тўловчи эса, бюджетга ҳисобланган жорий тўловлари тўғрисида маълумотномани топшириш мажбуриятидан озод ҳисобланади.

Солиқ тўловчиларнинг бюджеттага тўланиши зарур бўлган жорий тўловлари, солиқлари миқдорини тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаб беришга оид солиқ мажбуриятининг бажарилиши давлат мажбуриятининг бажарилиши билан боғлиқ ҳисобланади. Чунки ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисобланган солиқлар ва жорий тўловлар бюджеттада режалаштирилган харажатларни белгиланган муддатларда молиялаштиришнинг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун солиқ қонунчилигида солиқ тўловчиларда бюджеттага тўловлар бўйича масъулият ҳиссini тарбиялаш ва юридик шахслардан олиниадиган фойда солигининг бюджеттага ҳисобланган жорий тўлов миқдорини тўғри ҳисоблаш ҳамда тўлашни таъминлашга оид солиқ мажбуриятини лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун молиявий жазо чорасини назарда тутади.

Солиқ қонунчилиги талабига кўра солиқ тўловчи томонидан жорий тўлов миқдори чорак якуни бўйича юридик шахслардан олиниадиган фойда солиги суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ миқдорга камайтирилган бўлса, давлат солиқ хизмати органлари томонидан фойда солигининг ҳақиқий суммасидан жорий тўловлар миқдори кайта ҳисобланаб, жорий тўлов фаркига пея ҳисобланади. Демак, солиқ мажбуриятларини бажармаслик ёки уларни талаб даражасида бажармаслик солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Шу сабабли уларни юқорида таклиф этилганидек, таснифлаш олиш ва тадқиқ этиши солиқ мажбуриятлари кўламини аниклаб олиш, унинг ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш ҳамда солиқ тўловчининг мажбуриятларини тўлиқ миқдорда бажармаслик натижасида молиявий зарар кўришдан асрайди.

**Б.ИБРАГИМОВ,**  
мустақил тадқиқотчи.

## АДАБИЁТЛАР

1. <http://www.Lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси.
2. <http://www.Lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
3. Б.Истроилов, Б.Ибрагимов. Солиқ мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотлар тақдим этишини тартибга солишнинг долзарб масалалари, ЎзРБМА РИАК тўплами, 2014 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўймитасининг 2013 йил 4 мартағи 23, 2013-8-сон "Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаша тўғрисида"ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуҗжасатлари тўплами, 2013 й., 12 (I)-сон, 162-модда.

## ТУРИСТИК КОРХОНАДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБОТИНИИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЯҚИНЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

The article considers issues on improving financial reporting in tourist companies on the basis of international standards, as well as as a result of conducted exploratory and deductive analysis to simplify the procedure for the correct calculation of the financial result in tourism companies, conclusions are drawn on the studies

Туризм компанияларида эътиборбаланснинг янги тартибада ги тузилиши асосан тўлов лаёқати ва ликвид бўлган активларга қаратилади. Масалан, ликвидли кўрсаткичларни (энг ликвид активлар: A1=>P1, тез пулга айланадиган активлар: A2=>P2, сенкин пулга айланадиган активлар: A3=>P3 ва қийин пулга айланадиган активлар: A4=<P4) ҳисоблашда кулайликларни яратади.

Мазкур ҳисобот шакли асосида туризм компанияларида активларнинг рентабеллик коэффицентини аниқлашда иктисодий адабиётлар ва бошқа меъёрий хужжатлардан келтирилган кўрсаткич солиқ тўлагунга қадар фойда кўрсаткичидан эмас, балки соғ фойдага нисбатан ҳисобланишини тавсия қиласиз:

$$Ra = Np / Ac \quad (1)$$

Бу ерда: Np – ҳисобот даврининг соғ фойдаси, Ac – активларнинг ўртача йиллик қиммати.

Олиб борилган илмий тадқиқотларнинг обьекти "Comfort travel" МСНJ мисолида кўриб чиқилганда бу қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Ҳисобот даври бошига: (15560/45392) \*100 = 34,2

Ҳисобот даври охирига: (45593/117553) \*100 = 38,7

Бу эса туризм компанияларида молиявий натижаларн шакллантириш тартибиغا ҳам тўлиқ мувоғиқ келади. Чунки мазкур соҳадаги компаниялар учун солиқ тўлагунга қадар фойда кўрсаткичини аниқлаш ёки уни ҳисоблаш ҳеч қандай мазмунга эга эмас. Барча рентабеллик кўрсаткичларида соғ фойдага нисбатан олиш компанияларни реал баҳолаш имкониятини яратади.

Шунингдек, туризм компанияларининг иш активларини характерловчи кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинадиган активлар айланувчанлиги кўрсаткичини тушумга нисбатан эмас балки, жами

даромадларига нисбатан ҳисоблаш тавсия этилади:

$$Ok = Ti / Ac \quad (2)$$

Бу ерда: Ti - ҳисобот даврининг жами даромади, Ac - активларнинг ўртача йиллик қиммати.

Натижада кўрсаткичга кўйилган талаб (меъёр чегараси) амалда 0,25 дан 0,60 гачани ташкил қиласада, биз томонимиздан таклиф этилаётган тартибда бу 0,75 дан 1,80 гача, яъни кўрсаткични деярли уч баробар оширишга олиб келади. Бу эса компанияларнинг кредитга қодирлигини баҳолашда ижобий самара бериши мумкин.

Фикримизча, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилиши мумкин бўлган ушбу минимум моддаларнинг кенгайтирилган таркиби (фаолият соҳасидан келиб чиқиб) туризм компанияларнинг ҳисобот иили бошида ишлаб чиқилган "Ҳисоб сиёсати" да мустақил равишда белгилаб олинишини талаб этилади.

Ушбу ҳисобот моддаларни баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- активларнинг хусусияти ва ликвидлилиги;
- компания доирасида активларнинг вазифаси;
- мажбуриятларнинг суммаси, хусусияти ва қоплаш муддати.

Олиб борилган эксплоратив ва дедуктив тадқиқотлар натижасида туризм компанияларнинг молиявий натижаларини ҳисоблаш тартибини янада соддалаштириш мақсадида қуйидаги таклиф берилмоқда:

Шунингдек, туризм компаниялари томонидан маълумотларнинг ошкоралиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ушбу таклиф этилаётган умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот бўлимларида қуйидагилар (даромад ва харажат моддалари бўйича) алоҳида очиб берилиши зарур бўлади:

- балансда турган товар-моддий захираларнинг бозор қимматини (соғ сотиш);

- асосий воситаларнинг баланс қимматини уларнинг қопланадиган қимматигача камайтиришни;

- туризм компаниялари фаолиятини қайта ташкил этиш (реструктуризация) харажатлари бўйича резервларни;

- асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши;

- инвестицияларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва бошқ.

Туризм компанияларининг молиявий натижаларини аниқлаштирилган қаратилган соддалаштирилган ҳисобот шакли унинг таҳлилига ҳам кулайликларни яратади ва компанияларнинг молиявий ҳолати, фаолият натижавийлиги ва уларнинг келгусидаги фаолиятини башоратлаш имконига эга бўлинади.

### Туризм компаниялари учун таклиф этилаётган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг кенгайтирилган шакли

I-жадвал

| Кўрсаткичлар                            | № стр. | Йил бошига | Йил охирига |
|---|--------|------------|-------------|
| 1                                       | 2      | 3          | 4           |
| <b>АКТИВ</b>                            |        |            |             |
| <b>I. Узок муддатли активлар</b>        |        |            |             |
| Жами I бўлим бўйича                     | 230    | 7419       | 181564      |
| <b>II. Қисқа муддатли активлар</b>      |        |            |             |
| Жами II бўлим бўйича                    | 320    | 24973      | 21350       |
| Жами актив баланс бўйича (стр. 240+340) | 330    | 32392      | 202914      |

| Кўрсаткичлар                             | № стр. | Йил бошига | Йил охирига |
|--|--------|------------|-------------|
| 1  | 2      | 3          | 4           |
| <b>ПАССИВ</b>                            |        |            |             |
| <b>I. Мажбуриятлар</b>                   |        |            |             |
| Жами I бўлим бўйича                      | 550    | 1628       | 148912      |
| <b>II Хусусий капитал</b>                |        |            |             |
| Жами II бўлим бўйича                     | 620    | 30764      | 54002       |
| Жами пассив баланс бўйича (стр. 550+620) | 630    | 32392      | 202914      |

Манба: "Grand Comfort travel" МСНJ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (2016).

**Туризм компанияларида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

| <b>Амалдаги ҳолат</b>  | <b>Таклиф этилаёган</b>                                      |
|--|--|
| Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-сонли шакл                              | Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)        |
| <b>Таркибий тузилиши бўйича:</b>   |  |
| <b>1-боскич:</b><br>Махсулотларни сотишнинг ялпи натижаси (фойда/зарар) (030-сатр) | <b>1-боскич:</b><br>Жами даромадлар (турлари бўйича)         |
| <b>2-боскич:</b><br>Асосий фаолият натижаси (фойда/зарар) (100-сатр)               | <b>2-боскич:</b><br>Жами харажатлар (зарар) (турлари бўйича) |
| <b>3-боскич:</b><br>Умумхўжалик фаолият натижаси (фойда/зарар) (220-сатр)          | <b>3-боскич:</b><br>Соф фойда (зарар)                        |
| <b>4-боскич:</b><br>Солик тўлашдан олдинги натижа (фойда/зарар) (240-сатр)         |  |
| <b>5-боскич:</b><br>Соф фойда (зарар) (270-сатр)                                   |  |

**Манба:** “Grand Comfort travel” МСННинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (2016).

**Туризм компанияларининг умумлаштирилган даромадлари**

| <b>Туризм компанияларининг умумлаштирилган даромадлари</b>   | <b>Молиявий натижа элементлари</b>                                  | <b>Харажатлар</b>  |
|--|---|--|
| <b>Асосий фаолиятдан</b>   | <b>Молиявий фаолиятдан</b>  | <b>Фавқулодда ҳолатлардан</b>  |
| Хизматларни кўрсатишдан ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан                                    | Хизматлар кўрсатишнинг асосий фаолиятга боғлик бўлмаган ҳолатлардан | Кўзда тутилмаган ва режалаштирилмаган кутилмаган жараёнлардан  |
| <b>Даромадлар</b>  |   | <b>Харажатлар</b>  |
| Даромад-ҳисобот даврида туризм компанияларида активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишидир |   | Харажат-ҳисобот даврида туризм компанияларида активларнинг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайишидир |

\*Муаллиф ишланмаси

Хулоса қилиб айтганда, туризм компанияларида молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талаблари асосида такомиллаштириб бориш, келгусида республикамиз иқтисодиёти соҳалари, жумладан, туризм фаолияти билан шуғулланувчи фирма ва компанияларнинг жаҳондаги етакчи давлатларнинг шу каби компаниялар билан интеграциялашув жараёнини янада ривожланишига олиб келади.

Молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизими бўлиб улар туризм компанияларида даромад ва харажатларни таққослаш асосида аниқланади. Молиявий натижани компания фаолиятини амалга ошириш натижасида юзага келадиган даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлар сифатида талқин қилиш, уни ҳисобга олишда ва таҳлил қилишда маълум бир кетма-кетликка асослашиши кераклигини кўрсатади. Ушбу кетма-кетлик молиявий натижаларни аниқлашда қайси мақсадлардан ва ким томонидан бел-

гиланган тартиб-коидалардан келиб чиқкан ҳолда ҳисоб-китоб қилинаётганига боғлиқ бўлади.

Туризм компанияларининг молиявий натижасини аниқлашнинг анъанавий шакли қуидаги формула бўйича аниқланади [3]:

Фойда (зарар) = даромад – харажат

Бизнинг фикримизча ушбу формула бўйича якуний молиявий натижани ҳисоб-китоб қилиш компания бошқарувчилари, таъсисчилари, молиявий бошқарув, таҳлил билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар учун етарлича бўлган маълумотларни бермайди.

Умуман олганда, туризм соҳасида фаолият юритаётган компаниялар ягона солик тўловчи юридик шахслар жумласига киради. Шунинг учун мазкур компанияларда тузилаётган молиявий ҳисоботларнинг шаклларини амалдаги қонунчиликка асосан мустақил тарзида (Ҳисоб сиёсатига боғлиқ ҳолда) ишлаб чиқиши ва таҳдим этилиши мақсадга мувофиқдир [4].

**М.ТЕМИРХАНОВА,**  
ТошДИУ доценти

**АДАВИЁТЛАР**

1. IAS 1 "Presentation of Financial Accounting" - the basis for drawing up general financial statements is regulated. The document was approved by Order No. 217n dated December 28, 1515 and contains information in the field of standards on the structure of financial statements, its minimum content for public sector enterprises as well as private. In particular, the rules for filling out the reports are defined: the financial status of the firm; its profits / losses and various general revenues; on changes in capital; DDS (on the flow of funds).

2. 15-сонли БХМС «Бухгалтерия баланси» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 20 марта 1226-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 12 марта даги 45-сонли бўйргуги билан тасдиқланган.

3. 1-сонли БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» AB 05.10.2012 й. 474-1-сон билан рўйхатга олинган МВ бўйргугига мувофиқ ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 26.07.1998 й. N 17-17/86

4. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БХМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 авгуустда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2501га

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

# СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

## ёки кечиккан ҳақиқат

1939 йилнинг февраль ойида Республика ҳукумати топшириги билан олимларнинг катта гуруҳи ўта муҳим вазифани бажаришга – қақраган даштда сурориши канали куришга киришадилар. Бутун баҳор мавсумида Сайфуллонинг хонасидаги иш столидаги ранг-баранг белгилар, чизиклар ва байроқчалар қадалган Ўзбекистон харитаси очиқ турди. Ирригатор-муҳандислар ўз фояларини техник кенгаш муҳокамасига қўйишдан олдин кўп кунлар ва тунлар режани чуқур мулоҳаза қилишади. Катта Фарғона канали техник кенгаш ишини бошқариш ёш муҳандис Сайфулло Азизовга топширилди. Унинг лойиҳаси бўйича қирқ беш кунда канал қурилиши тугалланиши керак эди. Бу қатъий фояни турли даражадаги мутахассислар ҳисоблаб чиқиши, бироқ бу режжанинг амалга ошишига ишонганлар озчилик эди. Ишонганлардан бири Усмон Юсупов бўлиб, ёш олимни кўллаб-кувватлади. У мирабнинг ўғли бўлгани учун дехқонга сув қанчалик зарурлигини бошқалардан яхшироқ англар эди.

170 минг колхозчи-кетмончилар қирқ беш кун давомида эрта тонгдан қоронгу кечгача 345 километр узунликдаги бўлажак каналнинг ўзанини қазишиди. Ўн минг нафар кўнгилли аёллар (ариза берган қирқ минг аёллар ичидан саралаб олинган) замбилда тупроқ ташиб эркакларга ёрдам беришди. Қурилиш техникалари тинимсиз ишлади. Қурувчиларга ёрдам бериш учун Ўзбекистоннинг ҳамма жойидан муҳандис-ирригаторлар ва тиббиёт ходимлари келишиди. Зудлик билан наридан-бери тайёрланган саҳнада санъаткорлар спектакл ва концерт намойишлари кўрсатишиди, ёзувчи ва журналистлар нутқ сўзлади. Рассомлар улкан “аср қурилиши” қатнашчиларини ўз асарларида акс эттиришиди. Барча кинотеатрларда ҳар бир сеансдан олдин “Кун янгилклари” ва “Совет Ўзбекистони” кино журналлари канал қурилишидан олинган лавҳаларни шарҳлаб борди. Бу тарихий фильмлардаги кўплаб лавҳаларни Эдуард Тиссэ ва Малик Қаюмов суратга олган эди. Ҳалқнинг қаҳрамонларча қилган меҳнати туфайли янги суғориш канали Сирдарё ва Норин дарёларини бирлаштириб, 75000 гектар ерни суғориш имконини яратди.

Канал қурилиши якунига бағишлиланган тантанали йигилишда ушбу фавқулодда жасоратли лойиҳанинг техник раҳбарига сўз берилади. Саҳна минбарига баланд бўйли ёш йигит – Сайфулло Азизов кўтарилади. Унинг нутқини мажлис қатнашчилари катта қизиқиш билан тинглашиди. Бу нутқ бутун куч ва билимини, ҳаётини ўз орзусини амалга оширган кишининг ҳикоясига ўхшар эди. Йигилишда шаҳар ёшлар кўмитасидан қатнашган делегатлар орасида ёш қиз Холида Саматова ҳам бўлиб, Сайфулло Азизовнинг нутқи уни бутунлай мафтун қилиб қўйди...

Сайфулло 1907 йилда Қўқонда ишчи оиласида туғилди. Болалигидан кўп меҳнат қилишга ўрганди, отасига ёрдам қилар экан, унга ўхшаб астойдил ишлашга ҳаракат қилар эди. У ўн бир ёшга тўлганида оиласи бахтсизликка уч-

ради. Отаси ярим тунда пахта заводидан уйига келаётганида Қўгай темириўл станциясида кутилмагандага қоронгулиқда иккита нотаниш киши унинг юрагига пичоқ санчишиди. Оғир яраланган Шариф акани йўл назоратчиси топиб олади, бироқ кеч бўлган эди...

Аёли учта боласи билан бева қолади, уларнинг каттаси Сайфулло бўлиб, онасига ёрдам бериш учун нима иш бўлса қилди: мардикор бўлиб ишлади, газета ва хатларни одамларнинг уйига тарқатди, босма-хонада ҳарф терувчи бўлиб ишлади. Бироқ арзимас иш ҳақи билан оиланинг моддий аҳволини яхшилаб бўлмади.

Сайфулло қандай бўлмасин бирор касбни эгаллаш максадида Тошкентта бориб ўқишига қарор қилди. У 1928 йилда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, Ўрта Осиё университетининг муҳандис-мелиорация факультетига ўқишига қабул қилинди.

Билимга чанқоқлик, ёшлиқ, кўп иш қилишга улгuriш иштиёқи ўз самарасини берди.

Беш йилдан сўнг Сайфулло университетни аъло баҳолар билан тутатиб, гидротехник иншоотлар муҳандиси дипломини олди. У ўқишини тамомлаши билан 1933 йилда гидроиншоотлар қурилишининг энг қийин тармоғида иш бошлади. Даствлаб, Қўйлиқ коллекторлари иш бошқарувчиси бўлиб ишлади. Негаки, бу иншоот унинг режаси бўйича ва бевосита унинг раҳбарлигига қурилган эди. Бу иншоот ўзиға хос тузилиш тизимиға эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам суғориш, ҳам заҳни қочириш вазифаларини бажарар эди. Иш жуда қийин шароитда олиб борилди, ботқоқлик жойлар майдони йигирма беш минг квадрат километрдан ошиқни ташкил этарди. Сайфулло Азизов кейинги йилларда ишлаб чиқаришни лойиҳалаш Марказида бўлимга раҳбарлик қилди. Унинг бошчилигида Буржар ГЭС, Исфара ва Сўх сув тизими, Логан канали қурилди, Хоразм ва Бухоро воҳалари ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш схема-

си тузилди ва ниҳоят Катта Фарғона каналининг қурилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Сайфулло Азизов ўттис уч ёшидаёт “аср қурилиши”га қўшган улкан хизмати учун ҳукуматнинг юксак мукофоти – Ленин орде-



ни билан тақдирланди. Ўзбекистон Олий Советининг 1940 йил 9 январдаги қарори билан у республика сув хўжалиги Халқ комиссари (вазири) этиб тайинланди. Ишда эришган ютуклари ва Холида билан учрашуви туфайли Сайфулло ўзини энг бахти инсон, деб ҳисоблар эди...

Бироқ, уруш мамлакатдаги тинч ҳаётни бузди. Сайфулло Азизов ҳам 1942 йилнинг декабрь ойида фронтга чақирилди.

1943 йилда Сайфулло Азизов ҳалок бўлиши мумкин эди, тақдир тақозоси билан омон қолади. Танасини тўртта ўқ тешиб ўтади, охирги ўқ юрагига бир неча миллиметр қолганда гимнастёркасининг кўкрак чўнтағидаги хужжатта ҳамда хотини ва болаларининг расмига қадалиб қолади. Оғир яраланган Сайфулло Азизов кўплаб марта ўтказилган жарроҳликдан сўнг ноябрь ойида уйига қайтади. Кейинги йилларда ҳам оғир контузия асорати азоб беради. Бироқ, бир неча ой госпиталда даволаниб чиққач, у яна фаол ишга қайтади. Тезда у Сурхондарё вилояти ҳарбий комиссариатига ҳарбий бўлим бошлиғи қилиб жўнатилади, у ерда оиласидан олисда уч йил ишлайди.

Урушдан кейинги йилларда мамлакатда олий малакали мутахассислар етишмас эди. Республика хўжалигини тезда тиклаш учун институтлар белгиланган меъёрдан иккни баробар кўп талабаларни қабул қилди, янги факультетлар очилди. Бу жараён, хусусан, ирригация институтига ҳам даҳлдор бўлди. Сайфулло Азизов 1946 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига (ТИҚҲММИ) ректор этиб тайинланди. Уруш йилларида бу институтнинг ўқув ва лаборатория биноларига уруш бўлаётган жойлардан кўчириб келтирилган ташкилотлар жойлаштирилди, натижада жиҳоз ва ускуналар яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бундай шароитда ўқиши ва ишлашнинг иложи йўқ эди. Сайфулло Азизов СССР олий таълим вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан ТИҚҲММИ биносини кенгайтириш, янги қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиш учун, талабалар учун яшаш жойлари қурилишига маблағ ажратишни сўраб тинимсиз уринди. Албатта асосий эътиборни ўқув жараёнларини қайта ташкил қилишга қаратди.

Сайфулло Азизов ҳаётда ҳам меҳрибон ва ўта эътиборли инсон эди. Қизлари Юлдуз ва Дилбар мусиқа мактабида ўқишиди. Уларнинг уйига турли касбдаги кишилар – таниқли маданият арбоблари Наби Раҳимов, Назира Аҳмедова, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова ва Комил Яшин, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Шоҳиста ва Карим Зокировлар, Мукарамма Турғунбоева, олимлар Ҳадиҷа Сулаймонова, Муҳаммад Ўразбоев ва Воҳид Зоҳидовлар тез-тез ўтилишиб туришар эди.

Сайфулло кўп вақтини хизмат сафарларида ўтказар, қурилишларга кетма-кет бориб келар, у ерларда ибтидоий шароитда яшашга тўғри келарди. Бош оғриғи тез-тез безовта қилар, у дастлаб оғриқ кўп ишлаш ва чарчаш оқибати бўлса керак, деб унчалик аҳамият бермади. Оғриқ бир муддат тўхтайди. Сайфулло касалликни уннутиб, яна ишга берилиб кетади. Ҳукумат Сайфулло Азизовнинг тажрибаси ва ташкилотчилик қобилиятини эътиборга олиб 1949 йилнинг охирида унга қисқа муддатда Боёвут канали қурилишини тугаллашни топширади. Бу лойиха Боёвут туманидаги хўжаликлар



ерларини автоматлаштирилган сугориш тизимига ўтказишга ва Мирзачўлда яна йигрма тўрт минг гектар ерни сугориш учун сув чиқариш имконини берарди. Сайфулло ҳар доим жонбозлик билан ишга киришади. Худди биринчи курс талабаси каби чизма ва ҳисоб-китоблар устида бир неча тунлар ўтириди ва бир ойда лойиха тайёр бўлди. Ҳукумат комиссияси унинг лойиҳасини тасдиқлаб, курилиш бошлашга рухсат бергач, Сайфулло бутунлай ишга берилиб кетди. курилишнинг фақат битта қисми қолганда унинг бошида янада қаттиқ оғриқ бошланади. Тиббий комиссия Сайфуллони дарҳол текширувдан ўтишга буюради.

1950 йилнинг 25 ноябрь куни эрта тоңгда Юлдуз ва Дилбар шовқин ва аёл кишининг қаттиқ йигисидан ўйғониб кетишиди. Қизчалар нафас чиқармай таниш овозга қулоқ солишиди. Онаси қора кўйлакда болалар хонасига кирди. Унинг овози қалтирас, кўзлари йигидан шишиб кетган эди. Холида қизчаларини бағрига босиб: “Азиз қизларим, отангиз энди йўқ... Энди мен сизлар учун ҳам она, ҳам отаман. Сизларни ҳеч қачон, ҳеч нарсага муҳтоҷ қилиб қўймайман. Мен бунга ваъда бераман!”

Сайфулло Азизовнинг беваси ўшанда эндинга ўттиз уч ёшга тўлган эди. Холида опа болаларига муносиб ҳаётни таъминлаш учун нима бўлса барини қилди.

Юлдуз Азизова Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тамомлаб, тарихчи-арабшунос бўлди. У ҳозирда Шарқшунослик институтида дипломатия ва ҳалқаро муносабатлар тарихидан дарс беради, тарих фанлари номзоди. Дилбар Азизова эса инглиз филологияси бўйича мутахассис, таржимон. У кейинги йилларда Ўзбекистоннинг архитектура, археология ва санъати тарихини инглиз тилига таржима қилди.

...Холида Саматова илмий фаолияти давомида кўп ишларни амалга ошириди: унинг муаллифлигига дарслеклар, монографиялар, илмий мақолалар нашр қилинди. У иқтидорли хуқуқшуносларнинг бутун бир авлодини тарбиялади. Уэрига ҳақиқий таянч, илҳомлантирувчи бўлди. Уларнинг турмуши бор-йўғи ўн йил давом этди. Холида опа эридан сўнг қирқ уч йил яшади ва 1993 йилда вафот этди. Уларнинг ҳаёти, қилган ишлари келажакда ҳам кишиларга ибрат бўлиб, маънавий руҳ бағишлайди. Сайфулло Азизов амалга оширган улкан ишлар тўғрисида буғунгача кўпчилик негадир бехабар эди. Аммо, савобли иш қилганларни ҳалқ эсидан чиқармайди, доимо ёдида сақлайди.

**Қ.ШАВАЗОВ,  
ТИҚҲММИ проректори,  
Ш.ЭРНАЗАРОВ,  
Гуманитар фанлар кафедраси ассистенти.  
АДАБИЁТЛАР**

1. Сайфулла Азизовнинг қизи Юлдуз Азизова томонидан берилган материаллар.

2. Архив маълумотлари.

# ТАРИХЧИЛАР УСТОЗИ

Мамлакатимиз тарих фани ривожида тарих фанлари доктори, профессор Равшан Сангировнинг ҳам алоҳида ўрни бор. У узок йиллардан бўён Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Равшан Сангирович 1938 йилнинг 10 августида Самарқанд вилояти Бахмал туманида таваллуд топди. Ўкувчилик йилларида ёк илм-фанни пухта эгаллаб, келажакда етук инсон бўлиб етишишни орзу қилган ўсмир 1960 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (хозирги ТДПУ) нинг тарих-филология факультетига ўқишга кирди. Институтни 1965 йилда аъло баҳолар билан тугатиб, катта ҳаёта қадам ташлади.

1970 йилда тарих фанлари номзоди, 1987 йилда эса тарих фанлари доктори илмий дарражасини олиш учун диссертацияларни муваффақиятли ҳимоя қилган Р.Сангиров 1970 йилдан пойтахтимиздаги турли олий ўкув юртларида фаолият кўрсатди. У қаерда ишламасин педагогик маҳоратини, ўкув-услубий ишлар соҳасидаги касбий тажрибасини тўла нағоён этиб, талабаларнинг севимли устози, мураббийсига айланди.

Маълумки, олимнинг чинакам олимлиги, энг аввало, унинг ёзган илмий асарлари билан, колаверса, тарбиялаган истеъодди шогирдлари билан белгиланади. Тарих фанлари доктори, профессор Р.Сангировнинг турли мавзуларга, тарих фанининг муаммоларига багишланган кўплаб йирик монографик асарлари, рисолалари, шунингдек, Ўзбекистон тарихига оид ўкув дасрликлари, кўлланмалари нашр этилиб, кенг китобхонлар оммаси эътирофига сазовор бўлган.

Айниқса, мустақиллик даври олимнинг серкирра ижодида алоҳида ўрин тутади. У жонкуяр тарихчи сифатида янгича тамойиллар ва илмий ёндашувлар асосида она тарихимиз солномаси саҳифаларини чукурроқ, теранрок ёритадиган жиддий тадқикотлар яратди. Бунга олимнинг “Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида”, “Истиқлол одимлари”, “Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида”, “Асрларга тенг йиллар”, “Мустақиллик Ўзбекистонга нима берди?”, “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви” асарларини мисол қилиб кўрсатишимиш мумкин.

Р.Сангировнинг “Ватан тарихи”, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” ва “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанларини ривожлантиришга кўшаётган ҳиссаси алоҳида эътиборга молиқдир.

Олим фан йўлида изланаётган истеъодди ёшларнинг севимли устози, раҳнамоси ҳамdir. Р.Сангиров раҳбарлигига 2 та фан доктори, 4 та фан номзоди ва кўплаб олий маълумотли

мутахассислар тайёрланганлиги ҳам буни тўла тасдиқлади.

Устоз республикамизда педагог кадрлар, шунингдек, кишлек ва сув хўжалиги учун етук, баркамол мутахассисларни тайёрлашдек маъсулиятли жараёнга ўзининг ҳиссасини кўшиб келаётган камтарин олимлардан бири ҳисобланади. У ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида илмий нарий ва услубий ишларга катта эътибор бериб келмоқда.

Р.Сангировнинг илмий-тадқикот йўналишига ҳос жиҳатларидан яна бири миллий истиқлол гояси ва мафкурасининг жамият ривожланишида тутаётган ролини ўрганишга багишлиланган ишларидир. “Ўзбекситонда демократик жамиятни қуришда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўрни”, “Маънавият ва маърифатнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни”, “Кишиларнинг саломлашиш, сўрашиш ва кўришиш маданияти ҳакида фикрлар-мулоҳазалар” каби кўплаб рисолаларида, “Миллий гоя” ўкув қўлланмасида, “Истиқлол гояси – тараққиётимиз омили”, “Миллий истиқлол гоясини ёшлар онгига сингдиришнинг воситалари: натижা ва муаммолар” каби илмий мақолаларида илгари сурилган фикр ва хulosалар ёшларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ўзига ҳос аҳамиятга эга бўлмоқда.

Р.Сангиров 80 тадан зиёд илмий ва илмий-услубий ишлар, жумладан 5 та монография, 3 та ўкув қўлланмаси, 10 та услубий қўлланма муаллифи. Олим илмий фаолияти давомида 10 га якин хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган конференцияларда илмий маърузалар қилган. Ҳозирги кунларда профессор Р.Сангиров “Ирригация ва мелиорация тизимининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи” мавзусидаги монографияни яқунлаш арафасида турибди.

Бугун устознинг узок йиллик муаллимлик, мураббийлик, олимлик фаолиятларига шогирдлик меҳри, хурмат ва эҳтироми билан яна бир бор нигоҳ ташлар эканмиз, илму-маърифатни кадрлаб, кўп ҳикматлар битган улуғ бобомиз Фаридуддин Атторнинг

*Аё, бир зарра илминг бўлса ҳам гар,  
Амал этмоқ анга кўп марта афзal,*  
деган байтлари беихтиёр ёдимизга келади. Боиси шундаки, ана шу машаққатли йўлни танлаган Равшан Сангиров бутун умри бўйи қунт билан эгаллаган илмiga амал қилиб, унинг ниҳоятда каттиқ, аммо, ҳалол нонини еб, республикамиз илм ахли ўтасида муносиб ўрин, обрў-эътибор топди. У юзлаб шогирдларнинг бошини силаб илм-фан сир-асрорларини сабру-қаноат билан ўрганишга, тўплаган билимини эл-юрт тараққиётига сарф этишга ундаф келаётган фидойи инсонлардан биридир.

**Н.ОБЛОМУРОДОВ,**  
*тарих фанлари доктори, профессор*

# ИЛМ ИЗЛАБ, ЗИЁ УЛАШИБ

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, таникли олим ва мураббий Паридун Шукурович Ибрагимовнинг таваллуд топганига 60 йил тўлди.

П.Ибрагимов 1959 йил 16 июнда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида таваллуд топган. 1976 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкент кишлоқ хўжалик институти (хозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг Агрономия факультетига ўқишига кирди. Институтни 1981 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, ўйлланма билан Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтига келди ва иш фаолиятини Йингичка толали навлар селекцияси лабораториясида кичик илмий ходимликдан бошлиди. 1982 йилда шу институтининг аспирантура бўлимига ўқишига кириб, тинимизиз изланишлари натижалари асосида 1986 йилда номзодлик диссертациясини муввафқиятли химоя килди.

Ёш олим шу тариқа Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтидаги кичик илмий ходим, кейинчалик катта илмий ходим, лаборатория мудири бўлиб ишлади.

Кўп йиллик илмий изланишлари натижасида 2003 йилда у «Fўза селекцион жараёнини такомилластириша турли хил чатиштиришларнинг самараси» мавзусида докторлик диссертациясини химоя килди ва унга 2012 йилда профессор унвони берилди.

Fўза селекцияси ва уруғчилигига популляциялар таҳдидини ишлаб чиқиши бўйича етакчи олим ўз илмий асарлари, тарбиялаган шогирдлари билан нафакат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам кенг танилган. Олимнинг илмий тадқиқотлари натижалари бўйича эълон қилинган маколалари нафакат МДҲ давлатлари, балки чет эл олимлари томонидан ҳам катта қизиқишилар уйғотиб, улардан баъзилари таржима килиниб, Хиндистон, АҚШ, مصر, Сурғина ва бошқа давлатларда чоп этилган. У ташланган илмий ўйналиши бўйича ўз мактабини яратди ва эришилган натижаларини мустаҳкамлаш ўйлида самарали меҳнат килмоқда.

П.Ибрагимов 1998–2005 йилларда Ўзбекистон Fўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Бош директори вазифасида муввафқиятли фаолият кўрсатди. Бу ишда у ўзини лаёкатли раҳбар ва фан ташкилотчиси сифатида намоён этиб, институтда макбул илмий ижодий иш мухитини ташкил қилишга эришид. Айниска, Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иклим шароитларига мос, юкори ҳосилли, эргапишар, касалликка ва экстремал шароитларга бардошли, юкори тола чикимини таъминлайдиган, чигити серёғ, ўрга ва ингичка толали Fўза навларини яратиш ва жорий этиш бўйича катта ишлар килди.

Олим илмий ишларининг кўламини кенгайтишга алоҳида аҳамият қаратди. Ўша йиллари институтда янги бўлим ва лабораториялар ташкил этилди. Раҳбарлик даврида институт олимлари томонидан яратилган Fўза навларининг экин майдонлари 600 минг гектарга кенгайди.

П.Ибрагимов ёш мутахассис ва олимларни тарбиялаш, уларнинг малакасини ошириш ишига алоҳида аҳамият берди. Институтда инглиз тили курсини ташкил килди. Ходимларига мақбул иш шароитларини яратиб бериш, уларни химоялаш ишларига ҳам катта эътибор берди. Вилоятлардан келган ёш олимларга қуалайлик яратиш максадида ўй-жой билан таъминланди.

Олим хориждаги конференция, симпозиумларда шогирдлари ҳамда мутахассислар билан биргалиқда маъruzalar bilan иштирок этган. У мустакиллик йилларида Республика Фан ва технологиялар Маркази томонидан эълон қилинган танловларда голиб топилиб,

бир нечта лойиҳаларга раҳбарлик ва бир катор махаллий ҳамда хорижий лойиҳаларга маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

П.Ибрагимовнинг илмий фаолияти кенг киррали бўлиб, гўза генетикаси, селекцияси ва мутагенез ўйналишларини камраб олади. Олимнинг соҳа муаммоларини ҳал этишига бағишланган 250 га якин назарий ва илмий-оммабоп маколалари, жумладан, 8 та монография, 4 та тавсиянома ва риссолалари чоп этилган. Унинг муаллиф ва ҳаммуаллифигида С-2609, С-2610, С-2612, «Султон», С-6575, «Жарқўғон», С-6541, «Чимбой-5018», «Дўстлик-2» ҳамда ингичка толали «Сурхон-14», «Сурхон-9», «Сурхон-7» каби гўза навлари яратилган. Ушбу навлар саноатбон ҳамда сермой (19-23%) бўлиб, тола чиқими 36-40%, сифати эса I, IV ва V тип талабларига тўлиқ жавоб беради.

табиатан шогирдпарвар бўлган олим илмий фаолияти давомида 9 нафар фан номзодлари, 1 нафар фан докторларини тайёрлади.

У кўп йиллар буён ЎзФАНИНГ Ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошидаги, кейинчалик Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошидаги ихтиослашган илмий кенгашни аъзоси сифатида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Хозирги вақтда ҳам устоз Тошкент давлат аграр университети хузуридаги илмий кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси, ПСУЕАИТИ институти илмий кенгаш аъзоси ва услубий кенгаш раис ўринбосари, катта илмий-ходим изланувчилар институтига кирувчиларнинг кириш имтиҳони ва мутахассислик бўйича малакавий имтиҳонларида аззо ва раис сифатида фаол иштирок этиб келмоқда.

Професор П.Ш.Ибрагимов ўзига билдирилган ишончни ҳамиша қадрлаб, унга ўтга масъулитият билан ёндошиб келади ва уни оқлаш учун вакт билан, колаверса саломатлик билан ҳам хисоблашмай меҳнат килмоқда. Оддий кичик илмий ходимликдан лаборатория мудири, бош директор лавозимларигача кўтарилди ва шу даврда у ўзининг йирик тадқиқотчилигини, ишбилармонлигини, жамоанинг ташвиши ва эҳтиёжлари билан яшашини амалда кўрсатди. Хозирги кунда ҳам устозни иш столи устида, олинган маълумотларни таҳлил қилиш жараёниди, тажриба далаларида, вегетацион майдончада тажрибалар билан танишиш жараёниди, шунинг билан бирга Республикалини изланишларни бериш жараёниди, кўриш мумкин. Адолатли, тўғри ва бир сўзли инсон, ёшларга меҳрибон мураббий, забардаст истеъододли олим Паридун Шукурович Ибрагимов ўзининг 60 ёшини ижодий гайрати барқ урган ҳолда, бундан кейин ҳам мустақил Ўзбекистонда биология ва қишлоқ хўжалик фанларининг долзарб ўйналишларини ривожлантиришга ўзининг салмоқли хиссасини кўшишга каттий аҳд килган холда кутиб олмоқда.

Паридун Шукурович беш нафар фарзанднинг отаси, 6 нафар неваранинг бобоси. Фарзандлари тиббиёт ва саноат соҳаларида турли лавозимларида ишлаб, Республикалини ривожланишига ўз хиссаларини кўшиб келмоқда.

Чукур билим ва юксак тажриба соҳиби, забардаст олим, ёшларнинг талабчан ва меҳрибон мураббийиси, профессор П.Ш.Ибрагимовга мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. У кишининг илм соҳасида яна ҳам улкан чўккиларни забт этишига чин дилдан тилақдошмиз.

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти жамоаси*

